

84(54)  
X-71

НАБИЖОН ҲОШИМОВ

МАРДОН

сағузашт  
роман

ТАБИА


II  
ҚИСМ



## **Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

**Ilgarigi berilmalar miqdori \_\_\_\_\_**

--	--




Набижон ҲОШИМОВ

# МАРЖОН ТАБИБ

II қисм  
*Саргузашт роман*



Тошкент  
“IJOD-PRESS”  
2017



УЎК:821.512.133-31

КБК:84(5Ў)7

Х 71

**Хошимов, Набижон**

Маржон табиб: саргузашт роман / Иккинчи қисм.  
Н.Хошимов, -Т.: IJOD-PRESS, 2017, 288 бет.

УЎК:821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

Халқимизда “Жон омон бўлса, умид ўлчайди”, “Ўлимдан бошқа ҳар нарсанинг чораси бор” деган доно иборалар мавжуд. Муалиф мазкур асарида ана шу ҳикматларни гўё ўзига шиор қилиб олгандай олга интиглади. Асардаги Маржон табиб образи одамларнинг неча асрлик орзу-умидларини амалга ошира олувчи халқ қаҳрамони бўлиб, “Дард меҳмон – тана қўргон“ эканини амалда исботлай билади.

Аммо унинг тадқиқотларини, амалий тажрибаларини, даволаш муолажаларини шифокор маслаҳатисиз асло такрорлаш мумкин эмаслигини эслатиб ўтмоқчимиз. Чунки ёзувчининг хаёлоти ва бадиий тўқималари амалий тиббиёт қоидаларига мос келмаслиги мумкин. Жумладан, муалифнинг мазкур асардан асосий мақсади бир инсон тақдиди ва муҳаббат тарихини баён қилишдан иборатdir.

### **Тақризчилар:**

**Абдукаюм Йўлдошев** – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

**Фулом Фатхиддин** – Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмаси аъзоси  
**Анвар Раджапов** – Олий тоифали шифокор

ISBN: 978-9943-994-52-2

© Набижон Хошимов

© “IJOD-PRESS” нашириёти, 2017

# I БОБ

## ТАБИАТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Тоғларда баҳор таровати киши дилига ўзгача завқ багишлайды. Қорли чўққилар, ёнбағирлаб кетган даралар гүёки ётган ола сигирнинг жуссасини эслатади. Қор эриган жойларда яшил майсалар аста бўй чўзмоқда. Мовий осмонда қушлар тўп-тўп чуғурлашади. Бир жуфт бургут ҳар доимгидек сокин парвоз қиласди. Дараҳту буталар куртаклаган, тоғ олчалари қийғос гуллаган, ҳавонинг мусаффолигидан дил қувонади, табиат жамолидан кўз яйрайди.

Дилором гўдаги билан то тоғ даралари бағрига кириб келгунига қадар Дилмурод ва Шокир овчи Маржон табибнинг ҳақиқий шогирдларига айланиб қолишиди. Улар деярли бирга овқатланишар, ов қилишар, гиёҳлар теришарди. Устоз ҳар бир ҳаракат, ҳар бир ўсимлик, дов-дараҳт, бутаю маъданлар, ора-орада ўз бошидан кечирғанлари ҳақида сўзлаб чарчамасди. Узоқ йиллар худди ёлғизликда гунг бўлиб юргану, бирдан сабрли, баҳсга чанқоқ тингловчиларни топиб олганидан яйраб кетиб, гаплари булоқ каби отилиб чиқаверар, бу ҳолатдан ўзи ҳам завқ олар, жавоблари самимий эди. Шогирдлари бўлса ўзларини гўё илми толиблар каби тутишарди.

Сурувини яйловга ёйиб қўйган Дилмурод одатдагидек тепаликдаги булоқ ёнига пўстакларни ёзиб жой қиласди. Шокир овчи овлаб келган тустовуқни тозалаб, ўрва масаллиқларини тайёрлаш билан овора. Маржон табиб бўлса осма қозон тагига олов ёқар, улар одатдагидек ҳамжиҳатликда тушликка ҳозирлик кўришарди.

— Ҳа, фасл алмашаяпти, эҳтиёт бўлиш керак, — деб қўйди табиб теварак-атрофга бир нигоҳ ташлаб оларкан.

— Нега энди, устоз? — сўради овчи.

— Билсангиз, фасл алмашаётгандан эски дардлар қўзғайди. Айниқса, баҳор ўз вақтида келмаса, бу ҳам бир дардга сабаб бўлади.

- Буни нимадан деб ўйлайсиз?
- Қишдан тана ҳолсизланиб чиқади. Баъзи одамларнинг камқувватлиги сезилиб қолади.
- Унда нима қилиш керак?
- Нима қилардингиз, дарров ҳув анави ялпиз, отқулоқ, жағ-жағ, исмалоқ, шивитлардан териб келиб манави шўрвага ташлайсиз-да... Буни доимо истеъмол қилиб юриш керак. Кўкатларда витаминалар мўл бўлади.

Овчи севиниб кетди.

- Э бўлди, гап йўқ, отахон.

Шокир жилға бўйидаги эндиғина барг ёза бошлаган кўкатлардан завқ билан теришга тушди.

Шу маҳал Дилмурод келиб қолди ва таомга солинаётган кўкатларни кўрдию “Эҳ-ҳе, ҳалим пишираяпсизларми, дейман-а?” – дея кулиб қўйди.

– Ҳалим бўлса қанийди. Сумалак ундан-да афзal, – деб қўйди табиб.

– Яхши-ку, лекин уларни тайёрлаш жа мушкул-да.

– Шунақа. Лекин инсонга бир йиллик қувватни беради. Аждодларимиз шунинг учун ҳам ҳар баҳор бундай емакларни канда қилишмаган.

– Афсуски, бу қўлимиздан келмайди-да.

– Нега энди?

– Бунинг учун аввало буғдой керак. Уни ундириш керак.

– Кейин аёл кишининг ҳам қўли керак, – дея қўшиб қўйди Шокир.

– Йўқ. Аслида сабр-тоқат керак. Биз эркакларда шу нарса етишмайди, – деб қўйди Дилмурод кулиб.

– Ўтинни-ку ёриб берармидик, – деди Шокир.

– Ҳа, майли. Эҳтимол, Дилмуроднинг аёли келиб қолар. Менда буғдой дони бор, – деди табиб.

– Ун ҳам керак.

– Тошдан ясалган қўлбола тегирмоним ҳам бор.

– Э, сизга гап йўқ, отахон. Бутун бошли “очил дастурхон”сиз-да.

– Ҳа энди “Бир товуққа ҳам сув керак, ҳам дон” деганларидек, аста-аста йиғаверганман-да. Тегирмонни бўлса, ўзим тошни йўниб ясаганман.

— Донни шу ерга эксак ҳам бўлар? — деди Дилмурод чойни дамларкан.

— Албатта. Лекин анави очофат қўй-эчкиларингиздан сўраб кўринг-чи, нима дейишаркин?

— Ҳим-м, демак, майдонни ўраш керак бўлади.

— Ҳа, албатта.

— Буни эплаш мумкин, — деб қўйди Дилмурод ўйчан.

— Ана майдонга экинглар, ўранглар. Уруғлиги мендан бўлсин. Нима дедингиз, Шокирбой?

— Э йўқ. Мендан деҳқон чиқмайди. Кейин бу ернинг айифу кийиклари, ҳар хил кемирувчи жониворлари кўп. Кушлар ҳам осмондан тек қараб туришмас.

— Демак, экиб бўлмайди денглар? — сўради Дилмурод афсусланиб.

— Таваккал қилиб озроқ экиб кўринг. Ёнига капа тикиб ётиб оласиз-да, қўриқлайсиз.

— Майли, ўйлаб кўраман.

— Улуғ ҳакимларимиз баҳор маҳали кўз толиқса ёки хира тортса чиройли манзараларга боқиб, мовий осмон, зилол сувларга тикилиб ўтиришни маслаҳат беришган. Айниқса, тепаликка чиқиб тонгги қуёшнинг чиқиши кузатилса, нури кўзларга қуввату шифо берармиш.

— Э-э, қойил, устоз, — деб қўйди Дилмурод ва яйраб кетиб, “Эҳ-ҳе-ҳеј!” дея қоялар томон қийқириб қўйди.

Дилмуроднинг хотираси тўлиқ тикланган, кайфияти чоғ эди. У халқ табобатини ўрганишга ва бунинг учун устознинг этагини маҳкам тутишга аҳд қилганди. Шу туфайли ҳужрасига кириб бир дафтар ва қалам олиб чиқди. Бу билан устозининг айтганларини ёзиб бормоқчи эканлигини маълум қилди. Устоз уни тушуниб сўради:

— “Дард меҳмон — тана қўргон” деганлар. Хўш, Дилмуроджон, сизни нималар қизиқтиради?

— Тумов, — деди Дилмурод дабдурустдан. — Одамлар шу касалликдан кўп азият чекишади-да.

— Яхши, — деди мўйсафид салмоқланиб. — Бунинг учун ҳароратни туширувчи, терлатувчи, кейин оғриқсизлантирувчи дорилар керак бўлади-да.

— Ҳа-ҳа, — деди Дилмурод тез-тез оқ қофозни қоралаб оларкан.

— Тумовга қарши хўжагат, тоғолча, қулупнай, малинадан тайёрланган мурабболи чойлар ичиш керак. Кейин ялпиз, арпабодиён уруғи, жамбил, наъматак меваларидан ҳам дамлама тайёрлаб ичилаверади.

— Аралашмасими?

— Э, йўқ. Қай бири қўлингизда бўлса ўшани-да. Хўш, кейин қовун, турп, қизил лавлагидан шарбат қилиб ичиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси тумовга қарши яхши даво бўлади.

— Ҳим-м, тушунарли. Кўпчилик одамлар қон босими ортишидан шикоят қилишади. Бунга қарши нималарни тавсия қиласиз, устоз?

— Аввало, қон босими ортишига сабаб нима экани аниқлаб олинса яхши бўлади. Бу нарса асосан асаб бузилишдан, кейин бўлиб ўтган ёмон ишларни эслаб руҳан эзилишдан пайдо бўлади. Қон босимини тушириш учун ҳув анави дўлана, кейин лимонни чой қилиб ичиш мумкин. Чилонжийда ҳам яхши даво. Агар саримсоқпиёздан спиртли тиндирма қилиб бир чой қошиқдан уч маҳал ичиб турилса, кейин кўкатли чучвара ёки сомса еб турилса борми, қон босими асло кўтарилилмайди.

— Антибиотик дорилар-чи?

— Уларни кўп ичиб бўлмайди. Жигарга зиёни бор. Мен айтган гиёҳлар бўлса безарар, табиий неъматлар.

— Кейин йўтал деган дард ҳам кўп учрайди-да, — деди Шокир суҳбатга қўшилиб.

— Бунинг учун, аввало балғамни кўчириш лозим бўлади. Мана, манави баргзуб баргидан дамлама қилиш мумкин, — деди мўйсафид ва илдизсимон шаклли япроқларини ёя бошлаган ўсимликни юлиб олиб кўрсатди. — Кейин турпни асал билан омихта қилиб, ёки бўлмаса, арпабодиён уруғи, ҳув анави яшнаб турган тоғрайҳон, шолғом, гулхайри илдизларидан дамлама тайёрлаб ичиш мумкин. Беҳининг орасига думба ёғи ёки асал солиб димлаб ейилсаям яхши натижা беради.

— Ҳалиги тинчлантирувчи воситалар дегани-чи? — сўради Дилмурод.

Маржон табиб қийғос гуллаган тоғолча томон ишора қилди.

— Олча, район, эрмондан дамлама тайёрлаб ичиб туриш керак. Кейин селдирнинг шарбатиям яхши тинчлантиради, — деди мўйсафид самимий кулиб.

— Бизбопиям бордир? — сўради Шокир ҳазилнамо.

— Ҳа, бор. Ўша селдир илдизининг дамламаси-да, — деди табиб ҳозиржавоблик билан уни тушуниб. — Иннайкейин, андиз илдизининг дамламасиям яхши. Тоза асалдан кўпроқ енг, хўпми? Ҳом тухумнинг сарифига озгина мўмиё аралаштириб ичиб турсангиз аёлингиз, албатта сиздан хурсанд бўлади.

Шокир келиб табибнинг қулофига аста шивирлади.

— Шу десангиз, мени, ҳалиги нима дейди, бавосил деган дард сал қийнайди-да.

— Э-ҳа, шуни вақтлироқ айтмайсизми? Аллақачон ўзим тузатиб қўярдим-ку.

— Ҳалиям кечмасдир, отахон.

Дилмурод ҳам эшитдию, эшитмаганга олиб, мийифида кулиб қўйди.

Табиб шивирлаганнамо деди:

— Чувалчангни териб, уни эзғилайсиз, сўнг ўрик мағзи ёғига аралаштириб суртиб юраверасиз, тушундингизми?

— Эҳ-ҳе, мағизнинг ёғини олишни айтинг.

— Бўлмаса тўнғизнинг суягини кул қилиб, майдалаб сепиб юра қолинг.

— Уҳ-уҳ, бунисиям анча мушкул-ку.

— Бўлмаса гўнг қўнғизни биласиз-а?

— Ҳа. Ҳалиги, қатта, ўзи қоп-қора...

— Ўлманг. Ўшани зайдун ёғида қовуриб суртиб юраверинг, вассалом, — деди табиб энди атайин овозини баландлатган бўлиб.

— Буниси сал дуруст экан. Лекин сал анави, нима дейди, овчибопроғи йўқмикин-а?

— Бор. Бўрининг илик суягини закари билан бирга куйдириб, майдалаб туйиб суртиб юраверинг.

Дилмурод дафтариға тез-тез ёзиб оларкан, мийифида табассум акс этар, юзида ҳам мамнуният сезилиб турарди.

— Энди буниси сал ўхшади. Ҳим-м, янайм осонроқ, чиройлироқ нима буюрасиз, отахон? — сўради овчи бетоқат бўлиб.

Табиб овчининг эзмаланишидан бир оз ранжиб, пешонасини тириштириди. Шокирни фақат жониворлар қизиқтираётгани табиий эди. Шу маҳал табибининг кузи ўтлар орасида ўрмалаб ўтиб бораётган сўхтаси совуқ бир қора илонга тушди ва хаёлига келган фикрдан қувониб кетди.

— Топдим! — деди у тўсатдан. — Илоннинг пўстини куйдириб турунига тутиб ўтирасиз, бу бир, иккинчидан, илон пўстидан туйиб уни арпа унига аралаштириб, хамир қилиб, кумоч қилиб пишириб еб юрасиз, бу икки. Қалай, энди бўладими?

— Э, бўлади, отахон. Бор экансиз-ку, — дея мўйсафидни қучоқлаб олди овчи ва сўради, — унда муолажани қачон бошласам бўлади?

— Ҳозироқ, — деди табиб ва ўрнидан сакраб туриб илоннинг ортидан чопиб борди-да, уни бўйнидан тутиб олиб, саланглатиб олиб келди.

Шогирдларнинг оғизлари ланг очилиб қолди ва қўрқиб нари қочишиди.

Мўйсафид илонни ушлаган жойи томон отди ва “Ҳа, жонивор-а” деб кулиб қўйди.

— Келинглар, мавзуни сал ўзгартирайлик. Жа майдалашиб кетдик шекилли, — деди мўйсафид.

— Унда касалликнинг асл келиб чиқиш сабаблари тўғрисида гапириб бера қолинг, — деди Дилмурод.

“Ҳим-м, яхши” дея табиб бир оз ўйланиб олгач, сўз бошлади:

— “Дардни яширанг, иситмаси ошкор қиласи”, дейдилар. Билсанглар, танада қамалиб-тиқилиб қоладиган, кейин инсонга зиён етказадиган нарсалар ўн хил бўлади, —

деди мўйсафид қўллари билан ишора қилиб ва бармоғи билан шошилмай санай кетди. – Бу кўпирган қон, қўзғалган шаҳват уруғи, сийдик, катта ҳожат, қориндаги дам, қусқи, аксани ташқарига чиқара олмаслик, уйқу, очлик ва яна ташналикини қондирмаслик. Агар мана шу ўнтадан бирортаси танада ушланиб, тутилиб қолса, демакки, бирор дард – касаллик келиб чиқади. Яна шуни унутмангларки, овқатланиш тартибиға риоя қилган киши бир умр касалликка чалинмайди.

– Одамнинг мизожини қанақа қилиб билиш мумкин?  
– деб сўради Дилмурод дафтардан бошини кўтармай.

– Ибн Сино бобомиз айтишларича, инсон тўртта ҳўл хилтдан доимо тозаланиб туриши керак экан. Булар тер, сийдик, нажас ва уруғлик суви. Шулар мунтазам ташқарига чиқиб турса Яратганинг ўзи асрайди. Энди мизож масаласига келсак. Аввало, бу инсон танасидаги тўрт суюқликка қараб ажратилади. Яъни сафро – қуруқ-иссиқ, савдо – қуруқ-совуқ, қон – ҳўл-иссиқ, балғам – ҳўл-совуқ бўлади. Қон мизожли одамлар кўпроқ серэт, юзлари қизил, хушфеъл, қувноқ, бағрикенг, ўзлари соғлом ва кучли бўлишади.

– Менинг мизожим қанақа? – дабдурустдан сўраб қолди Шокир.

– Сиз сафромизожлисиз. Мана рангингиз буғдойранг, юзингиз гўштсиз, ўзингиз қотма ориқсиз. Кейин юрагингиз тор, серзарда, жонсараксиз.

– Тўғри, милтиғимни доим қучоқлаб ётаман. Қўрқоқ бўлсам керак-да

Улар кулиб олишди.

– Йўқ. Милтиқни қучоқлаб ётишингиз қиласиган ишингизга алоқадорликдан ва одатга айланганликдан бўлса керак. Бу балғам мизожлиларга хос. Сиз, аксинча, серҳаракат, ботирсиз. Мана манави кишини, – деди у Дилмуродга қараб – балғам мизожли деса бўлади. Чунки юзи оқ тусли, таналари этли, ўтириб-туриши оғир, унча-мунчага ғам чекмайди. Лекин ўзи қўрқмас, мард. Умуман қорни катта одамларнинг ҳаммаси балғам мизожли бўлишади.

— Э-ҳе, бу жуда қизиқ-ку, — деб қўйди овчи.

Маржон табиб шу маҳал ўнг қўлини кутариб беш бармоғини кўрсатди.

— Билсангизлар, беш омил касалликка чалинишга олиб келади: бу шамоллаш, нотўғри овқатланиш, уйқу меъёрининг бузулиши, камҳаракатлилик, иннайкейин, асабийлик.

— Ҳалиги ароқ ичиш, нос-сигарета чекиш-чи?

— Булар олтинчиси.

Дилмурод бир акса уриб олди.

— Ана, ҳаққас рост.

— Шамоллабман шекилли, — деб қўйди Дилмурод рўмолчаси билан бурнини ишқаб оларкан.

— Жуда тўғри. Шамоллаш ҳам икки хил бўлади. Биринчиси, ҳавонинг кескин совиб ёки исиб кетиши натижасида, иккинчиси ейиладиган овқатнинг иссиқ ёки совуқлигига қараб ички муҳит таъсирида. Хўш, сизда-чи, нима бўлди?

— Ҳали тепаликдан терлаб тушиб келиб муздай булоқ сувидан ичиб олувдим.

— Ана. Оддий сабаб. Сувни ҳар вақт бир оз ҳалқумда ушлаб туриб сўнг ютишингиз керак эди. Ҳеч гапмас, тезда даволанишингиз мумкин. Бунинг учун пиёзни қирғичдан ўтказасиз, кейин устига энгашиб оғизбурун орқали галма-гал нафас олиб ичингизга чуқур-чуқур тортаверасиз. Бу муолажани эрталаб ва кечқурун такрорлайверсангиз, тамом, кўрмагандай бўлиб кетасиз.

— Ие, осон экан-ку, — деди Шокир. — Унда шу ерларга пиёз ҳам экишимиз керак, шекилли?

— Албатта. Бу ерда инсон яшаганидан кейин пиёз ҳам, саримсоқ, ошқовоқ, помидор, картошкама етиштириш зарур бўлади. Чунки “Отим ориқ, бозорим узоқ, боролмайман” деганлар.

— Қалампир ҳам экиш керакдир?

— Ҳа. Қалампир жудаям фойдали неъмат. Айниқса, уни тўғраб, баъзан чой ўрнида дамлаб ичсангиз ички шамоллашларингизга фойдаси бор.

- Яньи қиздиради демоқчисиз-да-а?
- Масалан, мен Тибетда, кейин Ҳиндистон шимолида кўрганман. Тоғлик, совуқ бўлсаям баъзи камбағал аёллар болаларини ялангоёқ олиб юришади. Лекин ҳечам касалликка чалинишмайди. Кейин билсан улар қалампирларни бир тоғорачага қайнатиб қўйишаркан. Сўнг оила аъзолари унга оёқларини ботириб-ботириб, кўчага чиқиб кетаверишаркан.
- Ўҳ-ҳӯ, Дилмуроджон, жа бизбоп усул эканми-а?
- Э, бу тошларда ялангоёқ юриб бўлармиди?
- Бўлади, — деди табиб жиддий. — Тошлар оёғингиз кафтини уқалайди, қалампир қиздиради. Натижада нима бўлади?
- Кон юради, оёқ қизийди.
- Ҳа, ўлманг! Тана аъзоларининг жуда кўп асаб нуқталари оёқ кафтида жойлашганидан хабарингиз бордир?
- Бор, албатта.
- Оёқни иссиқ тутсангиз бутун тана яйрайди. Бекорга аждодларимиз сандалда ўтиришмаган. Шунинг учун “Бошинг музда бўлсин, оёғинг оловда” деган халқ гапи бор.
- Ҳа, — дея Шокир ҳам гап қистириб, кулиб қўйди, — “Бошинг совуқда бўлса миянг яхши ишлайди. Кейин пул топишнинг осон йўлларини ахтариб қолади” дейишади.
- Э қойил! — деб қўйди Дилмурод. — Дўхтирлар ҳам оёққа иссиқ ванна буюришади-ку.
- Ҳа. Ўша ванналарга исириқ, ёнғоқ барги, хуллас, касаллик турига қараб гиёҳли қайнатмалар аралаштириб қўйсангизсизгашамоллашнингэпкиниям яқинлашмайди. Демак, ёз ойларида, тошлар қизиган маҳали ялангоёқ юриш, чўмилиб, қуёшда яхшилаб тобланиш керак. Қишида бўлса оёққа гиёҳли ванналар қабул қилиб, сандалда тобланиб ётишга не етсин.
- Хўп, устоз, — деди Дилмурод ва бир энтикиб олиб ёдига тушган бир фикрни сўзлай кетди. — Эсимда, мениям болалигим қишида, асосан, сандалда ўтган. Отам

раҳматли ўчоққа ўрик ўтин ёқардилар. Овқат ҳам, чой ҳам шу ерда қайнарди. Кейин чўғини олиб сандал кулига кўмиб қўярдилар. Энди билсам бу ҳам бир муолажа эканда-а?

— Албатта, — деб қўйди табиб кулиб. — Мен ҳозир ҳам қишида сандални канда қилмайман. Корейслар, хитойликлар бўлса, биздан фарқли, аввало полни иситиш чорасини кўришади. Бу ҳам ўзига хос муолажа. Лекин барибир яланг оёқ юришда гап кўп. Мисол учун ҳозир нима кўп — сунъий матодан тикилган кийимлар кўп. Уларни кийиб юрганингиз сайин, биласизларми, ўзидан нима чиқаради? — Кутилмаганда сўраб қолди мўйсафиid.

— Ҳим-м, чанг, — деб қўйди Шокир шошилиб.

— Йўқ. Электр заряди. Бармоғингиз баъзида металл буюмга тегиб кетса ток ургандай бўлади, тўгрими? Бу ишқаланиш натижасида пайдо бўлади.

— Тўгри, — деди Дилмурод.

— Демак, нима қилиш керак?

Шогирдлар бир-бирларига қараб жим қолишиди.

— Мактабда физика деган фани ўқиганмисизлар ўзи?

— Ҳа, лекин кийим?..

— Хуллас, кийимингизда ҳосил бўлган электр зарядлари танангизга йиғилади. Агар ялангоёқ юрсангиз улар ерга ўтиб кетади. Буни “заземление”, яъни ерга ўтказиш дейилади. Ҳе, ўқимаганлар, — деб қўйди табиб норози оҳангда.

— Нима, танада заряд тўпланиб қолса буниям бирор зиёни борми?

— Ҳа-да. Тананинг умумий ҳолатига зарари бор. Масалан, одамнинг баъзан юраги сиқилади, кайфияти ёмонлашади, руҳан тушкунликка тушиб боши оғриб қолади. Агар шундай пайтда пойабзални шарт ечиб ташлаб, ялангоёқ юриб келинса, олам гулистон. Зарядлар ерга ўтиб кетиб, тана яна ўз мўтадил ҳолатига қайтади.

— Ҳа, қизиқ экан, — деб қўйди Шокир овчи. — Энди мениям доим ялангоёқ юрганим бўлсин.

— Умуман, инсон ўз танасини ҳар вақт чиниқтириб

бориши керак. Шунда танаси ҳар хил касалликларга қарши бемалол кураша олади. Кейин дори тайёрлашда ҳар бир бемор учун алоҳида ёндашиш керак бўлади. Чунки беморларнинг ёши, вазни, қон гуруҳи, мизожи турлича бўлади-да. Э, келинглар-е, мавзуни ўзгартирайлик. Шокирвой, овдан гапиринг, овдан.

— Хўп бўлади, отахон, — деди овчи ва чаққонлик билан косаларни олиб овқат суза бошлади.

Дилмурод гиёҳли чойдан қуйиб узатди. Сўнгра учовлари дастурхон атрофида давра қуришди.

— Сиз овлаб келган сассиқ попушак ҳарҳолда жўрангизга ёрдам бераяпти, чамамда, — деди мўйсафид Дилмуродга ишора қилиб. — Бугун болалигида сандалда ўтирганиният эслаб қолдими?

— Ҳа, — деди Шокир кулиб. — Кеча мен нима овқат еганим эсимда йўгу, бу киши бўлса болалигида ўрик ўтинда қайнаган чойни эслаяпти.

— Паришонхотирликни, фаромушликни даф қилиш учун бу киши яна бир таомни ҳам доим еб туриши керак бўлади, — деди табиб косадаги таомни қўлига оларкан.

— Қанақа? Дарров пишириб берамиз-ла.

— Бунинг иложи йўқ.

— Нима, мени отолмайди, деб ўйлайсизми, отахон?

— Э йўқ. У ҳайвон эмас, оддий бақлажон.

— Шунақа демайсизми? Ўзингда йўқ, оламда йўқ.

— Лекин менда қуритилгани бор. У беор сабзавот совуққа ҳам чидамли бўлади.

— Ўша айтган таомингиз қандай тайёрланади? — сўради Дилмурод.

— Бешта ўртача пиёз, бешта картошка, ўнта бақлажонни оласиз. Бақлажонларни тўртга бўлиб ёғда қовурасиз. Кейин устидан бир пиёла қайноқ сув қуйиб димлаб қўясиз. Доим шу таомдан еб юрсангиз болалигинизда еган хўrozқанднинг рангиниям бемалол эслайдиган бўласиз.

— Вой-бў! Жуда осон экан-ку, гўшт ҳам керакмасми?

— Хоҳласангиз, гўштлисиям бор, — деб қўйди табиб

таомдан бир ҳўплаб оларкан. — Масалан, бир оз қўй гўштидан олинади. Уни арпабодиён, ошқовоқ, хом нўхат ва ловиянинг пўстлоғи билан қовуриб ейиш мумкин. Бу овқат мияга қувват бўлади.

— Яхши, буниям боплаймиз, — деб қўйди Шокир ҳам ва “бисмиллоҳ” деб овқат тановул қилишга тутинди.

— Айтмоқчи, ёдимга тушди. Яна хотирани тиклаш, зеҳнни ўткирлаштириш учун какликнинг сафросидан ҳар ойда бир маротаба бурунга томизиб турилсаям яхши бўлади.

— Э, бормисиз, отахон. Каклик керак бўлса ҳар куни тутиб келаман.

— Унда жўрангизнинг мияси ўткирлашиб, олим бўлиб, бу ерлардан кетиб қолмайдими?

— Кетсаям нимадан олим бўлганини хотирасидан чиқармай сайраб юрса кераг-ов.

Улар гуриллаб қулиб олишди-да, таомни хушкайфиятлик билан тановул қилишди. Шу маҳал бир эшакнинг ҳанграгани эшитилди. Шокир ҳазил-мутойибани давом этирмоқقا ҷоғланди ҷоғи, эҳтимол, табибни мот қилмоқ учунми, атайин яна саволга тутди.

— Айтинг-чи, отахон, “Эшакнинг кучи ҳалолу ўзи ҳаром” дейишади. Лекин шу бечора, камсуқум, “борига шукур” деб, одамларга беминнат хизмат қилиб, сайру сафо билан умр кўрадиган жониворниям бирор дорилик жойи бормикин?

— Албатта, бор-да, — деди табиб оғзидағи луқмани яхшилаб чайнаркан.

— Масалан?

— Масалан, сочингиз тўкилиб кал бўлаётган бўлсангиз зайдун ёғи билан унинг миясини қориштириб боғлаб юринг. Сочингиз чиқиб кетади.

Шокир табибининг гапини ҳазилга йўйди.

— Қаеримга?

— Каллангизга-да.

Шокир бу ҳолни тасаввур қилиб қўлинни силтади. У сўраганидан пушаймондек эди. Аммо табиб энди чиндан “ҳужум”га ўтган кўринарди.

— Мушакларингиз совуқ таъсирида тортишиб оғриса туёғини күйдириб талқон қилиб боғлаб юринг, зўр бўлади!

— Ҳа. Буниси сал дурустроққа ўхшайди.

Табиб мuloҳазасини давом эттириди:

— Ўша туёғини күйдираётганда тутунига тобланиб турилса, биласизми, нима бўлади?

Шокир “Э, йўқ. Нимаям бўларди?” дея кулиб қўйди.

— Э, яшанг, отахон, шунақасидан гапиринг, — деди Дилмурод ҳам завқланиб.

— Нима бўлади? — қайта сўради Шокир.

— Аёлларнинг туфиши осон кечади.

Шокир билан Дилмурод қўлларидағи емакни ушлаганларича бир фурсат қотиб қолишиди. Ниҳоят тушуниб етишди шекилли, шарақлаб кулиб юборишиди.

— Мен таслимман, енгилдим, отахон! Бу табобатдаям асия бўлишини энди билдим.

— Табиатда даво бўлмайдиган жонзотнинг ўзи йўқ,

— деди табиб, — Лекин мен ҳозир асия қилмаяпман, жиддий айтаяпман.

— Лекин мен туғишни осонлаштириш учун илон пўстини күйдириб, тутунига тутилади деб эшитгандим,

— деди Дилмурод мuloҳазани давом эттириб.

— Э келинглар, шу аёлларни тинч қўйинглар-е... Яхшиси, мен сизларга даволаш билан боғлиқ бошимдан ўтказган бир воқеани гапириб берай, — деди мўйсафид.

— Э, майли-майли, устоз.

— Полвонларни биласизлар-а?

— Ҳа, албатта. Ахир, улар эл суйган қаҳрамонлар-ку.

— Яшанг. Билсангизлар уларда “ҳалоллик” деган тушунча муҳим аҳамият касб этади. Лекин шу десанглар фирром полвонлар ҳам учраб тураркан.

— Ие, ростдан-а?

— Ҳа. Бир пайтлар bemорларимни овлаб Боғдод деган жойга бориб қолувдим. У ерда тумонат халқ йифилган, фарғонача кураш бўлаётган экан. Маза қилиб томоша қилдим. Бир пайт энг оғир вазнли Ҳошим полвон дегани билан Абдували полвон деганлари ўртага чиқиб олиб,

қўлларини рақибининг қийигига чувалаштириб олганича тураверишди, тураверишди, бир-бирини кўтариб уришга ҳеч пайт топишолмай бир жойда айланаверишди. Ҳошим полвон дегани ёшроқ, сабрлироқ, лекин бақувватроқقا ўхшарди. Абдували дегани жizzакироқ экан. Унинг тоқати-тоқ бўлдими, асабийлаша бошлади. Кўрдики, рақибига кучи етмайди. Кейин ғирромликка ўтди. У бир пайт жон-жаҳди билан эшилган шойи қийиқни ўзига эмас, тана бўйлаб тепага тортди. Шундай қаттиқ тортдики, Ҳошим полвоннинг орқа териси йиртилиб кетиб курагига тамон тўпланиб қолса бўладими. Орқаси қип-қизил гўшт...

Дилмурод билан Шокир бу ҳолатни кўз олдиларига келтириб “Воҳ!” деб юборишиди. Табиб “Чойдан қуйинг” дегандай пиёлага ишора қилди. Шокир тез чой қуяркан “Кейин-чи, Ҳошим полвон енгилдими?” дея шоша-пиша сўради.

— Йўқ, — деди мўйсафид чойни бир хўплаб оларкан.— Ўйин тўхтатилди. Танаффус эълон қилинди. Териси шилингган полвоннинг елкасига сочиқни ташлаб олиб кириб кетишиди.

— Оғримадимикин-а? — сўради Дилмурод шоша-пиша.

— Оғрийди-да, албатта. Лекин Ҳошим полвон халқ олдида миқ этмай ўзини мардонавор тутди. Абдували қўлини белига тираганича туриб қолаверди. Мен ҳам хавотир олиб Ҳошим полвоннинг кетидан чопдим. Чунки бирор тиббий ёрдам керак деб ҳисобладим. Бирор “Тез ёрдам” чақиринглар деди. “Унда енгилган бўлади” деди бошқа бир киши. Полвонни сўрига чалқанча ётқизиб устига оқ чойшаб ташлаб қўйишиди. Чойшабда қон излари пайдо бўлди. Шунда ҳакамлик қилаётган киши “Бу ердан ҳамманглар чиқинглар, полвон дам олсин!” деб қичқирди. “Нима, у енгилдими?!” деган овозлар эшитилди.

Шунда калламга бир фикр келиб қолди. Бу ерда мени деярли ҳеч ким танимасди. Негадир Ҳошим полвоннинг енгилишини хоҳламадим. Уни даволаб яна курашни давом эттиришни истардим. Ҳошим полвон қўлларини

муштлаб ғазаб ўтида ёнарди. Кейин мен ўзимни ҳакамга танишириб, мусобақани вақтинча тўхтатиш кераклигини ва полвонни даволашим мумкинлигини айтдим.

- Қанча вақт керак бўлади? — деб сўради ҳакам.
- Бир ой, — дедим мен тахминан чамалаб.
- Ўҳ-ҳў, бунинг иложи йўқ. Ундан кўра халқни илҳақ қилмай енгилганини эълон қила қолайлик.

Шу маҳал полвон алам билан бақирди:

- Йўқ. Мен уни албатта енгардим. У фирромлик қилди! Полвоннинг бу аламли хитобидан янада таъсирландим.
- Ахир тушунинг, чемпионат тугашига бир ҳафта қолди, холос, — деди ҳакам.
- Абдували полвон фирмомлик билан енгсаям сиз уни қўллайсизми? — деб сўрадим.
- Мен ҳам ҳаллолик тарафдориман, — деди ҳакам.

Хошим полвон ҳам “У билан ҳалол курашга чиқаман!” деб яна хитоб қилди. Шунда мен “Бўпти, бир ҳафта муддат беринглар. Полвонни даволайман, ишонинглар”, дедим.

Шундан сўнг ҳакам кимлар биландир маслаҳатлашиб олгани чиқиб кетди. Мен полвоннинг жароҳатини кўздан кечирдим ва терини зудлик билан тикиш чорасини кўриш кераклигини англадим.

— Хошимжон, сиз ҳеч қайтурманг, ҳамма иш жойида, терингиз битиб кетади, — дедим. У бўлса “Сиздан илтимос, отаҳон. Қўлингиздан келса мени даволанг. Мен курашни давом эттириб бу ярамас фирмомни албатта енгишим керак! Бўлмаса мен эркак эмасман”, деди. Ана шунаقا гаплар... — дея табиб бир оз тин олди.

Дилмурод бетоқатланди.

— Кейин нима бўлди? Сиз уни чиндан ҳам даволадингизми?

- Ҳа.
- Қандай қилиб?
- Ҳакам тўпланган оломонга қараб “Хозиргина” бизга хабар келди! Бир яқин одамимиз ~~жанозасига~~ боришимиз зарур бўп қолди. Сизлардан

ур қурамиз. Мусобақа яна бир ҳафтадан кейин қолган жойидан давом этади!" деб эълон қилди.

Ҳошим полвон ва дўстларининг ҳамма умиди мендан эди. Уни машинага ўтқизиб уйига олиб кетдик. Қишлоқда бир шифокор йигит бор экан. Уни топиб келиб полвоннинг орқасини ювиб тикирдим. Мен унга ўзимнинг ҳарбий шифокор бўлганимни айтдим. У айтганларимни беками-кўст бажарди. Лекин бир ҳафта жуда қисқа муддат эди. Нима қилиш кераклиги ҳақида бошим қотди. Шунда уй эгаси бизни тушликка таклиф қилди. Янги қўй сўйган экан, шўрва билан сийлади. Шунда бошимга ажойиб бир фикр келиб қолди: янги сўйилган қўй терисини полвоннинг орқасига ўраб ётқизиб қўйиш ва терини ҳар куни янгилаб туриш керак эди. Бу шилинган тери тўқималарининг тез битишига ёрдам беради. Аммо тикилган жойига куч келса яна сиртилиб кетиши мумкин. Мен бу ҳақида полвоннинг ўзига айтдим. "Терингизни тиклаб бера оламан, лекин кураш тушишингиз мумкин эмас", дедим. У "Майли, сизнинг вазифангиз мени даволаш. Менинг тузиб қўйган ўз режам бор" деб жавоб берди.

Табиб чойдан бир ҳўплаб олди.

— Кейин у ҳақиқатдан ҳам тузалдими? — бетоқат сўради Шокир.

— Ҳа. Билсак қишлоқ бўйича қассоблар ҳар куни иккита қўй сўйишаркан. Улардан янги қўй териларини олиб келиб беришларини илтимос қилдим ва ҳар куни иккита терини янгилаб, полвоннинг орқасига ёпиб туравердим. Натижаси ёмон бўлмади. Тери битиб кетди. Лекин полвонга гап йўқ. Чидади. Қимир этмади. Бор аламини ёстиқдан олди, бечора.

— Мусобақага қатнаша олдими кейин?

— Мен унинг ярасини яхшилаб боғлаб, устидан яна қўшимча белни маҳкам тутиш учун ўраладиган боғлам билан ўрадим. Сўнг яна полвонни огоҳлантирдим. "Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Агар қон чиққудек бўлса "Тез ёрдам" чақирамиз. Наилож, енгилаверасиз", дедим.

У бўлса “Хотиржам бўлинг, табиб ота. Ҳаммаси жойида бўлади” деб айтди. Кейин кураш майдонига шашт билан чиқиб келди.

Абдували полвон кутмаган экан. Ҳангуманг бўлиб қолди. Сўнг истар-истамай ўртага чиқди. Ҳошим полвоннинг ярадор бўлгани ҳақида хабардор бўлганлар хавотир олиши, унга ачинишди.

Оломон курашни жим бўлиб кузатди. Икки полвон яна беллашишга тушиши. Ҳошим полвон кутилмагандан Абдувалининг қовурғалари четидан тирсаги билан сиқа бошлади. Шундай қисдики, Абдували полвон оғриққа чидаёлмай кўзлари олайиб бақириб юборди ва қўллари шалвираб қолди. Аммо Ҳошим полвон жон-жаҳди билан қисишида давом этди. Абдували полвон “Енгилдим!” дегандек қўлини аранг кўтарди. Ҳакам ўйинни тўхтатди.

Ҳошим полвон рақибини қўйиб юборганди, Абдували ерга юзтубан йиқилди ва “Енгдинг, Ҳошим!” деб бақирди. Уни шу алфозда кўтариб олиб чиқиб кетиши. Мен энди бу полвоннинг ортидан чопдим. У қовурғасини силаб “дод” демоқда эди. Ушлаб кўрсам икки томондаги ён қовурғалари ичкарига қайрилиб ўпкасини қисиб қолибди. Нафас олишиям оғир, қон тупурмоқда эди. Табиб бўлганим учун ҳаммалари нажот сўрай бошлашди. “Тез ёрдам” ҳам чақириши. Мен “Майли, тинчлантирувчи уколь қилиб шифохонага ётқизаверишсин, бирор чорасини ўйлаб топарман”, дедим. Енгилган полвонни шифохонага ётқизиши.

Мен яна абдаста олиб келишларини тайинладим.

- Абдастани нима қиласиз? – сўради овчи қизиқиб.
- Бемор полвонни даволаш учун-да.
- Қандай қилиб?
- Бемор уни пуфлайверади. Пуфлагани сайин ўпка букилган қовурғага тирагиб аста-секинлик билан уни ўз холига келтиради.
- Офарин! – деб қўйди Шокир. – Демак, осонгина тузатиб қўйибсиз-да-а?
- Э, қаёқда. Полвон тоза азоб торти. Уни пуфлагани

сайин қовурғасидаги оғриғи кучаяверди. Ўзиям бақириб додлайверди. Шифохонадагилар безор бўлишди. Сўнг уни уйига олиб кетишди. Мен уни “Тўхтамай пуфлайверинг, йўқса ўпкангиз чирий бошлайди” деб қўрқитдим. Бечора икки ҳафтагача қийналди. Битта пуфлайди, битта бақиради. Охири қовурғалари жойига тушиб ўзига келиб қолди. Кейин тан олиб бошқа гирромлик қилмасликка сўз берди. Мана шунаقا. Полвонларни даволайман деб Боғдодда бир ой қолиб кетдим. Лекин ёмон бўлмади. Ўшанда бошқа жуда кўп bemорларниям даволадим.

— Эҳ-ҳе, сизга гап йўқ, устоз. Демак, ҳалоллик учун ҳам анча хизмат қилган экансиз-да-а?

— Мен Ҳошим полвоннинг гурури, шаънини сақлаб қолдим. У аслида гирромлик устидан ғолиб бўлди.

— Лекин қовурғани қисиш тақиқланган усул-ку?!

— Қийиқни тери бўйлаб сидириш ҳам. Шуни билингки, “Адоват эмас,adolat енгади” деган гап бор.

Қизғин суҳбат, баҳслардан ҳатто қоя тошлар ҳам ҳайрат ила қотиб туришар, оқаётган булоқ жилғаси бўлса шодланиб жилдирамоқда эди.

\* \* \*

Чақалоқнинг ташрифи тоғларга ўзгача файз олиб келди. Гўё янги туғилган, ўзларига тенгдош, тез орада уларни оралаб чопиб юрадиган ўртоқлари келганидай бўй чўзаётган яшил майсалару янги куртак ёяётган буталар ҳам яйраб тебранишар, янги туғилган қўзичоқлар маърашиб ирғишлишарди. Қоя оралиқларда, дарахтзорларда тухумидан эндиғина чиқиб келган палапонларнинг чийилдоқ овозларидан гўё она-табиат ҳам завқланмоқда эди. Баҳор ана шундай тароватини кўз-кўз қилган кунларнинг бирида гўдагини кўтариб Дилором билан от-эшакларни етаклаб олган Худойдод пайдо бўлишди.

Дилором эрининг хотираси тикланганидан ҳали бехабар эди. “У ишқилиб боласини қўлига олармикин, уни танирмикин?!” деган ташвишда паришон келарди.

Аммо аёлнинг қўзичноқлардан бирини кўтариб турган эрига кўзи тушдию, ўзида йўқ қувониб кетди. Унинг ёнида бир мўйсафид туради. Таниди. Бу ўша машҳур Маржон табиб эди.

— Вой! Эрим тузалганга ўхшайди-ку! Қаранг, ака! Ахир, бу Маржон табиб-ку! — дея ҳаяжон билан қичқирди аёл.

— Эҳ, хайрият! Минг хавотирда эдим-а, — леб қўйди чўпон ҳам.

— Худойимга шукр, Дилмурод ака!!!

Дилмурод ялт этиб қаради ва қўлидаги қўзичноқни қўйиб юбориб аёли томон чопиб кетди.

— Эҳтиёт бўлинг, дадаси, йиқилиб тушманг тағин! — дея қичқирди аёл.

— Эҳ-ҳе, кимларни кўраяпман. Хуш келибсизлар! — деди Дилмурод хурсанд бўлиб.

У аввал дўсти билан қучоқ очиб саломлашди. Сўнгра Дилором билан кўришиб йўргаклаб қўйилган гўдакни оҳиста қўлига олди. Оғир, синовли кунларда түфилган гўдак унинг учун мўъжизадек кўринарди.

Кўп ўтмай мўйсафид табиб ҳам этиб келиб хурсандчиликларига шерик бўлди. У ҳам Дилоромни таниди.

— Эҳ-ҳе, ўзимнинг эски қадрдонларим-ку, — деди у ва гўдакни қўлига олди. — Ҳа. Пешонаси кенг экан. Ҳали зўр бола бўлади бу, — дея болани алқаб қўйди.

Гўдак уни тушундими, бифиллаган овоз чиқарди.

— Исми нима? — сўради табиб.

— Ҳали қўйилмаган.

— Энди ўзингиз қўйиб берасиз-да, устоз, — деди Дилмурод хурсандлигидан бир энтикиб олиб.

— Э, шунақами? Қани кўзларига қарайлик-чи, бўлмаса... Ўҳ-ҳў, кўзида бургутни кўраяпман-ку, — деди у ва нигоҳини осмонга қаратди.

Бир бургут сокин парвоз қиласарди.

— Келинглар, исмини Бургутали қўямиз.

— Бўлди, Бургутали бўла қолсин! — деди Дилмурод ҳам севиниб.

Эрининг тузалиб қолганини кўрган Дилором ўзида йўқ шод эди. Унинг хотирасини тиклайман деб қилган уринишлари ёдига тушиб йиғлаб юборди ва “Раҳмат сизга, ота!” дея мўйсафиднинг елкасидан олиб ташаккур билдириди.

— Арзимайди. Битта исм қўйиш экану. Бургутали энди мениям ўғлим бўлади. Фарзандим йўқ, — деди чол ва унинг ҳам кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди ва йиғламсираб қўшиб қўйди: — Мен гўдагимни ҳалиям тополганим йўқ...

Аёл эрига ялт этиб қараб қўйди. Ва ўзларича унинг дардини тушунишиди.

Мўйсафид гўдакни онасига қайтариб тутқазаркан қулоғига “Фақат чап томонингиз билан эмизинг, хўпми?” — дея оҳиста шипшиб қўйди.

Бу гапни Дилмурод эшитмади. Бу пайтда у дўсти Шокирни чорлаб, қувончларига шерик бўлишини истаб теварак-атрофга алангламоқда эди. Сўнgra “Хой, Шокирбой!” деб ҳам чақирди. Овози тоғу тошларда жаранглаган акс-садо берди.

— Эримнинг бундан хабари йўқ, — деб қўйди аёл ҳам табиб қулоғига сирли шивирлаб.

— Айтганларимни қилдингизми?

— Ҳа.

— Ҳеч гапмас, тузалиб кетасиз.

— Раҳмат, — деб қўйди Дилором қувониб. — Фақат хўжайнинг айтманг, илтимос.

— Хўп бўлади, қизим, — деди табиб.

Мўйсафид гўдакни Дилмуродга узатди ва дуога қўл очди:

— Қани омин! Шу болага Бургутали деб исм бердик. Исми-жисмидек баҳодир ва доно йигит бўлсин. Отанаасига, эл-юртига садоқатли фарзанд бўлсин. Худойим уни ўз паноҳида асрасин, оллоҳу акбар! Қани юринглар, ё тўғри меникига бораверамизми-а?

— Э, йўқ. Аввал кошонамииздан хабар олайлик, — деди Дилором.

— Болага совуқлик қилмасмикин?

Аёл болани эркалатди.

— “Раҳмат, бобожон”, деб қўйинг. Иссикқина бешигимизни олиб келганмиз-а?

— Ҳа, яхши. Ҳой Дилмуроджон! Ичкаридаги ўчиққа тез олов ёқиб юборсинлар-чи, қани!

Дилмурод гор ҳужраси томон тез чопиб кетди.

Худойдод кичик карвондан олиб келган нарсаларни туширади. Унда керакли қуруқ озуқалар, иссиқ кийим-бош, гўдак учун бешик, янги кўрпа-тўшак, целлофан плёнка ўрами, бир брезент чодир, полос, идиш-товоқлар ва экиш учун хар хил уруғликлар, ҳаттоқи, катакда бир хўрозу беш товуқ ҳам бор эди.

Буларни кўриб Маржон табиб қувониб кетди.

— Эҳ-ҳе, яшаворинг, қизим. Ақлингизга қойил! Товуқларни қаранглар, қандай ажойиб! Товуқнинг гўштиям, тухумию пўчогиям дори. Лекин уларни тулкилардан эҳтиёт қиласизлар-да.

— Деҳқончилик учун асбоблар ҳам ола келдик, — деди Худойдод сопсиз кетмон, белкурак, болта ва метин солинган халтани таранглатиб ерга қўяркан. Унинг ичида ўроқлар ва паншаха ҳам бор эди.

— Жуда улуғ иш қилибсизлар-да. Биз айнан шу ерда деҳқончилик қилиш ҳақида бугун Дилмуроджон билан ерларни айланиб, кўриб келгандик. Гиёҳлар ўз йўлига, лекин сабзавотларнинг ўрни бошқа.

— Ҳа, шунинг учун уруғликлар ҳам ола келдик-да, — деди Худойдод тўла иккита халтани ҳам эшакдан тушириб оларкан.

— Саримсоқ уруғи эсдан чиқмадими, ишқилиб? Кўкатлар-чи?

— Ҳаммасидан олдик. Ярим қоп картошка уруғи ҳам бор.

— Дуруст-дуруст. Ошқовоқ-чи?

— Олдик. Ҳуллас, помидор, бодринг, шолғому турп, сабзию пиёз, келин бола ҳатто, гул уруғларидан ҳам бир талай олволдилар.

— Нима, тоққа гул экарканми? Бу ер ўзи гулнинг кони-ку.

- Тўғри. Лекин райҳону жамбилини қаердан топасиз?
- Шу маҳал ичкаридан Дилмурод чиқиб келди.
- Дилмуроджон, ана энди деҳқончилик қилсангиз бўлади. Эртадан енг шимириб ерларни экишга тайёрлайверасиз.
- Хўп бўлади, устоз. Унда энди бозор-ўчар қилмас эканмиз-да.
- Албатта. Бунинг учун анча-мунча меҳнат қилишларингга тўғри келади. Кўрқманг, мен ҳам қўлимдан келганича ёрдам қиласман. Қишиғамини ейишимиз керак.
- Ўзимиз эплаймиз, устоз.
- Шу маҳал ичкаридан гўдакнинг йиғлаган овози эшитилди. Нимадир ёдига тушган чоғи, мўйсафид тунд бўлиб қолди. Чуқур хўрсишиб қўйди. Дилмурод унинг бу ҳолатини кузатаркан, савол беришга журъат қилди. Бу пайтда Худойдод жониворларни қўра ичкарисига олиб кириб жойламоқда эди.
- Сиздан бир нима сўрасам майлими, устоз?
- Сўрай қолинг...
- Ҳали “Гўдагимни тополмадим” дегандай гап қилдингиз?..
- Ҳа. Агар омон бўлса бу дунёда менинг бир зурриёдим бўлиши керак. Худо уни ўз паноҳида асраган бўлса, ҳаёт деб умид қиласман. Қиз бола эди у. Фордан эмаклаб чиқиб кетиб қайтиб келмаган экан. Эҳтимол, қайтгандир, аммо...
- У ҳаёт бўлса, демак, неча ёшда бўлади?
- Тахминан эллик беш ёшларда.
- Демак, каттароқ ёшли аёлни қидираётган экансиз-да-а?
- Ҳа. Шунаقا.
- Лекин у кишини қандай танийсиз?
- Кўзларидан. Кейин юрагим ҳис қиласа керак деб ўйлайман.
- Ҳозир у бола-чақали бўл кетгандир. Демак, невараларингиз ҳам бор.
- Илоҳим. Шунинг учун мен одамлар орасида кўпроқ бўлишим керак. Мен даволаётган bemor аёллар орасида қизимнинг учраб қолишига ишонаман.

- Аёлингизнинг бирор сурати борми?
- Ҳа, бор эди. Бир дона. Лекин фор ичидаги каламушлар еб кетишганми, йўқотиб қўйганман.
- Уни қидириб кўриш керак. Шунда қизингизни топиш осон бўларди.
- Ҳа, тўғри.
- Бўлмаса ғорингиз ичини бир тартибга солайлик, чиқиб қолар.
- Ҳай, майли. Тозаламаганимгаям анча вақт бўлди. Кўргансиз, эшиги тор. Кўрпа-тўшагу пўстакларни офтобга бир ёйиш зарур. Шунда ғуборлари кетади.
- Сиз болага қараб турсангиз, Дилором иккимиз бу ишни боплаймиз.
- Яхши, келишдик. Меҳмонлар учун бирор яхши таом тайёрлайлик. Йўлдан чарчаб келишган, дам олишин.
- Албатта. Ҳов ана, Шокиржон ҳам келаяпти, — деди Дилмурод қоялар оралаб бир нимани судраб келаётган овчига ишора қилиб.

Овчининг кўзи узоқдан Худойдодга тушган чоғи “Э-ҳеҳей!” дея хурсандлик билан қийқириб қўйди. У бу сафар тўнғиз овлабди. Унинг оёғига боғланган арқон билан аранг судраб келар, жонивор типирчилаб гоҳо чийиллаган овоз чиқариб қўярди. Овчи милтиқсиз бўлгани учун уни бирор ўра тузоққа илинтириб олган кўринарди.

— Эҳ-ҳе, мана бугун кабобхўрлик қиласканмиз! — дея хурсанд бўлди Дилмурод.

— Лекин бу жониворнинг гўштини кўп еб бўлмайди, — деб қўйди табиб ота.

— Нега энди?

— Биринчидан, бўғинларда оғриқ пайдо қилиши мумкин. Иккинчидан, инсон ақлини заифлаштиради. Кўрқманг, бунга қарши чора ҳам бор.

Хурсандчилигига путур етган Дилмурод шоша-пиша “Қанақа чора?” деб сўради.

— Бунинг гўштини тановул қилинганидан кейин шакарми, қандми еб олиш, ёки бир оз шароб ичиш керак бўлади.

- Э, шунақа демайсизми. Йўли осон экан-ку.
- Кейин бунинг оёқ сүяклари, ошигини олиб қўясизлар. Суягини эзғилаб, ун қилиб, шу унни асалга қориб, хамири боғланса оқ доғларини кетказади. Айниқса, тузланмаган ички ёғини эзиб эшитмайдиган қулоққа томизилса эшитадиган бўлади.
- Ўҳ-ҳў, Шокирвой. Билиб-билмай гирт тирик дорихонани судраб келибсиз-ку-а?
- Шунақа эканми? Ўзи фойдали бўлмаган жонивор бўлмаса керак-а, отахон?
- Албатта. Бу тўнғизнинг суюги билан ёғига етадиган дори йўқ.

Шокир билан Худойдод қучоқлашиб кўришиши. Ичкаридан Дилором гўдагини ухлатиб чиқиб келди.

- Ўҳ-ҳў, кимни кўраяпман?
- Бизлар иккитамиз. Ўғлимиз Бургуталиям шу ерда.
- Шокир ҳайрон бўлди. Дилоромнинг юкли экани ёдидан кўтарилиган эди.
- Эҳ-ҳа! Бургутали. Яхши исм экан. Биз бўлмаса Бургутали билан баланд қояларга бирга чиқамиз. Ўзим унга ов қилишни ўргатаман. Чақиринг уни. Чиқиб тўнғизни томоша қилсин.
- У... ухляяпти, — деб қўйди Дилором кулиб.
- Ие. Чарчаган-да. Ҳай майли, ўзим уни бир кўриб қўяйин-чи, — деди ва Шокир овчи фор ичига кириб кетди. Ортига шодланиб қайтиб чиқиб келди. — Ёпирай! Муборак бўлсин, янга, ошна! Узр, мен Бургутали десанглар бирор ўн ёшли йигитчани тасаввур қилибман.

Ҳаммалари кулиб олишиди ва хурсандчилик кайфиятида булоқ ёнидаги супага дастурхон ёзиши. Тоғликлар уйда тайёрлаб келган қатлама ва ошқовоқ сомсани паққос тушириши. Дилором йўлда айниб қолмасин деб гўштли сомса қилмаганиш.

- Тўғри қилибсиз, қизим. Гўштни ҳар куни еб юрибмиз,
- деди табиб тўнғизга ишора қилиб. — Инсонда оқсил жуда кўпайиб кетсаям яхши эмас. Бир мамлакатнинг подшоси ўлимга ҳукм қилинганларга факат гўштни

қайнатиб бераверишга фармон берибди. Гүштдан бошқа нарса емаган одамда оқсил моддаси меъёридан ошиб кетгани учун йигирма кундан сўнг фиринг демай ўларкан.

— Ўҳ-ҳӯ, — деб қўйди Шокир ҳайрон бўлиб. — Биз ҳеч нима бўлмаймиз-ку.

— Ҳа. Сиз озодликдасиз. Кейин гүштнинг қуруқ ўзини тановул қиласкермайсиз. Унга туз сепасиз, ҳар хил кўкатлар қўшасиз.

— Картошка, пиёз, дегандек, — дея қўшиб қўйди Худойлод.

— Кейин нон билан ейсиз, тўғрими?

— Ҳа.

— Лекин у қамоқдагиларга қайнатилган гүштдан бошқа ҳеч вақо берилмаган. Ҳаттоки туз ҳам.

— Бўлди, тушунарли. Демак, таомга қўшилган бошқа нарсалар уни фойдали емакка айлантирас экан-да.

— Ўлманг! Яъни таомни ҳазм қиласди.

— Демак, ўша подшо бу ҳақда билган.

— Ҳа. Одамларнинг кўзига гўё ўзини маҳбусларга меҳрибон қилиб кўрсатиб ҳалқ ҳурматини қозонган экан. Лекин аслида-чи?..

— Ўша, подшога буни ким ўргатган экан-а? — сўради Шокир аччиқланиб.

— Албатта бирор табиб-да, — деб қўйди мўйсафид хотиржам. — У аввало ҳибсхона бошлигини даволаган, кейин айтган бўлиши керак. Ҳибсхона бошлиги бўлса, бу гапни подшоҳга етказган. Карабсизларки, жаллод бечоранинг иш ўрни қисқартирилган, ойлик маоши ғазнага қолган.

**Шокир самимий кулиб қўйди.**

— Ажойибсиз-да, отахон! Ҳикоянгиз жа қизиқ экан.

— Демакки, кабоб тайёрлашдан аввал, гүштни тузу ҳар хил кўкатларга аралаштиринглар. Айниқса, уксус билан юмшатинг, сели чиқсин, ялпиз ҳам кўп бўлсин. Кейин пишгач, албатта, пиёз билан, узоқ чайнаб енглар. Шифо бўлади, — деб қўйди мўйсафид бир оз оқ оралаган соқолини мамнун силаб оларкан.

Маржон табиб кечки нонуштадан сўнг Шокирни ўз маконига олиб кетди. Худойдод бўлса қўра ёнидаги арча тагига палатка тикиб, шу ерда тунайдиган бўлди.

— Мен ҳам энди эртага қишлоғимга жўнайверсам бўлар-а, нима дейсиз, отахон? — деди овчи тепалик томон чиқиб боришаркан. — Бу ёғи ҳисобот ҳам беролмадим. “Ўрмончи” деган вазифадаман, ахир. Ҳозир ўрнимда ўғлим Шавкатжон турибди.

— Э-ҳа. Майли-майли. Лекин кетишингиздан аввал менинг бир илтимосимни бажариб кетсангиз.

— Жоним билан. Нима керак эди?

— Тошбақа.

— Ие. Бу ерларда учрамайди-ку.

— Бор. Шаршара тепасида.

— Нечта керак?

— Камида иккита. Кўпроқ бўлса яна яхши.

— Уни нима қилмоқчисиз ёки у ҳам хотирани тиклайдими?

— Йўқ. Бошланган саратонни қуритади.

Шокир ажабланди.

— Нима? Ким саратон бўлибди?

— Фақат ҳеч кимга айтмасликка сўз берсангиз, айтаман.

— Э, отахон. Мени хафа қиласпиз, — дея эътиroz билдириди овчи.

— Хўп. У Дилмуроднинг аёли.

Шокир тўхтаб тахтадек қотиб қолди.

— Нима?!

— Эшитганингиз. Гап шу ерда қолсин. Дилмурод бу ҳақида билмаслиги керак. Аёли қаттиқ илтимос қилди.

Шокирнинг кайфияти тушиб кетди ва “Эҳ-ҳе” дея ачиниб қўйди.

— Мен Дилоромнинг астмаси бор деб эшитгандим.

Шунинг учун ҳам тоғ ҳавосида яшаши керак дейишуви.

— Астмаси йўқ бу аёлнинг.

— Каердан билдингиз, отахон?

— Нафас олишидан, — деб қўйди табиб гапни чўзиб ўтирумай.

- Оббо, энди бу дард ёпишибдими?
- Ҳа. Даволамасак бўлмайди.
- Нима, шунчалик оғирми?
- Шунга зудлик билан тошбақа зарур-да.
- Ҳим-м, дейлик тошбақа топилмаса-чи?
- Унда ўн беш дона сув қурбақасидан тутиб келасиз.
- Ўҳ-ӯҳ, кўк қурбақа! Ҳечам бунақа ов қилмагандим.
- Умуман, Шокиржон менга жуда кўп қурбақа керак бўлади. Уни кўпайтириш ҳам мумкин. Кейин ичак-чавоғини олиб ташлаб офтобда қуритилганиям бўлаверади. Хўш, эплай оласизми?

Шокир ўйланиб қолди.

- Ўйлаб кўраман. Лекин эплолмасам керак.
- Уйингиздабирҳовузча қилиб боқасиз-да. Болаларингиз қарайверишади. Ҳар бир донасига ҳақ беравераман.

Шокир кулиб қўйди.

- Жа оласиз-да, отахон.
- Йўқ. Мен жиддий айтаяпман. Агар саратонни даволай олмасам уруш йиллари яратган, “Ҳаёт элексири” деб аталган дорини қайтадан тайёрлашимга тўғри келади. Бунинг учун кўп қурбақа керак бўлади.

- Нима, сиз уларни пишириб берасизми?
- Йўқ. Узоқ қайнатаман. Сўнг суюкларни олиб юқори иссиқлик даражасида хокка айлантираман-да, қайнатмага аралаштираман. Кейин яна бошқа қўшиладиган моддалар ҳам кўп.

- Буни илгари тайёрлаб кўрганмисиз?
- Ҳа. Лекин уруш маҳали бунинг таркиби давлат сири ҳисобланган эди. Мен эса шу дорини асириклида тайёрлаб маҳбусларни сил касалидан, ярадорларнинг суюгини чиришдан даволаганман.

- Ўҳ-ӯҳ! Бу жуда қизиқ-ку.
- Немис зобитларини даволаганим-чи? Бу ҳам қизиқдир.
- Йўғ-е!
- Нега ажабланасиз? Билсангиз, ҳар қандай шифокор беморнинг миллати, ирқи, жинси, тутган мавқеи, у жиноятчими, фашистми, ажратмай даволашга мажбур.

— Кейин сизни фашистларни даволаганингиз учун сургун қилишганми?

— Йўқ. Аслида давлат сирини ошкора қилганим учун.

— Бу қандай бўлган эди, айтиб беринг.

— Албатта айтиб бераман. Лекин бир кун ўтган кундагидек давра қуриб гурунглашайлик. Ҳозир кеч бўлди. Кейин кайфиятим яхши эмас. Дилоромнинг бетоблиги мени хавотирга солиб қўйди. Энди бу аёлни даволамагунимча хотиржам бўла олмайман. Керак бўлса “Ҳаёт элексири”ни тайёрлайман. Уни беморларга тарқатаман. Сизларга ҳам ўргатаман.

— “Ҳаёт элексири” қанақа дардларга шифо бўлади ўзи?

— Деярли ҳамма дардларга.

— Йўғ-е?!

— Билсангиз, она-табиат инсонни мукаммал қилиб яратган. Унинг танаси ҳар қандай касалликларга қарши кураша олади. Буни тиббиётда иммунитет, яъни танаҳимоя тизими деб аташади. Агар ана шу тизим бузилса инсон танаси касалликларга қарши кураша олмай қолади. Бу элексир ана шу тизимни, яъни саломатлик қалқонини мустаҳкамлаш учун хизмат қиласди.

Шокир бир харсангтош устига ўтириб қолди ва ажабланиб сўради.

— Гапнинг тўғриси, унчалик тушунолмадим, — деб қўйди.

— Ҳа-я, Дилмурод бўлганида тушунарди, — деди мўйсафид ва ўз шогирди деб билган овчининг бу масалани яхши англаб олиши учун қаршисидаги силлиқ тош устига чўкди. — Мана қаранг, ибн Синонинг бир гапи бор, “Агар чангу гард бўлмаганида эди — инсон минг йил яшарди” деган.

Агар инсоннинг тана ҳимояси бўлмаса, ҳар хил радиация нурларига ва бошқа касалликларга бардош бера олмайди. Мен айтаётган “ҳаёт элексири” инсонда танасидаги ҳалок бўлган ҳужайралар ўрнини тиклаш, ички яралар сиртини ҳимоя қатлами билан қоплаш учун хизмат қиласди. Масалан, қандли диабетни олайлик. Бу

дард ошқозон ости бези инсулин деган моддани ишлаб чиқара олмаслигидан келиб чиқади. “Элексир” ана шу дарз кетган ошқозон ости безининг тўқималарини қайта тиклайди. Буни ўрисчасига “тканотерапия” дейилади. Кейин қарабсизки, инсулин моддасини ишлаб чиқариш яна қайта тикланади. Бемор бутунлай шифо топади.

Шокирнинг қошлари кўтарилиди. Бу ўта ажабланиш аломати эди.

— Қизиқ, — деб қўйди у. — Менинг эшитишимча, қанд касаллигига ҳозирги кунда дунё аҳолисининг деярли ўттиз фоизи дучор бўлган. Нега энди шу қуриб кетгур “элексир”ни қўллашмайди?

— Қўллашган, лекин унинг фойдасини халқقا билдиришмаган.

— Нега?

— Негаки бозорлари касод бўлади-да.

— Тушунмадим.

— Билсангиз, инсон кулфатидан даромад олиш бугунги кунда оддий ҳолга айланиб қолди. Баъзи имонсиз, билимсиз шифокорлару табиблар ўз эътиборларини bemорларни даволашга эмас, унинг киссасидаги пулчақани тортиб олишга қаратишмоқда. Қўйинг, яхшиси, бу ҳақда баҳслашмайлик. Ҳужрамизга борайлик-да, чойни дамлаб, ёнбошлаб бошқа гаплардан гаплашамиз.

— Майли. Тагингиздан совуқ ўтмадими?

— Ҳа. Совуқ тошда кўп ўтириб бўлмайди. Бу эркаклар учун заарли, — деди мўйсафид ўрнидан қўзғаларкан.

— Нима бало, уйланиш ниятингиз борми, дейман-а?

Мўйсафид кулиб юборди.

— Аввал қизимни топай, кейин у бирор момоқаймоқ кампирга совчиликка борар, — деди у ҳазил қилиб

— Э, бўлди-бўлди. Оббо, отахон-е! Лекин мен “Ҳаёт элексири” деган дорингизга жуда қизиқиб қолдим. Энди фақат қурбақа овлаганим бўлсин.

— Йўқ. Сиз уни кўпайтиринг, катта ҳовузлар қилинг, дедим-ку. Менга қолса бақани “инсон халоскори” деб атаган бўлардим. Мана кўрасиз келажак авлодлар,

Эҳтимол, бақага ҳайкал қўйишар ҳали, – деди чол кулиб

– Йўғ-е! Мен қурбақаларни французларнинг ноёб таоми деб юрардим.

– Ҳа, бу бир мўйжиза деса ҳам бўлади.

– Ўҳ-ҳў. Бу ахир академик, профессорларнинг иши-ку.

– Эҳтимол, мен ҳам аллақачон академик бўлармидим,

– деди мўйсафид ўйчан ва жиддий сўзлай кетди: – Лекин менинг ҳаётим, тақдирим ўша элексирни деб бутунлай бошқа томонга ўзгариб кетган. Ўша уруш маҳали асирикка тушиб қолиб, фашистларнинг меҳнат колониясида шу элексирни тайёрламаганимда, яъни НКВДдагилар айтганидек, давлат сирини ошкора қилиб қўймаганимда эди, Сибирга сургун қилинмаган ва ҳозирги кунда севгилим Маржона билан бошқаларга ўхшаб баҳтли-саодатли умргузаронлик қилаётган бўлармидик... Гўдагимиз ҳам йўқолмасми?.. Мен бу ҳақида кўп ўйлайман. Шу пайтга қадар негадир шу элексирга нафрат билан қараб келдим. Лекин ўйлаб қарасам, табиби-шифокор сифатида хато қилаётган эканман. Бўлган ишлар бўлиб ўтди. Умрим поёнлаб бормоқда. Сиз билан биз мана шу элексирни яратиб, халққа тарқата олсак уларнинг танаҳимоялари мустаҳкамланиб, bemорларнинг дардига шифо бўларди. Буни истеъмол қилган одамлар аслида ўз-ўзларини даволайди, умрларига умр қўшади. Бу жуда катта савоб иш.

– Ота! – деб юборди Шокир тўсатдан. – Чиндан ҳам одамлар касал бўлмайдими-а?

– Ҳа. Лекин бу ҳозирча ўттиз турдаги касалликда синалган, холос.

Шокир довдираб қолди.

– Ахир бу...

– Ҳа! – деди мўйсафид жиддий оҳангда фор-уйининг эшигига киришга чоғланаркан. – Инсон иммунитети ошгани учун ҳар қандай дардни ўзи енга оладиган бўлади. Бу дегани шифохоналар бўшаб қолиши мумкин. Дилмуродникига ўхшаган дорихоналар касодга учрайди, айрим кимёвий дорилар сотилмай қолиб кетади. Бу эса

баъзи инсон кулфатидан бизнес қилувчи қаллобларга ёқмайди ва мен билан сизга ўхшаганларни таъқиб қилишни бошлашади!

— Э, қуриб кетсин ўша ҳайвонлар! — дея овчининг жаҳли чиқди.

— Қўйинг, қизишмайлик. Қани, ичкарига марҳамат.

— Йўқ, аввало ўзларидан...

Табиб энкайиб эшик вазифасини бажарувчи ўйиқ ичига эмаклаб кириб кетди. Шокир эса бир қоя тошни жаҳл билан муштлаб қўйди-да, ўзини бир оз босиб олиш учун теварак-атрофга бокди. Негадир нималардир қилгиси, ҳайқириб бақиргиси келарди. Шу тобда қайсикир нотаниш, хаста беморлардан жарақ-жарақ пул ундириш дардига мубтало бўлган баъзи оқ халатли баттоллар унинг кўзига қора тўнғиз каби кўринаётганди.

...Эртаси барвақт уйғонган Шокир шашт билан умрида илк бор қурбақа овига жўнади.

## II БОБ

### ФОРДАГИ МУОЛАЖА

Шокир овчини кузатиб қўйган кекса табиб тўғри Дилмуродларнинг қўраси томон йўл олди. Худойдод сурувини олиб чиқиб кетган, Дилмурод бўлса ер чопарди. Бу ҳолат Дилором билан очиқ-ойдин гаплашиб олиш учун айни муддао эди. Аёл чепакга шириллатиб сигир соғарди. Чақалоқ, чамаси, ухламоқда...

— Ҳорманг, қизим!

Дилором бир чўчиб тушди.

— Вой, ассалому алайкум!

— Воалайкум ассалом, қалайсиз? Кўринишингиз ёмонмас.

— Раҳмат, тоғажон. Сиздан жуда миннатдормиз. Биздан қайтмаса, худодан қайтсин.

— Хабарингиз бордир, хўжайнингизни ўзимга шогирд қилиб олдим.

- Вой шунақами, раҳмат сизга! У киши сиздан жудаям хурсандлар.
- Илоҳим, бахтли-тахтли бўлинглар. Бургутали ўғлим қалай?
- Ухляяпти.
- Майли. Ўйғонсин бир кўриб қўяман. Лекин билсангиз сизнинг дардингиз ҳаловатимни йўқотди. Нима гап ўзи?!
- Ҳа. Айтганингизни қилиб кўк чойдан кўп ичаяпман, анор, помидордан ҳам кўп едим. Лекин энди бу ерда...
- Ҳечқиси йўқ. Ҳали кўрмагандай бўлиб кетасиз. Помидор уруғи олиб келгансиз-а?
- Ҳа. Уч хил навидан опкелдим.
- Ерни тайёрлаб уларни плёнка остига кўчат қилиб қўйинглар. Кейин дарров экинглар, хўпми? Ҳуллас, ҳозирдан бошлаб эчкини соғиб тез-тез ичаверасиз. Билсангиз, эчки сути она сутига яқин туради. Улар тоғиёҳларини териб ейишади, шунинг учун кони фойда. Гўдагингизга ҳам шундан бераверинг. Иложи бўлса эмизмай қўя қолганингиз маъқул.
- Хўп бўлади.
- Кейин саримсоқни эзив, шарбатини ўша безнинг устига суртиб турасиз. Манави қариқиз деган гиёҳнинг гулидан дамлама қилиб ичиб туринг. Фақат уни икки соат дамлаб қўйинг. Кейин кунига бир пиёладан уч-тўрт маҳал ичиб юринг, хўпми? — деди мўйсафид ва қўйнидан бир халтача чиқариб узатди.
- Раҳмат, тоғажон, — деди аёл ва кўзларига ёш келди.
- Ҳўш, бўлмаса бугундан муолажани бошлаймиз-да. Сизни даволамагунимча хотиржам бўлолмайман. Нима қиламиз, менга ишонасизми ўзи?
- Албатта, тоғажон. Сиз, ахир менинг халоскоримсиз-ку.
- Ўша оғриқ жойингизни албатта даволаш керак бўлади.
- Аёлнинг чап томон кўкраги ёнида думалоқ без бўлиб, қорамтири, ажриқсимон томирлар ҳам фирашира кўринарди.

— Эх-хе. Мен айтган муолажаларни яхши бажармабсиз, шекилли, — деб қўйди табиб ташвишли оҳангда. — Қаттиқ оғриб турибдими?

— Ҳа. Баъзан санчиб қолади.

— Ҳим-м, тушунарли. Эрингиз кўрдими?

— Йўқ. Лекин кўриб қолишидан қўрқаяпман.

— Нега?

Аёл пиқиллаб йигелаб юборди.

— Қишлоғимизда бир аёлда шунаقا дард пайдо бўлган экан. Шифоҳонада кесиб ташлашибди. Кейин эри ташлаб кетди...

— Оббо, виждонсиз-ей, — деб қўйди мўйсафид ва аёлга таскин берди. — Қўрқманг қизим. Сиз, худо хоҳласа, яхши бўлиб кетасиз. Фақат айтганимни қилсангиз бўлгани. Эрингиз сезмай ҳам қолади.

— Тоғажон, мени даволанг, илтимос. Бир умр хизматингизда бўламан. У-бу ишларингиз бўлса айтаверинг. Ишдан қочмайман.

— Яхши, қизим. Шу кунларда ҳужрамни бир тартибга келтириб олишим керак. Кейин сизни даволаб яна bemорларим ҳузурига жўнайман. Саратонга чалинган яна икки аёл ва бир эркак бор. Уларники анча мураккаброқ, ўтказиб юборишган. Сизники ҳеч гапмас, энди бошланғич даври экан.

Шу маҳал ичкарида чақалоқ йиғиси эшитилди.

— Вой, ана уйғонди!

— Э-ҳей, полвонни бир кўрайлик-чи, қани! — деди мўйсафид севиниб.

Бешигига чирмаб қўйилган бола “Мени қўйиб юборинглар” дегандай кучаниб, норози бифилларди.

— Қўлинни бўшатиб қўя қолинг.

— Совуққотади-да, — деди аёл.

— Вой ширин бола, совуқотмаймиз-а, — деди отахон гўдакни эркалатиб. — Болани тоғ ҳавосига аста мослаштириб бориш керак. Акс ҳолда тез шамоллайдиган бўлиб қолади. Иложи бўлса кундузлари қўлинни ҳечам

боғламанг, хўпми? Бунинг қорни очган бўлса керак, тез-тез овқатлантиринг. Иложи борича, болага тўйимли овқатлар бериш керак. Неча ойлик бўлди?

— Иккинчи ой-да.

— Аслида олти ойгача она сутидан бошқа овқат бўлмайди. Лекин сизнинг йўриғингиз... Кейин, сутли бўтқа, қайнатилган гўштнинг сувидан, пиширилган мевалардан бераверинг, хўпми?

— Ҳозир нима қилай?

Табиб бир оз ўйланиб қолди ва фикрини айтди:

— Иложи бўлса, эмизмай соғиб ташлайверганингиз маъкул. Шунда ёмон вируслардан тез тозаланасиз. Болани эчки сутига ўргатинг. Янги соғиб ё иситиб бераверинг. Кейин уни тез-тез чўмилтириш керак. Тоза тоғорангиз бордир?

— Ҳа, опкелганман.

— Яхши. Кейин болани эмлаттирдингизми?

— Ҳа. Шолга, қоқшолга, қизамиқ, силга қарши уколларни олдик.

— Яхши. Кейин ҳар ойда боланинг оғирлигини ўлчаб бориш керак. Меъёрни биларсиз?

— Ҳа, биринчи болам эмас-ку.

— Унда сизга омад. Бирор муаммо бўлса айтаверасиз. Шокирни бир дорига юбордим. Сизда синааб кўрамиз. Тузалиб кетасиз.

— Раҳмат, отажон. Илоҳим, баҳтимизга бор бўлинг.

— Айтмоқчи, яна болаларим бор, дедингизми?

— Ҳа. Улар онам билан. Бири ўғил, бири қиз.

— Эҳ-ҳе, унда жуда бой экансиз-ку. Нега уларни ташлаб келдинглар-а?

Дилором нима деярини билолмай довдиради.

— Ҳа энди, улар мактабга боради-да.

— Яхшимас. Ўша болаларингиз ҳозирда ота-она тарбиясига, айниқса ота назоратига муҳтоҷ.

— Бу ерда бирор йил турамиз, холос.

Мўйсафиц аёлнинг кўзларига тикилди ва ниманидир айтгиси келмаётганини ҳис қилди-да, индамай гор-ҳужрани тарқ этди. Ортидан жувон чопиб чиқди.

- Вой, ўтириңг, тоғажон. Нонушта тайёрлаб бераман.
- Раҳмат, қизим. Биз эрталаб Шокирвой билан тамадди қилиб оловдик. Мен Дилмуроднинг ёнига бора қоламан.
- У ер чопаяпти. Кетмонни олиб кетди.
- Чорвага Худойдод қарайаптими?
- Ҳа, шунақа.
- Карам ҳам экинглар. У жудаям фойдали. Айниқса, сиз ҳар куни еб туришингиз керак, — деди мўйсафид ва экинга мўлжаллаб қўйишган ерлар томон йўналди.

Аёл отанинг ортидан ўзгача меҳр ва миннатдорлик туйғуси билан кузатиб қолди.

\* \* \*

Дилмурод хотинининг дарди борлигидан ҳали бехабар эди. У ечиниб олиб шаҳд билан ер чопар, юз-кўзини қуюқ тер қоплаганди.

- Ҳорманг, деҳқон бола!
- Э, бор бўлинг, устоз.
- Ўзингизни кўп уринтирманг. Кейин тоф шароитида бунақа терлаб ишлаб бўлмайди. Эпкини фиппа олади. Тез артениб, кийиниб олинг.
- Майли, — деди Дилмурод ва кўйлагини кийиб, бошига дурра боғлаб олди.
- Ўзи илгари бунақа ишлар қилғанмисиз?
- Йўқ, — дея жавоб берди йигит.
- Эҳ-ҳе, унда ишлар чатоқ-ку.
- Нега энди?
- Бундай қаттиқ ишласангиз, тунда “энангизни кўрасиз”. Бутун танангиз қақшаб оғрийди. Шунинг учун шошилмай, дам олиб, дам олиб ишланг, хўпми? “Меҳнат — йигитнинг кўрки” деганлар.
- Энди ануви Шокир билан Худойдод кетиб қолишса, кейин қийналиб қоламанми, деб...
- Худойдоддан илтимос қиласиз. Бирор ҳафта қарашворади.
- Сиздан бир илтимосим бор эли-да, устоз.

- Бемалол.
- Мен сотиладиган қўй-эчкиларни Ҳудойдод билан бирга бозорга олиб бориб сотиб, ул-бул камчиликларни килиб келсамми, дегандим.
- Яхши. Кartoшка уруғидан яна олиб келинг.
- Шунга сиз бир-икки кун болалардан боҳабар бўлиб турсангиз.
- Қолган чорвага ким қарайди?
- Хотиним бир амаллар. Фақат кечқурун бўрилардан қўрқишиди, шунга.
- Майли. Менинг ҳужрамга бориб тураверишиди. У ер иссиқ. Оқшом чорвангизни қамаб устидан қулфлаб қўяверамиз. Бўладими?
- Бўлади. Раҳмат, устоз.
- Раҳмат билан иш битмайди. Менга ҳам саримсоқ, ошқовоқ, караму кўкатлар экиб берасиз.
- Менинг экканим сизники-да. Ё ҳужрангиз ёнига экиб берайинми?
- Йўқ. Шу ерга. Экинларни барибир ўраш керак бўлади. Ўраш учун бир таклифим бор.
- Нима қил дейсиз?
- Ҳов анави пастликда ёввойи наъматаклар жуда кўп. Уларнинг шохидан олиб келиб, девор ўрнига қалин қилиб экасиз. Қарабсизки, яшил девор ҳосил бўлади. Мевасиям жуда шифобахш.
- Наъматакни дардларга яхши даво дейишди?
- Ҳа. Мевасининг қайнатмаси иситмани туширади. Кейин яхши қон тўхтатувчи ҳисобланади. Асосан ўпка сили, жигар, ўт қопчаси яллиғланганида шу қайнатма ичилади. Дармонсизлик, камқонликка ҳам шифо. Айниқса, болалардаги ҳар хил тошмалар, юқумли касалликларда яхши ёрдам беради. Наъматакларни териб қуритиб қўяверсангизлар, яхши даромад оласиз.
- Тўғри. У қуритилиб, ун қилиниб, кейин қадоқлаб дорихоналарда сотилаяпти.
- Яхши олишаяптими?

- Ҳа, одамлар фойдасини билиб қолишган, шекилли. Фақат шакарсиз ичиб бўлмаслиги чатоқ-да.
- Мазали, фойдасиз дорилардан кўра bemaza фойдалиси яхши.
- Албатта, — деди Дилмурод кулиб ва ерни чопишда давом этди.

Мўйсафид уни бир оз чўнқайиб кузатиб ўтири.

- Бўлмаса сиз bemalol ишингизни қилаверинг. Мен бориб уруғликларни кўздан кечираин-чи.
- Картошкага кичкина жой қилиб, плёнка ёпиб, ундириб қўйишимиз керак.
- Помидор, қалампир, карам, бақлажонларнинг уруғиниям сепиб кўчатга тайёрлаш керак бўлади.
- Бу ишларни Дилоромнинг ўзи қотиради.
- Бўпти, мен ҳам қарашвораман.
- Кейин айтинг тушликка бирор нима тайёрласин.
- Шўрвадан яххиси бўлмайди.
- Майли, серкўкат бўлсин, устоз.
- Уч-тўрттадан кўкатли чучвара ҳам ташласак, нима дейсиз?
- Э-ҳе! Унда мен сизни Буюк табиб деб атайман.
- Майли. Кўп гапирмай тезроқ ишингизни қилинг, мен кетдим, — деди табиб ва яна Дилоромнинг ҳузурига йўл олди.

Йўл-йўлакай унинг хаёлига бир фикр келди. Энди бундан буён Дилоромни даволаш учун унинг сийнасидаги безни ва ривожланаётган саратонни яхшилаб текшириб, назорат остига олмоғи лозим. Шу туфайли у Дилоромни ўз тутунган фарзанди деб қабул қилишни ўйлаб қўйди.

\* \* \*

Тушликни еб бўлгач, дастурхонга duo қилишдан аввал у шошилмай гап бошлади:

- Энди бўлмаса, гап мундоқ... Менинг шартим кетиб, партим қолди. Деярли ҳеч кимим йўқ. Мана шу овлоқ жойларда шу маҳалгача ёлғиз яшаб келаётгандим. Сизларни менга Оллоҳнинг ўзи етказди.

Шундай дедиую, отахоннинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди ва ички ҳаяжон билан йифи аралаш сўзида давом этди:

— Баъзан қўрқиб кетаман... Ўлиб қолсам, жасадим кўмилмай қолиб кетади, дейман... Форимнинг охирги хоналаридан бирида Маржонамнинг қабри бор. Шунинг ёнига ўзимга ҳам қабр ковлаб, ҳатто ичига тушиб олганимдан кейин ўз-ўзидан тўкилиб кўмиб қўядиган қилиб бир замбил тупроқни тепасига қўйиб қўювдим. Бир зилзила бўлганида тупроқ тушиб кетиб чуқурга кўмилиб қолибди... Шундан кейин билдимки, кимдир мени албатта кўмиб қўйиши керак экан... — деди мўйсафид чуқур хўрсиниб.

Дилором чидай олмади “Вой, унақа деманг, отажон” дея йиғлаб елкасига бошини урди. Дилмурод ҳам устозидан бундай сўзларни кутмаганди, бўш елкасига қўлинини қўйиб далда берган бўлди.

Мўйсафид дардини мунгли изҳор қилишда давом этди. Дилоромнинг қўли устига қўлинини қўйди.

— Дилоромхоннинг қаериdir раҳматли хотиним Маржонаникига ўхшаб кетади. Билишимча, ҳар иккингизният оталарингиз ўтган экан. Шунинг учун, Дилоромхон, сиз менга қиз бўлинг. Дилмуроджон, — деди у Дилмуроднинг ҳам қўлидан тутиб, — сиз ҳам энди менга нафақат шогирдим, балки куёвим — ўғлим бўлинг. Ҳар иккингиз баҳтли-саодатли бўлинглар. Ҳуш, розимисизлар?!

Дилором “Отажон!” дея мўйсафиднинг чап ёнидан, Дилмурод ўнг елкасига осилди. Шу алфоз тақдирдошлар бир фурсат йиғлаб-сиқтаб олишди.

— Келинглар, бўлмаса, дуо қилайлик, — дея мўйсафид қўлларини кенг очди.

Эр-хотинлар ҳам ўзларини тутиб олишди ва ўз ўринларига ўтиришди. Аммо Дилоромнинг кўзларидан тўхтовсиз ёш оқар, тақдирининг бу синоатларидан қалбан шукроналар келтирмоқда эди.

— Илоҳи омин! Эй яратган Эгам, сенинг гувоҳлигингда, қолаверса, Дилмуроджоннинг гувоҳлигида мен Дилоромни ўзимга фарзандликка қабул қилдим!.. Бундан буён Дилмуроджон ҳам ўз ўғлим қаторида қизим Дилоромнинг шаърий эри, яъни куёвим ҳисобланади. Эй парвардигор, гуноҳларимизни ўзинг кечир! Фарзандларим билан бирга умргузаронлик қилишга, уларнинг қўлидан қабрга қўйилишимни ўзинг насиб айла. Илоҳо, уларни ўз паноҳингда асра, мушкулларини осон қил, фарзандларининг баҳти-камолини кўришсин, онлари, қавм-қариндошлари умрига умр бер, жаннатмакон юртимизга тинчлик-осойишталик бер. Набирам бўлиб қолган Бургутали эл-юрт ҳурматини қозонадиган паҳлавон йигит бўлсин, оллоҳу акбар!

Дилором “Отажон!” дея, Дилмурод “ота!” дея мўйсафидни тавоф қилдилар.

Бир бургут ҳам одамларнинг бу ҳолатини кузатган самода сокин парвоз қиласарди.

\* \* \*

Оқшом ҳориб-чарчаб Шокир овчи келди. Ҳарҳолда топшириқни бажарибди. Ҳалтасида иккита тошбақа ва бешта яшил рангли сув қурбақаси бор эди.

— Э, яшанг ука, баҳоингиз беш! — деди кекса табиб хурсанд бўлиб.

— Энди менга эртадан рухсат берсангиз, отахон, — деди овчи одоб билан, — Жа, ҳаяллаб кетганимга хотинимга совчи келиб қолмасин тағин, — деди у ва хохолаб кулиб юборди.

Кулгисининг жарангидан гор шифтлари ларзага келди.

— Аксинча, хотинингиз тоғда бирор ёввойи аёлни топиб олган, деб ўйлашиям мумкин, — деди мўйсафид ҳам кулгидан ўзини тиёлмай.

— Нима бўпти, “Маржон табиб қайнотам бўлади” дейман-қўяман.

Аммо бу гап мўйсафидга оғир ботдими ҳарҳолда жилдий бўлиб қолди.

- Тўғри, сиз чиндан ҳам күёвим бўлишингиз мумкин эди.
- Э, отахон, узр. Билмай ярангизга...
- Ҳечқиси йўқ, ука. Айтмоқчи, сиз суриштириб кўринг.
- Нимани?
- Бундан эллик беш йиллар аввал шу тоғдан, айнан мана шу ердан бирор гўдак топиб олганмикин? Қиз бола.
- Ўҳ-ҳў. Демак, отам тенги овчилардан сўрашим керак экан-да, – дея хаёл суриб қолди Шокир. – Майли, уриниб кўраман. Қишлоғимизда иккита қария овчи бор.
- Ислами нима?
- Бири Расул чандиқ ота, иккинчиси нима эди-я... Ҳа, топдим, Шокарим ота.
- Шокарим дейсизми? Негадир менга таниш туюлаяпти.  
Уйи зилзилада қулаб тушган-а?
- Бўлса бордир. Яна билмадим.
- Яхши. Бўлмаса сиздан илтимос, ука. Ўшаларни топинг. Эҳтимол, улар билишар. Ҳарҳолда бу жилдий гап.
- Тўғри.
- Қизимни ё набираларимни топмасам бу дунёдан армон билан ўтиб кетаман. Наҳотки мендан зурриёд қолмаса деб қўрқаман.
- Уйланинг.
- Э, қўйинг, ҳазиллашманг.
- Нима бўпти? Ҳозир ким кўп, бева кампирлар кўп.  
Ўзим сизга туғадиган, бир момақаймоғини топиб бераман. Саксонбой, Тўқсонбой деб исм қўяверамиз.
- Ахир, мен юзни қоралаб қолдим-ку.
- Сиз-а? Қўйсангиз-чи. Гап ёшда эмас. Сиз ўзингизни жуда яхши сақлагансиз. Табибсиз-да...
- Ҳа, табиб бўлиб, юз йигирмага кирмаслик – бу уят.
- Яшанг, отахон! Табиб бўлиб, юз ёшда фарзанд кўрмаслик бўлса, фирт шармандалик! Исмини Юзалибек қўярмидик.
- Э, опқочинг-е.
- Мана кўрасиз. Мен эндиғи сафар келишимда қариндошларим билан гаплашиб сизга уч-тўрт момақаймоқ аёлларнинг суратини олиб келаман.

— Ўзим бораман, яқин-да. Беморларим кутишаяпти-ку, ахир.

— Ана! Ўша bemорлар ичидан топинг, бўлмасам.

— Майли-майли, ўйлаб кўрамиз.

— Бўлмаса келишайлик. Ё сиз ўзингиз топинг, ё менга куёв бўлинг. Ҳозир эсимга тушди, саксонга кирган аммам бор. Эри ўлганига қирқ йил бўлди.

— Эҳ-ҳе!

— Ҳа. Бориб гаплашаман, ҳали бақувват.

Чол бир оз жилмайиб турди-да, ҳазилга олди:

— Нима, ёшроғи йўқми?

Шокир қийқириб юборди.

— Э, гап йўқ, ота. Мен сизга ўзим топиб бераман!

Улар мириқиб кулиб олишди. Уларга монанд чўғ олдига қўйилган мис қумғон ҳам шақиллай бошлади.

Эртаси Шокир отган-нетган, пўстагу териларини жамлаб отга юклади ва дўстлари билан хайрлашди.

Худойдод сўради:

— Уч-тўрт кун ичида биз ҳам Дилмурод билан бозор-ўчарга бориб қоламиз, уйда бўларсан?

— Ҳа, ўтинглар. Бизницида тунаб қолаверасизлар.

— Хўп, келишдик, — деди чўпон ва отининг ортига “Чуҳ, жонивор!” дея шапиллатиб уриб қўйди.

Шокир кетгач, Худойдод сурувни оралаб, бозорбоп қўй-эчкиларни алоҳида қўрага ажратиб қўяверди. Бу паллада Дилмурод енг шимариб, зўр бериб, ерни экинга тайёрларди. Дилором бўлса икки дараҳт орасига боғланган беланчакда боласини ухлатиб қўйиб уруғликларга жой ҳозирлар, кекса табиб мумтоз қўшиқлардан бирини минфирилаб хиргойи қилган ҳолда уруғларни ҳафсала билан сепарди. Унинг бу маҳалдаги фикри хаёли фақат қандай қилиб тутинган қизини саратон деб аталган “беадаб дард”дан фориғ қилиш ҳақида эди.

Аёлнинг чап сийнаси бир оз кўтарилиб турар, бу унинг даволаниш муолажаси олаётганидан далолат берарди. Мана шу ёпишган бежилов дардини тезроқ даволамаса, ёмон оқибатга олиб келишини яхши биларди. Ана жарроҳлик

йўли билан кўкрагини кесиб олиб ташланишига рози ҳам дейлик, лекин бу ишни қаерда ва қачон амалга ошира оларди? Эрини бу ерларда қандай ташлаб кетади? Ахир, ўзининг қидирувда экани ошкора бўлиб қолади-ку?

Дилором шулар ҳақида ўйларкан, қаддини ростладида, оғир хўрсиниб олди. Кўкрагидаги боғланган тошбақа тошини сийпалаб кўрди ва кўнглида Яратганга илтижо қилди: “Эй худо, ўзинг мадад бер! Болаларим етим бўлиб қолишимасин. Мен ўтиб кетсам эрим, болаларим қандай яшайди?” деди у фикран. Нигоҳи мингирилаб, хотиржам уруғ сепаётган кекса табибга тушди. Яқиндагина кўтарилилган қуёш мўйсафид ортидан ўзгача жило таратар ва ҳар уруғ сепканида нурлар тарам-тарам бўлиб илоҳий манзара касб этарди.

Дилором ана шу манзарага узоқ тикилиб қолди ва илтижо билан “Отажон” дея беихтиёр тиз чўкли. Чол мингирилашдан тўхтаб, “Ха, тинчликми?” дегандай назар ташлали.

— Ота! — деди аёл изтироб билан.

Унинг овозида қалтироқ бор эди.

— Ха, қизим, сизга нима бўлди?

— Мени шу дардан қутқаринг, илтимос!..

— Ўрнингиздан туриңт. Тиззангиздан зах ўтади, — деди мўйсафид ва оғир хўрсиниб олди. — Менинг фикри ўйим ҳозир фақат сизни даволашда, қизим. Лекин... “Дард меҳмон — тана қўргон” дейдилар.

Аёл қалтираб ўрнидан турди.

— Нима, тузалмайманми ҳали?!

— Э, йўқ. Ундаи демоқчи эмасман, — деди мўйсафид ёнига аста келаркан. — Фақат сал ўтказиб юборгансиз. Ҳечқиси йўқ, уриниб кўраман. Тузалмайдиган дардининг ўзи бўлмайди. Ўлимдан бошқа ҳаммасининг чораси бор. Эртага хўжайнингиз ошнаси билан уч-тўрт кунга сафарга кетишади. Сиз bemalol муолажа оласиз.

— Раҳмат, отажон. Илоҳим, умрингиздан барака топинг,

— деди Дилором ва кўзларидан шашқатор ёшлар оқди.

Ёшларини артмоқчи бўлганди, юзи лойланди. Мўйсафид рўмолнасини олиб аёлнинг юзини меҳр билан артиб қўяркан, кўз олдига Маржонанинг шу ҳолати келди. У урушга кетаётганида Маржона ҳам худди мана шундай кўз ёши тўкканди. Иккинчи бора эса шу ерда, фор оғзи олдида охирги бор уни шу ҳолатда кузатиб қолганди.

— Нега йиғлаляпсиз, тавба? — деб қўйганди ўшанда захирадаги аскар йигит.

— Қўлга тушиб қолсангиз-чи?! — деди изтироб билан Маржона.

— Хавотир олманг, ҳеч нарса бўлмайди, — деди йигит пастлик томон тушиб бораркан, — зарурий нарсаларни оламану қайтаман.

— Ўзингизни эҳтиёт қилинг, Сафарёр aka! — дея илтижо билан қичқирди қиз ва оҳиста ҳомиласини силаб олди.

Шулар ёдига тушиб мўйсафиднинг ҳам кўзлари намланди ва Дилоромнинг кўнглига далда берди.

— Қайғурманг, сиз албатта тузалиб кетасиз, қизим. Бардошли бўлинг. “Дардни бардош енгали”, дейишади. Биз энди бегона эмасмиз.

Дилором табибни гўё ўз отасидай кўриб, маҳкам қучиб олгиси келди. Аммо нарироқда хотиржам ер чопаётган эридан иймандими, ҳарҳолда мўйсафиднинг елкасига иккала қўлини қўйиб тавоф қилди.

— Зулукдан қўрқмайсиз-а? — сўради чол кулиб.

— Билмасам. Нимайди?

— Муолажани зулук қўйишдан бошлаймиз-да. Кейин мен сизга тарвуз талқонидан бераман. Ҳар куни овқатдан яrim соат олдин каплаб оласиз, хўпми?

Дилором табибдан бундай амалий жавобни кутмаганди. Ўзида йўқ севиниб кетди. Меҳри шундай жўшдикি, ҳатто чолнинг юзидан ўпиб олгиси келди. Лекин орият кучи ўзини тўхтатиб қолди ва тезда нари кетди.

Мўйсафид аёлнинг ортидан қараб қоларкан, ўзига-ўзи “Эҳ, қани энди шу аёл менинг қизим ё неварам бўлсайди...” деб хўрсиниб қўйди.

\* \* \*

Оқшом чўкди. Қаттиқ чарчаган Дилором қотиб ухлаб қолди. Ҳатто боласи йиғласа ҳам қўзғалгиси келмади. Дилмурод ўрнидан туриб, чақалоқни қўлига олди. Тагини қуруқлади. Болакай тилларини чапиллатиб емиш қидирарди. Дилмурод уни хотинининг сийнасига ўзи тутиб эмдириб қўймоқчи бўлди. Аммо кутилмаганда нохушлик юз берди. Не кўз билан кўрсинки, аёлининг чап кўкрагига тошбақа тошининг бир бўлаги ёпишиб турарди...

У қўрқанидан қичқириб юборди. Аёли бир сесканиб олиб аранг кўзларини очди:

– Нима бу?! – сўради эри ҳаяжон билан.

Аёл бир оздан сўнг эринибгина жавоб қайтарди:

– ...Ҳа, буми?.. Сутни кўпайтиармиш, – деб қўйди аёл ўзини бепарво тутиб.

– Табиб отамиз айтдими?

Аёл эснаган ҳолда жавоб берди:

– Ҳа, нимайди?

– Майли-майли. Бемалол дамингизни олаверинг.

Бургуталининг қорни очибди.

– Ана ўчоқ олдида, шишаҷада қайнатилган эчки сути бор... Эчки сути чақалоқقا жуда фойдалимиш, – деди аёл ва яна бир эснаб олди-да, кўрпага бурканиб олди.

– Буниям табиб ота айтдиларми?

– Ҳа... – деди аёл кўрпа остидан овоз бериб.

Лекин энди унинг ҳам уйқуси қочганди ва кўнглида “Эй худо, ўзинг табиб отага мадад, менга шифо бер”, деди Дилором. “Сиз bemalol дамингизни олаверинг, онаси. Болага ўзим қарайман” деб қўйди ва кўрганини кўрмаганга, билганини билмаганга олди Дилмурод. Аёлнинг хаёлидан “Худойимга шукур, қандай яхши эрим бор”, деган ўйлар кечарди.

Энди Дилмурод хотинига янада меҳрибонроқ бўлиб қолди. Бир оз қўрслик, қайсаrlигини ҳам йиғиштириди.

Уруғликларнинг қолганини ўзи экди. Дилором бўлса булоққа яқин жойга кичик ер очиб энг зарурий кўкатлар ва гуллар уруғини сепиб устидан чиринди – ўғит сепиб чиқди. Усмани ҳам унутмади.

Дилмурод уй юмушларининг оғирларини ҳам ўзи бажаришга ҳаракат қилас, тунлари гўдакка ҳам деярли ўзи қаради. Баъзан болани қўлига олган ҳолда пўстак қоқилган гор деворига суюниб ухлаб қоларди. Ташқаридан келаётган гулдурашлар, чақмоқ нурларининг лоппилашлари одатий тусга кирди. Баҳор ёмғирларининг оромбахш шивири экин-тикинларга майдек ёқаётган палла эди.

Ёмғир шивалаётган бўлишига қарамай қопдан ёпинчиқ қилиб олган икки ошна қўй-эчкиларни олиб эрта тонгдаёқ йўлга отланиши. Дилмуроднинг мақсади жониворларни бозорга олиб бориб сотиб, эвазига зарурий нарсаларни харид қилиш ва қолган қисмини давлат олдидаги қарзни адвокат аниқлаб берган ҳисоб рақами бўйича тўлаб келиш эди. Эҳтимол, Фарғонадан бирор яхши хабар ҳам бордир...

Маржон табиб билан Дилором қўлидаги чақалоқ билан уларни кузатиб қолиши. Осмоннинг аллақаерлари гулдураб, аҳён-аҳёнда чақмоқ ҳам чақиб қўярди.

– Хўш, қизим, муолажани бошлаймизми? – сўради табиб.

– Ҳа, отахон.

– Бунинг учун ярангизнинг ҳолатини яхшилаб ўрганишим керак бўлади. Сиз менга ишонасизми?

– Албатта. Ҳамма умидим сиздан, – деди Дилором жиддий.

Аёлнинг “отажон” дея чин кўнгилдан чақириши мўйсафиднинг ғариб қалбини илитгандай бўлди.

– Бўлмаса ўзингизни гўё касалхонадаман, деб фараз қилинг. Шифо топишингизга ишончингиз комил бўлсин. Уялишни, ҳаяжонни бир четга йиғиширинг. Ҳаммаси яхши бўлади.

– Хўп.

— Кўрқманг, Оллоҳнинг ўзи асрайди. Чақалоқни ичкарига ётқизиб чиқинг. Тошбақани энди озод қиласиз. Кўрайлик-чи, у нима ҳунар кўрсатди экан?

Мўйсафид ўзи билан оқ белбоғли халатини кийиб олди. Бошига оқ дуррани ўраб, юзига ниқоб тақди. Қўлини обдон совунлаб ювди ва тиббиёт қўлқопини кийиб олди. Унинг ҳаркатлари ҳақиқий шифокорларникига ўхшаб кетарди.

— Ташқарига чиқайлик, — деди у буйруқона.

Аёл итоат билан ичкарига кириб тез қайтди.

— Нима, шу ердами? — сўради у.

— Ҳа. Фор оғзи ёруғроқ. Уриндиқقا ўтириб олинг.

Табиб аёлнинг ярасини ечиб зимдан яхшилаб текшириди. Оппоқ сийнада чирмовиқсимон қора томирлар хиёл кўриниб турар, без шишининг учидаги посад бойлаганди. Аёл ижирғаниб афтини буриштириди.

— Қаерданам ёпишди-я бу бало? — деб қўйди у нолиган бўлиб.

— Дуруст. Ҳарҳолда муолажамиз натижа берган кўринади. Ривожланиш тўхтабди. Яра бўлиб кетса ёмон бўларди. Унда фақат жарроҳлик қилишга тўғри келарди.

— Ўзингиз жарроҳликниям қилаверасизми?

— Ҳа. Лекин бунга эҳтиёж йўқ. Мен уруш йиллари асирикдан қочиб, бир знахар\* кампирга шогирд тушганимда у шунаقا бир bemor аёлни даволаганди. Ўшанда аёл тузалиб кетган. Ўша амалиётни қўллаб кўрсак, сиз розимисиз?

— Нима десангиз шу. Мен сизга ишонаман, отажон.

— Яхши, — деди табиб саратон ярасини янада синчиклаб текшириб кўраркан. — Унда ишни қон олишдан бошлаймиз.

— Лекин мен зулукдан қўрқаман.

— Ким айтди мени зулук қўяди, деб.

— Ўзингиз.

— Менда зулук нима қилсин. Буни эрингизга айтишимиз керак эди, олиб келарди.

---

\*Знахар – “табиб” дегани.

- Унда, нима қиласиз?
- Хижомат қиласиз. Буям қон олишнинг бир тури.
- Оғритмайдими?
- Чидайсиз. Бўпти, мен зарур асбобларни, дори-дармонларимни олиб келганман. Кўнглингизни хотиржам қилинг, хўпми?
- Хўп, — деди аёл итоат билан.

Дилором хаёлан “Эй худо, ўзинг мадад бер! Болаларимнинг, оиласминг бахтига тезроқ тузалиб кетайин. Табиб ота, ҳақиқий мутахассисга ўхшайдилар. Саратонни бедаво дард дейишарди. Лекин бу киши ҳеч иккиланмай ҳаракат қиласяптилар. Демакки, даволайдилар. Шунинг учун унга ўзим ҳам далда бўлишим, айтганларини сўзсиз бажаришим керак”, деди аёл ўз-ўзига ва сийнасига бирқараболиб йиғлаб юборди.“Қаерданам менгаёпишиди бу дард?! Ёки бу қилган гуноҳларимга берилган худойимнинг жазосими? Қамалиб кетаверсам яхши бўлармиди?.. Йўқ-йўқ, унақамас. Бу дард ахир тергов ишлари бошланмасдан аввал сезиларди-ку. Ҳамма айб ўзимда. Вақтида аҳамият бермадим. Табиб ота айтгандилар-а...”

Аёл йиғлаб ичкарига кирди ва чақалогининг бошини силади.

— Мени кечир, болажоним. Агар тузалмасам, мендан рози бўл.

Шу маҳал гўдак уйғониб бифиллашни бошлади.

— Хўп-хўп, йиғламагин. Сен учун яшайман. Аканг, опанг, даданг учун яшайман, хўпми, болам?..

Кўп ўтмай кекса табиб тайёр бўлиб кириб келди. Унинг қўлида бир халта тўла зарурий анжому дори-дармонлар бор эди.

— Эрингизнинг соқол оладиган лезвияси бормикин? Лекин ишлатилмаган, янги бўлиши керак.

— Ҳозир қарайман, — деди аёл ва хаёлига келган фикрдан бир чўчиб тушди. “Нима бало, ишқилиб кесиб ташламасмикин?” деган нохуш ўй ўтди.

У токчасимон тош оралиқларини тинтаркан, “Наилож,

ўлмай қолсам бўлгани. Эрим ёмон кўрса кўтар”, деб қўйди ўзича ва бир қутичани топиб олиб эрининг соқол оладиган ускунасини ҳам қўтариб келди.

— Буниси қеракмас. Бир дона очилмаган янгисидан олинг.

— Нима қилмоқчисиз?!

Табиб норози қиёфада ялт этиб қаради.

— Келинг, энди сиз билан шундай келишамиз. Бундан бу ёғига менга ҳеч қанақа савол бермайсиз. Жимгина айтганимни қиласиз, аралашмайсиз, хўпми?

— Хўп-хўп, узр, — деди аёл шоша-пиша.

— Хўш, тайёрмисиз?

— Ҳа.

— Овқатландингизми?

— Йўқ. Сизни кутиб турувдим. Маставам тайёр. Юинг, аввал тамадди қилиб олайлик.

— Бу ишингиз дуруст. Кейин овқатланамиз, — деди мўйсафиднинг бир оз чеҳраси очилиб. — Худо хоҳласа, сизни эрингизга, яъни куёвимга соппа-соғ, икки қўллаб топширмоқчиман.

— Илоҳим, — деди Дилором хурсанд бўлиб.

Табиб аввало шиш атрофини спирт билан тозалаб олов ёқиб, шиша банкачаларни қўйиб чиқди. Банкачалар ичи қора томирли тери шишлари билан тўлаверди. Аёл оғриқдан чидай олмай типирчилабвой-войлади.

— Чиданг! — қичқирди табиб ва аёлнинг пешонасига кафтини қўйиб олди.

Аёл жим қолди. Бир оз ўтгач, табиб шиша банкаларни бир-бир олди. Олинган жойларида думалоқ қора доғлар ҳосил бўлганди.

— Хижолат қиласиз. Ари чаққандай бўлади, холос, — деди табиб ва аёлнинг кўзи қонга тушмаслиги учун рўмоли билан юзини ёпиб қўйди ва лезвияни спирт билан ювди. Сўнгра “Хўш, тайёрмисиз?” деб сўради.

Аёл “Ҳа”, дея ишора қилгач, табиб “Бисмиллоҳ...” дея ўз ишини бошлади. Лекин табибининг нима қилмоқчи

экани аёл учун ҳали қоронғи эди. Шу тобда у ўзини худди сўйилаётган қўзичоқдек ҳис қилар ва ўлимига розидек итоат билан ўтиради.

Табиб қорайиб қолган доғлар устидан лезвия тифини текказиб, бир оз тилиб чиқди ва устидан яна шиша банкачани қайта-қайта қўяверди. Челакда қип-қизил, зардобли қон ва қонли пахта кўпайиб борарди. Бундай ўзига хос жарроҳлик амали узоқ давом этди. Сўнгра қон олинган жойларга седана ёғи суртиб чиқди-да, устидан тоза бинт қўйиб уни лейкопластр билан ёпишириб қўйди.

— Мана, ҳозирча шу. Энди ётиб бир оз дам олинг. Қалай, тузукмисиз?

— Яхши, раҳмат, — деди аёл ва кўзларида ёш қалқди.

— Биз ҳаром, ёмон қонларни чиқариб юбораяпмиз. Аввало қонингиздаги ёмон микроблардан тўлиқ тозала-нишингиз керак бўлади. Кейин сизга керакли дори-дармонларни қилиб бераман, хўпми?

— Сиз уларни дорихонадан сотиб оласизми?

— Э, қизим, нималар деяпсиз, — дея эътиroz билдириди табиб. — Ахир, теварагимиз лиқ тўла табиий дори-ку.

Аёл мисол келтиринг-чи, дегандай қошларини чимирди.

— Масалан, оддий жағ-жағ ўтини биласиз-а?

— Ҳа, биламан.

— Шундан чой ўрнида дамлаб ичаверасиз. Кейин доим саримсоқ еб юринг. Кўк баргидан ҳам кўп-кўп еяверасиз. Уни экдингиз-а?

— Ҳа.

— Жуда яхши. Қирғичдан ўтказиб шарбатини сиқиб олиб сийнангиз устидан доим суртиб юрасиз, тушунарлими? Бу ёмон микробларни ўлдиради.

— Хўп.

— Энг яхши даво бу помидор ҳисобланади. Уни ёзда салат қилиб тўхтатмай еяверасиз. Карам билан қўшсангиз янайм яхши. Энди бир оз ухланг. Болага мен қараб тураман, — деди Маржон табиб тиббиёт кийимларини ечаркан.

— Ўчоқ бошида шишачада эчки сути бор, — деди аёл хотиржам.

— Ҳа-ҳа. Бўлди, — деди табиб ва кўрпани меҳр билан bemor устига тортиб қўйди-да, ахлат чelакни олиб ташқарига чиқиб кетди.

Қўй-қўзилар очиққан шекилли, безовталаниши. Чол қўра эшигини очиб юборди. Сурув дувиллаб ташқарига интилди ва серка ортидан эргашди. Серка ўзи билган яйлови томон мағрур борарди. Итлар ҳушёр тортишди. Челак ичидаги қип-қизил ранг уларнинг эътиборини тортганди. Буни тушунган табиб кетмонни олиб чуқур қазиди ва устига бир оз хлор сепиб уни кўмиб ташлади.

...Қора қумғондаги сув қайноққа келиб қолганди, тисиллаб овоз чиқара бошлади. Табиб ўзи тайёрлаб олиб келган оддий бодрезак деб аталган гиёҳ талқонини олиб чойнакка солди-да, сочиққа ўраб дамлаб қўйди. Халтасида бир идишда тоза асал ҳам бор эди. Бир оз вақт ўтгач, дамламага ўша асалдан солиб қошиқчада шошилмай аралаштириди. Унгача тарвуз пўчогининг талқонидан каплаб олган аёл дамламадан, ҳўплади.

— Мана шундай қилиб кунига тўрт маҳал ичиб турасиз, ҳўпми? — деди табиб ва ўрнидан қўзгалди. — Ўзингизни қандай ҳис қилаяпсиз?

— Яхши.

— Бўлмаса бир оз дамингизни олинг-да, кейин ташқарига чиқиб бемалол ишингизни қилаверинг. Оғир юқ кўтарманг. Ёмғир тинди. Чорвани яйловга чиқариб қўйдим. Мен ҳужрамга бориб бир олимдан ўргангандорини тайёрлаб келаман, ҳўпми?

— Майли, раҳмат. Бирор овқат қилиб қўяйинми?

— Албатта. Иложи бўлса кўкатли чучвара қилинг. Ялпизи кўпроқ бўлсин. Сиз учун бу жуда фойдали. Қўрқманг, олиб ташланган эски қон ўрнига танангизда янги қон ишлаб чиқарилаверади. Эндиги вазифа вужудингиздаги микробларни таг-туги билан йўқ қилиб ташлаш, — деди табиб ва серқоя тепалик томон йўл олди.

Табиб кечки пайт қўлида бир халтача билан келди. Дилором кўчадаги ўчоққа қозон осган ва уй ишлари билан банд эди.

— Оҳ-оҳ, таом тайёрми, дейман-а? — деб сўради у кела солиб.

— Ҳа-ҳа. Ичкарига кира қолинг, отажон.

— Аввал сурувни қамайлик. Ўзингизни қалай ҳис қиласиз?

— Яхши. Бир оз ачишаяпти.

— Шунақами? Мен чаканда мойи олиб келдим. Манг, суртиб олинг.

— Айтганингизни қилиб саримсоқ шарбати суртувдим.

— Э-ҳа. Уни эртадан бошлаб суртинг. Кейин саримсоқни канда қилмай еб юраверинг.

— Қурғурнинг ҳиди ёмон-да.

— Эрингиз йўқ-ку, — деди мўйсафид кулиб. — Келганидан кейин унинг ўзигаям едирасиз.

Улар кулиб олишди.

— Дунёда ундан баттар бадбўй дорилар бор, — деди табиб ота. Лекин инсон соелиги учун ҳамма муолажага бардошли бўлмоғи керак. Билсангиз мен тайёрламоқчи бўлган “Ҳаёт элексири” деб аталадиган дори ҳақиқий ҳаётбахш малҳам. Рангиям чаккимас, аммо шундай бадбўйки... Унинг олдида саримсоқнинг бўйи худди атиргул ҳидилек туюлади.

— Вой-бў, ҳали ўшанақасиниям ичаманми?

— Худо хоҳласа, эртага фақат сиз учун озгина тайёрлаб кўраман. Уни сизда синаб кўрамиз.

— Нима, илгари синаб кўрмаганмисиз?

— Дорогов деган бир ўрис олим билан уруш вақтида синаб кўрганмиз. Лекин унда ҳали такомиллашмаганди. Лекин натижаси ёмон бўлмаган.

— У бемор ҳам аёл кишимиди?

— Ҳа. Эҳтимол, эшитгандирсиз Иосиф Сталиннинг котиби Лаврентий Павлович Берия дегани бўларди.

— Ҳа, эшитганман. Уни жа қаттиққўл одам бўлган дейишади.

- Бемор ўшанинг онаси эди.
- Эҳ-ҳе, ростдан-а? Сиз Берияни шахсан танирмидингиз?
- Э, йўқ. У олим дўстимнинг таниши экан. Э-ҳа, бунинг тарихи жуда узок.
- Айтиб берарсиз.
- Албатта. Бўпти, мен подани қайтарай.

“Хўп бўлади” деди аёл ва чолнинг ортидан ҳайрат ила термулиб қолди. Хаёлидан “Бу қанақа одам ўзи? Қариндош-уруғи йўқми? Бу ерларда нима қилиб юрибди? Нега одамларга қўшилмайди? Ё менга ўхшаб...” деган саволлар бир-бир ўтди.

\* \* \*

Оқшом чўкди. Кўй-қўзиларни тинчитиб, гўдакни ҳам ухлатиб қўйгач, Маржон табиб навбатдаги муолажага ҳозирлик кўрди. У ўзи билан яна тиббиёт қўлқопи ва юз ниқоби ҳам ола келганди. Тоза спирт ва пахта, оғриқ қолдирувчи шприц билан юбориладиган “Новакайн” ва ухлатадиган “Демидрол” дориси Дилмуроднинг дори қутисидан топилди. Табибнинг топширифи билан Дилором иссиқ сув тайёрлади. Ярани боғлаш учун тоза пахта, янги дока ва лезвия топиб қўйди. Навбатдаги ўзига хос жарроҳликка жиддий ҳозирлик кўрилди. Тўшак атрофига кўпроқ шамлар ёқилди. Ўчоқ олови баландлатилиб фор-ҳужра ичи иситилди ва сандалга ҳам кўпгина қўр солинди. Асбобларни қайнатиб, стириллади.

— Айтиб қўяй. Бу муолажа бир оз оғритади, кейин қиздиради. Эҳтимол, иситма чиқариши ҳам мумкин. Кўрқманг, ўтиб кетади. Мен шу ерда бўламан. Болангизга ўзим қарайман. Сиз фақат чидаб, худодан ўзингизга шифо тилаб ётаверасиз, келишдикми? — сўради табиб жиддий.

— Келишдик, — деди аёл.

Унинг бир оз хавотирда экани юз-қўзидан сезилиб турарди.

Муолажа бошланди. Эгнига оқ халат, қўлига қўлқоп, юзига ниқоб тақиб олган табиб шиш ва унинг атрофини

аввалига спирт билан яхшилаб тозалади. Сўнгра лезвия тифи билан бир оздан тилиб у ерга тайёрлаб келган чўян зарраларини жойлаштириди.

Дилором оғриққа чидолмайвой-войлаб юборди. Табиб бир мартали шприцни олиб оғриқсизлантирадиган укол қилиб олди.

Уруш маҳали рус олими Алексей Власовичдан ўргангандан чўян заррачаларини саратон шишига қисқич билан ўтқазиш жараёни узоқ давом этди. Металл парчалари тананинг ўша жойини кескин қиздира бошлади. Бу жараён саратон вирусларининг бутунлай йўқ қилинишига олиб келарди. Табиб эндиги вазифасини аёлнинг саратонга қарши танаҳимоясини таъминлаш ва касалликнинг қайтовланишини олдини олишдан иборат эканини қалбан ҳис қилди. Бунинг фақат бир йўли бўлиб, бу “ҳаёт элексири” деб аталадиган дорини тайёрлаб беморга қатъий режа асосида ичиришдан иборат эди. Фақат шундагина табиб бу дарди бедавони жиловлай олиш мумкин деб ҳисобларди. Бемор аёлнинг бутунлай соғайиб кетиши унинг табибга нисбатан ишонч ва ихлосига ҳам боғлиқ эди, албатта.

“Ҳаёт элексири”ни тайёрлаш учун кўплаб сув қурбақалари, ҳайвон суяклари ва бошқа тегишли гиёҳлар керак бўларди. Аммо ҳозирча Шокир тутиб келган беш донагина қурбақа бор. Бу фақат Дилором учунгина етарли эди, холос.

Эртаси табиб мана шу ноёб малҳамни тайёрлашга киришди. Аввало, бақаларнинг ичак-чавоқларини олиб ташлади. Сўнгра уларни олов олдига қўйиб баъзан шўрва пиширадиган сопол кўзачага солди. Унга яна саратонга қарши наф бера оладиган бошқа баъзи янчилган гиёҳлардан оз-оздан солди-да, устидан бир пиёла сув қуйиб қопқофини ёпди. Сўнгра буғ ташқарига чиқиб кетмаслигини таъминлаш учун сиранч лой билан қопқоқ атрофини лойлаб чиқди ва ўчоқ ичига жойлаштириб устидан олов ёқди.

Энди суякларни жуда юқори иссиқликда қиздириб,

унинг хокини олиш керак эди. Бунинг учун маҳкам ёпиладиган эски чўян идиш зарур. Топди. Бу “ўтиқ” деб аталган чўғ солиб қиздириладиган қадимги дазмол эди. Унинг ёғоч сопини куйиб кетиши мумкин бўлгани учун ечиб олиб қўйди.

Табибнинг одати сўйилган ҳайвонларнинг ошиқ суякларини йифиб юради. Улар ичидаги қўй, бўри, тулки, тўнғиз ва эчкиниги бор. Ўн донасини идиш ичига териб чиқди ва қопқофини ёпиб устидан яхшилаб пўлат сим билан ўради. Сўнгра уни ҳам оловга қўйиб устига ўтин ва тезак парчаларини уюб ёқиб қўйди. Фор-ҳужрани тезак ва кўмирнинг аччиқ туруни тутиб кетди. Бу унинг уруш йиллари асирикдаги ва Сибир қамоқхоналаридаги қилган ўзига хос тажрибаларининг такрори эди.

Табиб оловга тикилиб ўтиаркан, тақдирини ўзгартириб юборган ана шу тажрибалар билан боғлиқ воқеаларни бир-бир ёдига олди ва қўйнидан қўшнайини олиб завқ ила чала кетди.

### **III БОБ КУЙ СЕХРИ**

1942 йил фашистлар Германияси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги қиргингарот уруш айни авж паллага чиққан давр эди. Немис-фашистлари ғолибона бостириб келишарди. Маржон табиб, яъни ҳарбий шифокор Сафарёр Шоҳназаров Польша чегараларига яқин бўлган фронт чизиғида хизмат қиласарди. У тиббиёт институтини тамомлаб, эндиғина Чуст касалхонасида иш бошлаганди. У болаликдан бирга севишиб, ўсиб-улғайган Маржона исмли қизга фотиҳа қилинган ва тўй белгиланган кунга бир ҳафтагина қолганида урушга олиб кетилганди.

Маржона ўшанда маржон-маржон кўз ёшлари билан қолаверди. Сафарёр ўзи билан қўшнайини ҳамроҳ қилиб олди. Севгилиси билан имкони борича мактублар ёзишиб туришди. Уруш хуружи кун сайин зўрайиб, ҳалок

бўлган, яраланганлар сони тобора ортиб борарверди. Госпиталда шифокорларнинг қўли-қўлига тегмас, туну кун тер тўкишарди. Шундай оғир кунларнинг бирида уларнинг сафига фуқаро кийимидағи Алексей Власович исмли Москвадан бир олим киши ҳам келиб қўшилди. Айтишларича, бу олим ярадор суюгига чириш бошланишининг олдини олиш учун яратган дорисини синааб кўраётганмиш. У кимнинг оёқ-қўли узилган ва кесилган бўлса ўша ерда ҳозир нозир бўлар ва ўз муолажаларини ўтказар, унинг ёрдамчиси бўлган бир йигитча журналга қайд қилиб борарди. Бир-икки кундан сўнг йигитчага дайди ўқ тегиб ҳалок бўлди ва профессор ёрдамчисисиз қолиб журнални ҳам ўзи юрита бошлади.

Сафарёр жарроҳларга ёрдам берадиган ва яраларни қайта боғлаш ишларини бажарадиган оддий шифокорлардан бири эди ва кўпинча Алексей Власовичнинг топшириқларини ҳам бажаарди. У деярли ҳар куни синов-тажрибаси ўтказаётган ярадорнинг кесилган суяк қисмини ечиб, ўзгаришларни яхшилаб кузатар ва маҳсус малҳам билан латтани қўйиб яна қайтиб боғлаб қўйишни буюарди. Аммо малҳам шу даражада бадбўй эдики, ниқоб тақишиган бўлса-да, кўзларини ачиштириб юборар, шу атрофда турган ниқобсиз bemorлар “Пуф-а!” дея хитоб қилиб бурунларини тўсишар ёки доктор келиши ҳамоно юра оладиганлари нари кетишарди.

Алексей Власович аскарлар ва ҳарбий зобитларнинг ҳеч қайсиси билан деярли яқин дўстона муносабат ўрнатмаган, Бош штабдан ва шахсан Лаврентий Павлович Бериядан муҳим топшириқ олгани учунми, ўзини ўта жиддий тутарди. Бошқа зобитлар ҳам у билан ҳайиқиброқ гаплашишар, берган топшириқларини беками-кўст бажаришарди.

Оқшомларнинг бири эди. Оғир меҳнатдан ва ярадорларнинг дод-войларидан, узоқ-узоқлардан келаётган бомба гумбурлашларию отишмалар овозидан толиққан ҳарбий шифокор лейтенант Сафарёр Шоҳназаров беихтиёр қўйнидан қўшнайини чиқарди ва ҳозиргина

кесилиб, оёғи боғлаб қўйилган, наркоз таъсирида беҳуш ётган ярадор йигит ёнидаги ёғоч ўриндиққа ҳоргин чўкли.

Негадир марҳум табиб отаси, уйда ёлғиз қолган муштипар онаси ва қаллиғи Маржонани ёдига олди. Аввалига чалайинми, йўқми леб бир оз иккиланиб турди. Асбобни айлантириб бир оз томоша қилган бўлди ва уни оҳиста пуфлаб кўрди. Қўшнай майин садо чиқарди.

— Доктор, дорогой, давай, играй-ка-а, — деди бу ёнида унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб ётган бир армани йигит русчани кавказча галаффузга қориштириб.

— Қандай бўларкин?

— Яхши бўлади. Мусиқани ҳамма яхши кўради.

— Мен фақат ўзбек куйларини биламан, холос-да.

— Чалавер. Мусиқанг ҳаммага далда бўлади. Йигитлар отонаси, хотинларини жудаям соғинишган. Оғриқларини унутишади. Яхши бўлади, тинчланишади. Буям ахир, шифо-ку.

Сафарёр оҳиста “Чўли ироқ” куйини чала кетди. Мусиқа ноласи аввалига паст, майин пардаларда чалиниб, аста кўтарила борди. Палатадаги ғала-ғовур, дод-войлар бир зумда барҳам топди. Тобора авжланиб бораётган оҳанг садолари шу даражада баландлашди, госпитал вазифасини бажариб турган эски мактаб биноси сесканиб кетгандай, унинг деворларидағи ёриқлар янада дарз кетгандай туюлди. Юриш имкони бўлган ярадорлар оҳиста келиб ўриндиқларга жойлаша бошлашди. Нариги палатада ўз ишини тамомлаган Алексей Власович ҳам қўлинни артганича беихтиёр, ҳайрат ила кириб келди. Бошлиқлардан бирори келиб “Нима шовқин?!” дегандек ғалати қараганди, олим лабига бармоғини олиб бориб, “жим” ишорасини қилди.

Тингловчилар сафида осиёликлардан ташқари турли миллат вакиллари ҳам бор эди. Ҳеч ким мусиқани бўлиб қўйиши истамасди. Ҳатто этигини тақиллатиб кириб келаётган ҳамшира қизни бир рус йигит қўлидан ушлаб дарҳол тўхтатиб қўйди. Мусиқа оҳанглари юракларни ўртаб юборгудай даражада мунгли ва дардли эди.

“Чўли ироқ” тугагач, тингловчилар бир фурсат тин қолишиди. Ҳечам кулмайдиган Алексей Власовичнинг чехраси бирдан ёришиб “Қойил!” дея қарсак чалиб юборди. Қолганлар ҳам қўшилишиди.

— Дорогов, — деди у созанда томон қўлини узатиб, — Алексей Власович.

— Лейтанант Шоҳназаров, — деди йигит ҳам жавобан.

— Бу қанақа асбоб, бир кўрсам майлими?

— Марҳамат, — дея қўшнайни узатди йигит.

Дорогов жажжи мусиқа асбобини қўлига олиб ажабланиб у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди.

— Мен ҳам флейта, гормон, гитара чаламан. Бунақасини ҳечам кўрмагандим.

— Худди бизнинг “дудок”ка ўхшаркан, — деди армани йигит.

Олим қўшнайни пуфлаб куй чиқармоққа тутинди. У асбобни зўр бериб пуфлаб “Подмосковные вечера”, куйини чиқаришта уринарди.

— Э йўқ, эплолмадим, — деди у тан олиб.

Шундай бўлса-да, мусиқага ташна аскарлар қарсак чалиб уни ҳам олқишлишди. У қуллуқ қилиб “раҳмат” айтди.

— Ўртоқ профессор, ҳеч бўлмаса гитара чалиб беринг, ярамизни қичитиб қўйдингиз-ку, — дея қичқирди бир йигит.

— Хўп. Гитара топиладими? — сўради у кутилмаганда.

— Топилади, — деди кимдир.

Бир ҳамшира қиз тез гитара келтирди. Бошқа шифокор қиз бўлса ўрта йўлакка ўриндиқ қўйиб берди.

Докторнинг ўзи ҳам мусиқани жуда соғинган, ўзи севган куйни тўкиб солишини ният қилган чоғи, “Подмосковные вечера” қўшигини маромига етказиб куйлади. Баъзи аскарларнинг кўзларида ёш балқди. Надя исмли бир ҳамшира қиз чинакамига йиглаб юборди. Чунки у асли Москвалик бўлиб, шу кунларда мамлакат пойтахти муҳофазаси учун аёвсиз жанглар бормоқда эди. Қўшиқ тугагач, ҳамма олимни олқишилади. Аскарларнинг

кўнглини кўтаргани учун докторнинг ўзи ҳам яйраб кетди ва Сафарёрга яна қўл бериб ўз миннатдорлигини билдириди.

— Кечки пайт хонамда бирга овқатланайлик, нима дейсан? — деди у самими.

— Майли, — деди йигит таклифни қабул қилиб.

Улар кечки овқатни бирга қилишди. Дастребки қадаҳни танишганлари учун сипқориши. Газагига фаршланган карам ва тузланган ҳайвон ёғидан тановул қилишди.

— Ўртоқ профессор, — деди бир пайт Сафарёр, — нега сиз қурбақа селидан фойдаланаяпсиз?

Алексей Власович бир сапчиб тушгандай бўлди. Кўзлари катта-катта очилиб кетди. Бундай саволни кутмаган чофи бир оз ҳайратланиб тикилиб қолди.

— Сен буни қаёқдан билдинг?

— Ҳидидан.

— Қанақасига?

— Менинг отам ва бобом табиб бўлишган. Шу доридан ҳам фойдаланишарди.

— Нима?! Лекин бу гапни сен ҳеч кимга айта кўрма, ҳўпми?

— Нега?

— Бу давлат сири. Душманлар қулоғига етиб бормаслиги керак.

— Шу қурбақа-я?

Доктор қўлинни лабига қўйиб жим ишорасини қилди.

— Жиддий айтаяпман, балога қолиб кетасан.

— Ҳўп, — деди Сафарёр итоат билан, — унда айтинг-чи, сизлар нега қесилган жойга намакопли латта қўяпсизлар?

— Этни қотириш, қонни тўхтатиш учун. Бу фақат дори аслида қолмаган пайтда, дала шароитида тез ёрдам ўрнида қўлланилади.

— Ахир, бу ҳолатда инфекция қолади-ку.

— Аввал унга қарши укол қиласиз.

— Ўрнига пиёзни сиқиб, докани шарбатга намлаб қўйсангизлар бўлмайдими!

— Ўҳ-ҳў. Мен сени мусиқачи десам туппа-тузук табиб экансан-ку-а?

— Ҳа. Мен ҳам сизни шифокор олим десам туппа-тузук қўшиқчи экансиз.

Улар кулиб юборишиди ва хурсандчилик учун яна биттадан қадаҳ отиб олишди. Дороговнинг мизожи балғам мизож эканми, юзи тезда шолғомдек қизарди.

— Мен сенга бир сирни айтайинми? — деди у шишадошининг “Ҳа” дейишиниям кутмай. — Билсанг мен ҳайвон докториман.

— Йўғ-е! — деб юборди Сафарёр.

— Лекин шунақа топшириқ бўлди. Суяқ чиришининг олдини олиш керак. Мен бу ишимни аввал ҳайвонларда синааб кўрувдим. Кейин... шу ёққа юборишиди.

— Унда ишингиз анча мушкул экан.

— Ҳа, дардим ичимда. Сен анувингни чалганингда, ишонасанми, нақд ёрилиб кетай дедим.

— Қўшиқни зўр айтдингиз.

— Тўғрисини айт, алдама, сенга ёқдими? — сўради у беўхшов кекириб оларкан.

— Ҳа, ёқди.

— Нимаси ёқди?

— Осойишта ва сокин Москва кечалари... кўз олдимга келди.

— Лекин, билсанг ҳозир Москва игнанинг учида турибди. У ерда менинг оиласи, қизчам қолган, — деди у ва “Эҳ” дея чуқур хўрсиниб олди. Яна қадаҳни тўлатди.

Сафарёр эътиroz билдириди.

— Ўртоқ профессор, илтимос, етарли бўлди. Энди дам олайлик. Яна янги ярадорларни олиб келишаяпти. Кақириб қолишлари мумкин.

— Майли. Мен бир оз ухлаб дам олмоқчиман. Фақат сендан бир илтимосим бор.

— Бемалол. Қанақа, илтимос?

— Мен ётаман. Сен анави мусиқангни паст овозда чалиб берасан, хўпми? — деди у ва ўрнидан турмоқчи бўлганди, чайқалиб кетди.

Сафарёр уни тутиб қўлтиқлаб олди-да, ўриндигига ётқизиб қўйди.

Устки кийими ва чарм этигини ечиб қўйди. Олим киши уни ўзига имлади.

— Сенга бир сирни айтайнми?

— Ҳа-ҳа.

— Билсанми нима, немислар бир хавфли қурол ўйлаб топишганмиш. Уни “Атом бомбаси” дейиларкан.

— Анави самолётдан ташлашаётганми?

— Йўқ. Булар унинг мингдан бири. У ҳам портларкан, ҳам ўзидан кучли радиация нури тарқатаркан. Бу нур манави деворларният, ҳатто, ер ости бункериниям bemalol тешиб ўтиб, одамни ўлдирармиш. Шунга Бош штабдагиларнинг боши қотган.

Унинг уйқуси қочди ва яқинда бўлиб ўтган мамлакат Фанлар Академиясидаги кенгаш тафсилотларини ҳаяжон билан гапириб берди.

— Йигилишда шахсан Иосиф Виссарионович Сталиннинг ўзи қатнашди. Котиби Лаврентий Павлович Берия ҳам бирга эди, кейин бизнинг Академия раиси ҳам. У ерда шу масала кўрилди.

— Э-ҳа. Ўртоқ Сталин нима деди?

— Ўртоқ Сталин айтдики, “Душман атом бомбасини яратибди. Мабодо уни бизга қарши қўлласа-чи?.. Тўғри, бу пайтда Марказқўм ва Бош штаб ер ости бункерига кўчирилади. Лекин портлашдан сўнг тарқаладиган радиация нурлари бункер деворларини ҳам тешиб ўтиши мумкин экан. Нима? Сиёсий бюро аъзолари билан Бош штабдагилар, кейин ҳарбий заводларимиздагилар ўлиб кетаверишдими? — Эс-Эс-Эс-Эр енгиладими?” деган масалани қўйди.

— Ўҳ-хў, бу жуда жиддий-ку.

— Ҳа. Ҳамма олимлар миқ этмай қолишли.

— Кейин Бош қўмондон “Сиз нима дейсиз?” деб Фанлар Академияси раисига мурожаат қилди.

— У нима деди?

— Довдираб қолди. Сўнг “Ўртоқ Сталин бирор чорасини

ўйлаб топармиз, хотиржам бўлинг” деди. Сталиннинг бўлса жаҳли чиқиб кетди ва столга бир мушт тушириб “Қанақасига хотиржам ўтираман! Халқ ўлиб кетадими?” деб урушиб берди.

— Хўш, кейин қандай тўхтамга келинди?

— У Берияга қараб, “Ўртоқ Лаврентий Павлович, сизга топшириқ! Уч ой муддат ичида, олимларингиз радиацияга қарши дори яратиб беришлари керак. Акс ҳолда энг қатъий чорангизни кўрасиз. Сиз шахсан бу ишга жавоб берасиз, тушунарлимиси? Бу дори бўлмаса биз енгиламиз. Буни ярата олмаганлар Ватан хоини ҳисобланишади! Биз ҳам қараб ўтирганимиз йўқ, албатта. Атом бомбаси яратиш бўйича иш олиб боряпмиз. Афсус, кечроқ қолдик. Германияда яратилган тайёр технологияни аллақачон америкаликлар ўзлаштириб олишибди. Бу биз учун жуда хавфли. Кимда қанақа савол бор?” деб сўради.

Шунда залдаги бир олим қўл кўтариб савол берди: “Ўртоқ Сталин, дейлик биз шу дорини яратдик ва уни қўллай бошладик, лекин унинг таркиби душманга маълум бўлиб қолса ва радиация нурини янада кучайтириш чораларини кўрса унда нима бўлади?” Сталин жавоб берди: “Фикрингиз маъқул. Ҳақиқатан ҳам эҳтиёт чораларини кўриб қўймоғимиз керак. Бу иш давлат сири ҳисобланади. Уни душманга фош қилганларга нисбатан энг оғир жазо қўлланилади. Сиз аввал яратиб қўйинг. Уни қандай эҳтиёт қилишни ўзим ҳал қиласман” деди. Тушуняпсанми, Сафар, залдагилар қўрқканларидан қотиб қолишибди. Чунки радиация нурланишига қарши Академияда, ҳатто, дунё тиббиётида ҳали ҳеч қандай иш олиб борилмаганди.

— Хўш, кейин яратдингларми?

— Йўқ ҳали. Лабораторияларда иш қаттиқ кетаяпти. Ҳуллас, кейин Сталин кенгашни давом эттиришни котиби Берияга топшириб ўзи чиқиб кетди. Сўнг зални аскарлар қуршаб олишибди. “Шу ондан бошлаб ҳеч ким ҳеч қаёққа бормай, тўғри лабораторияларга боради ва ўртоқ Сталиннинг топшириғини бажаришга киришади.

Мабодо ушбу топшириқ бажарилмас экан, мен сизларга сўз бераман: Ҳамманглар, бола-чақангиз ҳам ватан хоини сифатида отиб ташланасиз! Давлат сирини фош қилганлар ҳам жазога тортилади, тушунарлими? Демак шовқинсиз, гап-сўз қилмай ҳамманглар машиналарга ўтирасизлар ва шу ондан буён ҳарбийлар ҳимоясида бўласизлар. Оилангиздагиларга ўзимиз хабар қилиб қўямиз” деди. Кейин аскарлар қуршовида ҳаммамизни худди маҳбуслардай олиб кетишиди.

— Сизни қўйиб юборишдими?

— Ҳа. Биринчидан, менинг ҳайвон дўхтири бўлганим, кейин икки йил аввал Лаврентий Павловичнинг онасини саратондан даволаганим учун у мени шахсан ҳузурига таклиф қилиб ҳозирги қилаётган мана шу ишим бўйича топшириқ берди. Чунки мен мижозим бўлиб қолган кекса аёлдан тез-тез хабар олиб туришим зарур. Кейин қандай бўлмасин сүякнинг чиришини тўхтата олишим керак, — деди Алексей Власович ва чуқур ўйга чўмди.

— Демак, ҳамкасларингиз радиацияга қарши малҳам устида ишлашмоқдами?

— Ҳа. Бу гапга ўн кун бўлди. Яна саксон кун вақтлари бор. Бечоралар туну кун ишлаб ётишибди. Эҳ, қанийди уларга ёрдам беролсам. Берия жуда жоҳил одам. Агар улар ўша препаратни яратса олишмаса аяб ўтирмайди. Ҳаммасини итдай отиб ташлайди, — деди олим чуқур хўрсиниб олиб.

— Унинг онаси бутунлай тузалиб кетдими?

— Ҳа. Мен у аёлдан тез-тез хабар олиб тураман. Шунинг учун ҳам унга керакман. Лаврентий фақат менга ишонади. Шунинг учун мени “маҳбуслик”дан озод қилди. Бу билан, эҳтимол ўлимдан қутқариб қолгандир. Чунки у “Ҳаёт элексири” яратилишига ишонмайди. “Суяк чириши бўйича дорини яратсанг, катта унвон оласан. Сен фақат шу иш билан шуғулланавер”, деди. Мен эса, — “Улмай қолсам шунинг ўзи мукофот” дедим. Ана шунаقا гаплар. Лекин бу гаплар орамизда қолсин, хўпми?

— Хўп, келинг, бир иш қиласиз?

- Қанақа?
- Сиз менга саратонни қандай даволашни ўргатасиз, мен эса сизга гангренани тўхтатиш малҳамини тайёрлашни ўргатаман.
- Нима?! Сен буни биласанми?!
- Ҳа.

Дорогов ётган жойидан сапчиб турди. Кайфи бутунлай тарқалиб кетгандай эди. У Сафарёрнинг елкаларидан маҳкам тутди.

- Рости биланми? – сўради у кўзларини жовдиратиб.
- Бизнинг Шарқ табобатимизда бу қўлланиб келинган, синалган усул, дедим-ку.

- Ким яратган?
- Ибн Сино-да.
- Авиценнами?
- Ҳа.

– Сен нималар деяётганингни тушунаяпсанми ўзи?  
Ахир, бу бўйича биз беш йилдан буён лабораторияда иш олиб бораяпмиз-ку!

- Ибн Синони ўқиши керак-да, ўртоқ профессор. Бу оддий халқ табобати, холос-ку.

- Қойил! Нега сен олим эмас, оддий шифокорсан?
- Мен халқ табибиман.
- Бўлмаса кел ҳамкорлик қиласилик. Қиладиган ишларимиз ҳаммаси яхшиликка бўлади. Юзлаб, минглаб ярадорларни даволаб юборсак, бундан бутун инсоният баҳраманд бўлади.

– Аввало, энг яхши даво, бу бемаъни урушларни буткул тўхтатиб, ярадор бўлмасликни таъминлаш керак.

– Тўғри айтасан. Лекин одамларнинг онги ҳали сен айтган даражада ривожланмаган. Уруш баъзиларга катта даромад келтиради. Чунки қурол сотишади, талончилик қилишади. Лекин ҳали шундай замонлар келадики, одамзотнинг онги, тафаккури ошиб бу бемаъниликларни тушуниб етади, қирғинбаротлар барҳам топади. Тинчлик, осойишталик барқарор бўлиб, ҳаёт илм-фан, техника кўмагида гуркираб тараққий этади, – деди олим ишонч билан.

- Хўп. Келишдик, — деди Сафарёр қўл узатиб.  
Алексей Власович унинг қўлини қаттиқ сиқиб қўйди.
- Бўлмаса сен бугундан бошлаб менга асистентлик қиласан. Мен икки-уч кундан сўнг Москвага бориб келаман. Кейин ҳужжатларингни тўгрилаб ўзим билан олиб кетаман. Мен билан Академияда ишлайсан, келишдикми?
- Лекин мендан ҳеч қачон мол дўхтири чиқмайди, — деди йигит кулиб.
- Оббо сен-ей, — деди Дорогов ва уни қучиб олди. — Қара-я, ким ўйлабди, дейсан. Кўрасан ҳали, мен сени кашф қиласан. Сендан ажойиб академик олим чиқади.
- Уқадемик денг. Фақат одам дўхтири, — деди Сафарёр кулиб.
- Бўпти! Кел, шу кашфимизни бир нишонлайлик.  
Сафарёр пешонасини тириштириди.
- Э, йўқ. Мен бошқа ичмайман.
- Буюраман, ичасан! Сендан унвоним баланд! Сен бор йўғи бир асистентимсан, холос.
- Хўп бўлади, ўртоқ профессор! Лекин бу спиртлар настойкалар учун ҳали керак бўлади-да.
- Қўрқма, таги мўл. Спирт заводларимиз яхши ишламоқда. Рус совуғидан билсанг, фақат мана шу спирт билан ҳайвон ёғи асрайди, — деди у ва фляжкасини олиб тунука идишларга шириллатиб қўйди-да, қадаҳ сўзи айтди! — Сен билан мени Яратганнинг ўзи учраштиргани учун оламиз!
- Фалаба учун! — деб қўйди Сафарёр.  
Улар қадаҳларни тўқиллатиб чўқишириб олишди-да, газагига бир олмани бўлиб ейишди.
- Хўш, ўртоқ табиб, халқ табобатидан бир нима демоқчи эдинг, шекилли? — деди Алексей Власович нордон олмани узоқ чайнаркан.
- Сафарёр шошилмай гап бошлади.
- “Заҳарни заҳар, аччиқни аччиқ кесади”, деган гап бор, тўғрими?
- Тўғри. Хўш-хўш?..

- Суяқ дардини суяқ олади-да.
- Олим киши бир оз довдираб, ўйланиб қолди ва “Тушунмадим” дея елкасини қисиб қўйди.
- Хуллас, анави қўллаётган малҳамингизга ҳайвон суюгининг хокидан ҳам қўшасиз.
- Ўҳ-ҳў! — деди олим бош бармоғини баланд кўтариб.
- Фоянг зўр-ку!
- Фақат суюкнинг хокини юқори иссиқликда, вакуум ҳолатида олинади. Буни лабораторияда бемалол амалга ошириш мумкин.
- Э, қойил-е, сенга! Бу ишингга патент олсанг бўлади ҳали. Шундай қиласиз. Мен Москвага бориб мана шундай қоришмаларни бир йўла тайёрлаб келаман. Сўнгра лабораториядаги каламуш ва қуёнчаларда, ёки бўлмаса, шу ерда, bemorlarimizda синаймиз. Нима дейсан?
- Зўр бўларди. Яна бир гап. Агар шу малҳамни оз-оздан ичириб тананинг ички тамонидан ҳам юборилса-чи? — сўради табиб йигит.
- Яхши фикр. Бу малҳам сувда, спиртда яхши эрийди. Ошқозон орқали бориб қонга ўтади ва яраларнинг тезроқ битишини таъминлайди.
- Менимча, қурбақа сели ҳам, суяқ хоки ҳам ўлган ҳужайралар, яллиғланган тўқималарнинг тикланишига ёрдам бериши керак.
- Ҳа. Бу гапингда жон бор. Булар табиий маҳсулотлар. Демак, назарий жиҳатдан яралар сиртига ҳимоя қатлами ҳосил қила олиш мумкин.
- Агар шу иш амалга ошса, демакки, инсон танаси ўз-ўзини ҳимоя қила олиши тикланиб боради, яъни ҳар қандай касалликларга қарши иммунитет пайдо бўлади. Демакки...
- Демакки, радиацияга қарши курашга ҳам! — дея қичқириб юборди Дорогов ва кўзлари қувончдан порлаб кетди.
- Ҳа, албатта! — деди Сафарёр ҳам унинг нима демоқчи эканлигини тушуниб.

Сўнг профессор бир оз ўй суриб, жимиб қолди. Тўсатдан кўзларидан шашқатор ёш оқиб, шифокор йигитни маҳкам қучиб олди.

- Биласанми сен кимсан? — дея олди у аранг.
- Нима эди?
- Халоскоримизсан! Буни қара-я, не-не олимларнинг калласига келмаган фикр, сендеқ, бир оддий табибдан чиқиб турса!..
- Тушунмадим, ўртоқ профессор.
- Нега тушунмайсан. Ахир, сен ҳозир ўртоқ Сталин билан Лаврентий Павлович талаб қилаётган ўша, радиацияга қарши малҳамнинг асосий таркибини яратиб кўйдинг-ку!
- Ростдан-а? Бу яхши-ку!
- Хуллас, гап битта. Мен Москвага эртагаёқ жўнайман. Ўз таклифларимни бошлиқларга баён қиласман, кейин уни синаб кўришга рухсат оламан. Кейин келиб сени олиб кетаман. Ўша стратегик малҳамни, худо хоҳласа, бирга яратамиз. Олим дўстларимни озод қиласмиз. Лекин бу ҳақида ҳеч кимга, асло, тс-с... — деди у бош бармоғини лабига олиб бориб.
- Яхши. Келишдик, — деди Сафарёр хотиржам. — Лекин сиз ҳам менга саратоннинг давоси ҳақида бир нима дегандай бўлувдингиз...
- Ҳа-ҳа, — деди Дорогов ёдига олиб. — Биласанми, бу жудаям осон. Саратонниям даволаб бўлмайди, дейишади. Бўлмаган гап. Даволанмас дарднинг ўзи бўлмайди. Фақат изланиш, билим, малака керак. Хуллас, мен Лаврентий Павловичнинг онасини шундай даволадим. Биласан, саратонда аввал шиш, қора томирлар пайдо бўлади, сўнг тепага тарқала бошлайди, яра бўлади. Биринчи навбатда саратон ривожланишини тўхтатиш керак. Бунинг учун аввало қонни тозалаб, яъни шиш атрофига зулук қўямиз, сўнг ёмон вирусларни йўқотиш учун шишни лезвияда аста тилиб чўян парчаларидан кўйиб чиқилади. Лекин қаттиқ оғриқ бўлади. Ўша жой қаттиқ қизиб ҳам кетади, иситма кўтарилиши мумкин. Шу туфайли вируслар нобуд бўлади, тушундингми?

— Ҳа, — дея жавоб берди табиб йигит.

— Лекин ҳамма ишни озодалик билан, шошилмай спирт, фурацилин билан ювиб бажармоқ керак. Буям бир кичик жарроҳлик операцияси ҳисобланади.

— Агар таъсири бўлмаса-чи?

— Унда ишни яна такрорлайсан. Мен манави малҳамдан кейин саримсоқпиёз шарбатидан ҳам суртиб турадим. Лекин натижаси ёмон бўлмади. Онахон тузалиб кетдилар.

— Йўғ-е?

— Ҳа. Шифохонадагилар уни “тамом-ўлади” дейишган экан. Ҳаммалари ҳайрон. Лекин сен айтган янги малҳам билан биз тиббиётда буюк бурулиш ясаймиз, ишонавер!

— Худо хоҳласа, — деб қўйди Сафарёр беихтиёр ўзбекчалаб.

— Бу нима деганинг?

— Я сказал, “Дай бог”.

Алексей Власович, ўз ишларини Сафарёрга топширди ва бу ҳақида госпитал бошлиғига айтиб, бундан буён унинг ассистенти бўлганини ва кейин ўзи билан бирга олиб кетиши мумкинлигини маълум қилиб қўйди. Сўнгра эртаси почта самолётида жўнаб кетди. Аммо омади бор экан, ўша куни тунда госпитал ва унинг депарасидаги посёлка фашист самолётлари томонидан аёвсиз бомбардимон қилинди ва немис танклари қаторлашиб кириб келди. Ўлган-ўлди, қочган-қочди. Қолганлар асирга олинди. Улар ичида беҳуш Сафарёр ҳам бўлиб, санитар халтасида бир неча шишачада Алексей Власовичнинг дорилари ҳам бор эди.

Маржон табиб нағмасини чалиб бўлиб оғир хўрсиниб олди. ‘Оловга эътиборини қаратди. Кўмир қип-қизил чўғга айланибди.’ “Тайёр бўлгандир” деб қўйди у хаёлан ва оташкуракни олиб чўрларни идишлар устидан олиб қўйди. Энди идишларни оҳиста олиб совитмоғи керак. Кейин бошқа каттароқ идишга ағдарди-да, уларни

аралаштириди, яна керакли гиёху маъдан қуқунларидан қўшади. Сўнгра тонг-саҳар Дилоромнинг ҳузурига бориб унга ичиради.

— Ишқилиб овқатланиб қўймасмикин. Буни наҳорга нонуштадан ярим соат олдин ичиши керак. Демак, эртароқ боришим зарур, — деб қўйди мўйсафид ўз-ўзига.

Шундай қилди. Аёл эндигина янги соғилган эчки сути ичмоқчи бўлиб турган экан. “Тўхтант!” дея қичқирганди, Дилором бир чўчиб тушди ва табибни кўриб кўксига туфлаб олди.

— Ҳеч нима емадингизми? — сўради у кела солиб.

— Йўқ, нима эди?

— Мен сизга маҳсус дори тайёрлаб келдим. Ҳар овқатланишдан ярим соат олдин шундан ичиб турасиз. Мана. Уни қачон ва қанча миқдорда ичиш жадвалини ҳам тузиб келдим. Шунга қатъий амал қиласиз, — дея Маржон табиб бир шишачадаги суюқ дори ва қўлланма қофозини узатди.

Саратонни даволаш учун дорини қабул қилиш жадвали қўйидагicha ёзилган эди:

— Душанба куни — овқатдан ярим соат олдин ярим пиёла совуқ чойга уч томчи томизиб ичилади;

— Сешанба куни — 5 томчи;

— Чоршанба куни — 7 томчи;

— Пайшанба куни — 9 томчи;

— Жума куни — 11 томчи;

— Шанба куни — 13 томчи;

— Якшанба куни — дам олинади (ичилмайди).

Кейинги кунлари ҳам мана шу кетма-кетликда дорини истеъмол қилиш давом эттирилади. Лекин яна 2 томчидан қўшиб борилади, яъни беш томчидан бошланади.

— Тушунарлимис? — сўради табиб

— Ҳа, отажон. Раҳмат сизга, — деди Дилором ва дорини қўлига олиб ҳидлаб кўраркан, димоғига тўсатдан урилган бадбўй ҳиддан беихтиёр афти буришиб кетганини ўзи ҳам англамай қолди.

- Ҳа, шунақа. Сизга соғлиқ афзал бўлса чидайсиз. Одамлар ўз сийдигини ичишаяптию.
- Вой ўлмасам. Униям ичаманми?
- Йўқ. Ўша жойингизга суртиб турасиз.
- Яхши бўлди. Саримсоқпиёз қолмаганди.
- Лекин манави малҳамни айтилгандай қилиб ичиб борсангиз ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетасиз. Биласизми, бу дори билан ким даволанган?
- Йўқ.
- Шахсан Лаврентий Павлович Бериянинг онаси, — деб қўйди табиб хотиржам.

Шундай қилиб, табиб саратонни даволаш бўйича бор билим ва тажрибасини ишга солди. У ҳатто Хитой ва Тибетда ўрганган услугуб ва амаллардан ҳам фойдаланди. Натижасиёмон бўлмади, шиш қайтди. Кейинроқ қорамтири, ажриқсимон томирларнинг ҳам изи ўчди. Дилором ўзи эккан ва униб чиққан гулу кўкатларидај яшнаб кетди. У ниҳоятда баҳтиёр ва табиб отадан миннатдор эди.

## IV БОБ

### МЕҲМОНЛАР ТАШРИФИ

Эри Дилмурод ҳам хотинидаги бу ўзгаришлардан хурсанд бўлди. “Демак, Дилором шифо топибди. Қандай яхши”, деб қўйди у фикран. У бозорда жониворларни яхши пуллаганди. Тенг ярмини давлат ғазнасига ўтказди ва чиптасини сақлаб қўйди. Қолганига зарурий озуқа, анжом ва яна уруғликлар сотиб олди. Дилоромга бадиий китоблар, ўзига радиотранзистор ва табибга совға учун пахталик чопон ва янги калиш олиб келди.

Дилором ҳам ўз миннатдорчилигини билдириб қўйиш учун мўйсафидга бир янги кўйлак, атлас қийик ҳам марғилон дўппи қўшиб қўйди. Лекин, энг муҳими, отанинг йўқолган қизининг ҳарҳолда изи чиққани бўлди. Бу ҳақида Шокир овчи Шокарим отани топиб эшитган

экан. Эмишки, Шокарим овчи бундан тахминан эллик йиллар муқаддам бир гўдак қизчани тоғдан топиб олган ва уни Чустда яшайдиган фарзанд кўрмаган марҳума Тожинисо исмли синглисига берган экан.

Дилмуроднинг Шўрданакда Шокирницида ва Фовасойда Худойдодницида бир ҳафтача қолиб кетишининг асл сабаби ҳам шунда эди. У ўша аёлни қидириб кўрди. Чустга бориб Шокарим аканинг синглиси никини топди. Тожинисо исмли бу аёл ҳақиқатан ҳам бир қизчани боқиб олган экан. Лекин ўзи оғир касалванд бўлиб қолгани учун уни болалар уйига топширибди. Ўша пайтда эри Қўшмамат Россияда бўлган экан. Тожинисо кўпга бормабди. Ҳозирги кунда Қўшмамат бошқа аёлга уйланиб яшамоқда экан. Қизча ҳақида у ҳеч нимани билмасмиш, ҳаттоки исмини ҳам.

Дилмурод Наманган шаҳридаги Меҳрибонлик уйига ҳам борди. Кун бўйи архивни қидиришди. Қизчага ҳатто туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ҳам олинмаган, аниқ фамилия ва исми ҳам йўқ эди. Уни топширган аёл фамилияси Тошматова бўлгани учун Тошматова деб рўйхатга олинган бўлиши тахмин қилинди. Исми эса номаълум эди.

Хуллас, Тошматова фамилияли қиз тўғрисида маълумот топилмади. Топилганида эди, уни қидиришда давом этган ва устозига бу хабарни ҳақиқий совфа сифатида етказган бўларди. Энди-чи, бу хабарни етказсинми, йўқми? Савол пайдо бўлди ва бу ҳақида Дилоромни мулоҳазага тортиди.

— Бу ҳақида ҳозирча айтмаганингиз маъқулмикин, дадаси, — деди Дилором ҳайрон бўлиб.

— Нега ундей дейсиз?

— Топилганида-ку, бошқа гап эди. Бечора отажоним ҳаяжонланиб, ҳаловатини йўқотадиларми, дейман-да.

— Ҳа. Ёши улуғ. Бу гап юрагига қаттиқ ботиши мумкин, — деди Дилмурод ўйчан. — Айтмасак ҳам бўлмас.

— Унда шарт туради ю қизини қидириб кетади. Топса-ку, хўп-хўп. Аввало, ўша аёлнинг исмини билиш керакмиди...

— Қандай қилиб?

— Демак, болалар уйига топширилганида тахминан икки яшар бўлган, тўғрими?

— Лекин фамилияси ҳам ноаниқ, чунки ҳужжати бўлмаган. Демакки, болалар уйи ходимлари ўзлари бирор исм қўйишган бўлиши мумкин.

— Кейин болалар уйлариям кўп. Масалан Фарфона, Андижон, Қўқон, Тошкентда ҳам бўлган-ку.

— Тополмаймиз, шекилли, — деди Дилмурод хўрсиниб.

— Ҳа. Фақат мўъжизага ишонмоқ керак, холос.

— Бу ёғи Оллоҳдан, дейишади-ку. Лекин мўйсафиднинг ёши ҳам бир ерга бориб қолган. Унинг ўз устида ишлаши, умрни узайтириш бўйича Тибетда ўрганиб келган амаллари натижа бераяпти, шекилли. Айтишича, ламалар каби машқлар бажааркан.

— Вой, ростдан-а?! Лекин ажойиб инсон экан. Қизи ҳақида ҳозирча индамай қўя қолайлик. Унга мадад беришини худодан сўрайлик. Қўлимиздан бошқа нимаям келарди. Ўзимиз бир аҳволда бўлсак, — деди Дилором тин олиб.

Дилмурод ҳам ҳеч нима дея олмади. Узоқ ўйланиб ўтириди. Дилором чолга аталган совғаларни яна бир бор кўриб чиқди-да, ҳаммасини атлас қийиқقا тугди.

— Бўлмаса сиз паловга уннанг. Келганимни билдириб, отахонни айтиб келаман. Гурунглашиб ўтирамиз, нима дейсиз?

— Майли, — деди аёл. — Бўлмаса манави атаганимизният бериб кела қолинг. Яхши кунларида кийсинглар.

— Йўқ. Буни шу ерда устларига кийдириб тантанали топширайлик. Яхши бўлади.

— Ҳа, дуолариниёт оламиз. Биз учун у киши энди ўз отамиздай бўлиб қолдилар. Сизни куёвим, мени қизим дедилар-ку, ахир.

— Бўпти. Бўлмаса мен кетдим.

— Анави экинларингизданам бир хабар олиб қўйинг. Кечаги куни чавра-тўсиқнинг бир-икки жойи бузилганини кўрдим, шоҳ-шабба ташлаб қўявергандим.

— Хўп бўлади, — деди Дилмурод ва аввал экинлари сари йўл олди.

Ёмғирли, офтобли кунлар, табиатнинг жонланиш даври бўлгани учунми, сепилган уруғлар бош кўтариб қолибди. Айниқса, буғдойларнинг ингичка бошлари ям-яшиллик намоён қилганди. Дилмуроднинг дили яйраб кетди. Экин майдони бўйлаб барча уруглар бехато кўкарибди, ва ҳатто, девор ўрнига суқиб чиқилган наъматак шохларида ҳам яшил япроқчалар пайдо бўлибди.

Дилмурод баҳор тароватидан завқланиб, яшил майсалар, улкан қоялар оралаб устозининг баландликлар қўйнидаги фор ҳужраси томон йўл олди. Яқинроқ қолганида қўшнай овози қулоғига чалинди. Мўйсафид одамбошисимон улкан тош устига ўтириб олиб берилиб, “Отмагай тонг” қўшифининг куйини чалар, куйнинг майин ва дардли оҳанглари тоғ қоялари ва даралар оралаб тараларди.

Дилмурод то куй ниҳоясига етгунича халақит қиласлик учун бир четда тинглаб ўтириб олиб берилиб, “Ассалому алайкум, устоз!” дея унинг ҳузурига чиқиб борди.

Мўйсафид уни кўриб ўзида йўқ қувониб кетди.

– Э, бормисиз, Дилмуроджон. Жа ҳаяллаб кетдингиз-ку!

– Ҳа энди бир йўла баъзи ишларимниам битириб келдим-да. Ўзингиз қалай, яхши юрибсизми? Узр, устоз, сизни уринтириб қўйдим. Раҳмат сизга. Эшитдим, Бургуталини ёлғиз қолдирмабсиз.

– Ҳа. Ўғлингиз ҳали соғлом бақувват бола бўлади. Чунки фақат эчки сути ичиб катта бўлаяпти. Ҳавоям тоза. Билсангиз эчкilar қоя тошлар оралаб энг зарур дармондорили гиёҳларни териб ейишади. Уларнинг гўшти шунинг учун ҳам фойдали. Инсоннинг тана ҳимоясини оширади.

– Раҳмат сизга, шунчалар меҳру оқибат учун ота!

– Э, қўйсангиз-чи... Одамзот бир отанинг болалари. Бир-бирига жигар-ку. Ҳўш, бошқа нима гаплар?

Дилмурод қизининг изи чиққани хабарини айтмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо аёли билан бўлган келишув ёдига тушиб индамай қўя қолди.

— Қизингиз ош дамлаётувди. Шунга бирга борсак, гурунглашиб ўтирадик.

— Ҳа, яхши. Мен ҳам бир қишлоқларни, bemорларимни айланиб келсам дегандим. Шокир сизга ҳеч нима демадими?

— Йўқ. Нима эди?

— Ҳим-м, майли. Кейин баъзи гиёҳларнинг баргини, гулини териб қуритиш керак. Шунга менга ёрдам берсангиз. Ҳам билимингиз ошади. Улардан касаллик турларига қараб дорилар тайёрлашниям ўрганиб борасиз, хўпми?

— Хўп бўлади, устоз.

— Бўлмаса, мен сизга қайси вақт, қайси гиёҳнинг қаерини қандай, қачон териш кераклигини ёзиб бераман. Сиз уларни тўплаб, салқинда қуритиб горингиз шифтига осиб қўяверасиз. Керагини оламан. Ортигини майдалаб қопларга ортиб мен айтган манзилга олиб бориб, улгуржи топшириб келаверасиз. Сизларга буям қўшимча даромад бўлади, келишдикми?

— Хўп бўлади, устоз. Қани кетдик бўлмаса.

— Қаёққа?

— Палов деган “чўққи”ни забт этишга-да.

Мўйсафид ўрнидан қўзғаларкан, ҳазилнамо “Забт эта оламизмикин ишқилиб” деб қўйди. Дилмурод ҳам ҳазил билан жавоб қайтарган бўлди.

— Аввал фор очамиз, сўнг туйнук очиб гўштини қўлга киритамиз.

— Ўҳ-ҳў, иссиқда жа терлаб-пишарканмиз-да-а?

— “Меҳнатнинг таги роҳат”, деганлар.

— Ҳечам палов ичига сафар қилмагандим. Қани бошланг бўлмаса, — деб қўйди чол қувониб.

\* \* \*

Бу пайтда Дилором ошнинг зирвагини тайёрламоқда эди. Унинг юрагини энди хотиржамлик туйфуси эгаллаган, “бедаво дард”дан қутулиш баҳтига муюссар

бўлгани учунми, ҳарқалай, кайфияти аъло даражада эди. Кўз ўнгига онаси, болалари ва негадир Тошкентда яшаб, ишлайдиган Раҳмон акаси ва унинг болалари, яъни Меҳриддин, Сарвигул исмли жиянлари келди.

Раҳмон акаси Тиббиёт институтини битириб ўша ерда илмий иш билан шуғулланиб қолган ва Тошкентлик Ҳакима исмли курсдош қизга уйланиб бола-чақа орттирганди.

“Акам мен ҳақимда қандай фикрда экан-а? Онамлар барибир бошимга тушган ишларни унга айтгандирлар. Қизик, агар акам саратон дардига дучор бўлиб бу дардан шифо топганимни эшитса ҳайрон қолса керак. Эримнинг хотираси тиклангани-чи?.. Эҳ, қанийди акам билан бир кўришсам. Жиянларимниям жуда соғиндим. Меҳриддин суқсурдай йигит бўлиб қолгандир. Уни тиббиёт коллежида ўқийди деб эшитгандим. Қани энди у Маржон табиб отамга шогирд тушсайди, зўр бўларди-да”, деб қўйди аёл хаёлан ва қозондаги масаллиқни кавлаштириб қўйди. “Яқинда болалар ёзги таътилга чиқишади. Саёҳат қилиб келишса яхши бўларди. Лекин бу ерни фақат Сардорбек билади, холос. Эрим унга хат ёздимикин? Аnavи суд иши нима бўлдийкин? Барно ўлгур нима қилдийкин?” деб қўйди ўзича ва сийнасини очиб яраси тузалаётганини яна бир бор кўриб севинди. Тилингап жойлар ҳам битиб, силликланиб қолибди. Ҳаёлига табиб маҳсус тайёрлаб берган дорини овқатдан ярим соат аввал ичиш ҳақидаги фикр келиб қолди ва ичкарига қараб чопди. Дорини олиб, совуқ чойга жадвалга мувофиқ томчилатди ва бурнини беркитиб, кўзини ҳам юмиб ичиб юборди. Бадбўйлигидан афти буришди, аччиқлигидан томоғи ачишди. “Фу! Ҳе, исқоти!” деб қўйди у беихтиёр.

Шу маҳал ташқаридан эркакларнинг овози эшитилди. “Вой келишди!” деди аёл ва атлас қийиқли тугуҷчани олиб ташқарига отилді. Лекин не кўз билан кўрсинки, Сардорбек билан тошкентлик жияни Меҳриддин туришарди.

— Вой ўлмасам, ҳозиргина хаёлимдан ўтгандинглар-а! Келинглар, хуш келибсизлар! — деди Дилором ва севиниб уларга пешвоз чиқди.

Мехриддин бу аёл ким эканини билолмай аввалига ҳайрон бўлиб тураверди.

— Мехриддин, аммангни танимаяпсанми? — сўради Сардорбек.

— Йўқ, — деди у чиндан тан олиб.

Йигитнинг қаршисида у билган ясанган-бўянган замонавий кийинган, машина миниб юрадиган аммаси эмас, балки рўдапо кийинган, озиб-тўзиб қорайган, ўзига мутлақо қарамай қўйган, сочига оқ оралаган бир меҳнаткаш қишлоқ аёли турарди.

Дилором кутилмаган меҳмонларни қаерга ўтқазишни билолмай довдираб қолди.

— Ичкарига киринглар, э йўқ, аnavи супага жой қила қолайлик...

— Яхшимисиз, келинойи? Ўзингизни анчагина олдириб қўйибсизми? — сўради Сардорбек

— Вой, ҳа, ахир фарзанд кўрдик-ку! Ўғилли бўлдик.

— Ие, қуллуқ бўлсин, умри билан берган бўлсин! Исми нима?

— Бургутали..

— Ўҳ-ҳӯ! Манави йигит жиянингиз бўлади; биласиз-а?

— Ҳа-ҳа, ўқишиларинг яхними, Мехриддин? Раҳмон акам, Ҳакимахон ойинг яхни юрибдиларми?

— Раҳмат, амма, — деб қўйли Мехриддин, теварак-атрофни ҳайратланиб кузатаркан.

У яқиндагина мактабда ўқитувчилик қилиб, машинасини ғизиллатиб юрадиган аммасининг бунчалик тез ўзгариб кетганидан ҳайронда эди.

— Ростданам сиз ўша Дилором аммаммисиз? — деб сўради у нихоят ҳайратини яширолмай.

— Ҳа, жиян, амманг бўлмай қўм бўлардим?

— Машинангиз қани?

— Сотиб юбордик.

— Нега?

## **Набижон ҲОШИМОВ**

---

— Шунақа бўп қолди-да. Бу ердан бориб яна яхшироғини сотиб олавераман. Соғ бўлсак бўлгани. Ўзингнинг ўқишларинг қалай?

— Яхши. Охирги курсдаман. Диплом амалиётига чиқувдик. Уйларингга ўтсам дарвозанглар берк. Кейин дорихонага бордим. Сардор акам “Юр, бир ўйнаб келасан”, деб қолдилар. Лекин гап йўқ, узоғу ажойиб жойлар экан.

— Ёқдими?

— Ҳа.

— Шаршараниям кўрдингларми?

— Ҳа, гап йўқ. Юравериб чарчадик. Нега бу ёққа келдинглар-а, дам олганими?

— Э гап кўп, жиян. Диплом ишингни шу ерда ёзаверишинг мумкин. Билсанг, оламшумул ишлар бўлаяпти. Бу ерда тиббиёт фанининг бир олими, академик яшайди, — деди аёл мақтаниб.

— Қаерда?

— Ҳув анави дара тепасида.

— Эҳ-ҳе...

— Биз манави форда яшаймиз. Қани, ичкарига кирайлик. Жиянларингизни кўриб чиқасизлар.

Сардорбек Меҳриддинни ичкарига бошлади. Замонавий кенг ва ёруғ, озода жойларга кўниккан йигитча гўё ёввойи одамлар яшайдиган уй музейига томошага келгандаи ҳайронликда кириб борди ва чиндан ҳам ғор ичида бир оиланинг антисанитария ҳолатида истиқомат қилаётганининг гувоҳи бўлди. Нимқоронфи хонадаги бешикда бир гўдак бола сўргич сўрганича хотиржам ухлаб ётарди.

Дилором одатдагидек булоқ ёнига жой ҳозирлашга тутинди ва ичкаридан чиқиб келган йигитларни ўтиришга чорлади. Меҳриддин ҳамон ҳайратда эди. Чунки Сардорбек бўлган ишлар ҳақида унга ҳеч нима демаганди. Шу туфайли у Дилоромга нигоҳи билан “Бунинг ҳеч нимадан хабари йўқ” дегандай ишора қилиб кўйди. Келинойиси уни тушунди.

— Вой, зап қилибсизлар-да. Қани ўтиринглар-чи.

— Мен тушунмадим. Нега бу ерга келдинглар ўзи? — дея қайта сўради Мөҳриддин ҳамон ҳайратини яширолмай.

— Ҳа энди, табиат қўйнида яшагилари келган-да, — деб қўйди Сардорбек.

— Поччангнинг мазаси қочиб қолувди. Дўхтирлар ҳаво алмаштиришни маслаҳат беришди-да, — деди аммаси қисқа қилиб.

Бўлғуси тиббиёт ходими учун бу қизиқ эди.

— Қанақа касали бор?

— Хотирасини йўқотувди.

— Кейин тикландими?

— Ҳа, устози, ҳалиги олим одам уни тузатдилар. Шунга ҳозир у кишини ош қилиб чақираётувдик. Кейин атаганимиз ҳам бор эди-да, — деб аёл соддалик билан атлас қийиқли тугунчага ишора қилди.

— Нима бу, порами?

— Э йўғ-е, чин кўнгилдан совға бу.

— Даволаганига неча пул бердинглар?

— Пул берганимиз йўқ.

— Қанақасига? Ҳар қандай доктор “қўл ҳақи” оларканку. Мен буни шифохонадагилардан эшитдим.

— Бу мумкин эмас, — деди Сардорбек баҳсга қўшилиб.

— Яқинда касалхоналардан бирида амалиёт ўтказаётувдик. Бир беморни олиб келишди. Кўричак бўлиб қолибди. Операцияга ётқизишли. Лекин пул тўламаган экан, то унинг яқинлари пул олиб келиб тўламагунларича операция қилишмади, ётаверди. Кейин аҳволи янайм оғирлашди. Билсак, кўричаги ёрилиб кетган экан. Кейин “қўл ҳақи”ни кам берганмиш, тоза қийналди, бечора.

— Кейин-чи? Операция қилиндими?

— Йўқ. Бемор комага тушиб қолди. Шифокор вақтим йўқ дебди.

— Вой ўлмасам, — деди ҳаяжон билан аёл дастурхон ёзаркан.

— Кейин bemорни бир тажрибасиз, янги шифокор операция қилган экан, кеч бўлибди, — дея Мөҳриддин қўл силтаб қўйди. — Буни кўриб, очиғи, ҳафсалам пир бўлиб

кетди. Умуман дүхтирилек менга ёқмай қолди. Дадамнинг қистови билан диплом учун ўқияпман, холос. Эҳ, тезроқ ҳаммаси тугай қолсайди.

— Вой-вой, сен шундай десанг бошқалар нима деб ўйлашади?

— Тўғрисини айтсам, амма, инсон кулфатидан бизнес қилиш менга ёқмайди. Мен коллежни битиргач, тиббиётга эмас, Алоқа институтига кирмоқчиман.

— Сен шифокорларни асло унақа қораламагин, — деди Сардорбек Меҳриддиндан норози бўлиб. — Ҳаммаям унақа қаллоб бўлавермайди. Ҳа энди, баъзан битта-иккита учраб туради-да. Бунақалар ҳамма соҳадаям бор.

— Тўғри айтасиз, “Гуруч курмаксиз бўлмайди” дейдилар, — деди аёл ҳам нон ушатаркан.

— Унақамас, — деди Меҳриддин кескин. — Мана мен ичида юрибман-ку. Ҳозирги шифокорлар айниб кетишиди. Улар bemорни даволашнимас, кўпроқ киссасидаги пулни олишни ўйлашади. Масалан, операция қилиниши керак бўлган bemорнинг пули бўлмаса қилишмайди, аксинча, пулдор бўлса зарурат бўлмасаям операция қилаверишади. Айниқса, травмотологлар зўр пул топишаяпти. Нима кўп, ҳозир автоҳалокат, аварияга учраган ҳайдовчилар кўп. Бирорни туртиб юборса бечорани шифокорлар гирибонидан олишади ва оғизларига сиққанича доридармон ёзиб дорихонага югуртиришади. Кейин ўша дорихонадан ўз улушларини олиб кетишади, тўғрими, Сардор aka?

— Ҳа энди, буни бонус дейилади-да. Биз ҳам дориларни тезроқ сотишимиз керак. Буни бизнес деб қўйибдилар.

— Хиҳ, Гипократ қасами қаерда қолдию...

— Сен унақа шифокорлар тўғрисида ёмон фикрга бормагин. Яхши шифокорлар ҳам кўп. Мана биттаси шу ерда яшаётган олим киши. У машҳур Маржон табиб бўлади.

— Бўлса бордир. Бирор ишқал қилиб тофу тошларда қочиб юргандир-да. Масалан, bemорини ўлдириб қўйгандир. Шунинг учун жазодан қочгандир.

Бу гап Дилоромга қаттиқ ботди. Жиянининг бундай кескин фикр юритишини кутмаганди. “Овқатимга қарай” деб ўрнидан туриб кетди. Сардорбек уни тушунди ва мавзуни бас қилишни ихтиёр этди.

- Юр, Мөхриддин, анави тепаликка чиқиб келамиз.
- Э, йўқ, мен ёмон чарчадим. Тозароқ ўрин бўлсайди ётиб ухлардим. Бу ерлар ғалати, ифлос жойлар экан, – деди йигит бурнини жийириб.
- Майли, ҳозир фор ичига жой қилиб берадилар.
- У ерга умуман кирмайман. Сассиқ жойда қандай яшашаяпти, ҳайронман. Ундан кўра спорт-палаткаси тикиб олишса бўлармиди.
- Қаерда ётасан бўлмаса?

Мөхриддин теварак-атрофни аланглади ва бир улкан арчани кўрсатди. Кўхна арчанинг томирлари бўртиб чиққан, таңаси ғовакли эди. У бир кўрпачани олиб ўша ёққа кетди ва арча тагида ётиб дам олди. Қўлини ёзиб керишди. Сардорбек Дилоромга қарашибани борди.

- Ҳафа бўлманг, келинойи. Жиянингиз ҳали ёш-да.
- Ҳечқиси йўқ. Сиз салат қила қолинг, ичкарида тузлама бор эди.
- Биз Олтиариқнинг янги чиққан бодрингидан олиб келувдик.

Шу маҳал тўсатдан янграган Мөхриддиннинг қичқирифи тоғу тошларни тутиб кетди. У тинимсиз, беўхшов бақирап, қўрқандан ранги кўкара бошлаганди. “Вой нима бўлди?!?” дея ҳар иккovi чопишиди.

- И-ло-он!!!
- Вой ўлмасам! – қичқирди Дилором.
- Мана ҳозир! – дея чопди Сардорбек.

Йигитчанинг билагида қизариб иккита тиш излари турар, атрофи қизариб шиша бошлаганди. Мөхриддин тинимсиз додлаб бақирап, дод-вой садолари тошлардан-тошларга урилиб тепаликда бамайлихотир тушиб келаётган кекса табиб ва Дилмуродларнинг ҳам қулоғигача етиб борди.

- Бирор бақирайтими? – ҳайрон бўлиб сўради табиб.

— Ҳа-ҳа. Лекин бу ерда биздан бошқа эркак йўқ-ку. Ё бирор саёҳатчилармикин?

Яна қичқириқ эшигилди. Ҳар иккиси энди беихтиёр пастлик сари шошиб тушиб боришиди.

Чопиб келган Сардорбек аҳволни кўрдию дастлабки тез ёрдам кўрсатиш мақсадида рўмолчасини олиб йигитнинг ярадор жойининг тепасидан маҳкам сиқиб боғлади. Бу ҳаракат илон заҳарининг қонга қўшилиб кетишининг олдини оларди. У ҳам тиббиёт коллежини тамомлагани учун бундай ҳолатларда қандай ҳаракатланиш кераклигидан хабардор эди. Шу туйфайли энди у илон тишлаган жойни сўриб туфлаб ташлай бошлади. У шуни ҳам яхши билардики, оғиз бўшлиғига ва ошқозонга ўтган бир оз заҳар миқдорининг асло зиёни бўлмайди.

Сардорбек заҳарни сўриб ташларкан, эндиги вазифа ҳамроҳининг ҳаётини сақлаб қолиш учун уни қандай қилиб яқин касалхонага етказиш ёки бу ерга “тез ёрдам” чақириш ҳақида фикрлаш билан банд эди. Аммо бунинг иложийўқэканинияхшибиларди. Дилором эса кутилмаган бу баҳтсизликка чидай олмай, нима қиларини билмай довдирап, совуқ терга ботган йигитчанинг юзларини рўмоли билан арта-арта “Вой бечора-ей, чидагин, ҳозир ўтиб кетади” дея нола қиларди. Тўсатдан унинг хаёлига ҳозиргина шу тарафга келиб қолиши мумкин бўлган эри ва Маржон табиб келди. Шарт, ўрнидан турди-да, “Хой даласию! Отажону!..” дея улар келиши мумкин бўлган сўқмоқ сари чопди. “Ҳо-ов, мана кетаяпмиз!” деган жавоб овоз келди.

— Тезроқ келинглар! — дея қичқирди яна.

Кўп ўтмай ҳар иккиси ҳансираф чопиб келишиди.

— Нима бўлди?! — сўради аввал етиб келган Дилмурод.

— Жиянимни илон чақиб олди, — деди Дилором ва уввос солиб ҳўнграб йиғлаб юборди.

Сал орқароқда келган табиб ота воқеани тушунди ва “Ие, меҳмонни сийлабди-да” дея воқеа жойига шошилди.

— Э, яхши, — деди у Сардорбекнинг саъийи-ҳаракатидан мамнун бўлиб, — энди бойламни сал бўшатинг. Оз-моз қон ҳам ўтиб турмаса бўлмайди.

Табиб илон тиши изи атрофларини яхшилаб кузатди ва эр-хотингларга топшириқ берди:

— Хўш, сизлар тез қоқи ўтдан, отқулоқ илдизидан, иттиканак баргидан теринглар. Бўлинглар тез!

Дилором ва Дилмурод булоқ ва жилға бўйларидан айтилган гиёҳларни излаб теришга тушиб кетишиди ва кўп ўтмай бир талайини олиб келишиди.

— Отқулоқнинг илдизини янчинглар! Кейин қоқи ўтнинг шарбатини сиқиб олинглар! — деди мўйсафид ва ўзи иттиканакнинг баргларини битталаб териб чиқди.

Сардорбек бўлса бойламни гоҳ сиқиб, гоҳ бир оз бўшатиб турарди. Табиб қоқи ўтнинг шарбатидан суртди ва иттиканак баргларини яра устига қўйиб, боғлаб қўйди. Сўнг bemornining ёқа тугмаларини бўшатди ва пешонаси, юзини докани ҳўллаб артишни буюрди. Меҳриддиннинг бақир-чақири ҳарҳолда тийилди, аммо ранги бўзариб кетган, у тобора ҳолсизланиб борарди.

Аҳвол жиддий эди. Буни тушунган кекса табиб Дилмуродга мурожаат қилди.

— Аптечкангиз бор-а?

— Ҳа, бор.

— Коқшолга қарши укол қилиш керак.

— “Иммуноглобулин” деган антитоксин доридан ҳар эҳтимолга қарши олволгандим.

— Яхши. Илон, чаён чаққанида, ёдингизда бўлсин, шундан тез укол қиласиз. Бўлинг, тез олиб келинг!

— Сиз келин узун бинт ёки бирор тоза чойшабни йиртиб олиб келинг. Кейин йигитчанинг устига кўрпа, бошига ёстиқ керак. Уни ҳозир қимирлатиб бўлмайди.

— Ичкарига олиб кирсак бўлмайдими? — сўради Сардорбек.

— Йўқ. Қимирлаган сари қон юриши тезлашади. Бу мумкин эмас.

Аёл кўрпа билан бир чит чойшаб олиб келди ва чойшабнинг ёнидан йиртиб берди. Табиб узун латтани Меҳриддиннинг қўлига ўраб сиқиб боғлади. Бу маҳалда Дилмурод уколни тайёрлади.

- Қаерга қилай? — сўради у.
- Кўлининг ёнига, кейин думбасига.  
Мехриддин ингради.
- Ҳой шаҳарлик йигит, бармоқларингизни ишлатиб кўринг-чи, — деди табиб bemорга қараб.  
Мехриддин бармоқларини хиёл ишлатган бўлди.
- Кўлингиз сиқилиб оғримаяптими?
- Оғрияпти, — деди йигитча базур.
- Табиб бойлаганларини базур бўшатиб яна қайта бўшрок қилиб бойлади.
- Ана бўлди. Энди отдай бўлиб кетасиз. Қимирламай, бир зум дам олинг, — деди табиб ва ёстиқни бошига қўйиб, устига кўрпани тортиб, пешонасига сочиқни қўйди. Сўнгра Дилмурод билан Дилоромни бир четга имлади.
- Хавотир бўлманглар, ҳаммаси жойида.
- Вой, раҳмат. Яхшиям, сиз бор экансиз.
- Сиз, қизим, тез далачойдан дамлама тайёрланг.
- Дилором “Хўп” дея чопиб кетди.
- Аптечкангизда “Валериана” деган дори борми?
- Ҳа, тиндиrmаси бор.
- Ўшандан бир ош қошиғида ичирасиз. Бу тинчлантиради, биласиз-а?
- Далачой-чи?
- Бу йигитчанинг руҳий тушкунликка тушмаслигига қарши хизмат қиласиди. Кейин тез менинг форимга бориб келасиз. У ердаги булоғимда хонбалиқлар сузив юрибди. Кўргансиз-а?
- Ҳа албетта. Нима эди?
- Ўшалардан уч-тўртгасини олиб келиб ҳеч нимага аралаштирумай шўрва қилиб қўясизлар-да, йигитчага тўхтамай шуни ичираверасизлар. Бу қонни тозалаб, юрагига қувват беради, тушунарлими? Лекин мен ҳозир нима қилмоқчиман, биласизми?
- Йўқ.
- Уша илонни тутмоқчиман. Унинг қанака турдан эканини аниқлаб олсак яхши бўлади. Сардорбек ҳам менга ёрдам берар. Ҳа айтмоқчи, сиз жиянингизга уйку дориям беринг, тинчлансин.

- Хўп бўлади, — деди Дилмурод ва Сардорбекни ўзига имлаб, дори қутисини титкилай кетди.
- Ҳа, тоға.
- Ўша илонни топиш керак экан. Бир ёғочни олгин-да, табиб отага ёрдам бер.
- Ие, қўрқаман-ку!
- Отахонга кўрсатиб берсанг бўлди. Шунга қараб дори тайёрларкан. Нимаям қиласардик, “тезёрдам” чақиролмаймиз. Мехридинни сақлаб қолишимиз керак.
- Хўп бўлади, тоға. Буям бир кўргулик экан-да, — деди йигит ва арча ғовагини кўздан кечираётган табиб ёнига шошилди.

Фовак ҳақиқатан ҳам илоннинг уяси экан. Фовак ичига қуриган сассиқ алафни тутатиб тиқишиган эди, кўп ўтмай бир ярим метрлар чамасидаги олачипор илон ва унинг майдада боласи ўрмалаб чиқиб кетишиди.

Мўйсафид айрили калтак билан илоннинг бошидан босди ва ҳаракатини тўхтатиб қўйди ва бўйнидан ушлаб оҳиста қўлига олди.

— Ўҳ-ҳў, ўзимизнинг газанда деган тури экан-ку. Ҳа, жонивор-а.

— Вой, ўлдиринг уни! — дея қичқирди Дијором.  
— Йўқ. Боласи бор экан. Бошқа бундай беодобчилик қилмайди. Қилмайсан-а? — сўради у илондан.

Илон жавобан бир-иккى бор айрили тишини чиқариб қўйган бўлди.

— Ана, бошқа қилмайман, деяпти. Йигитча билмай босиб олганмиш-да, — деди у илон билан тиллашиб. — Бориб шерикларингга айт. Бу ерда яхши одамлар яшайди, де, хўимми? Агар шу қилиғинигни яна қайтарсанг ҳаммангни ушлаб қозонга ташлайман, тушундингми? — деди чол ва илонни чангальзор томон отиб юборди.

— Нега ўлдирмадингиз? — сўради Сардорбек.  
— Ўлдирсак, унинг қариндошлиари қасос олмоқ учун келишлари мумкин. Айниқса, илон қони тўкилса, уларни дарғазаб қиласи. Энди у бориб шерикларига айтади. Буни

## **Набижон ҲОШИМОВ**

табиат деб қўйибдилар. Ҳар ернинг ўз қонуни бор. Нима бўлсаям бу ер уларнинг ватани ҳисобланади.

Меҳридин ҳам бу гапларни эшитиб ҳайрон ётарди. Кўп ўтмай у ухлаб қолди. Маржон табиб Дилмуродга яна топшириқ берди.

— Энди бир товуғингизни сўямиз. Сўнг қорнини ёриб иссиғича илон чаққан жойга қўйиб боғлаб қўясиз. Товуқ гўшти илон заҳрини тортиб олади, тушундингизми?

— Хўп бўлади, устоз, — деди у ва катакдаги бир товуқни ушлаб уни сўйишни Сардорбекка топширди.

Ўзи бўлса балиқ олиб келгани фор томонга жўнади. Дилором ошга уннай кетди.

— Тоға, Меҳридин бу ерда ётаверса бўлмас. Тунда совуқлик қилас? — деди Сардорбек.

— Тўғри айтасиз, — деди табиб. — Бўлмаса бундоқ қилинг. Ҳамроҳингиз ётган яқинроқ жойга олов ёқиб қўйинг. Бу bemорни иситади. Кейин бошқа жониворлар яқинлашмайди.

Сўнгра табиб ўчоқ бошига бориб аёлдан сўради?

— Гўшт ниманики?

— Қўй гўшти, нима эди?

— Ҳим-м, яхши. Бир кичикроқ бўлагини олиб беринг-чи.

Аёл чолнинг қорни оч шекилли деб ўйлаб бир ликопчани артди-да қовурилаётган бир қора гўшти олиб ликобчага солди.

— Устига пиёз тўғраб берайинми?

— Ҳожати йўқ, — деди табиб ва аллақаердан бир пўлат симни топиб келди-да, уни гўштдан ўтказиб оловга тутди.

— Вой, нима қилаяпсиз? — сўради Дилором ҳайрон бўлиб.

— Жиянингизга дори. Буни куйдириб туйиб ярасига боғлаб қўямиз. Кейин товуқ гўштини боғлаймиз. Қарабсизки, кўрмагандай бўлиб кетади.

Дилором севиниб кетди ва мўйсафидга ташаккур билдириди.

— Раҳмат, отажон. Яхшиям, баҳтимизга сиз борсиз.

— Кейин жиянингизнинг бўйни орқасидан қон олиш

керак бўлади. Бу қонини тозалайди, — деди мўйсафид ва Дилоромдан ўша жойидан қон олгани ёдига тушди.

Бу ўша ғор ичкарисида муолажа олиб бораётган кунларнинг бирида рўй берганди. Дилором кўйлагининг орқа томонини ечиб бўйнидаги соchlарини олдинга олиб ўтирди. Унинг бўйнида гўё икки думалоғи бирлашиб қолган пилласимон катта холи бор экан. Табиб бир он ана шу ҳолга тикилиб қолганди. Бундай хол севгилиси Маржонада ҳам борлиги ёдига тушди. Унинг ҳам айнан шу жойида, пилласимон... У буни ғордаги ҳовузчада булоқ сувида чўмилаётганида кўрган ва ўшанда Маржонадан сўраганди:

- Холингиз борлигини биласизми?
- Ҳа. Бу авлодимизда бор-ку.
- Нега унда исмингиз Холида эмас?
- Холида деган холам борлар. Менинг холим Маржонга ўхшаб кетармиш. Шунинг учун исмимни Маржона қўйишган бўлишса керак-да.
- Бунақа хол яна кимингизда бор?
- Момомда. Кейин катта амакимда.
- Бу қонда бор экан-да-а?
- Билмасам. Намунча суриштириб қолдингиз? — сўраганди хотини ўшанда нозланиб.
- Шунчаки... ўзим.
- Ҳо-о, — деди Маржона ва эрига қараб сув сепиб юборганди ўшанда.

Табиб шу воқеани энтикиб эслади. Дилоромнинг бўйни ва бўксалари ҳам Маржонаникига жуда ўхшаб кетарди. У ишини бошлай олмай бир оз қўли қалтираб турди. Шу маҳалда бола йиғлаб қолди.

- Вой, тезроқ бўладими, отажон? — сўради Дилором.
- Хўп-хўп, — деди у ва гўдакнинг оғзига сўрғичини тутиб бешигини тебратиб келди-да, банка ичига олов тутиб ўша пилласимон холнинг ёнига қўйиб чиқди.
- Холингиз жуда чиройли экан, — деб қўйди табиб Маржонани эслаб.
- Ҳа, бу авлодимизда бор-да, — деди Дилором.

Маржон табиб бир сесканиб кетди. “Наҳотки, бу аёл.., э, йўғ-е” деб қўйди у фикран.

— Ойингизда ҳамми?

— Йўқ. Бу хол дегани авлод оралаб юради, шекилли. Масалан, акамда йўқ.

— Ота-онангиз ҳаётмилар?

— Дадам ўтиб кетганлар, ойим Фаргона шаҳрида яшайдилар.

— У кишининг оталари-чи, яъни бобонгиз?..

— Ойим болалар уйида катта бўлган эканлар. Кейин олтиариқлик бир йигитга турмушга чиқсан экан. Энам ойимни ҳеч чиқиштиргмагани учун шаҳардан дом олиб кўчиб кетган эканмиз. Кейин мен Тошлок деган жойга тушганман. Эримни яхши биласиз.

Ўшанда мўйсафид аёлдан яна баъзи тафсилотларни сўрагиси келганди. Аммо негадир бу ишни бошқа фурсатга сурди.

\* \* \*

Ош ейилди. Бир оз дам олган Меҳриддин ўзига келди. Ўчоқда энди bemор учун балиқ шўрва биқирлаб қайнамоқда эди.

— Меҳриддин уйғонди, — деди Сардорбек.

Дилором унинг олдига чопиб борди.

— Вой тузукмисан, жиян? — деди у йигитчанинг пешонасини силаб.

— Ҳа, дуруст, — деб қўйди у дўриллаб.

Маржон табиб Дилмуродга ялт этиб қаради. Маржонлари шириллаб кетди. Унинг нигоҳида “Товуқ гўшти тайёрми?” деган савол бор эди. Дилмурод устозини тушуниб ўраб қўйилган гўштни олиб келди.

Табиб Меҳриддиннинг ярасини ечди ва куйдирилган қўй гўштининг докаларини олиб ташлади-да, унинг ўрнига янги сўйилган товуқ гўштини боғлаб қўйди.

— Қизим, балиқ шўрвангиздан бир коса қуйиб келиб, жиянингизга ичириб қўйинг.

— Хўп бўлади, — деди Дилором ва топшириқни бажаришга тутинди.

Меҳриддин уларнинг хатти-ҳаракатидан ҳайронда эди.

— Нима бало қиляпсизлар? Тушунмадим. Бу ёғда гиёҳлар, қўй, товуқ, балиқ?

— Илон, — дея қўшиб қўйди табиб кулиб. — Тоғларга хуш келибсиз, шаҳарлик йигит. Худо хоҳласа, табиат қўйнидасиз. Билсангиз, инсон ҳам барча жониворлару ўсимликлар каби табиат неъмати ҳисобланади. Бирининг дардини бири олади. Шунинг учун ҳам “Табиатнинг ўзи табиб” деб қўйибдилар. Фақат ундан тўғри фойдалана билиш керак. Бунинг учун яхши билим олиш керак бўлади.

— Энди Меҳриддинният ўзингизга шогирд қилиб оласиз-да, отажон, — деди Дилором балиқ шўрвали қошиқни пуфлаб bemорга тутаркан.

— Бу нима?

— Балиқ шўрва. Танани заҳардан тозалайди. Товуқ гўшти бўлса заҳарни сўриб олади, тушунарлими?

— Ўҳ-ҳў, бунақасини ўқимагандик.

— Жияним тиббиёт коллежини битираяпти-да.

— Э, шунақами? Унда халқ табобатидан хабари бордир?

— Йўқ. Бизда бунақа фан ўқитилмайди.

— Эҳ-ҳе, тавба. Унда нимани ўқитилади? Мана мисол учун шунақа воқеа бўлиб қолса. Аптечка йўқ, “тез ёрдам” йўқ, касалхона узоқ дейлик, нима қиласуринглар? — сўради табиб.

Меҳриддин жавоб берга олмади. У қизариб-бўзариб, “Билмасам” деб қўйди. Тўғри улар дарсларда ит қопиши, сувга чўкиш, илон, чаён чаққанида қандай тез тиббий ёрдам кўрсатишни ўрганишган. Лекин ҳаммаси тиббиёт дори-дармонлари ва воситаларига асосланган эди. Воқеа жойида табиат инъомларидан фойдаланиш ўқитилмаганди. “Мана шу киши бўлмаганида менинг аҳволим не кечарди? Наҳотки, кўкариб ўлиб кетаверардим. Яхшиям воқеа шу ерда содир бўлди. Йўлда икки жойда ётиб дам олдик, ҳеч нимани сезмадик. Буям бир омад

бўлса керак ёки Ҳадича энам айтмоқчи “Худо жонимни қайтиб берди” шекилли”, – деб қўйди Мөҳридин балиқ шўрвани ҳўплаб ўй сураркан.

- Амма, ҳалиги айтган олим кишингиз келмадими?
- Мана шу киши-да, – деди у Маржон табиби кўрсатиб.
- Йўғ-е! Қанақасига?
- Овқатингни тезроқ ичиб бўлгин, кейин қонингни олиб қўярканлар.
- Тушунмадим.
- Қонингни тозаламаса бўлмасмиш.
- Шприцда оладиларми?
- Йўқ, бошқа усулда.
- Бизга бунақасини ўргатишмаган-ку?
- Халқ табобатида шунаقا экан-да.
- Нима, тиббиёт бошқа, халқ табобати бошқами?

Бу гапларни эшитган табиб мийифида кулиб жавоб берди:

– Халқ табобати бу қадимги тиббиёт. Дунё халқлари неча асрлардан буён яшаш жойининг табиатидан келиб чиқиб касалликларга қарши курашишган. Бугунги тиббиёт бўлса ривожланган илмий-техникага, кимёвий, сунъий дориларга асосланган. Лекин ҳар иккаласининг ҳам мақсади бир – инсон саломатлигини асраш. Тушундингизми, ўғлим?

- Сиз бизга бориб дарс берсангиз бўларкан.
- Яхши, лекин мени ишга олишмайди-да.
- Нега?
- Ёшим тўғри келмайди.
- Гап ёшдамас. Дипломингиз йўқми?
- Нима ибн Синонинг дипломи бўлган эканми?

Улар кулиб юборишиди. Самимий кулги йигитчанинг кайфиятини бир қадар кўтарди ва даҳшатли илон тажовузини унутди.

- Хўш, йигитча, маза қалай?
- Чидаса бўлади.
- Сиз ёш, бақувватсиз, танаҳимоянгиз баланд. Шундай бўлсаям асосий жойингиздан қон олиб қўяман. Бу эҳтиёт

чораси бош мияга заҳарнинг зарралари ўтиб кетмаслиги учун. Хўш, тайёрмисиз?

— Ҳа, лекин қаеримдан олмоқчисиз?

— Бўйин қисмингиздан. Кон томмаслиги учун кўйлагингизни ечишга тўғри келади. Сардорбек, оловни баландлатиб қўйинг. Қизим менинг нарсаларимни олиб чиқинг.

— Хўп бўлади, — деди аёл ва чопиб ичкарига кириб кетди.

Дилмурод ҳам бундай жараённи ҳечам кўрмаганди. Томоша қила бошлади. Устози уришиб берди.

— Нега анқаясиз? Бўлинг, йигитчанинг кийимини ечинг. Бу қўли қимир этмасин. Бир тарафини ечсангиз бас.

Меҳриддиннинг орқаси ялангочланди. Табиб пахтани чўпга ўраб спиртга ботириб олди ва банка қўйиладиган жойни ҳам артмоқчи бўлиб қўл узатди. Не кўз билан кўрсинки, йигитчанинг бўйнида ҳам пилласимон, чиройли қўш холи бор эди. Кўз ўнгига чўмилаётган Маржонанинг ўша холи ва кулиб турган бўкса ва чеҳраси намоён бўлди. Юраги гупурлаб уриб кетди...

...Чопа-чоп орасида Дилором Сардорбекдан “Боғча иши” бўйича суриншириб билиб олди. Ниҳоят Барнога айлов қўйилганмиш ва тергов-суринширув ишлари бораётганмиш. “Келинойи, сиз, худо хоҳласа, оқланасиз”, деди йигит. Аёлнинг дили бир қадар ёришиди.

## V БОБ

### “КУЛБАИ ФОРОНА”ДА

Кўп ўтмай Меҳриддин ўзига келиб қолдӣ. У Маржон табибининг қилаётган муолажаларига, замонавий тиббиёт билан ҳалқ табобатидан уйғунликда фойдаланишига ва табиатнинг ҳар бир кўринишидан дардларга шифо излашига жуда қизиқиб қолди. У инсон саломатлигини асраш ҳақида сўзлаганда “теша тегмаган” ибораларни ишлатар ва йигитчани тобора ўзига ром қилиб борарди.

Ўша куни бемор Мөхридинни Сардорбек ва Дилмурод қўлбола, чойшабдан қилинган замбилга солиб табиб отанинг “кулбаи форона”сига олиб чиқиб бориши. Улар тўхтаб-тўхтаб дам олишган маҳали Мөхридин ҳам гўзал табиат манзараларидан баҳра оларди.

Унинг хаёлида табиб ва олим чолнинг гўё тепаликда замонавий далаҳовлиси бордек туюлар ва қачон у бино кўринаркин, деб хадеб тепалик сари қарайверарди. Аммо бир пайт атрофда ҳеч қандай иншоот кўринмаса-да, “Ва ниҳоят етиб келдик” деган гапни эшилди. Ҳатто бирор эшик ҳам йўқ эди. Чол бир тешикка эмаклаб кириб кетди ва ичкари томондан деб буюрди. Йигит ичкарига кириб бораркан, ўзини қоп-қоронфи фор ичида кўрди. Сўнг бошқалар ҳам эмаклаб кириб келишиб фонарларини ёқиши. Бу мўйсафиднинг қароргоҳи эди...

— Қани, секин келаверинглар. Эҳтиёт бўлинглар, энкайиб юринглар. Бошларингни уриб олманглар, — дерди мўйсафид тинимсиз.

У катта залга кириб бориб булоқ ёнидаги ўчоқ олдига пўстаклардан жой қилди. Бу ерга фақат тепадаги туйнукдангина нур тушиб турарди. Ўртада эса булоқ бўлиб, унда хонбалиқлар сокин сузиб юради.

— Энди йигитча шу ерда уч кун қимиrlамай ётасиз. Кейин, худо ҳоҳласа, кўрмагандай бўлиб кетасиз. Ҳозир мен мурчли чой дамлаб бераман. Шуни тез-тез ичаверасиз. Бу ҳам қонингизни заҳардан тозалайди, тушундингизми?

— Ҳа, тушундим, — деб қўйди Мөхридин ҳайронлик билан.  
— Кейин менда қўлбола шароб бор. Шунга зира қўшиб бераман. Ундан ҳам оз-оздан ичиб турасиз.

— Ўҳ-ҳӯ, бу ёғи майшат экан-да-а? — деди ҳазил қилиб Дилмурод.

— Ҳа. Сиз бу ёққа, бир дақиқага юринг, — деди мўйсафид ва уни бошқа хонага чорлаб, аста шивирлади: — Агар қонга заҳар чиндан ҳам тарқалган бўлса, бу уч кунда билинтиради. Шунинг учун бу ишга жиддий қарайлик, хўпми?

- Уч кундан кейин нима бўлиши мумкин?
- Илон газанда экан. Унинг заҳарида қонга ёмон таъсир қилувчи модда бор. Бу жуда хавфли. Юракка етиб борса ишимиз чатоқ. Лекин ишончим комил Сардорбек вақтида тез ёрдам кўрсатган. Агар одамга шундай ёрдам кўрсатилмаса, уч кунга бормайди, тушундингизми?

Дилмуроднинг ранги бўзарди, нима деярини билолмай каловланиб қолди. Табиб бир талай тайёрланган шишаларни жиринглатиб титкилаб ниҳоят излаганини топди. Шишачада мой бўлиб, мойга чаён ташлаб қўйилганди.

- Бу нима?
- Заҳарни заҳар кесади, дейдилар. Буни ўша чаққан жойга суртиб турилса, фойда қиласи. Кейин яна балиқ шўрва тайёрланг.
- Хўп.
- Тугаса, яна тайёрлаб, шўрвадан иссиқ-иссиқ бераверасиз.
- Хўп бўлади, устоз.
- Ҳозир илонларнинг айни жуфтлашадиган маҳалида, шунинг учун тажовузкор бўлишади. Уларни безовта қилиб бўлмайди.
- Ким билади дейсиз, фалокат-да.
- Ҳа. Шу ерларда яшашга аҳд қилган экансизлар, дори қутингиз доимо тўлиқ бўлиши лозим. Бундан ташқари чаён, қора курт, ари, ҳар хил ўргимчаклар ҳам чақишига тайёр бўлишларинг керак.
- Сизниям ҳеч чақиб турадими, устоз?
- Ҳа. Чаққани билан таъсир қилмайди. Танам заҳарга қарши кураша оладиган бўлиб кетган.
- Бўни қандай уддалагансиз?
- Баъзан заҳарли илонни ушлаб шўрвага ташлаб турман, кейин чаённи қуритиб, майдалаб овқатга сепиб қўяман. Заҳарнинг жуда оз миқдордагиси дори бўлади. Билсангиз, тиббиёт белгисида илон рамзи бор. Бу бежизга эмас.

- Ҳа-а, тўғри, — деб қўйди Дилмурод ёдига олиб.
- Билимнинг охирига етиб бўлмайди “Бешикдан то қабргача илм изла” деганлар.

Шундай қилиб, Дилмурод Дилоромнинг ёнига қайтди. Табиб билан Сардорбек навбатчилик қилишди. Халқ табобати йўлидаги тезкор муолажалар ўз самарасини берганиданми ёки навқирон Мөҳриддиннинг юраги бақувватлигиданми, эртаси анча ўзига келиб қолди. Кекса табиб унга бир оз юришга ҳам рухсат берди. Бу аввало “подшоҳлар пиёда борадиган жой”га бориш эҳтиёжи учун эли. Бу жой горнинг энг охирги хонасидан бирига қурилган бўлиб атрофи ўралган, тоза, ҳатто, тахтадан қопқоғи ҳам бор эди. Ювениш, чўмилиш жойи эса залдан кейинги хоналардан бири, сув йўналишида бўлиб, булоқнинг бир жилғаси шу ердан ўтадиган қилиб қазилган бири катта, иккинчиси кичик ҳовузчалардан иборат. Булоқ сувининг ҳарорати меъёрида бўлиб, уни ғор оғзидан тушадиган қуёш нури иситади.

Мөҳриддин билан Сардорбек кейинги куни горнинг бошқа хоналарини ҳам зимдан кўздан кечиришди. Табибнинг табобатга оид дунёвий илмий китоблари, қўлбола лабораторияси, захирага тўплаб қўйган гиёҳ ва дори-дармон воситалари талаба йигитда катта таассурот қолдирди. Касаллик турлари, уларни даволаш, саломатликни асрашга оид ноёб илмий адабиётлардан бир нечтасини танлаб олиб зўр қизиқиш билан танишиб, мутолаа қилиб ётди. Шулардан бири инглиз тилидаги “Тибетча ёшариш” номли китоб бўлиб, машқ чизмалари билан ифодаланган эди. Йигитча инглиз тилини яхши биларди. Шу туфайли ҳам бунинг қадимги босмадаги ноёб китоб эканини ҳис қилиб, табиб чолдан сўраш учун баъзи саволларни кўнглига тугиб қўяверди.

Китобларнинг яна бири эса қадимги табиб Абу Бакр ар-Розийнинг ўзи қайд қилиб борган “Касалликлар тарихи” номли рисоласи бўлиб, уни ўзбекча-лотинча ҳарфда таржима қилингани экан. Навбатдаги китоб Абу Али ибн Синонинг рус тилидаги “Юрак дорилари” рисоласи эди.

Ҳали йўл ҳордиги чиқмаган, чопа-чоплар билан бўлиб чарчаган Сардорбек бир четда, пўстаклар устида қотиб ухлаб қолди. Беморининг хотиржам китоб мутолаа қилиб ётганини кўрган Маржон табиб унга мамнунлик ва ўзгача меҳр билан қараб қўйди. “Яхши йигитга ўхшайди. Китоб ўқияптики, демак, ақлли бола. Ундан яхшигина шогирд чиқади” деб қўйди у фикран. Сўнг ўз ишлари билан банд бўлди.

Табиб қўлига охирги бор bemorlarini қабул қилгани қайд этилган дафтарни олди. Унда бир неча қишлоқлар, зиёратгоҳлар, тоғлардаги қўтонлару овулларни кезиб кўздан кечирган bemorlarning исмлари, ёши, қўйилган ташхиси ва буюрилган муолажалари ҳақидаги маълумотлар бор эди.

Турфа қофозлар орасида кимларнингdir табиб номига йўллаган мурожаат мактублари ҳам бор. Албатта, улар талаба йигит эътиборидан четда қолмади. Улардан бирини беихтиёр қўлига олди. Уни бир аёл изтироб билан ёрдам сўраб ёзибди. Неча йиллардан бўён зурриёдга зор эмиш...

Маржон табиб йигитчанинг ўқиётганини кўриб, самимий кулиб қўйди.

— Менга bemorlarim мана шунаقا мактублар ҳам йўллаб туришади, — деди мўйсафид ва чоғроқ картон қутичадан бир талай хатларни олиб қўйди.

Меҳриддин мактубларни бирма-бир олиб баъзилари билан тез танишиб чиқди.

“Салом, табиб ота! — дейилибди бир мактубда. — Мен бухоролик Оқила қизингизман. Эсингизда бўлса, эримнинг дарди бўйича тавсиялар берган эдингиз. Жумладан, гиёҳвандликни даволаш бўйича ибн Синонинг “Нарвон” усулини қўлланг, дегандингиз. Биз қўлладик. Яхши натижа берди. Раҳмат. Оиласиз билан сизга кўпдан-кўп миннатдорчилик изҳор этамиз. Сизга атаган зарбоф тўнимиз бор. Лекин манзилингизни билмаймиз. Илтимос, имкониятингиз бўлса бизникига бир келинг.

Сизга чексиз ҳурмат билан Оқила, Шофиркон тумани” Кейинги мактуб бир андижонлик Гулҳаё исмли

қиздан экан. Унинг тутқаноғи бор эмиш. Шунинг учун ёши ўтиб қолаётган бўлса-да, турмушга чиқишига ботина олмаётганмиш. Қиз дардига шифо сўраб ўтиниб ёзибди.

— Эҳ-хе, — деди Мехридин хатлар билан танишаркан, — почтаига қойил! Шу ергаям келиб турадими?

— Почтачининг дахли йўқ. Бу хатларни одамлар қачондир мен бориб туришим мумкин бўлган зиёратгоҳлардаги эҳсон қутиларига ташлаб кетишади.

— Нима, улар бу мактубларини, албатта, сизнинг қўлингизга келиб тушишига ишонишадими?

— Ҳа. Мана кўриб турибсиз-ку. Улар менинг ўша қадамжо жойларга қачондир боришимга ишонишади, умид қилиб кутишади. Юртимизда шифобахш зиёратгоҳлар жуда кўп. Масалан, Бахмалнинг Новқа деган жойидаги Бешпанжа булоғига асосан фарзандталаб ёш оиласар боришар экан ва булоқ сувидан ичиб ният қилишаркан. Қўлингиздаги мактубни бир аёл ўша муқаддаслаштирилган жойдаги эҳсон қутичасига ташлаб кетибди. Эътибор берсангиз, мактубда аёл бечора ўзининг бутун дарду ҳасратларини баён қилган.

— Ҳа, — деди Мехридин хатнинг манзилига кўз югуртириб. — Бу аёл Булунғурнинг Болғали деган қишлоғидан экан. Сиз у кишига жавоб ёздингизми?

— Ҳа, “Бориб даволайман, кутинг” дедим.

— Қандай қилиб даволамоқчисиз?

— Юринглар, чойим қайнаб қолди. Чой ичиб гурунг берайлик! Сиз, Мехридин, ётиб олинг. Мен сизни қизиқтирган бу саволингизга жавоб беришга ҳаракат қиласман.

Шундай қилишди. Мўйсафид кийикўтли чой дамлади. Бу тез-тез сийдиармиш, Мехридин учун бу ҳозир жуда фойдали эмиш. Чойни сочиққа ўраб қўйгач, табиб ўз ҳикоясини бошлади:

— Бепуштлик бу унақа ёмон дардмас. Бу дардни ҳеч қийинчиликсиз даволаса бўлади. Асосан қоннинг совиб кетиши оқибатида юзага келади. Демакки, қонни иситиб ўз меъёрига келтириш керак бўлади. Бунинг учун эр-хотин

бир пайтда даволанади. Аввало, уларнинг таналари тўлиқ тозалаб олиниши лозим. Умуман ҳар қандай касални даволашдан аввал унинг танаси тўлиқ тозалаб олинса, бериладиган дори-дармонлар самарали таъсир кўрсатади. Афсуски, ҳозирги замон тиббиётида шундай қилинмайди. Фақат заҳарлангандагина ошқозон- ичакни, кейин қонни ювишади, холос.

— Демак, ҳар қандай касалликни даволаш учун тўлиқ тозаланиш керак экан-да, — деди Сардорбек ва Мөхридинга қараб “Эшитинг, сиз учун бу жуда муҳим” деб қўйди.

— Сардорбек ака, сиз ёзиб олинг, илтимос. Кейин мен фойдаланаман.

— Майли, — деди у ва ёзув учун тайёрланиб олиб, алланималарни дафтарига қайд қила бошлади.

Бу пайтда мўйсафид пиёлаларга чой қуйиб ҳар икки шогирдларига узатди. Атрофни кийикўтининг хушбўй ҳиди тутиб кетди.

— Тозалашни нимадан бошлаш керак? — сўради Мөхридин.

— Аввало, ҳар икковларининг орқа ичакларини мойчечак қайнатмаси билан ҳуқна қилинади. Сўнг ошқозон тозаланади. Мажбурий қостирилади. Кейин қонни тозалаб, равон юришини таъминламоқ керак. Бунинг учун ровоч уругини талқон қилиб туюб, уни асал билан аралаштириб нўхатдек қилиб юмалоқлаб бир кунда уч маҳал сўриб юрилади. Кейин аёлнинг бачадонини келин тили деб аталган гиёҳ қайнатмасининг суви билан ювиб тозалаб турилади. Шундан сўнг ҳар иккалasi тўрт кун давомида иситилган қум муолажасини олишлари керак бўлади.

— Ўҳ-ҳў, қумни қаердан оламиз?

— Истаган жойингиздан. Уни халтачаларга солиб ёстиқчалар қилиб тикилади. Сўнг тоғорасимон идиш ичиди солиб печда ёки оловда қиздирилади. Кейин куйиб қолмаслиги учун пахтали чойшаб устидан оёқ кафтлари, тиззалар, чот ораси ва белга қўйиб ўраб

қўйилади. Натижада, танадаги қон қизийди. Энди унинг тез айланишини таъминлаш учун мунтазам равишда янтоқли чой ичиб терлаб турилади. Тушликка балиқни қовуриб, калласидан шўрва тайёрлаб ичиш мумкин. Парҳезга пиёзли патир нон еб, писта, бодом ва майизни асалга аралаштириб истеъмол қилиб туриш керак бўлади, тушунарлимиси?

— Ҳа! — дейишиди ёшлар.

Сардорбек эшитганларини шатирлатиб ёзиб олди ва хаёлига келган саволни беришга оғиз жуфтлади.

— Агар бепуштлик эркак томонидан бўлса-чи?

— Ҳим-м. Унда эркаклик уруфини иситиш зарур бўлади, — деди табиб ўйчан. — Бунинг учун ўттиз-қирқ дона семиз-семизчувалчанглардан териб, уларни бирор соат сувга солиб қўйилади. Сўнг чопқи билан чопиб эзғилаб зайдун, ё бўлмаса, сариёғда қовуриб, совутиб докадан ўтказилади-да, ҳар куни ўша эркаклик жойига суртиб ётилади.

— Демак, сиз ўша мактуб ёзган bemorингизни топиб мана шу муолажани қўлламоқчи бўляяпсизми, устоз? — сўради Мөҳридин ўта қизиқиш билан.

— Ҳа, худо хоҳласа. Яна уларнинг соғлигини текшириб кўраман. Қон, сийдик, уруғ таҳлиллариниям ҳисобга оламан, албатта.

— Демак, Булунбурга борасизми?

— Кўрамиз-да. Эҳтимол, уларни даволаш шароити бор жойгами, ё август ойи бўлса, табиий қуми бор жойларгами чақиртиарман. Масалан, Олтиариқда шунаقا шифобахш қум бор.

— Менда бир ғоя пайдо бўлди. Мумкинми айтсан? — сўради Мөҳридин ўнг қўлини дарсдагидай кўтариб.

— Бемалол, ўғлим.

— Сизнинг номингизга интернет сайти ё электрон почта очсак. Одамлар мактубини шунга ёзаверишарди.

— Яхши. Лекин бу матоҳларинг нима эканини тушунмайман. Мен учун зиёратгоҳлардаги ўша эҳсон қутичалари ишончлироқмикин? Чунки bemor ўз дардини,

бўлган яхши-ёмон ишларни очиқ-ойдин ёзади. Тузалишга ёки бирор яхши маслаҳат олишга умид қилади. Ўзини менга дўст деб билади. Ҳеч кимга айта олмаган гапларини қаламга олади. Энг муҳими, тузалишига ишонади, ихлос қилади. Ўзини руҳан тайёрлайди. Интернетда бўлса сирни сирлиги қолмайди.

— Тўғри. Лекин электрон почта сиз айтган қутининг замонавий кўриниши. Буни ўзим юргизавераман. Янаги сафар келганимда “ноутбук” имни ҳам олиб келаман. Унга хатлар тўпланиб қолган бўлади.

Маржон табиб “маъқул” дея кулиб қўйди ва Мехриддинга ўзгача меҳр билан боқиб, “Яшанг, ўғлим! Ҳа, гап йўқ. Замонлар жуда ўзгариб кетибди. Омадларингни берсин” деб қўйди.

— Эҳтимол, кейинчалик “Маржон табиб мактублари” деган китобча ҳам чиқарармиз. Унга bemorlarning муаммолари ва sizning amaliy tajribalaringiz жамланади, — деди Сардорбек.

— Буям яхши. Лекин ҳозир bemorlar мени intiқ кутишаяпти, — деб қўйди табиб ўз дафтарини аста варақларкан, улар билан бўлган мулоқотларни ҳам бир-бир ёдига олди. Қизиқарли воқеалардан бирини эслаб кулиб қўйди ва йигитларга ҳикоя қилиб берди:

Абдурашид исмли бир фермер киши бўлиб, у томдан хашак тушираётib йиқилиб тушган экан. Қуймичи жойидан чиқиб, қаттиқ лат еб, бир жойда ётиб қолибди. Ўша жойга Маржон табибни илтимос қилиб олиб боришиди. Шифокорлар bemorni taxtakatchlab қўйишибдию, қачон тузалиб кетишини айта олишмаганмиш.

Табиб аввалига нима қиларини билмай боши қотди ва фермернинг қўрғонини айланиб юриб яёв юрган бир тяяга кўзи тушиб қолди. Табиб қудуқ сувидан ичмоқчи бўлиб борганди. Қовурғалари яққол кўриниб турган тия ҳам сув ичмоқ ниятида шу томон юрди. Аммо каттагина сув идиши бўш эди. Мўйсафиднинг унга раҳми келди ва қудуқдан сув олиб идишни тўлатаверди. Тия узун бўйинлярини чўзиб узоқ сув ичди. Шундай кўп ичдики,

қовурғалари бўртиб турган қорни аста-секин шишиб суяклари сезилмай қолди. Шунда табибининг хаёлига ажойиб фикр келди: bemorning тахтакачини ечиб қўяди ва ўркачли туялар ҳар суғориладиган пайтда уни миндириб қўйиб суғорилади. Натижада, Абдурашиднинг оёқлари жуда секинлик билан тия қорнининг шишишига монанд сезиларсиз ва оғриқсиз кенгаяди. Шундай қилинса, қуймич аста-секин ўз жойига тушиб боради. Сўнг тия етакланади, натижада, оёқлар орасида енгил уқаланиш содир бўлиб, қон айланиши фаоллашади.

Табиб ўйлаганлари ҳақида bemorning яқинларига маълум қилди.

— Шундай қилинса, хўжайним тез тузалиб кетадиларми? — сўради Абдурашиднинг аёли.

— Ҳа. Эҳтимол, икки-уч ҳафта кетар. Лекин умид қилишимиз керак.

— Бўлмаса сизга бир хона қилиб берайлик. Даволангунларича биз билан яшайверасиз.

— Э, йўқ. Мени bemorларим кўп. Улардан хабар олмасам бўлмайди. Кейин доим иккита йигит у кишини туяга миндириб туришлари, оёқларини туяning қорнига яхшилаб боғлашлари керак бўлади, — деди табиб ўзича тасаввур қилиб.

Сўнг аёлдан “Нечта туяларинг бор ўзи?” деб сўради. Аёл “Яйловда еттита” деб жавоб берди.

— Айтинг бўлмаса. Уларнинг ҳаммасини шу ерга олиб келишсин. Адбурашидни, худо хоҳласа, туялар даволайди, — деди табиб. — Мен ҳозир анави туяга bemorni қандай миндириб, оёқларини қорнига боғлаб қўйишни кўрсатиб бераман. Чақиринг, йигитлардан борми?

— Ҳа. Хўжайнининг укаси, кейин молбоқар болалар бор.

— Бақувват йигитлар бўлсин.

Кўп ўтмай аёл икки йигитни бошлаб келди. Табиб қимир этмай, зерикиб ётган Абдурашиднинг белидаги тахтакачни счди.

- Нима қилмоқчисиз. Оғритмайдими? — сүради у.
- Сиз тұяларингизни яхши күрасизми?
- Ҳа. Нимайди?
- Сутидан ҳам ичиб турасизми?
- Гоҳ-гоҳ. Лекин гапнинг тұғриси, сутни унчалик ёқтирмайман.
- Энди шуни таяннинг устида ўтириб оз-оздан ҳўплаб ичасиз, хўпми? Тая сув ичади. У то тўйиб сугорилгунича қимир этмай тепасида ўтирасиз?
- Демак, у то чанқофини қондиргунича мен ҳам сутдан оз-оздан ҳўплаб тураман, шунақами?
- Шунақа.
- Шу билан тузалиб кетаманми?
- Ҳа.
- Таяга минмай ичаверсам бўлмайдими?
- Бўлмайди.
- Нима учун?
- Буниси сир.
- Айтаверинг.
- Йўқ. Аввал тузалиб кетинг, кейин.

Шундан сўнг табиб бемор фермер кишини қандай таяга миндириш, боғлаш ва таяни сугоргани олиб бориш, сугориш, сўнгра уни жойига қайтариб, тая устидан тушириб, қандай ётқизиб қўйишни кўрсатиб берди.

Шуларни эсларкан, “Ишқилиб Абдурашид тузалиб кетдимикин? Бир хабар олмасам бўлмайди” деб қўйди ўзича ва бошқа баъзи беморлари учун вაъда қилган малҳам-дорилар тайёрлаб алламаҳалгача қўшиқ хиргойи қилиб ишлади. Сўнгра Мөҳриддиндан хабар олди. Иигитча “Тибетча ёшариш” китобини пешонасига қўйганича беозор ухларди.

Табиб мийифида кулиб қўйди. “Инглизчани тушунади, шекилли? Ҳозирги ёшлар бало”, деб қўйди ўзича ва хаёлига бу ерга одамлар кўчиб келиб, уларнинг муаммолари билан бўлиб, тибетча “Соғлом ҳаёт” деб аталган ёшариш фарз амаллари билан шуғулланмай қўйганидан афсусланди. Шу туфайлими, кейинги пайтларда ўзини ҳорғин ҳис

қилмоқда, кексалик билинтирмоқда эди. “Йўқ, – деди у фикран, – қизимни, топмагунимча куч-қувватдан қолмаслигим керак. Бўлмаса, бу дунёдан армон билан ўтиб кетаман. Эҳ, қани энди шу “Соғлом ҳаёт” машқлари билан илгарироқ шуғулланиб, “Ҳаёт эликсири”дан ўзим учун ҳам тайёрлаб ичиб юрганимда эди, анави йигитлардай бардам-бақувват бўлармидим. Маржона ҳаёт бўлганида, у билан умргузаронлик қилиш насиб қилганида эди, биз бу дунёдан беармон, баҳтиёр яшаб ўтармидик. Тақдиримиз шунақа экан-да...” деди мўйсафид ва қўйнидан беихтиёр қўшнайнини чиқариб, “Ахторадурман сени” қўшиғининг куйини берилиб чала кетди.

Йигитлар бу маҳал тушларида нималарни кўради, худо билади.

\* \* \*

Эртаси мўйсафид йигитларни жуда барвақт уйғотди. Ҳали қуёш бош кўтартмаган, фира-ширалиқ пайти эди.

– Ўғлим, тура оласизми? – сўради у Мөҳриддиндан.  
– Ҳа, – деди у кўзларини аранг очиб.  
– Тузукмисиз?  
– Яхши, раҳмат.  
– Анави булоқ сувида юз-қўлингизни ювиб олинг.  
Ташқарига чиқамиз.

– Нимага?  
– Иш бор.

Сардорбек ҳам ўрнидан турди. У тиниқиб ухлаган тоғ ва мўътадил ғор ҳавоси унга жуда маъқул бўлганди. Худди юраги сезганидекми ё қайни-жиянидан хавотир олганиданми, Дилмурод ҳам табибнинг маконига чиқиб борди. Табиб ота ғор тешигидан чиқиб келишини у кулиб қарши олди.

– Ие, анавини қаранглар, худди билгандексиз-а, – леб қўйди мўйсафид хурсанд бўлиб.  
– Мөҳриддин тузукми?

— Ҳа, ана. Унга ёрдамлашынг, — деди у тешикни күрсатыб.

Улар бошсимон тепалик устига оҳиста чиқиб бориши. Тепасида чоғроқ текис майдон бор эди. Шу ерда Маржон табиб ҳар тонг қүёшни қаршилар ва тибетча “Соғлом ҳаёт” фарз амалларини бажаришга одатланғанди. У ўзининг бу амалий тажрибаларини ёшларга ҳам ўргатишга жазм қилди.

— Бу ерда нима қиласиз? — қизиқиб сўради Мөхриддин тонг ҳавосидан тўйиб нафас оларкан.

— Аввало, қүёшни қарши оламиз. Ундан танамизга қувват оламиз, — деди мўйсафид ва устидаги чопонини ечиб. Тош устига қўйиб, унга Мөхриддинни ўтиришга ундали. — Сиз бугунча кузатувчилик қиласиз. Ҳўпми, ўғлим? Кейин нима қилганимизни тушунтириб бераман.

Йигитча маъқуллаб ўрнашиб ўтириб олди. Табиб ўзи билан олиб келган пўстаклардан Сардорбек ва Дилмуродларга бериб, қүёш чиқаётган томонга қараб ўзи каби чўнқайиб ўтиришларини буюрди.

— Мен нима қилсан қайтарасизлар, — деди у ва худди тибет йоглари каби иккала қўл ва оёқ кафтларини бирбирига жуфтлади.

— Сизлар ҳам шундай ўтириб диққатларингни қүёш чиқаётган жойга қаратинглар. Ўзларингни бўш қўйинглар. Кўзларингни юминглар. Ичларингда фикран “Мен тинчланаяпман” денглар. “Мен” деганда бурнингиз орқали чуқур, енгил нафас оласиз, “тинчланаяпман” деганда нафасингизни оғиз орқали чўзиб чиқарасиз. Қани бажарайлик... Яхши. Энди “Мен бўшашаяпман” денглар. “Мен” деганда енгил нафас оласиз, “бўшашаяпман” деганда чўзиқ нафас билан чиқарасиз. Қани бажардик!

Бу машқ то қүёш чиққунича давом этди. Мөхриддин бунақасини кўрмаганди ва завқланиб томоша қилиб ўтиради.

— Ана энди кейинги машқ. Кўзларингизни очинг. Қуёшни кўраяпсизларми?

— Ҳа!

— Энди бутун диққатни қүёш тўлиқчиқиб кўтарилгунига қадар қаратиб турамиз. Иложи борича кўзни юммай, ўзингизни бўш қўйиб “Мен қувват олаяпман!” деб енгил нафас олиб, чўзиб чиқаришда давом этамиз. Мехридин сиз ҳам қуёшдан кўз уzmanг, хўпми?

— Нега?

— Кейин тушунтириб бераман. Ана шифобахш нурлари кўринаяпти. Бошладик... “Мен қувват олаяпман!” деди улар бараварига.

Зарин қүёш тоғ гумбазлари ортидан аста бош кўтарди ва оламни чароғон қилиб, қизғиш нурларини таратди. Кўп ўтмай унинг нур кокиллари бошсимон тош устига ва муолажа олаётганлар юзига тушди. Уларнинг фақат нафас олиб чиқараётганлари эшитилар ва юз-кўзлари офтоб нуридан баҳра олаётганлари сезилиб турарди.

— Энди кўзларингизни юминглар! Қуёшдан олган нурни гўё “танамга кириб борди” деб ҳис қилинглар... Бир ютиниб олинглар... Ана у энди чинданам танамизга жойлашди. Юрагимиз қувват олди... Тўғрими?

“Тўғри!” — дейишди йигитлар.

— Энди аста кўзимизни очамиз. Чуқур нафас олиб чиқарамиз.

Кўёш бир оз кўтарилягач, устоз ўрнидан турди.

— Энди кейинги машқ. Иккала қўлларимизни осмонга кўтариш билан бир пайтда оёқларимизниям, бошимизниям кўтариб чуқур нафас оламиз ва аста бўшашиб нафасимизни узоқ чиқарамиз.

Шогиралар устозларининг айтганларини беками-кўст бажаришарди.

— Ана энди юрагимизга олган қувватни танамизга сингдирнимиз. Буни тибетликлар “Соғлом ҳаёт” фарз амалига кириш, деб аташади.

Мехридин “Воҳ!” деб юборди. Чунки у куни кеча ўқиган китобида бу ҳақида сўз борган ва шу машқларни энди амалда кўриши мумкин бўлганидан беҳад хурсанд эди. Шуни яхши анлаган эдик, бу машқлар шунчаки фақат қонни юргизиш учун бажариладиган оддий бадантарбия

эмас, балки инсоннинг захира имкониятларини ишга туширувчи, танаҳимоясини оширувчи, ва ниҳоят, умрини узайтирувчи, ёшартирувчи жиддий тадбирлар эди, албатта.

Йигитчанинг хаёлига илк бор “Диплом ишига мана шу эркин мавзуни олиб мукаммал шуғуллансан-чи” деган ўй келди. “Тоғдан тушгач, дадамга қўнғироқ қилиб сўраб кўраман. Улар коллежимга бориб рухсат олиб берадилар. Бу табиб тоғадан кўп нарса ўрганса бўларкан, шекилли. Қизиқ, ёши нечада экан-а – олтмишми ё етмиш?”

Устоз машқларини бошлашдан аввал шогирдларига уларнинг моҳиятини, инсон узоқ умр кўришида нафас олишнинг аҳамияти катта эканини уқтириди.

– Узоқ яшовчиларнинг барчаси секин-аста нафас олувчилардир. Мен кейин сизларга бир воқеани айтиб бераман. Ҳозирча машқларни ўрганиб олинглар ва уни энди бундан буён ҳар куни бажарасизлар, келишдикми?

– Келишдик!

Шундан сўнг мўйсафид энди белидаги белбоғи ва бошқа кийимларини ҳам ечиб енгил бўлиб олди. Билаклари ва иштонини шимарди ва худди бир кинодаги каратэни ўргатмоқчи бўлган хитойлик чолга ўхшаб қолди.

– Хўш, бошладик бўлмаса, – деди ва оёқларини елка кенглигида олиб қўлларини қанот каби ёнига ёзди. – Бу биринчи қоида. Жами олтита. Буларни яхшилаб ёдингизда сақланглар ва яқинларингизга ҳам ўргатинглар.

– Бу нима учун хизмат қиласи? – сўради Дилмурод.

– Асосан ёшариш учун. Бу ҳақида кейинроқ гаплашамиз  
– Хўп.

– Мана қаранглар. Қуёшни яна диққат марказимизга оламиз. Агар бино ичидаги ёки бошқа майдонда бўлсак бирор нимани диққат маркази қилиб оласизлар. Кейин ўша жойдан кўзни узмаган ҳолда манавиндай қилиб соат миллари йўналишида аста айланамиз, тўхттаймиз. Айланиш бошланганида чуқур нафас оламиз, тўхтаганимизда чиқарамиз. Тушунарлими, бошладик... Кимнинг боши айланса, ўзини ёмон ҳис қилса, тўхтасин!

Үн мартадан ортиқ айлангач, аввалига Дилмурод сүнг Сардорбек тұхтаб қолишиди. Бошлари гангибрөқ қолди. Мүйсафид бўлса парво ҳам қилмай эллик марта айланди.

— Яхши, — деди у. — Биринчи кунга етарли. Секинаста кўпайтириб бораверасизлар. Энди иккинчи машққа ўтамиз. Буниси осон. Фақат тоза жойга ёки чойшаб ёзиб чалқанча ётиш керак бўлади. Мана бундай, — деди табиб ва осмонга қараб қўл кафтларини босиб пўстак устига узала ётди, — сўнг иягингизни кўтариб оёғингиз учига нигоҳ ташлайсиз. Кейин иякни тушириб, уни кўтармаған ҳолда оёқларингизни тик қилиб кўтарасиз. Тиззаларингиз букилмасин, мушакларингизни бўш қўйинг. Тосингиз ердан узилмасин... Ҳа, мана шундай. Аввал чуқур нафас оламиз, иякни, оёқни кўтарамиз... кейин туширгач, нафасни чиқарамиз. Қани, то чарчагунча бажараверинглар.

Меҳриддин ҳам тек туролмади. Ўзини физкультура дарсида ўтиргандек ҳис қилдими, ўзича беихтиёр буйруқ бера кетди.

— “Бир” деганда иякни кўтариб чуқур нафас оламиз. “Икки” деганда оёқларни кўтарамиз, “Уч” деганда оёқларни аста тушириб, нафасни чиқарамиз! — деди у.

— Э баракалла, ўғлим! Ўзингиз бошқариб турсангиз бўларкан.

Меҳриддин завқланиб кетди.

— Қани, бошладик, бўмаса. Бир!.. Икки!.. Уч!..

Улар бу машқни ҳам чарчагунча давом эттиришиди. Аммо табиб парвойига ҳам келмади, давом эттираверди.

— Хўш. Энди учинчи амалга ўтамиз. — Бу жудаям осон, — деди мўйсафид дадиллашиб ва тиззасини пўстакка қўйиб чўккалаб олди. Сўнг оёқларини жуфтлаб, қўл кафтларини думба устидаги сон мушакларига қўйди.

— Мана шундай қўйинглар... Кейин иякларингизни кўкрагингизга қўйиб қўлингизни пастга туширасиз. Бу ҳолда нафас чиқарилади. Сўнг чуқур нафас олиш билан бир вақтда иягингизни баланд кўтариб қўлингизни юмшоқ жойингизга қўясиз-да, иложи борича умуртқа

погонангизни орқа тарафга эгасиз... Ана ундан кейин яна иякни кўкракка босиб нафасни чиқариб қўлларингизни туширасиз. Қани, ўғлим, бир, икки, уч, бошладик!

— Бир, — деди Мехридин кулиб. — Икки... Уч...

Йигитлар бу машқни ҳам узоқ бажаришди. Тиззалири оғриб кетди. Охири чидай олмай ўтириб қолишиди.

— Яхши. Энди тўртингисига ўтамиз. Буниси ўтирган ҳолда бажарилади. Осон. Пўстакларингизга оёқни узатиб ўтириболасиз. Товонларингизелкангизкенглигида бўлсин. Қўл кафтларингизни думба ёнларига ер бўйлаб қўйинг. Бармоқларингиз олдинга йўналтирилган бўлиши керак. Ҳа, ана шундоқ... Иягингизни кўкрагингизга босганча олдироққа эгилинг, нафасни чиқаринг... Кейин бошни иложи борича орқа томонга қаратишга ҳаракат қилинг, чуқур нафас олинг... Энди шу ҳолатда қўлларингизни ерга тираган ҳолда гавдангизни озод кўтаришинг ва тушириб ўтиринг-да, нафасингизни чиқаринг. Тушунарлими?

— Ҳа! — дейишиди йигитлар.

— Бошладик! — дея қичқирди Мехридин. — Бир!.. Икки!.. Уч!..

— Қайтаринглар! — деди мўйсафид ўзи ўтирган ҳолда.

— Бир!.. Икки!.. Уч!.. — дерди бошловчи йигит бор овози билан.

Унинг овози тоғларда акс-садо берар, баъзи қоялар ҳам буйруққа итоат этгандай, бош эгиб саф тортиб туришарди гўё.

Бу машқни ҳам улар то чарчагунча давом эттиришди.

— Энди бешинчи амал. Бу жудаям осон, — деди мўйсафид ва уни қандай бажаришни ўзи кўрсатиб берди. — Мана, ерга қорин билан узала тушиб ётиб кафтларимизни ёнимизга тираймиз-да, гавдамизни даст кўтариб бошимизни иложи борича орқага ташлаймиз... Сўнг тиззамизни букмаган ҳолда орқа тосимизни баланд кўтариб, иягимизни кўкрагимизга тираймиз. Қўлларимиз ва оёғимиз жойидан қимирамайди. Кейин яна шу ҳолда ерга ётамиз. Мана қаранглар... Бир... Икки... Уч...

Бошни кўтарганда чуқур нафас оламиз, туширганда чиқарамиз. Ҳа, ўғлим, бошланг, – деди у Мехриддинга қарата.

– Бир!.. Икки!.. Уч!..

– Яхши. Тўхтамай қайтараверами!

Улар бу машқни ҳам ҳолдан тойгунча бажариши.

– Етарли, туинглар! Хуллас, бугунги ўрганганларингиз тибетликларнинг ёшариш бўйича амалий машқлари эди. Энди уни ҳар куни бир маҳал ҳар бир машқни йигирма бир маротабадан такрорлаган ҳолда бажариб борасизлар. Хоҳланглар уни иккига бўлиб эрталаб ва кечқурун, хоҳланглар учга бўлиб етти мартадан, тушунарлими? Энди қўлларимизни баланд кўтариб чуқур нафас оламиз ва тушириб чиқарамиз. Бир... Икки... Уч... Машқ тамом!

– Бир савол мумкинми? – сўради Сардорбек.

– Бемалол.

– Биринчи машқни бажаришда бош айланиб кетаркану.

– Ҳа, тўғри. Дастваб шундай бўлади. Кейин-кейин кўнишиб кетасиз. Неча марта айлана олсангиз шунча айланинг. Ўзингизни асло зўриқтирманг. Умуман, машқларни ҳар ким ўзини толиқтирмай, имкони даражасида қанчалик кўп бажарса шунча яхши. Тушунарлими? Бўлмаса бориб иссиқ булоқ сувида ювинамиз. Машқдан сўнг асло совуқ сувда ювинманлар. Агар у бўлмаса бирор соат кутиб енгил ювинасизлар. Ҳўш, ўзларингни қандай ҳис қилаяпсизлар?

– Яхши, – деди Дилмурод тан олиб.

У ҳақиқатан ҳам ўзини бардам ҳис қилмоқда эди. Қани энди бургутлар мисоли қаноти бўлсаю парвоз қилиб даралар оралаб суюкли аёли ҳузурига учиб бора олса...

– Э қойил, устоз, – деб қўйди Мехриддин.

Маржон табибга йигитчанинг “устоз” деб атагани бир олам завқ бағишлиғандай, қувватига янада қувват қўшгандай туюлди. У йигитчанинг елкасини меҳр билан қоқиб қўйиб йўлда давом этди.

— Агар сизга маъқул бўлган бўлса, шогирд сифатида буюраман, эртадан бошлаб сиз ҳам шу машқларни бажаришга киришасиз.

— Хўп бўлади, устоз, — деди Мехриддин севиниб. — Лекин сизга бир саволим бор.

— Бемалол, ўғлим.

— Нега сиз олтинчи қоидани ўргатмадингиз?

Табиб ярқ этиб қаради. Бу ҳақида йигитча китобдан ўқиб билганига амин бўлди. Лекин сир бой бермади.

— Олтинчи қоидани ўрганишга ҳали ёшлиқ қиласизлар. Сизларда бунга эҳтиёж йўқ.

— Нега? — қизиқиб сўради Дилмурод.

Табибнинг кулимсираган чехрасидан негадир бу амал ҳақида гапиргиси келмаётгани сезиларди. Йигитлар маҳтал бўлмаслиги учун у ниҳоят жавоб берди.

— Бу жинсий қуввати камайганлар учун, яъни менбоп машқлар, — деди ва хохолаб кулиб юборди. — Майлига, агар жа хоҳлаётган бўлсанглар...

— Э, йўқ, — деди Дилмурод кулиб, — ёшимиз сиздек бўлганида ўргатарсиз.

— Илоҳим, — деб қўйди табиб.

— Ёшингиз ўзи неча-да, устоз? — сўради йигитча.

— Бир юз эллик деяпман, сўрайверасиз, ками бор, — деди мўйсафид гўё бозорнинг гапига қиёслаб.

— Етмиш бешми? Э йўғ-е. Унчаликмасдир-ов. Олтмиш бўлса керак-а? Ё эллик бешми?..

Мўйсафид тўхтаб “Оббо, ўғлим-эй” дея йигитчанинг қўнғироқ соchlарини меҳр билан тўзғиб қўйди.

— Сиз нима десангиз шу-да, ўғлим, — деди у кулиб.

Дилмурод секин-аста Мехриддиннинг қулоғига шипшиди:

— Тўқсон саккиздалар...

“Йўғ-е!” деб юборди йигитча ва оғзи очилиб қолди. Улар тошлар оралаб ғор тешиги олдига хотиржам тушиб келишаркан, Дилмурод ҳазил қилгиси келдими, қочиrim қилди.

— Отахон, соч-соқолингизга сал оқ оралаб қолибдими?

— Ҳа, — деди мўйсафид жиддийлашиб, — дардим, армоним бўлмаганида эди, сизларга “отахон” эмас “акахон” бўлиб юрган бўлармидим.

Дилмурод тушунди. У йўқолган қизига шаъма қилмоқда. Унинг кўнглидан “Нима қилсам экан. Қизи ҳақида билғанларимни гапириб берсамми? Лекин бунинг фойдаси бўлармикин? Афсус, уни тополмайди. Сарсон бўлади. Юраги сиқилади. Касал бўлиб ётиб қолиши ҳам мумкин” деган гаплар ўтди.

— Бўлмаса сизлар нонуштани қилинглар. Мен бориб чорвани чиқариб, экинлардан ҳам хабар олайн, — деди Дилмурод.

— Майли. Биз ҳам кейин аста тушиб борамиз. Ёшларга гўзал манзараларимизни, айифу кийикларимизни кўрсатмоқчиман.

— Нима, зоопаркларинг борми? — соддалик билан сўради Меҳриддин.

Улар қотиб қулишди.

— Яхши-яхши, — деди табиб. — Ботаника боғимиз ҳам бор.

— Табиий дориҳоналаримиз ҳам, — деди Сардорбек.

— Ҳаттоқи bemorimiz ҳам, — деди мўйсафид бўш келмай Меҳриддиннинг ўзига ишора қилиб.

Яна самимий кулги кўтарилди.

— Майли, Дилмуродбек, борақолинг. Бугунги олган сабоқларингизни амалда қўлланг, келинпошшагаям ўргатинг, хўпми? Чунки сиз ёшариб кетиб, у киши кампирлигича қолиб кетмасин, тағин.

Яна кулги янгради. Дилмурод тошлар оралаб пастлик томон елдек учди. У ўзида чиндан ҳам қандайдир қўшимча гайрат ва қувват пайдо бўлганини ҳис қилди. Тошлардан тошларга енгил сакраб борарди ва кўп ўтмай қўргонлари олдида пайдо бўлди. У шу даражада яна юришга чанқоқлик ҳис қилардики, хотини чиқиб “Дадаси, гугуртимиз қолмабди, отамизниги қайтиб бориб келинг” дегудек бўлса жон деб қайтиб чопиб бориб келишга тайёр эди. Афсус, ҳамма нарса етарли шекилли, хотини индамай қайнатилган эчки сутидан бир коса олиб келиб тутди.

- Наҳорингизга ичиб ола қолинг, дадаси. Қувват бўлади.
- Ўҳ-ҳў, раҳмат. Ўзи қувватим етарли-ку, — деди у кўзлари ёниб.
- Вой, намунча хурсандсиз, тинчликми? Мехридин тузукми?
- Ҳа яхши. Салом айтди. Устоз бизга бугун тибетча ёшариш машқларини ўргатдилар. Сизгаям ўрганишингизни тавсия қилишди.
- Ростдан-а? Лекин бунга вақт қаёқда?
- Ким бажармаса ёшармай қариб колармиш.
- Тавба, — деб қўйди аёл эрининг кўнглидаги гапни англамай, кесатди. — Ёшармай қўя қолинг энди. Нима бало, яна битта хотин олмоқчимисиз дейман? Ана, — дея қўлидаги ўтинни улоқтирди у, — сўнгра кутилмаганда йиғлаб юборди. — Ўша манжалаки Барнони деб шу аҳволга тушиб турибмиз... Шуям ҳаётми?
- Э, қўйинг хотин. Бўпти, ўша машқларни бажармаймиз, гап тамом. Бекор айтибман.
- Сиз ўзи шунаقا. У ёқдаги уй-жой, бола-чақани ўйламай қўйдингиз. Қаёқдаги машқлар, ўйинларни гапирасиз.
- Хўп, бўпти. Мен экинлардан хабар оламан, — деди Дилмурод гапни кўпайтирмай ва эчки сутини паққос ичиб олди.
- Дилмурод экинларни кўздан кечираркан, аёлининг кўнглини оламан деб билмай озор бериб қўйганидан дили хира торти. “Ҳа, унинг дарди ичиди. Бечора нима қилсин, болаларини соғинган” деб хаёлидан ўтказди.

\* \* \*

- Қани марҳамат, йигитлар, — деди мўйсафид, меҳмон йигитларга қароргоҳининг “дарвозаси”ни кўрсатиб.
- Йўқ. Аввал ўзларидан бўлсин, — деди Сардорбек.
- Табиб илк бор ўзида хижолат сезди. Чунки фор оғзи беркилганидан буён бу ерга айтарли меҳмон ташриф

## **Набижон ҲОШИМОВ**

---

буюрган ва ҳеч кимга “аввал ўзларидан бўлсин” деб мулозамат қилинмаганди.

Сардорбек чолнинг кўнглидагини тушунди ва ўз истагини маълум қилди.

— Шу тешикни кенгайтириб эшик қилиб берсак бўларкан. Лом, киркинингиз борми?

— Бўлганида ўзим вайрон қилиб ташлаган бўлардим.

— Искана-чи? Ҳалиги тошни қоқиб ёрадиyo.

— Барибир кувалдаям керак-да. Кейин бу бир кишининг иши эмас. Сизга ўхшаган беш-олтита йигитлар керак бўлади. Бу иш тезда битмайдиям. Масалан, мана шу тешикни очиш учун бир ой уринганман. Унгача туйнукдан арқон билан осилиб тушиб, чиқардим. Энди бўлса қувватим етмайди.

Сардорбек ўзича тошлар уюмини чамалади.

— Ҳа, бу ерда камида йигирма машина тош бор.

— Нима, илгари форнинг оғзи очиқ эдими? — сўради Мехридин ҳам қизиқиб.

— Ҳа, оғзи катта эди. Бемалол кириб-чиқа олардик. Бу ерни Жаннатфор деб атардик.

— Эҳ, курсдошларим бўлганида эди.

— Қўйсанг-чи. Курсдошларинг эплолмайди, — деди Сардорбек ва нима қилиш кераклиги ҳақида ўйланиб қолди.

— Э, юринглар, ичкарида гаплашайлик, — деди мўйсафид.

— Сиз илгари ёлғиз бўлгансиз, эплолмагансиз. Ҳозир ҳарҳолда кўпчиликмиз-ку.

— Тўғри айтасиз “Кўпчилик тоғни йиқар” деган гап бор.

— Тошларни йўниб, арқонга боғлаб, отлар билан тортиб кўриш керак.

— Барибир ломсиз иш битмайди.

— Ҳа, камида иккита лом. Бўлмаса янаги келишимизга шу ишни режалаштирасак. Нима дедингиз, отахон?!

— Яхши. Шокиржонният айтамиз. У ҳам ёрдам беради.

Улар шу қарорга келиб, тешикдан тулкилардай эмаклаб кириб кетишли. Табиб хижолат чекди ва кўнглида илтижо

қилган бўлди: “Эй худо, ўзинг мадад бер. Бу ёшларнинг кўнгли пок”.

Меҳридинга навбатдаги муолажалар кўрсатилди. Заҳарнинг заҳридан асар ҳам қолмади. У ўзини бардам ҳис қиласа, айниқса, табобат ва тиббиёт илмларининг соҳиби бўлган устоз орттирганидан жуда баҳтиёр эди.

Улар яна ташқарига чиқишиди. Қуёш чароғон, майин эпкин эсар, ҳаво жуда ҳам мусаффо эди.

Маржон табиб йигитларни даралар, бутазорлару майсазорлар оралаб ўз маконининг диққатга сазовор жойлари билан таништира кетди. Йўл-йўлакай ҳар хил ўсимлик-гиёҳлар, меваю буталарга дуч келишар, мўйсафид эринмай уларнинг инсон саломатлигига фойдалари ҳақида гапириб борарди. Баъзан Меҳридин ҳам ўта қизиқувчанлик билан савол ташлаб кўрарди. Табибда бўлса йигитчанинг саволларига жавоб қайтаришдан ўзгача завқ олаётгани сезилиб турарди.

Бир пайт Сардорбек ҳам мурожаат қилиб қолди:

— Тоғажон, эрталаб бир воқеани айтиб бераман дегандингиз?

— Қачон?

— Тибетча машқлар бажараётганимизда.

— Э-ҳа. Бўлди-бўлди. Ҳуллас, мен маълум муддат Тибетда ҳам яшадим. Ҳимолай тоғи этагида бир руҳоний билан танишиб қолдим. Унда ёшим тоғангиз Дилмуроддек, ҳали навқирон эди. У ерда руҳоний ламалар жуда кўп экан. Қаерни қараманг, хилват жойларда баданларининг юксак даражадаги руҳий ҳолатга тушириш учун астасекинлик билан ва чуқур нафас олиб-чиқариб машқлар бажаришарди. Менинг танишим эса мусулмон киши экан. Соч-соқоли қоп-қора, тишлари бут, ўзи бақувват, соғлиғи аъло даражада эди. Ёшини сўрагандим, “Бир юз йигирма олтида” деб айтди. Мен дастлаб ишонмадим. У “Мен Оллоҳ хизматидаги одамман. Ёлғон гапиришдан менга не наф. Истасангиз сизга ҳам ўргатаман” деб, бугунги кўрган фарз амалларни, кейин чуқур нафас олишнинг сирларини ўргатди. Хulosam шуки, инсон қанча чуқур

нафас олиб аста чиқара билса шунча узоқ умр кўраркан. Шуни ёлда тутингларки, чуқур нафас олишни очлик муолажаси билан бирга олиб борсангизлар умрларингга янайм умр қўшаверасизлар.

— Очлик муолажаси дейсизми? Бу қанақа бўлади? — сўради Мөҳридин ўта қизиқиш билан.

— Очликми? Бу танани тозалаш демак. Яъни ички аъзоларимизда йиғилиб қолган заҳарлардан қутилиш амали дегани. Очлик, уч, етти, ўн тўрт, йигирма бир ва ўттиз кунлик бўлиши мумкин. Агар қизиқсангизлар бунинг режасини тузиб беришим мумкин.

— Нима, ҳеч нима ейилмайдими?

— Яхши тозаланган, яъни дистилланган сув ёки мева шарбати ичиб турилади. Бундан мақсад тананинг айрим жойларида йиғилиб қолган ортиқча ва заҳарли моддаларни яна ошқозонга қайтариб, ортиқчасини ташқарига чиқариб юбориш керак.

— Тушунмадим, — деди Мөҳридин.

Сардорбек ҳам савол назари билан қаради.

— Мисол учун түянинг ўркачи бор. Бу ўркач унинг озуқа захира омбори ҳисобланади. Лекин инсоннинг ўркачи йўқ. Шунинг учун ортиқча захира озуқалар суюқ ва қуюқ ҳолатида инсон танасининг қаерида бўш жойлар бўлса ўша ерларга йиғилаверади. Масалан, ичаклар, бўғимлар ораси, ҳатто, бош миянинг чаноқ оралари. Қаерда бўлса ўша ердаги асаб толаларини сиқа бошлайди, қон айланишини секинлаштиради. Натижада оғриқлар пайдо бўлади. Очлик муолажаси қилинганида бу суюқликлар ошқозонга қайтиб боради ва ошиқчаси ташқарига чиқиб кетади. Бунда инсон ҳам вазнини ташлайди, ҳам тозаланади. Семизлар ориқлайди, ориқлар семиради. Энди буларнинг ҳаммасини мен сизларга эрталаб кўрсатган бешта тибет фарз амаллари билан қўшиб олиб борсангизлар, ёшларингиз мендек бўлганидаям ҳозиргидек навқирон бўлиб юраверасизлар.

— Эҳ-ҳе! — деб қўйди талаба йигит. — Демак, инсон ўз соғлиғи, умрини узайтира олиши ўзига боғлиқ экан-да-а?

— Ҳа, албатта. Нима бўлсаям инсон табиатнинг бир бўлгадидир. Бошқа жонзотлардан фарқи шуки, у онгли. Ақл билан иш тута олади. Яна унга сабр-тоқат, ирода ва шукроналик қилиш хусусиятлари берилган. Ҳар қандай шароитда хоҳ у жазирама саҳрода, хоҳ у Антарктида музлигига бўлсин, ақл билан иш тутиб, муҳитга тез мослаша олиши мумкин.

Улар ана шундай баҳс-мунозаралар билан тоғнинг гўзал манзараларини, майсазору бутазорларни кезишиди, сойлар, жилғалар бўйлаб юришиди, турли ҳайвонларни кузатишиди. Илми толиб Мөҳридин ўзи учун янги бир олам кашф қилди. Табиат ва табобатга жуда қизиқиб қолди. Ҳатто учиб юрган бежирим капалаклару ҳашаротлар ҳам унинг эътиборидан қолмасди. Ҳаммаси унинг учун қизиқ, ҳаммасида инсон учун керакли хислатлар бордек туюларди. Шу туфайли у шогирд сифатида савол беришдан чарчамас, кекса табиб бўлса ўзини чеварасига тушунтираётган бободек тутарди.

— Бобожон, манави ўргимчакният инсон учун фойдаси борми?

— Ҳа, албатта бор, ўғлим. Буни асосан ўлдириб сурункали, иситмаси баланд бўладиган беморларнинг билагига боғлаб қўйилса шу даррдан холос бўлишади. Бунинг ипини ҳам пешона, билак ёки бўйинга боғлаб ётилса, иситмани туширишга ёрдам беради. Кейин унинг янги ипларини зайдун ёғи билан бирга эзига оғриган қулоққа томизилса оғриқни қолдиради. Ўргимчак оғзидан чиққан толаларни жароҳатга босилса қонни тўхтатади ва яранинг тез битишига ёрдам беради.

— Ўҳ-ҳӯ, — деди Мөҳридин ажабланиб. — Ҳеч қанақа дориниям кераги йўқ экан, қойил!

— Эҳ, ёшлар, — деб қўйди Маржон табиб тин олиб. — Сизларнинг ҳозир айни мустақил ҳаётга қадам қўйиб, куч-қувватга тўлиб, ақл-идрокларинг етилаётган пайт. Агар шу ёшларингда ҳаётнинг қадрига етиб, соғлиғингиз ҳақида қайғуриб, турмуш тарзига тўғри амал қилсангизлар, кейин иннайкейин, фақат ейиш-ичиш

ҳақида ўйламай, келажакда юртга кераклигингизни ҳис қилиб, жисмонан соғлом, қалбан пок, маънан баркамол бўлсангиз, ҳеч қачон дардга чалинмайсизлар. Мазмунли ҳаёт кечирсангиз, дўстларингиз кўп бўлса, танлаган касбингизни ардоқласангиз, ватани, миллатни севсангиз, демакки, инсон деган буюк номни покиза сақлаган бўласизлар, тушунарлимни?

— Ҳа, устоз!!! — дейишиди шогирдлар бараварига.

## **VI БОБ**

### **БЕМОРЛАР САРИ САФАР**

Орадан икки кун ўтгач, катта устоз кичик шогирдлари ҳамроҳлигига йўлга отланишиди. Мехриддин агар дадаси рухсат берса диплом амалиётини эркин мавзуга ўгириб халқ табобати йўналишида тайёрлайдиган ва Маржон табибни бу кичик илмий ишига раҳбар қилиб оладиган бўлди. Сардорбек Тошлоққа бориб ўз ишини давом эттиради. У Фарғонага ўтиб Хадича хола ва жиянчалари Давлатёр ва Лолалардан хабар олади, албатта.

Кетишдан аввал Дилмурод жиянини бир четга чорлаб алоҳида топшириқ берди:

— Фарғонадаги “Болалар уйи”га бориб архивни кўтариб кўрасан.

— Хўп. Кимни сўрайман?

— Ҳим-м... Хуллас, бундан эллик беш йиллар муқаддам чустлик бир аёл икки ёшли қизчани олиб келиб топширганми ё йўқми?

— Қизчанинг исми-шарифи борми?

— Албатта йўқ. Хуллас, биз табиб тоғанинг йўқолган қизчасини топиб беришга ҳаракат қилишимиз керак. Сизлар барибир йўл-йўлакай Шокир овчига дуч келишларинг мумкин. У Шокарим исмли бир кекса овчидан сўраб билибди. У шу ердан эмаклаб юрган бир гўдак қизчани топиб олиб чустлик бефарзанд синглисига олиб бориб берган экан. Лекин кўп ўтмай аёл оғир дардга

чалиниб қолибди ва қизчани вилоятдаги “Болалар уйи”га топишириб келибди. Мен Намангандаги “Болалар уйи”га бориб суриштирдим. У ерда йўқ. Кеча келинойинг билан шу ҳақида маслаҳатлашгандик. У вақтда Наманган вилояти бўлмаганмиш. У Фарғона вилояти таркибида бўлган экан.

— Демак, ўша вақтда “Болалар уйи” Фарғона ва Андижонда бўлган демоқчисиз-да.

— Ҳа, ўлма, жиян! Кейин билишимча, Ҳадича холанг ҳам ўша “Болалар уйи”да катта бўлганмиш. Эҳтимол, бирор нима билар. Сўраб кўр.

— Йўғ-е, қуда холам давлат боласи бўлганми?

— Ҳа. Фамилияси шунинг учун ҳам Давлатова эди, тушундингми?

— Яхши. Мен унда қуда холамдан илтимос қиласман. Бирга ўтиб келамиз. Ҳар ҳолда у ердагилардан кимни диртанир.

— Агар у ердан чиқмаса вақт топиб Андижонга ўтиб бор. Савоб бўлади. Бечора мўйсафид умид билан яшаяпти. Зора ёрдамимиз тегса.

— Ҳа. Яхши бўларди, албатта.

— Кейин укам Жўравойдан ҳам хабар ол. Қамалиб қолган бўлса, йўқлаб қўй. Мендан дои салом айт. Кейин ойимга салом айт. Адҳамжонгаям учраш. Унга айт, биз яхши ўрнашиб олдик, давлат қарзининг бир қисмини тўлаб қўйдик... Ҳўп, яхши етиб ол бўлмаса. Кейин устозимиз ўргатган анави бешта фарз амалларини бажариб юринглар, ўртоқларингаям ўргат, хўпми?

— Ҳўп, бўлади. Яхши қолинглар. Илон, чаёнлардан эҳтиёт бўлинглар.

— Энди қачон кела оласан?

— Ёзда. Иложи бўлса жиянчаларимниям олиб келаман.

— Яхши, бу ерда керак бўладиган дори-дармонлар, бошқа камчиликларни ўзинг кўрдинг, олиб кел, хўпми?

— Ҳўп.

— Келишларингга энди сабзавоту помидорларимиз ҳам пишиб қолади. Ҳа айтмоқчи, гиёҳ маҳсулотларини

улгуржи сотиб оладиган одам топ. Биз доим етказиб турамиз. Эҳтимол, уларни қадоқлайдиган кичик корхона очарсан, ўйлаб кўр. Қишлоғимиздан беш-ўн одам ишли бўларди.

— Яхши. Бу ҳақида мен ҳам ўйладим. Яқин келажакда кимёвий дорилар ўрнини барибир маҳаллий доридармонлар эгалласа керак.

— Ҳа. Мен Маржон табибдан ҳали жуда кўп амалларни ўрганмоқчиман. Кейинчалик ҳаммаси тинчиб кетгач, эҳтимол, шунаقا корхона очармиз. Ҳом ашё базамиз бўлса энди бор.

— Зўр иш бўларди-да, — деди Сардорбек қувониб.

Хайрлашиш пайтида Дилором ўғилчаси Бургуталини кўтариб чиқди.

— Хайр, бобожон, деб қўйинг, — деди аёл гўдагини эркалаб, қўлчасини силкитаркан. — Ана кичкина тоғасиям, амакисиям кетишяпти “Катта тоғамга салом айтинг” деб қўйинг.

Меҳриддин келиб чақалоқнинг қўлчасидан ўпиб қўйди.

Дилором ва Дилмурод кетганлар ортидан узоқ кузатиб қолишиди.

— Анави ўргангандан машқингизни бажармаймизми, дадаси?

— Қанақа машқ?

— Бештами ё олтитами, ҳалиги тибетча девдингиз-ку.

Дилмурод аёлига ялт этиб кулиб қаради.

— Уларни энди иккимиз бажарамиз. Чунки бу тоғларда энди биздан бўлак ҳеч ким йўқ. Бу бир. Иккинчидан, сиз билан мен учун бешта фарз амали етарли, олтинчисига ҳожат йўқ.

— Вой, шунақами?

— Шунақа.

— Айтмоқчи, табиб тоға вақт топиб ҳужрамни тартибга солиб берарсизлар, деб илтимос қилувдилар, — деди Дилором нозланиб.

— Ҳа, майли. Эртага сизларни отамизнинг “ҳужраи горона”сига олиб бориб қўяман-да, ўзим қайтиб келаман. Бўладими?

— Бўлади.

Дилмурод аввал чақалоқни, сўнг аёлини ўпид қўйди. Улар бениҳоя баҳтиёр эдилар. Осмондаги бир жуфт бургутлар ҳам чарх уриб учар, гўё уларни олқишилардилар

\* \* \*

Маржон табибнинг одамлар орасига бўладиган бу галги сафари қалби қайноқ, илму маърифатга чанқоқ ёшлар билан кечмоқда эди. У негадир Мөҳриддинга ўзгача меҳр билан боқар, гўё бор билганларини унинг миясига жойлашга ҳаракат қиласди. Коллежда олган назарий билимлар билан қониқмай ҳафсаласи пир бўлган Мөҳриддинда энди тиббиёт ва табобатга, табиатнинг набототу ҳайвонотига қизиқиш тобора ортиб борарди.

Биттадан эшакни етаклаб олган ҳамсафарлар то Шарқиратма шаршарасигача пиёда кетишиди. Кекса табиб йўл-йўлакай инсон ва табиат мавзусидаги ёшларнинг саволларига жавоб бериб, баъзан тўхтаб, бирор ўсимлик ёки маъданни қўлига олиб билганича сабоқ бериб борди.

— Ўзи халқ табобати қандай келиб чиққан? — сўради Сардорбек.

— Одамлар қадим-қадим замонлардан турли касалликларга малҳам бўлувчи даво воситаларини табиатдан ахтаришган. Ўсимликлар қайта-қайта ҳаётий синовлар натижасида даволашда доимий фойдаланила бошланган. Халқ табобати — бу аслида одамларнинг шифобахш омилларга бўлган кузатувчанлигидан келиб чиққан.

Шу маҳал Мөҳриддиннинг кўзи сал нарида хотиржам ўтлаб юрган кийикларга тушиб қолди. “Қаранглар, кийик!” дея қичқирди у. Жониворлар ҳушёр тортиб, ҳуркиб нари кетишиди. Йигитча учун бу манзара ажойиб кашфиётдек эди. Чунки у кийикларни факат зоопаркда кўрганди.

Маржон табиб фикрини давом эттириди:

— Анави кийикларни олайлик. Қадимги одамлар

жароҳатланган кийик чиннигулни ахтариб топиб ейишини кузатишган экан. Чунки чиннигул таркибида қон тўхтатувчи модда мавжудлигини биларкан. Демак, одамлар ҳам шу мақсадда чиннигулдан фойдаланиши мумкин, деганхulosага келишган. Янабирмисол, қўйларни олайлик. Улар гоҳ-гоҳ манави эрмондан еб туришаркан, — деди мўйсафид бир эрмон ўсимлигининг шохини синдириб олиб йўлида давом этаркан. — Билсангизлар, бу жуда аччиқ, аслида жониворлар емайдиган ўт. Лекин қўй ўз танасида гижжа кўпайиб кетганини ҳис қилса шу аччиқ ўтниям чайнаб еб ташларкан. Демак, бу гиёҳ нима учун ейилади?

— Гижжаларни тушириш учун, — деди Мөҳриддин ҳозиржавоблик билан.

— Тўғри. Демак, гижжа ҳайдаш мақсадида инсон ҳам шундан дамлама қилиб ичса бўлаверади. Хўш, одамлар ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш натижасида жуда кўп шифобахш манбаларни топишга муяссар бўлишгани туфайли халқ табобати келиб чиққан. Тушундингларми?

— Ҳа! — дейишиди ёшлар.

— Халқимизда шундай мақол бор: “Дармон бор ерда дард бўлмас, эрмон бор ерда эр ўлмас”, — деди табиб ва қўлидаги гиёҳни Мөҳриддинга тутқазди.

— Воҳ! Зўр мақол экан, ёзиб олай, — деди у ва дафтари ни очиб ёзиб олди-да, ичига эрмон шохини ҳафсала билан солиб қўйди.

Табибининг нигоҳи шу ерда яшнаб турган тограйҳонларига тушди ва улардан бир қисмини юлиб олиб ҳамроҳларига тақсимлаб узатди. Уни ҳузур қилиб ҳидлаб кўришди. Дов-дараҳтларда қушлар ошиёни мўл эди. Уларнинг чуғур-чуғури кўнгилларга ҳузур баҳш этарди.

— Қушлар янги инларини асосан мана шу тограйҳон барги, шохларидан бўлаклаб, сўлаклари билан ёпиштириб, лойлаб қуришади. Хўш, нега, биласизларми?

— Йўқ, — дейишиди йигитлар.

— Ҳўп. Қуш баданида ҳам ҳар хил заарли ҳашаротлар

бўлади. Масалан, бит, бурга, кана, қандала дегандек. Булар палапонларга тинчлик бермаслиги мумкин. Уларни даф қилиш учун шу ўсимликдан фойдаланишади. Бу ўсимлик таркибида нима бор? Ким айтади?!

- Эфир моддаси бўлса керак, — деди Сардорбек.
- Э, яшанг, биларкансиз. Демак, биз ҳам шу гиёҳдан фойдалансак бўлади, тўғрими?
- Тўғри, — деди Меҳриддин, — лекин қушлар райҳоннинг бунаقا хусусияти борлигини қаердан билишаркин?

— Табиат томонидан жониворларга шунаقا ўткир сезгирик қобилияти берилган, йўқса улар қирилиб кетган бўлишарди. Лекин инсоннинг ўзидаям шунаقا сезгирик хусусияти йўқ эмас. Мисол учун, аёллар илк бор ҳомилали бўлишганида нордонроқ неъматлар ейишга эҳтиёж сезишади. Ёки бўлмаса баъзан тошкўмирлар орасида учрайдиган “гилвата” егиси келади. Чунки гилвата таркибида зарурий минерал тузлар борлигини аёл ҳис қиласи. Яна бир мисол гўдак болани олайлик. У юриб баъзан бир нималарни излайди ва топиб оғзига солади. Чунки у оғзига солган кесак бўлагида керакли маъданлар, айниқса, сужъ тўқималарини тараққий эттиришга хизмат қиласиган кальций, фосфор каби тузлар бўлади, тушунарлами?

- Тушунарли! — дейишди ёшлар бараварига.
- Меҳриддин йўл бўйидаги бир кесак бўлагини олиб уни илк бор кўраётгандай синчиклаб томошаш қилди ва бир четта итқитиб қўйди.
- Хаҳ, ҳайрият, мен сизни еб қўясизми, леб ўйловлим,
- деди мўйсафид ҳазил қилиб.

Улар кулиб олишди ва мана шу хушнуд кайфиятда мафтункор шаршара қарисидан чиқиб келишди. Ёшлар қийқириб сув мўъжизаси томон чопишли ва ҳузур қилиб сув оқими атрофида завқланиб айланишди. Табиб эшаклардан юкларни туширди ва дам олишга жой ҳозирлай бошлади.

Ёшларга ҳам шу жойда бир кеча тунаб қолиш фикри маъқул кўринди. Уларда биттадан спорт палаткаси бор

эди. Тунда бир-бир навбатчилик қиласынан бўлишиди. Тошлардан ўчоқ ясашди ва қозончада димлама тайёрлайдиган бўлишиди.

Сардорбекнинг ёнида ўйналадиган қарта бор экан, чиқариб ташлади. Бу ҳолат табобат илмидан сабоқ олишдан бир оз танаффус қилишни ихтиёр қилгилари келганидан далолат берарди.

— Сиз ҳам қартада ўйнашни биласизми, устоз? — деб сўрали Мөхридин кулиб қўйиб.

— Ҳа. Оз-моз билсам керак. Уруш вақтида, асирикда немислар билан ўйнагандим, — деди мўйсафид сирли табассум қилиб.

Ёшлар ҳайрон бўлишиди.

— Нима, фашистлар билан-а?

— Нима бўпти? Улар ҳам одам. Баъзан уларниям дам олгиси, қимор ўйнагиси келарди-да.

— Сиз қанақа ўйнардингиз, ютармидингиз ё ютқизармидингиз?

— Ютардим, ўғлим, ютардим. Чунки менга кўпинча ютқизиш мумкин бўлмасди.

— Нега?! — қизиқувчанлик билан сўради Мөхридин.

— Чунки баъзан жонимни тикардим-да. Ютқазсам аввал танам газ камерага киритилиб, сўнг печга ўтин бўларди.

— Нимани ютардингиз? — сўради Сардорбек ҳам бетоқат.

— Ҳар хил егуликларни. Пул олмасдим. Нон, қанд, сала, сариёғ, ҳар хил консервалар дегандай.

— Ўҳ-ҳў. Уларни нима қилардингиз?

— Қамоқдаги баракдош асиirlарга тарқатардим. Мен уларга “Биз қанча кўп ўзимизни асрой олсак, шу бизнинг ғалабага қўшган ҳиссамиз бўлади” дердим. Очликни енгиш, ошқозонда яра бўлмаслигини таъминлаш бизнинг асосий вазифамиз эди. Эҳ-ҳе, мен неча ўлимлардан қолмадиму, — деди мўйсафид хўрсиниб ва қартани қўлига олиб уни ёйиб томоша қилди. — Мана қарта. Сардорбек, мана сиз нигоҳингиз билан истаган донасини танлангчи, — деди у бир пайт ва йигит “танладим” дегач, унинг кўзларига бир қараб олди-да, қарталарни қўлига олиб

ўзи аралаштира кетди. Сўнгра тўплаб бир оз тин олди ва кутилмаганда қарталардан бирини тўплам ичидан олиб уни кўрсатмаган ҳолда Сардорбекнинг қўлига тутқизди.

— Шумиди? — сўради у “валет чиллик”ни кўрсатиб.

Йигитнинг кўзлари бирдан яшнаб кетди.

— Ҳа!.. Лекин сиз буни қандай уддаладингиз?! — дея қичқириб юборди йигит.

— Юракдан ҳис қилдим.

Шундай қилиб мўйсафид йигитларга қартадан ҳар хил томошалар кўрсатиб, то таом тайёр бўлгунига қадар яйраб ўтиришди.

— Сизга гап йўқ, устоз! Тегирмондан ҳам бутун чиқишингизга энди ишондим, — деди Сардорбек.

— Қорин очиб кетди-ку, овқатни емаймизми? — сўради Мехриздин.

— Аввал тибетча “Соғлом ҳаёт” фарзларини бажарсакмикан, нима дейсизлар? — сўради табиб. — Кейин шаршарада чўмиламиз.

Йигитлар “Ур-ре!” дея ўринларидан туриб кетишли.

Улар ечиниб енгилланиб олишди-да, шаршара рўпарасидаги қалин майса қопланган майдончага келишли.

— Энди қуёш ўрнига бутун диққат марказларингни анави шаршарага, шаршаранинг энг қизиқарли жойига қаратасизлар. Ўшандай жойни ҳар ким ўзи учун танлаб олсин, — деди табиб ҳам нигоҳини тошлардан тошларга урилиб чиройли манзара акс эттираётган сув оқими тушаётган силлиқ қоя тошга қаратиб.

Йоглардай улар аввал ўтириб бурун билан чуқур нафас олиб, оғиз билан узоқ нафас чиқариш машқини бажаришга киришдилар.

Бу машқларни бир неча бор бажариб ёд олган ёшлар ҳам ҳолатни bemalol такрорладилар.

Сўнгра мўйсафид тибетча ёшаришнинг бириинчи фарз амалини бажаришга киришли.

— Йигитлар! Бу сафар фақат ҳар бир машқ йигирма биттадан кам бўлмасин!

— Хўп бўлади!

Шундай қилиб, машқларни аъло даражада бажаришди. Табибининг ҳам кўнгли тўлди шекилли, севиниб ечиниб шаршара тагигасув кечибборди. Йигитлар ҳам қўшилишди ва совуқ бўлишига қарамай қийқириб чўмила бошлашди.

— Қалай, совуққотмадингларми? — сўради табиб кийина туриб.

— Йўқ, аксинча, мен негадир қизиб кетаяпман.

— Бу машқлар шарофати. Сизлар шаршарадан қўшимча қувват олдингизлар.

Очиқиб қолганлари учун таомни иштаҳа билан ейишиди. Мехриддин устоз табибга чой қўйиб узатаркан, ундан асирикда кечган ҳаёти ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

Мўйсафид йўқ демади. Фақат қаеридан бошлаш кераклиги ҳақида ўйлаб бир оз тин олди ва таҳқирланган умри, чилпарчин бўлган тақдири кўз олдида намоён бўлди. Олов чирс-чирс ёнар ва унга тикилиб қолган мўйсафид шошилмай ҳикоясини бошлади.

## VII БОБ

### АЖАЛ УЯСИДА

Бу воқеа 1942 йилда, айни ҳаёт-мамот жанглари авж олган кезлари юз берди. Академик Дороговдан топшириқ олгач, госпиталда қаттиқ чарчаб оқхалат, аскарча кийимим билан қотиб ухлаб қолибман. Елкамдаги санитар халтаси ичida Дорогов берган дорилар ҳам бор эди. Бир маҳал тўсатдан бомардимон, тўполон, вайрона бошланди. Бир-икки бомба госпитални ҳам хароба ҳолатга келтирди. Бемору ярадорлар ҳалок бўлишди. Бино тўсинларидан бири бошимга урилди ва мен ўзимдан кетдим...

Кўзимни очганимда тепамда бир немис аскари автомат ўқталиб турарди. Уст-бошидан менинг шифокор эканимни фаҳмлашди. Ёнимда қуролим йўқлигига амин бўлишди. Тирик қолган бошқа ярадорларни отиб ташлашли.

Халтачамдан бинт олиб бошимни ўзим боғлаб олдим. Шу туфайлими мени асиrlар саfiga олиб кетишиди. Лагерда ҳам босқинчилар мени санитар деб рўйхатдан ўтказишиди.

Бу ер Польшадаги меҳнат колонияси концлагерларидан бири бўлиб, маҳбуслар ўта оғир ишларни бажаришаркан.

\* \* \*

Метин, кувалдаларнинг “тўқ-тўқи”, автоматларнинг беаёв тариллашлари, яраланган маҳбусларнинг зорланишларидан замин зирилларди. Совуқ, изфирин оч баданларни жунжиктириб, пўстакка айланган қулоқларни ҳам учириб кетай дерди. Қуёш ҳам одамзотнинг жаҳолатидан норозидай аразлаб қуюқ булат орасидан “қорасини” кўрсатмасди. Тош конида асиrlар инсон боласи чидаши мумкин бўлмаган оғир жисмоний меҳнатга маҳкум эдилар.

Метин зарбидан қаварган қўллар, пойабзали титилган, кир-чақа, қонталашбармоқлар, сұяклари бўртиб, терисидан ажралиб қолган жуссалар... Букчайган қаддиларини аранг тутиб, бор қувватларини сарфлаётган ҳолсиз одамлар... Улар шу тобда гўё мажолсиз, ғимирлаётган, ярадор чумолиларга ўхшардилар.

Шу маҳал қаердадир тошларнинг шарақлаб думалагани, кимларнингdir тош остида қолиб чекаётган фарёдларини автоматларнинг тариллашлари босиб кетди.

Мен Генадий исмли ҳамроҳим билан зил-замбил тошлардан бир-бир олиб, бошқалар қатори сафда аранг кўтариб келардик. Ўша овоз келган томон бир фурсат тўхтаб нигоҳ ташлаган бўлдик. Аммо соқчишларнинг “Юр-юр, тўхтама!” дея қичқиришларидан яна йўлда давом этдик.

Бундай пайтда орқадан қамчи еб қолиш туфайли йиқилиб тушиш ва бирор жойни майиб қилиб олиш ҳеч гап эмасди. Йиқилсанг-ку майли, худо асрасин, ўзингдан кетиб ё қаттиқ яралансанг борми, аямай отиб ташлашлари турган гап эди.

— Бечоралар, азобдан энди бутунлай қутилишди, — деб қўйди Генадий ачинган бўлиб.

— Ҳа, — дедим тасдиқлаб. — Неча киши ўлди экан-а?

— Ҳарҳолда ҳозирча биз тирикмиз-ку...

— Улар руҳимизни синдиришмоқчи. Шундай қилишса, кўпчилик йигитлар улар томон тез ўтиб кетишади. Айтишларича, асиrlардан шўро армиясига қарши дивизия тузишаётганмиш,— дедим мен эшитганларимга асосланиб.

— Ҳоинлар! — дея ижирғаниб қўйди Генадий.

— Секинроқ гапир орқадан бошлиқ офицерлардан бири келаяпти, қўлида тўппончаси бор, — дедим шивирлаб.

— Бўл-бўл! Ишла-ишла! — дея русча талаффузни бузиб қичқирди немис зобити.

Шу пайт тўсатдан Генадийнинг оёғи ўз занжирига илашиб тойиб кетди ва тоши билан бирга мук тушиб йиқилди. Боши йўл четидаги бир улкан тош қиррасига зарб билан урилди. Зарб шундай қаттиқ эдик, унинг тақиллагани зобитнинг ҳам эътиборини жалб қилди. У ялт этиб қаради. Асиrl аскарнинг чаккасидан қон оқарди.

Бу хавфли эди. Чунки бундай ҳолларда фашистлар асиrlарни аяб ўтиришмас, “тез ёрдам” кўрсатишдан кўра пақиллатиб отиб қўя қолишини афзал билишарди. Кутилганидек зобит тўппончасини созлаб олди. Аммо мен қўлимдаги тошни ерга ташладим-да, теварак-атрофдаги кўк ўсимликларни пайпаслай кетдим. Излаганимни топдим. Уни юлқиб-юлқиб олдим-да, икки-уч буклаб тош устида тез янчдим. Сўнгра ич кўйлагининг этагидан йиртиб олиб гиёҳли малҳамни деярли беҳуш ётган ҳамроҳимнинг чаккасига босдим ва пешонасини боғлашга тутиндим. Бироқ пешонамда пўлат тўппончанинг совуқ оғзини ҳис қилдим.

Аммо тўппончадан асло сесканмадим. Аксинча, немис зобитининг кўзларига тик боқдим ва унинг кўк-сарғиши кўзларида қаҳр эмас, балки яширин бир дард бор эканини пайқадим. Чунки мен ҳам ҳарбий руҳшунос шифокор, ҳам болалигимдан халқ табобати билан машғул бўлиб қелган,

инсоннинг юз-кўзидан касаллигини тез аниқлаб, ташхис қўя олиш қобилиятига эга эдим. Бундан ташқари гипноз қилиб даволашни ҳам билардим.

— Нима қиласайпсан?! — дея ўшқириб сўради зобит чала русчалаб.

— Қонини тўхтатиб, даволаяпман, — дедим мен.

Негадир ҳеч қандай қўрқув ҳиссини сезмасдим. Зобитнинг кўзларига тик боқдим. Худди ўлимини кутаётган илон қаршисидаги гипноз қилинган сичқондай ўзимни бепарво тутдим.

— Сени ҳозир отиб ташлайман! — ўшқирди зобит ва тўппончасини сал нари олиб, пешонамни нишонга олди.

— Отавер! Лекин билиб қўй, сенинг жигаринг хаста экан. Агар даволанмассанг, кўп яшамайсан! — дедим мен унинг сарғиш кўзларидан кўзимни олмай.

— Нима?!

— Юзларингда оқ доғлар ҳам бор, демак, ичинг тўла гижжа экан!

Зобит жеркиб берди:

— Сен буни қаёқдан биласан?!

— Мен табибман! — дедим мен.

— Сени ҳозир отиб ташлашим мумкин!

— Мен эса сени даволашим мумкин.

Зобит менга ҳайрон боқди ва тўппончасини аста туширди. Сўнг асирга бир оз қараб турди-да, хаёлида аллақандай ўйлар ўтдими, ҳархолда шаштидан қайтди. Аста “Ҳазилкаш экансан” деб қўйди.

— Мен тиббиёт хизматчисиман. Бемор ким бўлишидан қатъий назар даволаш бурчим ҳисобланади. Немис шифокорлари каби мен ҳам Гиппократ қасамини ичганман!

Ўҳ-ҳў, лекин бу ер сенинг фидойилик қиласиган жой эмас. Сенга ҳеч ким шафқат қилмайди. Бор, ишингни қил! — деди Зобит ва нари кетди.

Мен бир оз ўзига келган ҳамроҳимнинг ўрнидан туришига ёрдамлашарканман, немис зобити ортидан қичқирдим:

— Мен ҳазиллашмаяпман, жаноб! Касалингиз чиндан ҳам жиддий!

Зобит ортига ялт этиб қаради ва бир оз ўйчан туриб қолди. Кўнглига фул-фула тушди ва беихтиёр жигарини пайпаслаган бўлди.

— Исминг нима?!

— Рақамим — 2455, исмим — Сафарёр!

— Қайси баракдансан?

— Қирқ учинчи.

— Яхши. Ишингни қиласкер!

Шу маҳал ортимдан кимдир келиб кружкада сув узатди. Бу лагерь раҳбарларининг ишончини қозониб, маҳбусларга сув ташиб, гап сўзларга “қулоқ” бўлиб юрадиган Раҳмат исмли ҳамюртим эди. Уни ҳамма ёмон кўрарди. Раҳмат ҳозирги сухбатдан воқиф бўлиб илжайди.

— Сиз немис зобитини даволайман дедингизми?

— Ҳа. Унинг чиндан ҳам жигари хаста. Илгари сарик касал бўлган, шекилли. Яхши даволанмаган кўринади. Ўз вактида келдингиз-да, лекин... — дедим ва сувдан ичиб олдим.

— Манг, анавингаям беринг, — леди у Генадийга ишора қилиб. — Сизга гап йўқ, ҳамюрт. Қўлингиздан келса буларнинг тилини топинг. Шунда омон қоласиз.

Генадий ҳам сувни ютоқиб ичиб олди.

— Ўзингга келиб қолдингми? — сўрадим ундан.

— Чидаса бўлади.

— Энди эҳтиёт бўл. Биз, албатта, яшашимиз керак.

Раҳмат бир оз қулоқ тутиб турди-да, нари кетди.

— Тўғри, лекин анавинга ўхшаб ватанга хоинлик қилиб эмас, — леди Генадий ва эгилиб тошини қўлга олди.

Рус йигити оғир руҳий азобда қолганди. Уни тинчлантириш ва фикрини чалғитиш учун гапга солдим.

— Сен уйланганмисан?

— Ҳа. Келин билан атиги икки ой яшадик. Энди у бева бўлиб қоладиган бўлди, бечора.

— Ундей дема. У сени умид билан кутаяпти. Сен албатта қайтиб боришга мажбурсан. Чунки у ҳомилали бўлган бўлиши мумкин.

— Тўғри, қуршовга тушиб қолишимиздан икки кун аввал ундан охирги мактубни олгандим. “Биз сени кутаяпмиз” деб ёзибди, — деди Генадий ҳансираф ва тўхтаб тошни яхшилаб қучоқлаб оларкан. “Ўзинг-чи?” деб сўради.

— Йўқ. Лекин мениям қаллиғим кутаяпти. Биз унаштириб қўйилганимиз. Шу йил, қовун пишиғидан кейин никоҳ тўйимиз бўлиши керак эди. Уруш бизни айирди.

— Исми нима?

— Маржона.

— Э-ҳа, чиройли исм экан.

— Исми жисмига монанд-да, — дедим севгилиминг чаккасидаги кокилига маржон тақиб қўйганимни эслаб.

Маржонли кокил қизга жуда ярашган эди. “Буни ҳеч қачон ечмагин, хўпми?” дегандим ўшанда.

— Демак, сен ҳам тирик қайтиб боришга мажбурсан, — деди Генадий ва қўлидагини вагонеткага итқитди.

Биз суҳбат билан бўлиб тошлар тўлдирилаётган вагонеткаларга тез етиб келиб қолгандик. Кимлардир тўлган темир араваларни тепаликка итариб олиб чиқиб кетишарди. Бошқа асиirlар уларни қабул қилиб тошларга шакл беришади. Бу ерда асосан маҳсус ҳарбий истеҳкомлар қурилиши учун фойдаланиладиган тўртбурчак тош ғиштлар тайёрланарди.

Мен Генадий билан яна изларимизга қайтдик. Йўл-йўлакай зирқираётган қўлларимиз бир фурсат дам олди. Соқчилар ортга қайтганларни “Тезроқ-тезроқ!” дея ундашарди. Хаёлим Маржона томон кетди. Бу пайтда болғалар чақ-чуқиу, метинлар тўқиллаши, автоматларнинг тариллаши, соқчиларнинг бақир-чақириу, қулоқни батанг қилувчи бошқа ғала-ғовурлар уммонини деярли ҳис қилмасдим, кўз ўнгимда Маржона билан ўтказган totli учрашувлар намоён бўлаётганди...

Қизнинг чаккасидаги маржон кокили у ҳар кулганида ёки силтанганида шиқирлаб, ўйноқлаб кетарди.

\* \* \*

...Тош конидан қайтган маҳбуслар соқчилар таъқиби остида баракларга аранг тебраниб кириб келишарди. Яна димиқ ҳаво, ачқимтил, бадбўй ҳид димоққа уриларди. Барак худди товуқ катакли фермага ўхшарди. Лекин бу ернинг ундан фарқи одамлар семиртириб, сўйилмасди, балки оздириб ўтин қилинарди. Товуқлар жўжа очтириб кўпайтирилса, бу ерда тухумлар қуритиларди, товуқлар ем бериб боқилса бу ерда одамлардан, ҳаттоки, болалардан қон олинарди. Инсон терисидан сумкача, ёғидан совун, сочи ва суягидан тугма, бўёқ чўткаси тайёрланарди.

Тақдир мени ана шу дўзахи жойга рўбарў қилди. Бу ерда умуман соғлом одамнинг ўзи қолмаганди. Ҳатто жисмонан бақувват спортчи ҳам, нозик дидли бастакору рассомлар, олиму уламолар ҳам, миллати, мазҳабидан қатъи назар оч бўрилар учун гўштдай кўринар, гўштдан ҳам кўра бўртиб чиққан қовурғалар, киртайиб мўлтираб қараб турган мунчоқ кўзлар кўпроқ бўлиб, айниқса, яҳудийлару лўлиларга жуда қийин эди.

Ўз ҳаётини инсон саломатлигини асраш, умрини узайтиришга бағишилаган мендак мутахассис шифокор учун ўлим лагери тасаввур қилиб бўлмайдиган даражадаги бутунлай тескари дунё бўлиб чиқди. Бунда на дори, на гиёҳ ва на оддий майший шароит бор эди. Кўз ўнгимда одамлар сўлиб, руҳан сўниб борардилар. Ўзимнинг ҳам ошқозонимга оғриқ кирган, танам тобора ҳолсизланиб, оғир иш оқибатида толиқиб, дармонсизланиб бораётганини ҳис қилардим. Яхшики, баъзан униб турган гиёҳ, ўрмалаб бораётган қурт-қумурсқаларга дуч келардим ва уларни ямламай ютардим. Чунки ошқозон ва ўн икки бармоқли ичагимда яра пайдо бўлиб аҳволимни баттар оғирлаштириши турган гап эди.

Бу ердагилар учун ўлимга слиб келувчи ёмон хавф бу очлик эди. Тирик қолишнинг ягона йўли ошқозонга ниманидир тушириб, “алдаб туриш”. Берилаётган бир

тишлам қора нону бир маҳал бериладиган стаканчадаги “Фюрер паёги” урвоқ ҳам бўлмасди.

Мен ўшанда ҳамбаракларнинг оч қолмасликлари учун нимадир қилиш ҳақида кўп бош қотирардим. Кўпчиликка яра-чақа тошган, кўзлари ҳам тобора сарғайиб, киртайиб борарди. Бундай аҳволда муқаррар ўлимни кутгандан кўра баъзилар ўзларининг жонларига суиқасд қилишар, жумладан, сафдан чиқиб электр токи уланган тиканли сим деворга бориб, ўзларини уришар, топиб олган икки қарич чилвирга ҳам баракдаги сўрига ўзларини осиб, бу фоний дунё азобларидан тезроқ қутилишини афзал билишарди.

Кунлардан бир куни ана шундай хунук ҳолатлардан бири юз берди. Маҳбуслардан бири бўлмиш таниқли файласуф олимнинг яҳудий экани, қулоқлар томонидан маълум бўлиб қолгач, лагерь раҳбарлари унинг устидан масхара қилиб, ўз ахлатини ўзига мажбуран егизмоқчи бўлишди. Ахлат қурғурда ҳам деярли ҳеч нима йўқ, оддий дизентерия қолдиги эди. “Ана сенга фалсафа!” деб уни масхара қилишди ва фашистлар орқасидан тепиб ташлашарди. Аммо олим ўласи қилиб калтакландики, ахлатини емади.

...Тунда у ўз ички иштонини эшиб бўйнига сиртмоқ қилди.

Баракдошлар унинг мурдасини олиберга ётқизишмоқчи эди, аммо бундай таниқли олимнинг ўта ифлосланган ерга қўйгилари келмади. Уни ўз жойига ётқизиб қўйди. Шунда мен чидай олмай атрофдагиларга қаратса хитоб қилдим:

— Тақдирдошлар! Ўз жонига суиқасд қилиш бу иродасизлик! Нима бўлсаям сабр қилиб, бизни озод қилишларини кутишимиз, ўзимизни асрashимиз керак!

— Тўғри, лекин қандай қилиб? — савол берди маҳкумлардан бири.

Ерда ўрмалайдиган ҳар қандай жониворни тутиб олиб, яхшилаб чайнаб еяверинглар.

— Танкниямми? — сўради бир йигит кулиб.

Тушунгандар кулиб юбориши. Бу ҳолат орадаги нохуш ҳолатга барҳам бергандек бўлди.

— Нимани есак ҳам тирик қолсак бўлгани. Тушкунликка тушмайлик. Ўлимга тик боқайлик. “Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор” деганлар. Биз ўзимизни тирик асраш билан ватанимизга содиқ хизмат қилган бўламиз. Кимнинг пойабзали чарм бўлса тепа қисмини кесиб берсин. У мол терисидан тайёрланган бўлади. Уни бир парчадан олиб оғзига солиб сўриб юриш керак. Шунда сўлак безлари қоннинг бир маромда айланишини таъминлайди. Шуни унутмайлик, инсон тана аъзолари ўзи бир фармацевтик лабораториядир. Захирадаги тузлар, турли микроэлементлар, ёғлар яна буйракка йифилиб сийдик билан чиқиб кетади. Ана шу захираларимиздан ҳам ўзимиз фойдаланишимиз мумкин.

— Нима, ўз сийдигимизни ичишни ҳам тавсия қиласизми? — сўради маҳкумлардан бири.

— Ҳа. Янги бўлса бўлаверади. Фақат бир-бири издан жирканмайлик. Қадимда зинданда ўтирганлар ҳам шундай қилишган, — дедим мен жиддий. — Ўз нафратларингизни бизни бундай аҳволга солиб қўйган анави қузғунларга қаратинглар. Биз улардан ғолиб бўлиб каллаларини ўз ҳожатхоналарига тиқишимиз керак бўлади ҳали!

— Тўғри, мен табибининг гапини маъқуллайман, — деди Петренко исмли асир. — Нима бўлсаям биз тирик қолайлик, — деди ўз ва этигини ечиб узатди. — Мана этигим тоза чарм, афсуски, камаримни олиб қўйиши.

— Менинг камарим бор, — деди Гарри исмли ўсмир бола.

— Қандай асраб қолдинг?

— Ички иштонимнинг резинкаси узилиб кетувди.

— Оббо сен-ей! — деди Петренко кулиб. — Энди уни бирга баҳам кўрамиз, майлими?

— Яхши, кесишга пичоқ беринглар!

Кимдир кўлбола, пичоқсифат металлни узатди. Йигитча камарини бўлаклашга тушиб кетди ва атрофдагиларга бир-бир узата бошлади. Ўша куни барча чарм пойабзалларнинг тепа қисми “мусодара” қилинди. Бу очлик хасталигидан даволаниш учун ўлим лагеридаги илк қадамимиз эди.

Генадийнинг ёнида ётадиган Гаррининг фақат бир айби бор эди. У ҳар куни тунда тагини ҳўллаб қўярди. Пастдагиларниң устига томгани учун бир-икки дўппослашди ҳам. Менинг сийдикни дори деб эълон қилишим унга анча далда бўлди. Менга нисбатан меҳри ортди ва ўзини яқинроқ тута бошлади.

— Эй табиб, — деди у кунлардан бир кун менга мурожаат қилиб.

— Ҳа, нима дейсан?

— Бизлар тобора озиб бораверсак, кейин нима бўлади?

— Қанотли фаришталар ҳақида эшигтганмисан? — сўрадим мен.

— Ҳа.

— Кейин орқа куракларингдан қанот ўсиб чиқади.

— Воҳ, ростданми?! — сўради йигитча соддалик билан чиндан ҳам ишониб. — Кейин-чи, нима қиласиз?

— Тиканли симлар устидан бемалол учиб ўтамиш-да, қай биримиз уйимизга, бошқа бирларимиз арши-аълога қараб учиб кетаверамиз.

— Ростдан-а, — деди Гарри озғинликдан киртайиб қолган кўзларини жовдиратиб. — Сизнидан ҳам ўсиб чиқадими?

— Албатта. Шунинг учун биз енгил бўялишимиз керак. Озғинлик дард эмас, уни тузатиш осон, семизликдан худо асрасин.

Бизнинг сұхбатимизга баракдошлиар жон деб қулоқ тутишарди.

— Семиз одамлардан ҳам қанот чиқадими? — сўраб қолди Гарри.

— Йўқ.

— Анави немислардан-чи?

— Улар ортимиздан учолмай доғда қолишади.

— Орқамиздан отишса-чи?

— Ўқлари етмайди. Биз булутлардан ҳам тепага чиқиб кетамиз. Пастдаги одамлар, танкалар бизга қўнғизлардай бўлиб кўринишади.

Йигитча тасаввур қилди шекилли, завқланиб кулиб олди. Бундай кулгини баракдагилар кўпдан буён эшитишмаганди. Генадий “Қанотим чиқаяптими, йўқми?” дегандай ўз курагини сийпалаб олди.

— Ҳа. Қанотинг чиқай деб қолибди.

Ўсмир бола яна қиқирлаб кулди. Бошқалар унга қўшилиши. Бу воқеа баракдагиларнинг кайфиятини кўтариш учун бир мавзу бўлиб қолди. Ҳар куни оғир ишдан қайтишгач, “Гарри, қанотинг чиқаяптими?!” деб сўраб қўйишарди. Киртайган, сўлғин башараларга табассум инарди.

Умуман олганда, бундай кескин вазиятда кўпчилик-нинг кўнглини кўтариш, ҳатто, кулдира билиш катта ютуқ эди. Гаррининг тасаввурида пайдо бўлган ўлим лагери устидан парвоз қилиб ватан ва озодлик сари учиб кетиш foяси бу ҳар бир маҳбуснинг хаёлий орзу-умидига айланди. Эҳтимол, бу баъзиларнинг тушларига ҳам кириб чиқарди.

\* \* \*

Тиниб-тинчимас, қизиқувчан “Қанотли Гарри” кейинчалик менинг яқин ёрдамчим, дастёrimга айланди. Унинг ёнида титилиб кетган ўйин қартаси бор экан. Баъзан биз тўрт кишилашиб, ёғоч сўкичак сўри катакларининг бирида букланиб навбатма-навбат қарта ўйнашни ҳам одат қилдик. Бу ўйин ҳархолда асабларни тинчлантиришга хизмат қиласди. Ҳатто, қимор ўйинини ҳам йўлга қўйдик. Аммо тикадиган пул ёки бошқа қимматлироқ буюм йўқ эди. Шунинг учун қиморнинг пешонага чертишга ўйнашардик.

Менда рақибнинг кўзига ва хатти-ҳаракатига қараб, гўё гипноз йўли билан ташхис қўйганим каби, қўлимдаги қартанинг қанақа эканини ҳис қила билиш қобилиятини бор эди. Интуиция деб аталган бу хусусиятдан асосан беморлар дардини таҳлил қилишда фойдаланардим. Бу қобилиятим қарта ўйинида рақибнинг миясидагини

“үқиб олиш” учун хизмат қиласы. Шу туфайли ҳам мен деярли ҳар сафар ютаверардим.

— Бирор нарса тикиб ўйнайлик, ўшанда қизиқарлироқ бўлармиди, — деб қолди Генадий.

— Бўпти. Мен сийдигимни тикаман, — деди Петренко ҳазил қилиб.

— Мен қанотимни, — деди Гарри.

Кузатиб, калла тиққанлар кулиб қўйиши.

— Мен қовурғамни тикаман. Сизларгаям шуни тавсия қиласман. Чунки у ачимайди, чиримайди, ҳамиша саноқли, йўқолмайди, — деди Ринат исмли бир татар йигит.

Кулги кўтарили. “Келишдик!” дея қичқиришиб рақиблар. Шундан сўнг ўйинлар қизигандан қизий кетди. Қовурғалар менинг шахсий мулкимга айланар, бу эса маҳзун маҳбусларга завқ бағишларди.

— Мен жаноб Фюрер билан шахсан шартнома тузиб қовурғалингни унга пуллайман. Кейин пулига нон сотиб олиб ҳаммангни боқаман, — дедим ғолиб бўлаётганимдан гуурланиб.

Бошқа бараклардаги қий-чув, оҳ-воҳ нолалари ўрнига 43-баракдан чиқаётган хурсандчилик товушлари, албатта, соқчиларнинг эътиборини тортмай қолмади ва бу ҳақида лагерь бошлигининг ўринбосари, штурмбаннфюрер Шульцга етказишган кўринади.

Шульц, яъни ўша мен даволамоқчи бўлган бемор зобит бошчилигидаги бир груп қуролланган соқчи аскарлар бир пайт тўсатдан қўланса ҳид анқиб турган барагимиз ичкарисига шитоб билан кириб келишиб. Зобит кирибоқ бурнини рўмолчаси билан тўсиб олди. Қолганлар бурунларини жийириб, итоат билан қотиб туришарди. Бошларини пастак сўкичак сўрига тиқиб олган “қиморбозлар” тиқин жойдан тушиб улгурга олмай қолдик.

Соқчилардан бири бизни савалай кетди, бошқаси у ерни титкилаб қартани топиб олди ва бу ҳақда бошлиқقا маълум қилди.

— Ўйинни ким уюштируди?! — қичқирди зобит.

## Набижон ҲОШИМОВ

- Мен, — дедим бир қадам ташлаб.
- Табиб?! Нима, сенинг шунаقا ҳунаринг ҳам борми?
- Худди шундай, бошлиқ!
- Қимор ўйнаяпсизларми?
- Ҳа.
- Нимадан?
- Қовурғадан, Гер бошлиқ!
- Нима?!
- Манави олти кишининг қовурғаларини ютиб олдим.

Улар энди менинг шахсий мулким ҳисобланади.

- Қизиқ. Уларни нима қилмоқчисан?
- Фюрер маблағига эҳсон қилмоқчиман!

Үнтер зобитнинг тунд, совуқ чеҳрасига хушнудлик юргургандек бўлди, аммо жиддийликни йўқотмади.

- Мен билан ҳам ўйнайсанми?
- Албатта. Лекин қовурғадан эмас.
- Бўлмаса нимадан?
- Сиз пулингизни тикасиз.

Зобит кулиб қўйди ва қўлқопини аста қўлига уриб менинг олдимга келди.

- Хўш, сен-чи? Нимангни тикасан?
- Менда сиз учун шифо бўладиган ноёб дори бор.
- Қанақа дори?
- Сизни даволайди ва жигарингизни тозалайди.

Штурмбаннфюрер асабийлашди ва башарасини юзимга қаҳр билан яқинлаштириб деди:

- Сен мени мазах қиласыпсанми, ҳайвон?
- Йўқ, асло. Жиддий гапирайпман. Ёлғон гапирсам Гиппократ қасами урсин!

Баракдагилар “Хозир отиб ташлайди” деган фикрга боришиди. Ҳаммалари жим, қотиб туришарди. Бир оз сукутдан сўнг зобит тилга кирди.

- Мен билан юр-чи!

У теварак-атрофдаги дўстларимга бир-бир қараб олди. Мен хотиржам эдим. Штурмбаннфюрер икки соқчига ўз тилида “Буни ювинтириб, сўнг хонамга олиб боринглар”

деб буюрди. Сүнгра барча маҳбусларга қарата рус тилида эълон қилди:

— Бугундан бошлаб баракда ҳар қандай ўйин ўйнаш ман этилади! Кимки ички тартибни бузса, қаттиқ жазоланади, тушунарлими?!

— Тушунарли! — қичқириши маҳкумлар.

\* \* \*

Бошлиқ ўринбосари штурмбаннфюрер Шульц мени соқчи назоратида чоғроқ бир хонага бошлаб борди. У ерда иккита кресло ва кичик юмалоқ стол бор эди. Стол устида кулдон, ликопчада печенье ва конфет турарди. Зобитнинг ишораси билан иккита кичик идишда иссиқ қаҳва олиб кириши.

— Ол, печенье, қаҳва, — деди зобит самими.

Унинг назарида ҳозир маҳбус егуликка очофатдай ташланиши керак эди. Аммо мен ўлардай оч бўлсам-да, ўзимни тия билдим ва печеньенинг бир четидан озгина синдириб тилимнинг тагига ташладим. Зобит менинг бу ҳаракатимни зимдан кузатарди.

— Ол, еявер.

— Йўқ. Ошқозоним жуда торайиб кетган. Аста-секин ўргатишим керак. Кейин тил тагига қўйилганида ундаги витаминалар ошқозон орқали айланмасдан тўғридан-тўғри қонга сингади, — дедим ва қаҳвадан ҳам бир ҳўплаган бўлдим.

— Қандай? Тушунтириброқ гапир.

— Сўлак безлари қонга тез сўрилувчи суюқлик ишлаб чиқаради. Шунинг учун табобатда қон сўлак безлари ёрдамида тозаланади. Масалан, тил тагига бир ош қошиқ ўсимлик ёғи ташлаб ўн беш дақиқа тутиб турилса қон тўлиқ тозаланади. Сүнгра уни тупуриб ташлайверасиз.

— Ўҳ-хў. Нима учун тиббиётда буни қўллашмайди?

— Афсуски, тиббиёт баъзан табобатни инкор қиласди. Аслида эса ҳар иккисининг ҳам мақсади бир — инсон саломатлигини асраш.

- Хўш, менга аталган қанақа доринг бор ўзи?
- Бу ҳам табобат дorisи. Ҳозирча буни айта олмайман. Аввало, қарта ўйнайлик, ютқизай...
- Қани, ўрнингдан тур-чи.

Мен ўрнимдан турдим. Зобит киссаларимни ушлаб кўрди. Рақам ёзилган кўкрак киссамда бир бўлак чарм чиқди.

- Нима бу?
- Чарм. Олий навли ҳайвон терисидан тайёрланган.
- Қаердан олдинг?

Ҳарбийча пойафзалимни кўрсатдим. Унинг тепа қисми кесилган эди. Зобит савол назари билан қаради. Мен тез жавоб қайтардим:

- Бу менинг ошқозоним учун захира озуқа бўлиб хизмат қилади. Буни семиз сафдошларингизга ҳам озиш учун тавсия қилган бўлардим, жаноб штурмбаннфюрер!

Зобит чарм бўлагини жойига қайтиб солиб қўйди-да, соқчиға “Айт, тез овқат олиб келишсин” дея буйруқ берди ва ўзи жавонини очиб бир шиша шнапс ароғидан олди. Сўнгра бир рюмкага тўлатиб қуиди.

- Тўғриси, сен мени қизиқтириб қўйдинг. Ма, ич. Ёки ичмайсанми?

— Йўқ, ичаман. Оч қоринга ичилса танадаги ёмон бактерияларни ҳалок қилади. Қонни суюлтиради, танада қон айланиши тизимини фаоллаштиради. Энг муҳими, кайфиятни кўтаради “Банияти шифо...” – дедим-да, ичиб юбордим.

Оқ сочиқ ёпилган металл товоқда овқат олиб келишди. Усти қопқоқли ликобчада котлет, тўрт бўлак қора нон бир стаканда компот бор эди.

- Ол, еб ол, кейин қарта ўйнаймиз, – деди зобит хотиржам ва сигарета тутатиб, шнапсдан яна бир рюмка қуийб берди.

— Соғлифингиз учун, жаноб!

- Раҳмат, – деди зобит ва сигарета тутатиб дераза олдига борди.

Фурсатдан фойдаланиб овқатни паққос туширдим.

“Катта жанг” олдиdan, албатта, тўйиб овқатланиб олганим дуруст эди. Аммо шошилиб, яхши чайнамай овқатланганим учунми, ошқозоним фижимлаб оғриди. Бошим айланиб йиқилиб тушаёздим. Бир қўлим билан ошқозонимни чанглаб, иккинчиси билан пешонамни ушлаб, деворга суюниб қолдим. Ўзимни бокс майдонида нокаутга учрагандай ҳис қилдим. Зобит гўё судьядек тепамда пайдо бўлиб, “бир-икки”лаб санамоқда эди. Рақиб олдида, шу жумладан, душман олдида оч қоринга икки рюмка шнапс ичганим туфайли ағдарилиб тушиш, бу шармандали ҳолат эди, албатта. Мен буни чин юракдан ҳис қилдим ва ўрнимдан тик туриб олишга ҳаракат қилдим. Лекин бошим эмас, энди бинонинг шифти чайқала бошлаганди. Кресло суюнчиғига маҳкам ёпишиб олдим. Бу чайқалаётган бинода йиқилиб тушмасликнинг ягона йўли эди.

— Хўш, тайёрмисан? — сўраб қолди зобит тўсатдан.

— Ҳа, — дедим мен, лекин кўнглимда “Қани эди беш дақиқа ётиб олсайдим” деган фикр ўтди. Бироқ “Ўзингни қўлга ол! Ҳозир душман билан “олишасан”, демакки, жанг қиласан”, деган ўй ўтди. Сен уни, албатта, ютишинг керак. “Агар ютсанг, ютуғига нон, витамин сўра. Булар баракдаги ҳамроҳларинг ҳаёти учун жуда ҳам зарур. Биз куч-қувват йиғиб, бу ердан тезроқ қочишимиз ёки бизни озод қилишларини кутишимиз мумкин” деган ички овоз келди. Сўнгра ўзимни тутиб ўриндиққа ўтириб олдим.

Зобит соқчиға бўшаган идишларни олиб кетишини буюрди ва стол тортмасидан бузилмаган янги қартани чиқариб қўйди. Мен унинг қутисини очдим ва ортиқча захирадаги қарталарни ажратиб бир четга олиб қўйдимда, уни моҳирона аралаштириб зобитнинг қўлига қайтиб узатдим.

Шульц кўзларимга тик боққан ҳолда синовчан нигоҳ билан қарталарни аста аралаштирдим. Мен ҳам унинг кўзларидан кўзимни олмадим. Тўғри, бу сарғиши мовий нигоҳлар аввалига кўзимга тўртта бўлиб хиралашиб кўринган бўлса-да, аста-секин жойига тушди.

— Сиз, албатта, даволанишингиз керак, жаноб, — дедим яна унинг ғашига тегиб.

— Сен жиддий айтаяпсанми?

— Ҳа. Яхшилаб ойнага қаранг. Кўзларингиз тобора сарфайиб бораяпти. Бу жигар циррозининг аломати. Кейин қон ва сийдик таҳлилингизният бир кўришим керак бўлади. Менга ишонмасангиз госпиталга бориб тиббиёт кўригидан ўтинг. Юзингиздаги доғлар ҳам, тирноқларингиз ҳам айтиб турибди. Тилингизният бир кўрсам майлими?

Зобит беихтиёр тилини чиқариб кўрсатди.

— Ана, ишонмасангиз тиббиёт ходимларидан сўранг.

— Хўп, — деб қўйди зобит тан олиб ва хаёлан “Эртага, албатта, тиббиёт кўригига бораман” деган бўлса керак, қартани бир-бир сузди.

Мен ўз қартамга бир нигоҳ ташлаб олдим, сўнгра ёпиб, бор эътиборимни рақибга қаратдим. Уни гипноз қилиб миясидаги ҳолатни ва айни лаҳзадаги кечеётган фикрларни уқиб олишга чирандим. Мен ўзимдаги бу хислатдан беморлар дарди ва руҳий ҳолатини англаб дастлабки ташхисни қўйишга одатлангандим. Аммо ҳозирги вазият бутунлай бошқача — қартада қимор ўйнашим ва ютишим шарт эди!

...Рақиб қарталарининг тахминий тасвири хаёлимдан ялт этиб ўтгандай туюлди. Уларни ўзимники билан солиштирдим. Устунликка эга эканимни ҳис қилдим. Кўнглим хотиржам тортди. Зобит ҳам бутун эътиборини менинг кўзимдан олмай қўлимдагиларни билиб олишга уринарди. Лекин унинг учун ҳаммаси мавҳум эди. Қартаси ёмонмас, уч “қирол” ва бир “туз қарға”... Таваккал қилиб ўртага йигирма марка пул тикди ва менга “Дори қани?” дегандай савол назари билан қаради.

Мен бир оз турдим-да, ликобчадаги бир чети синган печеньемни олиб қўйдим. Зобитнинг чехраси очилди. У кўпдан буён бундай кайфиятда келмаганди.

— Буни ўша дорининг рамзий бўлаги, деб фараз қилинг,

— дедим мен.

— Майли. Юриш сендан бўла қолсин.

Мен қарталарни ёпиб қўйдим-да, янги қарталардан бирини олиб унга қарамаган ҳолда ўз қарталарим устига қўйдим. Бу жуда сирли ҳолат эди. Бир оз турилгач, зобит қарталарини тантанавор очиб ташлади. Мен ҳам бир оз сукут сақлаб турдим-да, қарталарини бир-бир очиб чиқдим: уч туз ва бир дама очилди. Мен ютдим.

— Ўҳ-ҳӯ, ёмон эмас. Пулни ол... Энди сен суз.

Пулни бир четга суриб қўйдим. Менинг учун босқинчи Германия пули кераксиз бир матоҳ эди. Агар кўп пул ютиб олсан, уларни, албатта, рақибимга қайтариб бериб, эвазига нон, қанд, чўчқа ёғи сўрардим. “Қани энди сабзавот-кўкатлар ҳам бўлсайди. Қизиқ, бу ернинг ўрмонларида қанақа шифобахш гиёҳлар ўсаркин?..” деб кўнглимдан ўтказдим.

— Нега ўйланасан, бўл тез! — деди зобит ўшқириб ва киссасидан яна йигирма маркали қофозни олиб ташлади.

У асабийлашмоқда эди. Мен қартани хотиржам суздим.

— Ўзингизни босинг, жаноб. Сизга асабийлашиш мумкин эмас. Буни омад, деб қўйибдилар. Эҳтимол, бу сафар ютарсиз.

— Нимани? Сен тишлаган печеньеними?

— Йўқ, жаноб. Бу печенье менинг шахсий мулким ва уни ҳеч кимга бермоқчи эмасман, — дедим дангал ва қарта доналарини жуда тезлик билан моҳирона бўлиб қўйишга эришдим.

Яна нигоҳимни рақибининг кўзларига қаратдим. Зобит ҳам менга айёrona боқди ва энди қарта доналарини бирданига эмас, бир-бир очиб кўриб ёпиб чиқди. Аммо мен учун шунинг ўзи етарли эди. Уларни ҳис қила билдим. Энди ўз қарталаримни бемалол қўлимга олиб ёйиб қўйдим. Тўртта ўнлик “ёниб” туради. Мен бу сафар атайин ютқазишнинг пайида бўлдим. Ликопчадан бир конфетни олдим. Уни ҳам бир тишлаб яна қофозига ўраб тишлаган печеньем устига қўйиб совиб қолган қаҳвадан ҳам хотиржам ҳўплаб олдим. Бу ҳаракатларим ҳам зобит учун қизиқарли туюлди.

У ҳам энди жуда хотиржам эди. Чунки унинг тўрттала қартаси ҳам валетлар...

Охир оқибат мен беш партия ўйиннинг тўрттасини ютдим. Зобит лол қолди. Унинг киссасида бор-йўғи юз марка бор эди, йигирма марка қолди. Асабийлашиб ўрнидан туриб кетди. Соқчи ҳам ўйинни ҳайрон кузатиб турарди.

— Қани, сен ҳам ўйнаб кўр-чи, — деди у соқчига ўз тилида буюриб.

Соқчи итоат билан автоматини бўйнига осиб олган ҳолда ўтириди-да, қартани бўлди.

— Ёнингда пулинг борми?

— Ҳа, бор, — деди соқчи ва ўн маркани ўртага ташлади.

Мен йигирма маркаликни ташлаб, ўн маркани қайтимиға олиб, ўз томонимга суриб қўйдим ва нигоҳимни рақибимнинг кўзларига қаратдим. “Бунинг буйраги шамоллаган экан. Тоши ҳам каттагина. Бечора, қийналиб сияркан. Ўт пуфаги ҳам оғиркан” деб қўйдим ўзимча соқчига ташхис қўйиб. Жойи келганда унга керакли тавсиялар беришни кўнглимга тугдим. Аммо соқчи рус тилини умуман тушунмас экан. Унинг дардини штурмбаннфюрерга айтишга аҳд қилдим.

Мен соқчининг қўлидаги қарталарни фикран ҳис қилас эканман, зобитга дедим:

— Жаноб, бу аскарнинг буйраги хаста экан. Даволанмаса яқинда сиёлмай қолади. Сўнг сийдик танасига ёйилиб кетиб, шишиб кетади. Оқибати ёмон.

— Қаердан билдинг?

— Қаранг, қовоқлари осилиб турибди. Зах жойларда кўп юрган кўринади.

Зобит айтганларимни соқчига тўлиқ таржима қилиб берди. Аскар ҳайрон бўлиб довдиради ва гапларимни тасдиқлади.

— Қартани ўйна! — деди зобит буйруқона, менинг билимимга яна бир бор ишонч ҳосил қилиб.

Соқчи қарталарини зобитга кўрсатди. Унинг қўлида тўртта қирол ярақларди.

— Киссангда яна пулинг борми? — сўради у немис тилида.

— Ҳа, — деди соқчи, — Бор-йўғи йигирма марка.

— Хоҳласанг ташла. Эҳтимол, сенинг омадинг чопар.

Мен уларнинг гапига эътибор бермай конфетнинг қолганини оғзимга солдим. Соқчи ён киссасини кавлаб ҳужжатларини чиқарди ва ичидан шоша-пиша пулни олди-да, ўртага ташлади.

Мен ҳам бир оз сукут сақлаб турдим, кутилмаганда ўртага эллик маркани суриб қўйгим келди.

— Бошқа пулим йўқ, — деди соқчи.

— Камаринг яхши экан, тоза чарм бўлса керак-а, — дедим мен.

Зобит соқчига камарини ечиб беришни буюрди. У итоат билан ечиб стол устига гўё қора илондай чувалатиб қўйди.

— Ҳа, еса бўлади, — дедим кулиб.

— Хўш, қолган пулингни тикасанми?

— Албатта, — дедим ва қолган пулни печеньем билан қўшиб ўртага суриб қўйдим.

— Менга берадиган доринг қани? Униям тик, — деди зобит ва киссасидан охирги йигирма марка пулни чиқариб ташлади.

— Хавотир бўлманг, ютқизсам, у, албатта сизники бўлади.

— Қани кўрсат.

— Мана турибди-ку, — дедим тишлиған печеньемни кўрсатиб.

— Ҳазилни бас қил!

— Ноқулай-да. Аввал ютқазай, дедим-ку...

— Хўп, ўйнанглар. Лекин айтиб қўяй, сен мени мазах қилаётган бўлсанг шу бугуноқ крематорияга ташлатаман. Ҳокинг ҳам қолмайди.

— Бўпти, унда мен жонимни тикаман, сизлар-чи?

Зобит чуқур ўйланиб қолди, унинг “Нега бунчалар ўзига ишонаяпти? Наҳотки, унда тўртта туз бўлса?” деган ўйга борганини англашим.

## **Набижон ҲОШИМОВ**

— Айт, нима хоҳлайсан? Фақат қочириб юборолмайман. Бунинг иложи йўқ!

— Эвазига бир қоп нон, қанд, кейин чўчқа ёғи берасиз. Кейин икки шиша спирт ҳам.

— Ютқазсанг, ўласан!..

— ...Келишдик. Фақат аввал сизни ва манави йигитни даволайман.

Зобитнинг жаҳли чиққандек бўлиб, соқчига буюрди:

— Ҳой, оч қартангни!

Соқчи очди. У ютдим дегандай хурсанд ҳолда қўлларини ишқаб олди. Мен тўрт қиролни кўриб, аввалига довдирағандай бир оз туриб қолдим.

— Афсус, сен шундай билимли табиб экансану, эсинг “кирди-чиқди” экан, — деди Шульс ачиниб.

— Нега?! — сўрадим мен.

У жуда хотиржам кўринарди.

— Нега бўларди? Бекорга ўлиб кетасан-да.

— Йўқ. Асло ўлмайман. Аввало, сизни даволайман, дедим-ку, жаноб.

— Ҳа, энди ялтоқланишга ўтдингми, аҳмоқ?!

— Йўқ. Мен бу гапни ютганим учун айтаяпман, ахир.

— Нима?!

Мен қарталарини бир-бир очиб ташладим.

Стол устида тўртта туз ярақлаб турарди. Соқчи ҳаяжондан: “Бу бўлиши мумкин эмас!” дея немисчалаб, қичқириб юборди. Зобит ҳам столга асабий бир мушт туширди.

— Ҳаҳ шайтон! Ахир, қандай қилиб?!

Мен соқчининг камарини ва ўттиз маркасини қайтариб узатарканман, “Нега энди? Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин”, — дедим.

— Йўқ, ютуқларингни ол. Булар сеники! — деди зобит.

— Менга пул керакмас, дедим-ку. Ўша келишган нон, қанд, чўчқа ёғи ва яна икки шиша спирт берсанглар, бас. Спирт билан беморларимга дори тайёрлайман.

— Хўп. Барагингга элтиб беришади. Боравер. Соқчи.

Уни ташлаб кел, — деди зобит ва шнапс ароғидан икки рюмкага қуйиб бирини узатди. — Фалабанг учун!

Биз ичимликни сипқордик. Кейин ўз тишлаган сухаригимни еб олдим.

— Дорингиз ҳозирча ўзимда турсин. Керагида ишлатармиз, хўпми? — деб қўйдим.

— Яхши, — деди зобит.

Мен ликобчадаги конфетларни ҳам ғолибона киссамга солдим. Оч киссаларимнинг ҳам оғзи ланг очилиб, қаппайди.

Қўлимни орқага қилиб соқчи назоратида чиқиб кетарканман, ортимдан штурмбанифюер Шульц “Қойил!” дегандай бошини силтаб қўйди ва стол устида қолган саксон марка пулига кўзи тушди. “Антиқа йигит экан. Афсуски, унинг ўлиб кетиши фоят ачинарли”, — деб қўйганини ва ўзининг соғлифи ҳақида ўй суреб қолганини ҳис қилдим.

\* \* \*

Штурмбанифюер Иоганн Шульц сўзида турди. Маҳбуслар кечки оқшом ишдан қайтганларида стол устидаги бир уюм озуқани кўриб хурсанд бўлиб кетишли ва очофатлардай ташланишмоқчи бўлишди. Яхшики, собиқ зобит Петренко барчани тинчлантириб, бу озуқалар менинг “пешона терим” экани ва илтимосимга кўра баракдошлар ўртасида тенг бўлининини эълон қилди.

Маҳбуслар елкамни қоқиб, “Раҳмат” дея бир-бир қутлаб чиқишиди. Мени осмонга иргитиб ташлашлари ҳам мумкин эди, бироқ мажоллари етмасди. Ҳар ким тезроқ ўз улушкини олиб ошқозонни “тинчлантириш” илинжида бўлди.

Озуқалар майдалана бошланди. Мен уларга мурожаат қилдим:

— Азизлар! Озуқани узоқ чайнаб сўнгра юtingлар, хўпми? Дастрлаб чўчқаёғини енглар. Чунки кимларнингдир ошқозонида яра пайдо бўлган бўлиши керак. Шошилиб нон ейилса, у яраларингни тирнаб оғриқ беради, қонаши ҳам мумкин. Кейин сув ичинглар!

— Ҳам табиб, ҳам қартабоз дўстимизнинг гапига қулоқ тутинглар! — деди Петренко хитоб қилиб.

\* \* \*

Асиrlар ичидаги моҳир қартабоз бор экани ҳақидаги шов-шув лагердаги бутун немис зобитлари орасида кенг тарқалди. Улар орасида пулдорлари, хизматдан зериккан ва кўнгил очар ўйинларга берилганлари ҳам кўп эди. Ошхонада штурмбанифюрер Шульц ҳам бир маҳбусдаги ноёб истеъод ҳақида хизматдошларига мақтаниб гапириб берди. Бу уларнинг қизғин баҳсига сабаб бўлди. Икки зобит ўша маҳбус билан қарта ўйнашга жазм қилишди. Хуллас, улар уч киши пул тикиб ўйнайдиган бўлишди ва ўрталарида тахминан шундай суҳбат кетган эди:

- Аммо унинг тикадиган ҳеч вақоси йўқ-ку!
  - Сен ўйнаганингда нимасини тикди? — сўради зобитлардан бири.
  - Жонини, — деди Шульц қуруқ қилиб.
  - Нима?! — деди улар ҳайрон бўлиб.
  - Шунинг учун ҳам унинг ютқизишга ҳаққи йўқ эди. Дастреб шундай қиласи. Кейин сенинг пулингни ютиб олиб ўшани тикаверади, уқдингми?
  - Хиҳ. Нима учун энди мен ютқазар эканман?
  - Бўпти. Мен унда ўша маҳбус учун тикаман, келишдикми? Кейин биз у билан ютуқни тенг бўлиб оламиз.
  - Келишдик. Кўрамиз ҳали...
  - Бўлмаса сизларни дам олиш хонамда тунги соат саккизда кутаман.
  - Нима дейсан, минг маркадан етармикин-а?
  - То тонггача етади, албатта.
- Улар келишиб олиб, жой-жойларига тарқалишди. Кечки оқшом мени олиб кетгани келишди.
- Сафарёр, сенга омад ёр бўлсин! — деди Генадий.
  - Ҳа, дуо қилиб туинглар. Бугун ўйин каттароққа ўхшайди.

- Айт, аввал қорнингни тўйғазишин, — деб қўйди Петренко кулиб.
- Қўрқма, киссамда камар бўлаги бор.
- Ютқизиб қўйсанг нима бўлади-а, Сафар? — деди кексароқ маҳбуслардан бири ачиниб.
- “Бир бошга бир ўлим”, деганлар. Тузиб қўйган ўз режаларим бор. Ўлишга асло ҳаққим йўқ. Севган қизим Маржона мени кутаяпти, ахир, — дедим ва “Хозирча хайр, йигитлар!” дея қичқирдим-да, соқчи назорати остида чиқиб кетдим.

\* \* \*

Маржон табиб шу ерга келганида ҳикоясини тўхтатди. У чанқаган шекилли, пиёлага ёпишиди. Мўйсафид суҳбатидан лол қолган Мехриддин бир чўчиб тушди. У, эҳтимол, ҳозир “қанотли Гарри” билан ўзини учиб юргандай ҳис қиласади. Сардорбек ҳушёрроқ эди, устозга чой қўйиб узатди.

- Утин ҳам қолмабди-ку, ўғлим. Сиз тез ўтин териб келинг, илтимос.
- Кейин нима бўлди? — сўради Мехриддин ҳайронлик билан ўрнидан туаркан.
- Нима бўларди?.. Ўйнадик. Лекин жуда оғир ўйин бўлди. Мен дастлаб ютқаза бошладим. Франк дегани ҳақиқатан ҳам ўзига ишонаркан. Энг ёмони, кўзидағи кўзойнакни ечиб қўймади. Атайн қилди у. Нигоҳига қараб миясидагини уқиб олишимни сезиб қолди. Лекин бир жойда янгишиди: кўзойнак ойнасида қартанинг акси бор эди.

— Эҳ-ҳе, сизга гап йўқ, отахон! — қичқирди Мехриддин ва ўтин тергани чопиб кетди.

У энди ўтинни олишдан аввал “Илон, чаён йўқмикин?” дегандек оралиқларни калтак билан титиб кўрарди.

- Сардорбек, юринг, биз сойдан балиқ овлаймиз.
- Қандай қилиб, сув совуқ-ку?
- Хуржунимда тўр бор. Бу ерда маринка деган қора балиқ кўп. Улар урчиш учун ҳар вақт сув боши томон

сузишади. Лекин шаршара баланд чиқишлоомай шу ерда урчишади.

Чиндан ҳам шаршара тагидаги ҳовузсимон жойда балиқлар мүл эди. Ранги қорамтири бўлгани учун дастлаб сезишмабди. Мўйсафид тўрни ёйиб ташлаб чаққонлик билан тортиб олганди бир талай балиқлар илинди. Ёшлар қийқириб юборишиди.

Маржон табиб ҳикоясини давом эттириди. Чунки шогирдларнинг балиқ шўрва тайёр бўлгунича ҳам сабрлари чидамаётганди.

— Мен нима қилиб бўлсаям Франкнинг кўзойнагини олдириб қўйишим керак эди. Шунинг учун бир иш қилдим. Учинчи партияда ютдим. Лекин ютганларимни унга қайтардим. Ҳаммалари ҳайрон қолишиди. Шульцнинг жаҳли чиқди. Билсангизлар, улар жуда ҳалол ўйнашади. Шу туфайли ажабланишиди.

— Кўзойнагингизда қартангизнинг акси кўриниб қолди, — дедим ва унинг кўзойнагини олиб тақиб, қўлимда қартани ёйиб кўрсатдим. — Хўш, кўринаяптими? — сўрадим мен.

У “Ҳа” деб жавоб қайтарди. Қойил қолиб елкамни қоқиб қўйди ва шнапс олиб келишларини буюрди. Сўнг фрицлар билан дўстлашиб қолдим. Бирга овқатландик, тўйиб шнапс ичдик, ҳатто, апоқ-чапоқ бўлиб немис халқ қўшиқларидан бирини биргаликда куйладик. Сўнг яна ўйинга берилдик. Мен энди бемалол ютавердим. Франкнинг Генрих деган шеригида пули қолмади. Уни ечинтириб кийимини тикишиди. Бечора яна ютқазди. Менга унинг кийимларини кийгизиб қўйишиди. Ҳазил-хузул авжига чиқди. Энди Генрих агар ютқизадиган бўлса менинг ечиб қўйган маҳбусча ола-була кийимимни киядиган ва барагимга бориб сайр қилиб келадиган бўлди. Аммо шу маҳал бир нохушлик юз берди. Генрих кийиниб бўлиши биланоқ кутилмаганда хонага лагерь бошлиғи штандартенфюрер Шнайдер кириб келди. Кимдир бу ердаги гапларни унга пинҳона етказган кўринарди.

Ҳаммалари, ҳатто Генрих ҳам қотиб туриб, ўнг қўлини

баланд кўтарган ҳолда “Ҳай, Гитлер!” деб қичқириши. Мен бўлса шўрочасига честь бердим.

Бошлиқ менга кўзларини олайтириб қаради. У ҳарсиллаб нафас оларди. Демакки, нафас йўлларида сурункали астма хасталиги бор.

— Ким бу bemaza?! — деди у менга қараб ва Генрих томон олайиб кўз ташлади. — Манави маҳбус бу ерда нима қилиб юриди?! Крематорияга тиқинглар уни!

Генрих қўрқиб кетди.

— Мен унтерштурмфюрер Гансман! — дея қичқирди у.

— Штурмбаннфюрер Шульц! Бу ерда нималар бўляяпти ўзи?! Тушунтириб беринг!

— Дам олаяпмиз, гер бошлиқ! Манави маҳбус зобитнинг кийимларини ютиб олди, — деди у мени кўрсатиб.

У менга еб қўйгудай олайиб қаради.

— Яҳудиймисан?!

— Йўқ, ўзбекман, осиёлик, — дедим мен шоша-пиша.

— Нима, бизнинг армия зобитларини ютиб олиб, шарманда қилмоқчимисан?

— Йўқ, аксинча, гер бошлиқ. Мен табиб шифокорман. Уларнинг асабларини тинчлантираяпман. Инсон руҳиятини яхши биламан. Дардлариниям, қўлидаги қартасиниям нигоҳидан била оламан.

— У тўғри айтаяпти, — деди Франк. — Мен қора кўзойнак билан ўйнаганимда у ютқазди.

— Менинг ҳам хасталик аломатларимга тўғри ташхис қўйиб берди, — деди Шульц фоз туриб.

Бошлиқ бир оз ўйланиб қолди, кейин кўзларимга тикилди ва бир четга олиб келиб сўради.

— Хўш, мениям касалимни айтиб бераоласанми? Агар ёлғон чиқса кўзларингни ўйдириб, куркаларга егизаман!

Мен асло чўчимадим. Жоҳил нигоҳига яхшилаб тикилдим. Сўнг “Тилингизни чиқаринг” дедим. Қўл тирноқларини кузатдим. Кейин томир уришини билагидан ушлаб текширдим. Бошлиқ миқ этмай итоат этди.

— Ўпкангиз бир оз шамоллаган. Астма касалингиз бор.

Шунинг учун нафас олишингиз қийин кечаяпти. Кейин катта ҳожатга қийналар экансиз. Чунки бевосилингиз бор. Простата безингиз ҳам шамоллаган. Эркаклар климакси давридасиз. Шунинг учун асабийсиз. Буйрагингиздаям тош бор, сийишга қийналасиз. Охирида томчилаб тураверади, түғрими?

Зобитлар кулгидан ўзларини базўр тийиб туришарди. Лекин Франк чидаёлмади, ошкора кулиб юборди. Бошлиқ унга ўқрайиб қараб қўйди.

— Энди манавингаям ташхис қўй-чи, — деди у Франкни кўрсатиб.

Мен бу бақувват фрицнинг кўзлариға қарадим. Унинг мовий кўзлари жовдираб, чақмоқдай чараклаб турар, танаси жуда соғлом эди.

— Бу йигитнинг соғлиғи жойида. Фақат битта айби бор, — дедим мен қўрқмай.

Аммо бу ҳазилим учун яхшилаб дўппослашларини сезардим ва шунга негадир рози эдим. Ўзим “Бор таваккал” дедим. Франкнинг чақмоқ кўзлари сўнди ва “Нима демоқчисан?” дегандай гезариб қаради.

— Қанақа айб? — сўради бошлиқ ҳам қизиқиб.

— Орқасида тангадек тешиги бор, ўртоқ бошлиқ, — дедим.

Бошлиқ ва бошқалар қотиб-қотиб кулишди. Ҳайриятки, бу гапни ҳазилга йўйишиди.

— Истасангиз сизни даволайман, — дедим мен бошлиққа қараб.

— Яхши. Эртадан санитар назоратчиси бўласан.

— Иложи бўлса менга лабораторияда ишлашга ижозат берсангиз.

— Йўқ. Крематорияда ишлайсан, — деди жиддий ва чиқиб кетаркан Шульцга қараб буюрди: — Бунақа бемаъни ўйинларни бас қилинглар! Қиморни дам олиш кунлари ўйнайсизлар, — деб менгаям бир маъноли қараб олиб чиқиб кетди.

Унинг нигоҳидан менга жуда қизиқиб қолгани маълум эди. Аммо мени чиндан ҳам крематорияга ўтказадими

ё ҳазиллашдими деб хавотирга тушиб қолдим. Чунки крематорияни ўлган одамларни жаллодлардай майдалаб ичагини ичакка, пучагини пучакка ажратиб, инсон органларидан совун, тугма, тишчеткаси, аёллар сумкачаси каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш заводи деса бўларди. Кераксиз суюк ва чиқитлар юқори даражадаги печда куйдирилиб хокка айлантирилиши ҳақида эшитгандим. Айтишларича, суғурилган тилла тишларнинг ўзи бир неча тонна бўлганмиш.

Шунда хаёлимга ялт этиб бир фикр келиб қолди. Дорогов билан ҳамкорликда яратган радиация ва бошқа хасталикларга қарши танаҳимояни оширишга хизмат қиласиган “Ҳаёт элексири”ни шу ерда яратсан-чи? Бу дорини немис аскарларида ҳам, лагердаги асиirlарда ҳам синааб кўрадим. Бу билан ҳарҳолда жуда кўп беморларни даволашим, ҳам ўзимни асраб қолишим мумкин деган қарорга келдим.

Бу фикрни мен зудлик билан Шульцга етказдим ва яна бир бор ўзининг ҳам даволаниши кераклигини эслатиб қўйдим.

— Чиндан ҳам бу айтган доринг иммунитетни ошириб, радиациядан ҳимоялайдими? — сўради у таажжубланиб.

— Ҳа, — дедим мен таъкидлаб. — Мен шифокорман ва мен учун сиёsat эмас, биринчи навбатда инсон саломатлиги турди. Урушда кимлар кимлар билан рақиб экани мени қизиқтирмайди. Лекин Германиядан Америкага олиб кетилган атом бомбаси агар портлагудек бўлса, у миллати ва ирқига қарамайди. Ҳамма жонзот радиация нури туфайли бир онда ҳалок бўлади. Шуни яна эслатиб қўяй: Америка билан Совет Иттилоқи иттилоқдош ва мазкур бомбани, албатта, сизларга қарши ишлатишлари турган гап, — дедим жиддий.

Шульцнинг ранги бўзариб кетди. У оддий асирдан бундай жиддий гап чиқишини кутмаган шекилли, шошиб бошлиқ олдига жўнади ва тез соқчи юбориб мени ҳам олиб кетишди.

Биз бошлиқнинг каттакон қимматбаҳо мебеллар билан

жихозланган хонасига кириб бордик. Йўл четидаги соқчилар мен озгин маҳбусга еб қўйгудек қараварди. Нигоҳларидан ҳаммаси совуқ мижоз, камқон ва қандайдир дардга мубтало эканини ҳис қилиб, ўзимча ташхис қўйиб борардим. Фикран “Бу аскарларнинг ҳаммаси касал-ку, жангга ярамайди” дердим.

...Бошлиқ ҳам менинг кутилмаган таклифимдан шошиб қолди. Шульц унга мендан эшитган гапларни оқизмайт томизмай яна гапириб берди.

Штандартенфюрер Шнайдер ҳайронликдан ўрнидан туриб кетди. Менга қараб “Шу гаплар ростми?!” деб хитоб билан сўради. Мен “Ха” дедим. У дарҳол қаёққадир қўнфироқ қилишга тушди. Англадимки, уларнинг юрагига фулгула солиб қўйдим. Ундан телефонда бир оз кутишни сўрашди. У котибни чақириб қаҳва ва конъяк келтиришларини буюрди ва юмшоқ курсиларга ўтиришимизни сўради. У эҳтимол илк бор ўз хонасида бир оддий маҳбусни меҳмон қилмоқда эди.

Қадаҳларни тўлатиб узатаркан, “Айтганларинг рост бўлса сен фюреримиз қаҳрамонига айланасан!” деб қўйди. Мен “Софлиқ учун!” улар эса, “Фюрер учун!” деб конъякни отиб олдик. Сўнг шоколадни газак қилиб иссиқ қаҳвадан ичиб ўтиридик. Танам яйради. Ошқозонимда “Фюрер поёги” билан немис конъяги қучоқлашиб кўришарди.

Бир оздан сўнг қўнфироқ янгради. Бошлиқ шошиб бориб гўшакни кўтарди ва фоздек қотди. У учинчи Рейх деб аталган бошқарма раҳбарларидан бири билан гаплашди. Чоғимда таклифларим маъқулланган кўринарди. Бошлиқ индамай келиб яна конъяк қўйди. У менга қараб кулиб турарди. Бу жоҳил одам эҳтимол умрида илк бор табассум қилмоқда эди.

Шундан сўнг у ҳузурига баъзи мутасадди зобитларни йўқлади ва мен учун алоҳида шароитли хона, фуқароча яхши кийим-бош буюрди ва менга барча зобитлар қатори юқори даражада хизмат кўрсатишларини ва ҳужжатлар тайёрланишини тайинлади.

— Биз сен учун барча шароитларни яратиб берамиз. Фақат бизга ўша доридан тайёрлаб берасан, — деди бошлиқ.

— Мениям бир шартим бор, — дедим.

— Қанақа шарт?

— Аввало, ҳар икковларингният даволайман.

— Ўлдириб қўймайсанми, ишқилиб?

— Сизлар ахир тадқиқот қуёни эмассизлар-ку.

Бошлиқ ҳузур қилиб кулиб қўйди.

— Ҳа, — деди у ўйчан сигарета олиб тутар экан. — Бизда чиндан ҳам тадқиқот ишлари пухта олиб борилмоқда. Шу жумладан, Аушвице концлагерида доктор Карл Клауберг раҳбарлигида маҳбусларга радиация нури бериб синовдан ўтказилмоқда. Эҳтимол, сени ўша лагерга жўнатармиз.

— У лагерь қаерда жойлашган? — сўрадим мен.

— Германияда. 1941 йилдан буён ишлаб турибди.

Шу маҳал Шульц бошлиқдан узр сўраб менга синовчан бир савол билан мурожаат қилди:

— Айт-чи, Сафар, инсонга юборилган радиация нури дастлаб унинг қаерига таъсир қилиши мумкин?

Мен довдираб қолмадим. Чунки нима жавоб қайтаришни яхши билардим. У бошлиққа менга қанақа савол берганини таржима қилиб берди. Бошлиқ сапсариқ қошларини чимириб маъқул ишорасини қилди.

— Радиация нури агар кўп микдорда бўлса, у аввало эркакларнинг тухумдонига таъсир қилади. Чунки бу нозик жойда янги уруғ ҳужайралари бўлиб, ҳали ташқи таъсирларга қарши кураша олмайди. Хуллас, бепуштликка олиб келади.

Шульц кулиб қўйди ва менинг бу фикримни тўлиқ таржима қилиб берди. Бошлиқнинг кўзлари чақнаб “Э, қойил!” деб юборди.

— Биз айнан ана шу бепуштликни яратиш учун асосан яхудийлар ва миллати ноаниқларни синовдан ўтказяпмиз. Доктор Карл Клаубергнинг айтишича, бу жуда осонмиш. Оғритмайдиям, ўзлари сезишмайдиям. Бир катта хонага маҳбусларни олиб кириб “Анкета қофозини

тўлдириб беринглар” дейиларкан-да, қўлларига қофоз, қалам тутқазиларкан. Шу маҳали кучли рентген нури бериларкан. Бор-йўғи уч-тўрт дақиқа, холос. Ортиқча вақт ҳам, харажат ҳам керакмас. Кейин уларнинг сперма ҳужайралари лабораторияда текшириб кўриларкан. Қарабсизки, ҳужайралар ўлиб бўлган бўларкан. Хуллас, бизнинг дастуримизда шу усул билан тўрт юз минг одамни бепуштлантириш режалаштирилган. Сенинг айтган таклифингга келсак, бу бутунлай акси. Яъни бу билан Германия армиясини душман радиациясидан асраб қолишимиз мумкин. Ўйлайманки, бу таклифинг бизнинг Учинчи Рейх раҳбариятини, албатта, қизиқтиради. Улар бу ҳақида ўйлаб кўрамиз, дейишли ва ҳозирча сени авайлаб-асраб туришимизни сўрашди. Хўш, ишлаймизми? – сўради Шнайдер синовчан тикилиб.

– Албатта, – дедим мен қисқа қилиб.

– Жаноб Шульц сиз бўлмаса, бу йигитга доктор Эдуард Виртс раҳбарлигида концлагерларимизда олиб борилаётган “соғломлаштириш ишлари” ҳақида тўлиқ маълумот беринг. Бу йигитдан яна янги таклифлар чиқиши мумкин. Асосий мақсад, биласиз, армиямиз аскарларининг фавқулодда ҳолат ва шароитларда омон қолишини илмий асосларда ишлаб чиқиш ва бу борада Учинчи Рейх дастурига киритилган синов амалиётларини ўтказишидир. Тушўнарлимни?

Шульц ўрнидан ғоз туриб жавоб қилди:

– Бажарилади, жаноб штандартенфюрер!  
– Сизларга рухсат.

Биз чиқиб кетдик ва мулоқотни энди штурмбаннфю-  
рернинг хонасида давом эттирдик.

Мен юмшоқ ўриндиқقا ўрнашиб олдим. У бўлса у ёқ-  
юқ бу ёққа хотиржам юриб бошлиқнинг топшириғига  
мувофиқ бу ерда олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар  
ҳақида сўзлай кетди:

– Хуллас, бизнинг Учинчи Рейх деб аталган  
концлагерлар тизимимизда фан докторлари ва тиббиёт  
бўйича профессорлар ҳам хизмат қилишади. Уларга турли

қуроллардан яраланган ва фавқулодда ҳолатларга тушиб қолган аскарларимизни даволаш, душман томондан қўлланилиши мумкин бўлган кимёвий, бактериалогоик ва бошқа турли янги қуроллар хавфидан асраш, қолаверса, ўзимизнинг янги қуролларимизни ҳам инсон танасига қандай таъсир кўрсата олиши, қўлланиладиган доридармонлар самарасини ўрганиш бўйича янги тиббий услубиятларни ишлаб чиқиш топширилган.

— Масалан, қанақа тадқиқотлар ўтказилмоқда? — сўрадим мен.

Шульц чуқур мулоҳаза билан шошилмай жавоб берди:

— Яҳудийларнинг уруғини қутиши ва уларни ер юзидан бутунлай супуриб ташлаш. Турли об-ҳаво шароитлари ва фавқулодда ҳолатларда жангчиларимизни омон сақлашга эришиш. Масалан, Африка саҳролари, денгиз шўр сувлари шароитида, Россия совуқларида, совуқ, музлаган сувда, юқори босим шароитида, турли химикат, заҳар ва газларда. Яна юқумли касаллик тарқатадиган чивинларга чақтириб кўриб унга қарши вакцина дорилари яратиш ишларида биз асосан яҳудий, лўли миллатлари ва ҳарбий асиirlар танаси ёрдамида тиббий амалиёт синовлари олиб бормоқдамиз.

— Шу жумладан, радиация нури таъсирини ҳамми?  
— Ҳа, албатта, — деди зобит сўзида давом этаркан.  
— Бундан ташқари эгизак болалар устида ҳам турли тадқиқотлар ўтказилмоқда.

— Эгизаклар билан қандай синов? — сўрадим ажабланиб.  
— Бу синовлар доктор Йозеф Менгле томонидан ишлаб чиқилган. Ҳозирда бир минг беш жуфтлик синов ишларида иштирок этишмоқда. Асо мақсад эгизаклардаги генетик ўхшашиклар ва ўзларини аниқлаш. Масалан, эгизаклардан бирининг кўзига бирор химикат томизилади. Бу ҳолат иккинчи эгизак кўзида қандай акс этади. Қизиқ-а? Яна эгизакларни бир-бирига тикиб “Сиам эгизаклари” ҳосил қилиш устида ҳам иш олиб борилмоқда.

— Ие бу фирт аҳмоқлик-ку!

- Нега энди?
- Жангчиларнинг жонини асраш бўйича синовлар эҳтимол фойдалидир. Лекин буниси жиноятнинг ўзи эмасми?
- Фикринг тўғри. Лекин баъзи шифокор, олимлар, бирор оламшумул янгиликни концлагер шароитида яратиб олишмоқчи. Чунки бу асиrlар барибир ўлимга маҳкум.
- Лекин бу ишни қоралайман ва инсоният устидан жиноят деб ҳисоблайман.
- Булар Фюрер буйруғи. Бизлар уни бажаришга мажбурмиз.
- Яна қанақа тадқиқотлар ўтказилмоқда?
- Ўҳ-ҳӯ, сен худди терговчига ўхшайсан-а. Лекин билиб қўй, бу айтганларим ҳаммаси маҳфий гаплар ва шу ерда қолиши керак, — деди зобит ва табиб йигитнинг тепасига келиб огоҳлантириди. — Ҳатто бу ҳақида маҳбусларга ҳам айтишинг мутлақо мумкин эмас. Яна айтиб қўяй, сен энди бундан буён қатъий ҳисобдасан. Концлагердан умуман тирик чиқолмайсан. Чунки баъзи сирларимиздан воқифсан. Аввалги ҳаётингни бутунлай унут. Фюрерга сидқидилдан хизмат қилавер.
- Мен фақат инсониятга хизмат қилишим мумкин. Лекин тадқиқот учун одамлардан эмас, каламуш ва қуёнлардан фойдаланаман.
- Хўш, унда айт-чи, ўша қуёну каламушларинг денгиз сувини ичалими?
- Гапингизни англолмадим, жаноб?
- Бизниң жангчиларимиз Ўрта ер денгизи, Болтиқ ва Қора де ғизларда ачқимтил шўр сув туфайли қурбон бўлишмоқда. Уларнинг танасини шу сувга тайёрламоқ керак. Бу бўйича ҳам тадқиқот ишлари кетаяпти. Синовларн" доктор Ганс Эппингер олиб бормоқда. Профессор Вильгельм Байгльбек бу ишга шахсан фюрер томонидан маъсул этиб тайинланган. Ҳа, айтмоқчи, мен сени шу профессор билан таништириб қўяман. Эҳтимол, у сени ўзиға шогирд қилиб олар.

— Денгиз суви қандай таъсир қилаяпти?

— Ҳозирча ёмон эмас, — деди зобит ва алланима ёдига тушдими кулиб қўйди. — Билсанг, яқинда бу ишга тўқсон нафар асир лўлиларни жалб қилдик. Уларга ҳеч қандай овқат берилмай фақат денгиз суви ичирилаверилди. Биз бошлиқ билан ишлар қандай кетаётганини кириб кўрмоқчи бўлдик. Бизнинг келишимизга у ёқ-бу ёқни тозалаб пол чучук сув билан ювилиби. Ишонасанми биз кириб борсак маҳбуслар бир томчи тоза сув илинжида уришиб-талашиб полни тиллари билан ялашмоқда эди. Уларнинг оч ва яланғоч танаси илондек тўлғанарди.

— Кейин уларнинг ҳаммаси ҳалок бўлишдими?

— Ҳа. Бир ҳафтагаям боришмади, — деди зобит хотиржам ва сўзида давом этди: — Кейин турли миқдордаги заҳарни маҳбуслар таомига қўшиб берилади. Сўнг уларни ва ўлганларни ёриб кўриб тиббий хулосалар қилинади. Яқинда заҳарланган ўқ билан ҳам отиб, унинг инсон танасига қай тарзда тарқалиши ўрганилди.

— Ўҳ-ҳў, оғарин, ҳақиқий фашистона тадқиқот!

— Ҳа. Албатта. Кейин бизда фосфорли куйдирувчи бомбалар кашф қилинди. Уларни маҳкумлар ўртасида портлатиб, қандай масофада қандай таъсири, тананинг қайси қисмини қандай куйдириши ва уни қанақа дори воситаси билан даволаш амаллари ҳам ўтказилмоқда. Буниси ҳархолда инсониятни асрар учун хизмат қиласи. Тўғрими?

— Эҳтимол, — дедим эшитгим келмай.

— Бўлмаса янаям қизиқроғидаң эшит. Биласан, Россия об-ҳавоси жудаям совуқ, дарёлари муз. Бизнинг жангчилар бундай ҳолатга асло тайёр эмас. Шу туфайли бундай гипотермик шароитларда танани асрар бўйича ҳам муҳим тадқиқотлар олиб бормоқдамиз.

— Россияга бориб-а?

— Э, ўқ. Шу ерда — концлагер шароитида. Масалан, совуқ сув ва муз солинган цистерна ичига маҳкумларни икки-уч соат солиб қўйилади ва уларнингтана ҳароратлари шифоқор олимлар томонидан назоратга олинади. Яна

бир тадқиқот, изфирин, паст даражали ҳавода одамларни яланғоч ҳолда қўйиб қўйилади. Бу синов ишларига Бош штаб топшириғи билан доктор Зигмунд Рашер раҳбарлик қилмоқда ва унга тадқиқот натижалари бўйича ахборотни бевосита Генрих Гимлер жанобларига шахсан юбориб туриш ҳуқуқи берилган. У яқинда “Денгиз ва совуқ шароитидаги тиббиёт муаммолари” деган мавзуда илмий маъруза ҳам тайёрлади. Хоҳласанг, таништираман. Фақат у немис тилида.

— Йўқ. Керакмас.  
— Ахир, тушун. Бу инсонийлик учун эмасми?  
— Қанақасига?  
— Инсон жуда совуқ шароитда қанча муддат яшай олади ва уни қандай қутқариб қолиш мумкин? Хих, — деб қўйди у кулиб. — Бу саволнинг ечими бўйича ҳам бир тадқиқотнинг гувоҳи бўлдим. Бири музлаб қолай деган йигитни иситиш учун икки маҳкума аёл ўртасига олиб қучоқлатиб қўйилди. Иккинчи эркакни иссиқ ваннага солинди?

— Қай бири самара берди?  
— Иккинчиси. Аёллар иситолмас экан, — деди зобит хотиржам сигарета тутатиб оларкан.  
— Бечора аёллар. Қўрқянларидан юраклари тушиб қолгандир.  
— Тўғри улар ўлиб кетишли. Лекин кинотасвирга олиб қолинди. Истасанг, ҳозир қўйиб кўрсатаман.

Танам музлаб кетди.  
— Э йўқ. Бошқа сафар.  
— Яхши деди зобит ва маълумот беришда давом этди.  
— Бундан ташқари маҳкумларни маҳсус газ камераларига киритилиб турли химик газлар юбориб кўрилади. Кейин уларнинг танасида пайдо бўлган ўзгаришларни даволаш бўйича турли дорилар синаб кўрилади. Бундан мақсад ҳозирги замонда ишлаб чиқарилаётган газли қуроллар қўлланилган маҳали жангчиларни даволаш ва асраб қолишdir.

Мен миқ этмай тинглардим. У сўзида давом этди:

— Малярия деган юқумли касаллик ҳақида эшитган мисан? — дея түсатдан сүраб қолди у.

— Ҳа, — дедим мен ва билганимча жавоб бердим. — Бу асосан чивинлар орқали юқади, нима эди?

— Африкадаги жангчиларимиз ана шундай чивинлардан озор кўришмоқда. Бизнинг шифокор олимларимиз олдига ана шу касалликка қарши вакцина яратиш вазифаси қўйилган. Бу ишга СС хаупштурмфюреи, доктор Курт Плётнер бошчилик қилмоқда. Лекин натижалар ҳозирча ёмонмас.

— Бу тадқиқот Африкада ўтказилаётган бўлса яхши-ку.

— Э, қаёқда. Ортиқча сарф-харажат кимга керак? Тадқиқот шу ерда — концлагерда ўтказилмоқда. Бу ишга минг нафар маҳкум жалб этилган. Биз аксинча чивинларни Африкадан келтирдик. Уларни маҳсус камераларга қўйиб юбориб чақтирилди ёки сўлагидан олиб маҳкумлар танасига киритилади. Кейин турли дорилар билан даволаш ишлари олиб борилади, тушунарлими?

— Тушунарли. Лекин мен бундай қилмаган бўлардим.

— Нима? Бирор таклифинг борми?

— Ҳа. Бунда ҳеч ким қурбон бўлмайди, тадқиқот ҳам, эҳтимол, керак эмасдир. Лекин сизларнинг нацистик таълимотларингда инсон саломатлигини асраш эмас, биринчи навбатда уни йўқ қилиш фояси ётгани учун менинг фикримни қабул қилолмайсизлар.

— Нега энди? Айтдим-ку, бизнинг мақсад жангчиларимиз жонини асраш деб. Маҳкумларга келсак, уларни аслида душманларимиз деб биламиз.

— Лекин улар ҳам инсон, қуёнлар эмас! — дедим жаҳлим чиқиб.

— Сен ғалати йигит экансан-ку. Нима демоқчисан ўзи?

— “Заҳарни заҳар кесади”, деган гап бор. Биз осиёликлар илон шўрва ичиб турамиз ёки чаённи қуритиб, туюб, таомга қўшиб еймиз. Шунинг учун танамизда илон ва чаён заҳрига қарши ҳимоя тизими бор. Малярия касаллиги ҳам аслида чивинлардан заҳарланишдир. Демакки, уларни қовуриб истеъмол қилиб, қонни ва жигарни тозалаб туриш керак, холос.

Зобит бир оз анграйиб қолди. Ниҳоят тилга кирди:

— Ҳазиллашаяпсанми? Нима, чивинларни битталаб ушлаб бўларканми?

— Йўқ. Ликобларга ёғ суртиб тунда қўйиб чиқилади. Чивинлар ёпишиб қолаверади. Уларни эртаси сидириб йифиб олиб ўша ёфда қовурилади. Ҳар бир аскар оз-оз еб ёки баданига суртиб чиқиши мумкин. Кейин жин ҳам урмайди.

— Э, қойил! Сендан яхши олим чиқаркан. Яхши. Бу таклифингният ўйлаб кўришимиз керак. Бизда яна бир тадқиқот амалга оширилмоқчи, лекин ҳали бир қарорга келингани йўқ.

— Қандай тадқиқот?

— Хўш, тасаввур қил. Душман артиллериясининг ўқлари қанча баландликка етади ёки самолётлари қанча баландликда уча олади. Демак, қанча баланд учсак бизга шунча яхши. Аммо бу ерда муаммо атмосфера босимида ва учувчининг айни шу босимга бардош бера олишида бўляяпти. Самолётларимиз ўн километрдан ортиқ баландликка кўтарила олмаяпти. Чунки учувчилар чидашолмайди. Агар бу кўрсаткични йигирма километрга етказа олсак, ҳеч қандай қаршиликсиз Лондонни ёки Москвани бомбардимон қила олардик. Шунинг учун бу ерда турли ҳаво босими шароитларига учувчиларимизни тайёрлаш учун маҳсус барокамералар қурилмоқда ва бу ишни аввало маҳкумларда синаб кўриш кўзда тутилган. Барокамералар шар ёрдамида самога кўтарилади. Биз ҳар бир маҳбус миясидаги ўзгаришни радиотелеграф ёрдамида таҳлил қилиб борамиз.

Зобит бу тадқиқот ҳақида тўлқинланиб гапиравкан, менинг хаёлим ўша барокамерага кетди. Гўё ўзим ва баракдошларим унгачиқи болганмишмиз. Ўн километрдан ортиқ кўтарилиб олгач, ватанимиз сари қочиб учиб кетибмиз. Немис учувчилари самолёт ойнасидан мушт кўтариб қолаверишибди. “Ур-ра, биз озодмиз!” дея қичқиради “Қанотли Гарри”.

Шу маҳал зобит мени туртди.

- Нима, ухляяпсанми?
- Бошлиқнинг коňяги таъсир қилди, шекилли, — дедим мен.
- Хўш, бу тадқиқотга нима дейсан?
- Буниси қизиқарли экан. Албатта, жон деб иштирок этган бўлардим.
- Тадқиқотчи-шифокор сифатидами?
- Шифокорлар ҳам бирга бўладими?
- Ҳа, албатта.
- Улар ахир ўлиб кетишади-ку.
- Нима бўпти, ватан учун қурбон бўлишади-да. Агар соғ-омон қайтиб тушишса яхши, лекин маҳбусларни барибир отиб ташлашади.
- Нега?
- Чунки улар тадқиқот сирларини фош қилиб қўйишилари мумкин. Иккинчидан, сени юбора олмаймиз. Сен бошқа тадқиқотларга кераксан.
- Майли, розиман. Фақат биргина илтимосим бор. Ўша барокамерага бир кириб кўрсам дегандим. Кейин унга яроқли маҳбусларни ўзим танлаб берсам, — дедим ва негадир кўз олдимда “Қанотли Гарри”нинг илтижоли қиёфаси жонланди.
- Бироқ улар ўлиб кетишади. “Барокамера ерга қайтмай осмонда портлаб кетиши ҳам мумкин”.
- Ҳарҳолда крематория печида ўтин бўлиб ёки бошқа тадқиқот қурбони бўлгандан кўра руҳлари арши аълога парвоз қиласди. Дунёга инсон бўлиб келганини ҳис қилишади. Умрнинг қадрига етади. Нима учун ахир бир маротабагина бериладиган умримизни хор қилиб, қирғинларга бағишилаб яшшимиз керак. Сизнинг ўрнингизда, жаноб штурмбаннфюрер, ҳаётни тушуниш учун албатта шутадқиқотда ўзим иштирок этган бўлардим.
- Билиб қўй, мен Буюк Фюрер ғояларига ҳамиша содик қоламан. Менга ақл ўргатувчиларни бўлса душманим деб ҳисоблайман!
- Хўп. Бошқа ақл ўргатмайман. Фақат илтимосим ҳақида ўйлаб кўрсангиз, — дедим жиддий.

- Маълумотинг қанақа ўзи?
  - Олий.
  - Сен чиндан ҳам яҳудий масмисан?
  - Йўқ. Биз туркийлармиз.
  - Ўзбекман, дединг чоғи?
  - Ҳа. Бу туркий қавмларнинг бири, — дедим мен яҳудий эмас эканимга тўлиқ ишонтириш учун.
  - Яхши. Унда қарта ўйнашни қаерда ўргангансан?
  - Биз тоғда яшаймиз. Болаликдан чўпонлик қиласиз, гиёҳлар терамиз. Болалар билан эрмагимиз асосан шу ўйин бўлган.
  - Казинода ҳам ўйнай оласанми?
  - Ҳеч ўйнаб кўрмаганман.
- “Ҳим-м, яхши” деб қўйди зобит ўйчан ва Зобит ёрдамчиларидан бирини чақиртириди.
- Буни яхшилаб ювинтириб, одамбашара қилинглар. Кейин бир оз семиришиям керак.
  - Сизни тушундим, гер бошлиқ, — деди унтерштурмфюрер йигит.

Шундай қилиб, мен ўзимга дўзах ичида жаннат яратадим. Менга “санитар-полицай” мақоми беришди. Чиройли костюм-шим, бўйинбог ва шляпа кийиб юрадим. Ўнг қўлимда санитарларнинг қизил хоч белгиси бор эди.

Бир куни ҳамюртим Раҳмат “қулок” мени бу ҳолатда кўриб ичи куйиб кетди. “Парвозингиз баландку, ҳамюрт” деб қўйди. Менимча, кейинчалик НҚВДга шу одам мен ҳақимда етказган бўлса керак деб ўйлайман. Чунки сотқинлар турли рангла товланаверишади, — деди Маржон табиб ва ҳикоясини ҳозирча тўхтатишга қарор қилди.

- Майли, йигитлар, энди ётиб дам олинглар. Аввал мен пойлоқчилик қиласан. Палаткаларинг икки кишилик экан. Кейин бирорталарингни уйғотарман.
- Кейин нима бўлганини қачон айтиб берасиз? Мўйсафид кулиб қўйди.
- Қолганининг қизиги йўқ. Мен у ердан қочиб кетдим.

— Қандай қилиб?

— Бу ёғи сир, — деди кулиб кекса табиб ва оловга ўтиңчўплардан бир-бир ташлаб қўйди.

Гулхан гўё рақс каби хиром айларди. Унга тикилиб хаёл уммонига фарқ бўлган мўйсафид қўйнидан беихтиёр мусиқа асбобини олди-да, куй чала кетди. Оҳанглар шаршара овозлари ичра фарқ бўлар, сой тўлқинларига ҳамоҳанг сув бўлиб оқишар ва созанданинг кўз ўнгидага ўтган умри, кўрган-кечирганлари бир-бир гавдаланарди.

## VIII БОБ

### ЖАҲАННАМДА БОРДЕК ҲАЛОВАТ

Штурмбанифюерер Иоганн Шульцнинг ўз оилавий муаммолари ҳам бор эди. Унинг яккаю ёлғиз олти ёшли ўғли Бернард оғир бетоб бўлиб қолгани учун хотини Эльза Эрини орқа қилиб уни шу ёқларга олиб келган ва концлагер четида маҳсус зобитлар коттеж уйида яшашмоқда эди. Эльзанинг ўзи ҳам бетоб. Докторларнинг ташхиси бўйича у бод касалига мубтало бўлган эмиш. Унга ҳар хил дорилар ёзиб беришган, аммо натижа бермаётганди. Ўғли Бернарднинг дардини бўлса ҳеч қайси доктор айта олмасди. Юрагини фоннендо скопда эшишган доктор негадир таажжубланди. Одатда юрак чап кўкракда бўлса, болада пастроқда урар, иштаҳаси бутунлай йўқолган ва озиб-тўзиб кетганди.

Бу ҳолатдан Эльза қўрқиб кетди ва болани олиб эри хизмат қилаётган жойларга олиб келди. Чунки унинг энди ҳеч кими йўқ. Ниқобли босқинчи жиноятчилар уйига бостириб кириб боланинг кўз ўнгидага қайнота ва қайнонасини отиб ташлашди. Бола ўриндиқ тагига яшириниб олганди. Қотиллар уйни тинтув қилиб бойликларини олиб чиқиб кетишли. Бу пайтда Эльза уйда бўлмаганди. Шундан сўнг Бернард шу аҳволга тушиб қолди.

\* \* \*

Ўша кунларнинг бирида Иоганн Шульц коттеж ҳужрасига паришон кириб келди. Йўлакда ечинаркан, “Бу лаънати уруш қачон тугаркин?” дея бўралаб сўкиниб олди.

— Ҳа, жоним, яхши келдингми? — сўради хотини ним табассум билан эрининг уст-бошларини қўлига оларкан.

— Яхши. Бернард қалай? — деди у ичкарига ишора қилиб, хонимнинг юзидан бир ўпиб қўйган бўлди.

— Тузук. Шифокор келиб кетди, — деди Эльза хомуш.

— Нима деди?

— Яна бир талай дори ёзиб берди. Болаларда учрайдиган рахитмиш. Лекин дориларни бу ердан топиш амримаҳолмиш.

— Бу ерларга келиб бекор қилдинглар-да. Тез орада уруш тугайди. Мана кўрасан, биз, албатта, ғалаба қозонамиз. Яна бир оз сабр қилишларинг керак эди. Москвани ишғол қилайлик, ҳаммаси тамом бўлади, — деди эри хотиржам.

— Ахир, нима қилай? Ўғлимизнинг аҳволини кўриб туриб... Биласан, менинг ҳам аҳволим яхшимас. Менга бир гап бўлса, Беранард қаерда қолади дедим, — дея аёли кўзига ёш олди.

— Яна ўша гапми? Тузалиб кетасан, дедим-ку. Уруш тугасин. Билсанг, ғалабамиздан сўнг бизга бутун дунё дарвозалари ланг очилади. Мен сизларни дунёнинг энг машҳур сиҳатгоҳларга олиб бориб даволатаман.

— Омон бўлсак кўрармиз, — деди аёл ва эрини катта хона томон бошлади. — Эҳтимол, бой, фаровон яшармиз. Лекин у пайтда кеч бўлиши мумкин. Бизлар ҳозироқ давога муҳтоҷмиз. Инсон ўз соғлигини ҳеч қачон пулга сотиб ололмайди.

— Тўғри, жоним. Эҳтимол, сен ҳақдирсан. Менинг ҳам жигарим хаста эмиш. Буни яна бир киши тасдиқлади.

— Ким? Бирор профессорми?

— Йўқ. Асиrlардан бири. Ўзи ҳарбий шифокор, ҳам табиб экан. Жуда истеъдодли йигит. Афсус, bemayni ўлиб кетади.

Аёл ялт этиб эрининг кўзларига боқди. Иоганн кўз пардаларининг ёнларини сариқ парда қоплаганди, буни кўриб кўнгли алланечук бўлиб кетди ва бошини эрининг кўксига қўйди.

— Бизга нима бўляяпти ўзи?..

— Ҳа. Лекин шу кунларда менинг унвоним яна ошиши мумкин, оберликни ҳам оламан. Бир оз кутайлик, кейин таътилга чиқаман.

Ичкаридан болакайнинг “Дада!” деб чақиргани эшишилди. Эр хотин унинг ҳузурига ошиқишиди.

— Ўғлим, тузукмисан?

— Зерикдим, — дея олди болакай базўр.

Унинг кўзлари ночор мўлтиради. Шульцнинг юраги шувв этиб кетди. Назарида фарзанди узиб қўйилган гулдай кундан-кун сўлиб борар, концлагерь маҳбусларидай озиттўзиб кетганди. Болакай нимжон қўлинни дадаси томон беҳол узатди. Тирик одамларнинг минг азоб билан ўлимларини кўравериб, ўзи ҳам неча-неча яҳудий, лўлилардан ташқари буюк Фюрер режимига бўйсунмаганлар, ҳарбий асиirlарни отиб ташлайвериб дийдаси бездек қотиб кетган бўлса-да, ўз фарзандининг зорланиб туришини кўриб алланечук бўлиб кетди ва кутилмаганда Беранардни сўридан даст кўтариб ўпиб олди.

— Овқат еяпсанми? — сўради у ўғлидан.

— Иштаҳам йўқ.

— Емаялти. Мажбур қилиб оғзига бир-икки қошиқ бульон солиб қўйяпман, — деди онаси норози оҳангда.

— Энди хоҳлайсан! — деди дадаси буйруқона. — Емасанг сенга ана шунаقا овқат емайдиганларнинг аҳволи нима бўлишини кўрсатиб келаман.

— Ҳой, Иоганн, қўй болага маҳбуслар ҳақида гапирма. Кўрқиб юраги тушиб қолмасин тағин, — деди аёл хавотир олиб.

— Тавба, биз очлик билан одамларни атайин оздириб гумдон қилсагу, бунинг бўлса ўзи овқат емаса. Овқатингни бер-чи, қани, ўзим егизиб қўяман.

— Йўқ, емайман, — деди бола хархаша қилиб ва афтини буриштириб олди.

— Ейсан! — деди Шульц фашистона нигоҳ билан столга бир мушт ураркан. — Бўлмаса сениям маҳбуслар орасига тиқиб қўяман! Докторлар устингдан тадқиқот ўтказишади.

Аёл эрининг атайин чўчитаётганини сезди ва боланинг бўйнига хўрагини тақиб қўйиб, сутли гречиха бўтқасини узатди.

— Ана, емасанг сен ҳам маҳбус бўларкансан. Кейин қовурғаларингни болалар санаб масхара қилишади.

Бола тасаввур қилдими ё дадасидан қўрқдими, ҳарҳолда, узатган насибадан бир-икки қошиқ еган бўлди.

— Ўша айтган асир табибни шу ерга олиб келолмайсанми?

— беихтиёр сўради аёли.

— Қандай бўларкин?

— Ўйлаб кўр. Бир амалла. Бошлиқлардан бирисан-ку. Ҳеч бўлмаса Бернардни кўриб қўйсин. Зора дардига шифо топса.

— Бу айтишга осон, — деди Шульц ва бир хўрсиниб олди.

Бу маҳалда хаста жигари ва хотинининг ҳам саломатлигини ёдига олди. “Олиб келсам, ҳақиқатан ҳам яхши бўлармиди. У лагерда бекор ўлиб кетиши мумкин. Ҳеч ким бунга кафил бўлолмайди”, деб қўйди фикран ва Сафарёрнинг “Жаноб, дардингиз жиддий”, “Мен сизни, албатта, даволайман” дея сўзлаган қиёфаси кўз ўнгida бир сония намоён бўлди.

— Бўпти, хотин, — деди у қатъий бир қарорга келиб. — Мен уни, албатта, олиб келаман. Яна бир оз синаф кўрай. Қаллоблардан бўлмасин тағин.

\* \* \*

Орадан бир неча ҳафта ўтди. Бернарднинг аҳволи тобора оғирлашиб борарди. Шифокорларнинг тинчлантирувчи, иштаҳани қўзғовчи дорилари ҳам кор қилмай қолди. Шунингдек, болакайнинг концлагердагилардан фарқи қолмади. Унинг ҳам қовурғасини энди бемалол санаш мумкин эди.

Шульц бу аҳволдан таҳликага тушиб қолди. У ўз-ўзига

илк бор: “Нима бало, Буюк фюрерга хизмат қиласан деб бегуноҳ одамларни ўлимга маҳкум қилаётганим ёки тадқиқотларга ёрдам бераетганим Яратганга хуш келмаяптимикин? Наҳотки, у мени ўз фарзандим орқали жазоламоқда? Нима қилсан экан? Анави осиёлик табибдан ёрдам сўрайинми?” – деди.

Санитар-полицай ошқозонини даволатиш учун бу пайтда вақтинча лагерь ичидаги госпиталга ётқизилди. Шахсан лагерь бошлигининг топшириғи билан унга алоҳида эътибор берилаётганди ва у ангчагина ўзига келиб қолди. Бу орада Шульц Сафарёрга казинога олиб бориб келиш учун ҳужжат тўгриларди. Сафарёр тўлиқ ишончга кириб олди.

Сафарёрнинг фикри-ўйи атмосферада тадқиқот ишлари олиб боришга тайёргарлик кўрилаётган барокамера бўлиб қолди. Бу концлагердан озод бўлишнинг ва кўпчилик асирларни қутқаришининг хавфли, ўз навбатида, умидли йўли эди. Бир гали Шульцнинг хонасида у унтиб қолдирган баракамера чизмалари тўпламига кузи тушиб қолди ва тез-тез асосий жойларини қоғозга чизиб олди.

У ўзича барокамера ёрдамида қочиш режасини ҳам тузиб чиққанди:

Гелий гази тўлдирилган ҳаво шари барокамерани самога тик равишда олиб чиқиб кетади. Агар шамол ёки бирор тўсиқ бўлмаса, у сутқада бир марта айланиб оладиган ер шарининг меридианларидан бирида туриб қолади. Гёё у ер атрофи бўйлаб сузаётгандек туюлади. Аммо ер атмосфера қатлами билан биргаликда ўз ўқи атрофида айланади. Бу дегани назарий жиҳатдан Польшадан айтайлик соат 10-00 да кўтарилилган ҳаво шари Англия, Атлантика океани, Америка, Тинч океани, Япония, Мўғилистон, Қозоғистон, Россия ва Белоруссия тепасида бўлиб, эртаси шу маҳал соат 10-00 да яна Польша осмонида пайдо бўлиши мумкин. Газни оҳиста чиқариб уни қўндириш йўли топилса-чи?.. Бу дегани барокамерани соқчилардан зўрлик билан эгаллаб олиб уни исталган жойга қўндириш ёки сувга тушириш имконияти бор. Бу озодлик демакдир!

Табиб йигит ўзининг бу режаси ҳақида баракдош дўстлари Генадий ва Петренколарга маълум қилди. “Ниҳоят “Қанотли Гарри”нинг орзуси амалга ошиши мумкин” деди у.

— Яхши. Лекин бундай юқори босимга чидай олармикинмиз? — сўради Генадий иккиланиб.

— Бу қийин, албатта, — деди Петренко. — Сафарёр айтганидек, Ер курраси ўз ўқи атрофида айланиб туради ва биз хавфсиз зонага бемалол ета оламиз. Шар биз ўйлаганчалик тез кўтаришмайди. Ўн километргача кўтарилиб ололсак бас. Энг муҳими, уни фашистлардан ишғол қилиб газни оҳиста чиқара билиш. Жуда бўлмаса Атлантика океанига туширамиз. У ёқларда иттифоқчилар бор. Улар бизни қутқаришади.

— Албатта тадқиқот тугагач, қимматбаҳо барокамерани ерга қўндиришни ҳам кўзда тутишган, — деди Сафарёр.

— Яхши. У ерда нечта соқчи, шифокор бўлади ва нечта маҳбус бўлади. Маҳкумлар кишанлаб қўйиладими, йўқми аниқлашинг керак бўлади. Иложи бўлса, унинг ички чизмаси ҳам керак, — деди Петренко ва қўшиб қўйди: — Хўш, таваккал қиласизми?

Сафарёр дўстларидан айрим топшириқларни олган кунларнинг бирида автоматли икки соқчи назоратида яхши кийинтирилиб, илк бор лагерь дарвозасидан ташқарига олиб чиқишиди.

Штурмбаннфюрер Шульц уни аввал тўғри оиласининг ҳузурига олиб келди. Соқчиларни эшик ёнида қолдириди. Бироқ у табибга аввал бемор ўғли ва хотини тўғрисида лом-мим демаганди. Шу туфайли санитар қутиласини олмай келибди. Аммо ўриндиқда ётган, озиб-тўзиб кетган болани кўриб аҳволни тушунди.

— Бу ўғлим, Бернард. Илтимос, бир кўриб қўй, — деди зобит.

— Хўп бўлади, — деди Сафарёр ва кўрпани кўтариб озғин болакайнинг кўzlари, тили, тирноқлари ва томир уришини текширди. Коқ суюк бўлиб қолган танасини қўли билан силаб кўрди. Эльза ҳам боланинг тепасида жонсарак бўлиб кузатиб турарди.

- Хўш, нима дейсан? — сўради зобит.
- Аҳволи оғир. Ўз вақтида ёрдам берилмабди.
- Биз шифокорларга кўрсатдик. Улар дори-дармон қилиб туришди, — деди Эльза таажжубда.
- Қандай ташхис қўйиши?
- Бири “миразм” деса, бошқаси “рахит” деди. Умуман овқат емай қўйди, — деди аёл.
- Эҳ саводсизлар! Болани хароб қилишибди-ку.
- Нима дейсан, тузатса бўладими? — сўради зобит.
- Албатта, бўлади, — деди табиб ишонч билан. — Фақат айтганимни қиласизлар. Мени фақат шифокор сифатида кўрасизлар.
- Майли, айтганингни қиласиз. Нима десанг муҳайё қиласман. Фақат боламизни қутқар!
- Бизга ёрдам беринг, доктор! — деди аёл ҳам ва пиқиллаб йиғлаб юборди.

Эри уни бағрига олди.

- Тинчлан, Эльза. Ҳаммаси яхши бўлади.
- Доктор, илтимос, ҳамма умидимиз сиздан. Агар болам нобуд бўлса, мен яшай олмайман. Эй худо, эримнинг гуноҳларини ўзинг кечир! Ахир, нимаям қила олардик, у аскар, буйруқларни бажаришга мажбур.
- Боланинг олдида бунақа гапларни гапирма! — дея уришиб берди Шульц. — Яқинда ҳаммаси тугайди, дедим-ку. Буни уруш дейдилар. Биз харбий ҳолатдамиз, тушун.
- Асабийлашманлар. Ҳаммаси яхши. Сизларга “даволайман” дедим-ку.
- Агар даволасанг, чин зобитлик сўзим, яхшилигингни мен, албатта, қайтараман.
- Тушунаман. Бу ҳам қартадаги бир омадга ўхшайди. Айтинг-чи, қачон у мендан юз ўгирган ўзи? Мен Бернардга, худо хоҳласа, тўғри ташхис қўйиб бўлдим.
- Нима?! Рости биланми?
- Ҳа. Фақат бир шартим бор.
- Қанақа шарт?

— Боланинг олдида асло асабийлашмайсизлар. Нима десам, бажарасизлар. Шунда бир ойга қолмай бошқа болалардай ўйноқлаб кетади.

Эр хотиннинг юз-кўзларидан тундлик йўқолиб, ўрнига хушнудлик инди.

— Келишдик. Мен сенга ҳамма шароитни қилиб бераман. Айт, нима олиб келай?

— Хўп. Бу бола жуда қаттиқ қўрқиб кетган кўринади. Ҳозир унга тинчлик керак. Тунда чироқни ўчирмайсизлар, кейин ёлғиз қолмасин.

— Онаси доим ёнида бўлади.

— Тушида ҳам чўчияптми? — сўради табиб.

— Ҳа. Баъзан қичқириб юборади, — деди аёл.

— Тушунарли, — деди Сафарёр боланинг танасини бармоқлари билан пайпаслаб кўраркан ва киндикдан тепароқ қисмига келганида бирдан тўхтаб қолди. — Мана ураяпти!

— Нима ураяпти?

— Юраги ураяпти. У пастга силжиб қолибди. Шундоқ ошқозоннинг тепасида ураяпти. Мана ушлаб кўринглар.

Аввалига Эльза кейин эри келиб боланинг ўша жойини ушлаб кўришди. Зобитнинг эсхонаси чиқаёзди.

— Йўғ-е! Наҳотки докторлар буни сезишмади?

— Билишганидаям ҳеч нима қилишолмасди. Бу замонавий медицинада ўқитилмайди. Фақат табиблар тушунишади, холос.

— Нега шунаقا?

— Боланинг юраги ўз жойидан бир оз силжиб пастга осилиб қолган. Агар уни кўтариб ўз жойига қўйилмаса...

— Тушунарли, — деди зобит ва табиб йигитга ўта илинж билан боқди. — Сен буни эплай оласанми?

— Ҳа. Фақат менинг айтганимни бажарасизлар, дедим-ку.

— Қачон?

— Ҳозироқ.

Зобит соатига қараб олди.

— Майли, икки соат вақтимиз бор. Кейин казинога бориб келамиз.

— Яхши бўлмаса, менга икковларинг ҳам ёрдам

берасизлар. Ҳозирча менга кунгабоқар ёғи керак. Кейин, – деди шифт теварагига қараб олиб, – менга икки дона катта мих, болға икки метрча чилвир ип керак бўлади. Яна ликобчада доғланган сув олиб келинг. Буни Бернард худди кучукларга ўхшаб тили билан ичиши керак бўлади.

– Ҳазиллашяпсанми?

Табиб йигитнинг жаҳли чиқди ва жиддий буюрди:

– Бу ерда фақат мен буюраман! Сизлар бажарасизлар, гап тамом! Хўжайнчилигингизни бориб хизмат жойингизда қиласиз, тушунарлимни, жаноб?!

– Хўп, деяқол, – деди Эльза эрига ялиниб.

– Хўп, дедим-ку, – деди Шульц итоат билан.

Аёл айтилганларни муҳайё қилиш учун бошқа хонага шошиб кириб кетди.

– Сиз, жаноб штурмбаннфюрер, ўғлингизни тинчлантиринг. У қўрқмасин. Мени шифокор денг. Сабр қилиб, ўзини эркин тутсин. Айтганимни қилсин. Шунда тез тузалиб кетади.

– Хўп бўлади, – деди зобит ва ўғлининг малла соchlарини аста силаб, қулоғига бир нималар деб шивирлай кетди.

Аёл айтилган нарсаларни топиб келди. Сафарёр болғани олиб уни деворнинг бир ярим метрлар чамаси баландлигига ўзи қоқди ва муолажага кириши. Унинг ишораси билан ўтириш учун тахта ўриндик қўйиб бериши. Боланинг устки кийими ечилиб, яланғочланди.

Табиб “Бисмиллоҳ, шифо бўлсин” деб ўзбекчалаб ёғни боланинг кўкрак ва қорин қисмига иккала қўли билан суртди. Сўнгра тўлқинсимон енгил уқалаш йўли билан аста юракни кўтаришга кириши. Хонада жимжитлик ҳукмрон бўлиб фақат бир жажжи юракнинг ва эр хотиннинг ҳаяжонли энтикишлари эшитиларди, холос. “Юракча” кўтарилиб, бир оз ўз жойидан қўзғалгандек бўлди. Табиб боланинг ҳар икки оёқ бош бармоқларига чилвир ипини маҳкам боғлаб қўйди сўнгра ўрнидан туриб, худди қассоблар сўйиладиган жонлиқни кўтаргандек болакайнинг ҳар икки оёғидан шарт кўтариб олди. Бола ҳам, аёл ҳам бу ҳолатни кутишмаганди, қўрқиб қичқириб

юбориши. Хонага соқчилардан бири қуролини ўқталиб чопиб кириб келди. Зобит унга қарата “Ҳаммаси жойида” дегандек ишора қилиб қўйди. Соқчи ҳам табибининг ишларини беихтиёр кузата бошлади.

Табиб боланинг оёғини осмонга қилган ҳолда шарт кўтариб олиб ўриндиқقا чиқди ва оёқларини елкасига олиб уни силтаб-силтаб қўйди. Сўнг унинг оёқларини эр хотинга бериб шундай ушлаб туришларини тайинлади. Аёл қўрқиб кетганди. Шу туфайли эри соқчини чақириб боланинг бир оёғидан ушлашни буюрди. Табиб йигит бўлса бамайлихотир чилвирни олиб, бола оёқларини бош бармоқларига боғлади. Сўнг уни кўтариб, боғламнинг ўртасидан девордаги михга илиб қўйди. Оёқлари билан осилиб қолган бола қўрққанидан бифиллаб йиғлай бошлади.

— Айтинглар, йиғламасин. Бир оз мана шундай осилиб туради. Сўнг шу ҳолатда анави сувни ичади. Бугунча шу, холос.

Шульц ўғилчасига яхшилаб ялиниб тушунтириди, соchlарини силаб алқади. Бола қўлларини полга тирааб олганди. Бир оз пиқиллаб турди. Табиб яна унинг қорни ва кўкрагини аста силай кетди. Беш дақиқалар вақт ўтгач, унга ликобчада сув тутиб, “тилинг билан ич!” деб буюрди.

— Ич-ичавер, — деди дадаси ёлвориб.  
— Ичақол, болам, — деди аёли ҳам бурнини тортиб, кўзларидаги ёшини артиб оларкан.  
— Манг, ўзингиз ичириб қўйинг, — деди табиб.  
Аёл қалтираб унинг қўлидан идишни олди.  
— Уйимизда овчарка итимиз бор-ку. Уни яхши кўрасан-а?

Бола бошини силтаб “Ҳа” ишорасини қилди.  
— Уни соғиндингми? — сўради эри ҳам.  
Болакай базўр “Ҳа” деган овоз чиқарди.  
— Ўша итинг қандай сув ичади. Кўрсатиб бер... Бу жуда муҳим.

Болакай бир оз ийманиб турди. Сўнгра тилини чиқариб аста чалоплатиб ича бошлади. Табиб зобитга қараб “Яхши”

дегандай бош бармоғини кўрсатди. Зобитнинг кўзларида ёш аломати пайдо бўлди. У кўпдан буён бунчалик таъсиранмаганди. Жаҳолат ва қонхўрлик уни бутунлай инсонийлик хусусиятларидан жудо қилганди. Ҳарҳолда ўз фарзандининг азобланиши ундағи ана шу туйғусини бир оз бўлса-да, қайтарган, худди боласининг юракчasi каби жойидан қўзғалгандек эди. У беихтиёр табибининг елкасини қоқиб қўйди. Бу билан ўз миннатдорлик белгисини намоён қилишга журъат қила олди. Унинг кўз ўнгида ўлимга маҳкум этилган душман асири эмас, балки яқин дўст-қадрдони ургандек туюлди.

Болакай чидади. Ўн дақиқача шу алфозда осилиб идишдаги сувни бир амаллаб ичиб олди. Табиб уни аста тушириб жойига ётқизиб қўйди. Сўнгра бармоғидаги чилвирни ечиб ташлаб, оёқ-қўлларига ҳам ёғ суртиб енгил уқалаб чиқди-да, сўнг буқланган оқ чойшабни бадани бўйлаб айлантириб юрагининг тагидан боғлаб қўйди.

Бемор бола кўзларини юмди. Шу маҳал табиб ошхонага бориб, стаканга сув олди-да, уни кўрсатмай тўсатдан юзи ва бўйни аралаш сепиб юборди. Совуқ сув таъсиридан бола “ай!” деб бир сапчиб тушди. Табиб кулиб, унинг баданини сочиқ билан артиб қўйди.

- Нима гап? – хайрон бўлиб сўради отаси.
- Шундай қилинса, орқа мия томирлари яхши ишлаб кетади. Бола тез соғаяди, – деди табиб.
- Ҳа, – деб қўйди зобит унинг муолжасига тан бериб.
- Эльза жимгина болакайнинг бошини кўтариб қуруқ сочиқ тўшаб қўйди.
- Ана бўлди, – деди табиб қўлларини совунлаб юваркан. Шу ишни яна икки марта такрорлашимиз керак. Кўрасизлар, учинчи куни иштаҳага кириб кетади.
- Ҳозир-чи? Овқат ейдими?
- Ҳа. Ҳозирча товуқ шўрваси тайёрлаб беришларинг мумкин. Фақат бульони бўлсин. Бугунча қимир этмай ётсин. Эртадан бир оз юраверади. Лекин оғир нарса кўтармасин. Асабийлашмасин. Майли, китоб ўқисин, сурат чизсин, унга эртак айтиб ёки китоб ўқиб беринглар. Ҳўпми? Ашула

айтиб, рақс тушиб берсангиз ҳам майли. Тезроқ тузалади.

— Хўп, — деди Эльза майин табассум қилиб.

— Хўш, жаноб доктор, бизга яна қанақа топшириқ бор?

— сўради зобит.

У энди анча самимий одамга айланган эди.

— Ҳим-м... Лагерда бақувват, сергўшт итлардан борми?

— Ҳа, бор. Ўзимизнинг ақлли овчаркалар-да.

— Эртага ўшалардан бирини сўйдирасизлар.

Шульц олайиб қараб қўйди. Лекин табиб жиддий сўзлаётгани учун индамай қўя қолди.

— Сўнг гўштидан шўрва пишириб ичираверасизлар.

Итнинг ички ёғидан ҳам ялаб есин. Бу қувват бўлади ва тез иштаҳага кириб кетади. Лекин болага ит гўшти эканини асло айтмайсизлар.

Бола рус тилини мутлақо тушунмас, Эльза ҳам фақат луғат ёрдамида бир оз тушунарди. Шу туфайли ҳам гап нимада эканини улар ҳам, ҳатто бир четда ғўддайиб турган соқчи ҳам англамасди.

Бола тинчланиб ухлаб қолди.

— Раҳмат сизга, доктор, — деди Эльза хурсанд бўлиб, — Ўтиинглар, қаҳва тайёрлаб бераман.

— Қаҳвага қарздорсиз, хоним. Бизнинг бошқа ишларимиз ҳам бор эди, — деди табиб йигит зобитга “Кетдикми?” дегандай имо қилиб қўйди.

— Биласанми, Сафарёр, хотинимният бир кўриб қўйсанг дегандим...

— Яхши. Хоним, сизни нима безовта қилаяпти?

— Докторлар бод касали дейишувди.

Табиб йигит аёлнинг юз-кўзларига яхшилаб нигоҳини қаратди. Аёлнинг юз кўриниши солқи ва ҳорғин, қонсиз ва музранг эди. Лаблари бир оз буришган, кўзлари сарғимтил. Тилини текшириб кўрди: оқиш ва майда қон томирлари кўкариб турарди. Ўзи эса асабий, овози сокин, димоғида аста сўзлар ва йиғламоққа ҳамиша тайёрдек эди. Кўз қорачиқлари ҳам безовта ва кимдандир нажот излаётгандай боқарди.

- Оёқ, белингиз санчиб туради, тўғрими?
- Ҳа, баъзан юрагим ҳам.
- Ҳим-м, бошингиз оғрийди, оёқ-қўлларингиз увишади, тез чарчайсиз, яхши юролмайсиз?..
- Ҳа, шунаقا.
- Нафас олишингиз ҳам яхши эмас. Доимо асабий экансиз.
- Кўриб турибсиз-ку, — деди аёл болага ишора қилиб.
- Тушунарли. Конингиз жуда қуюлиб, совиб кетибди. Айланиши ҳам жуда суст, — деди табиб аёлнинг қўл томирини ушлаб кўраркан.
- Хўш, даволаса бўладими? — сўради эри жиддий.
- Албатта.
- Нима сиз ҳам кальций-хлор уколини буюрасизми? — сўради аёл кутилмаганда.
- Йўқ асло. Бу дори қон томирларингизни вақтинча қиздиради, холос. Лекин даволамайди.
- Нимани буюрасиз бўлмаса?
- Мен ҳар қандай хасталикни халқ табобатига асосланиб даволайман.
- Сафарёр сендан илтимос, нима десанг айтганингни муҳайё қиласман. Илтимос, Эльзани ҳам давола.
- Ўзингизниям даволаш керак, жаноб.
- Мени қўявер. Мен учун муҳими, оилам саломат бўлса бас.
- Ҳа. Ўзи қоидаси шунаقا. Одатда фалокатдан аввало болалар, кейин аёллар қутқарилади. Лекин наилож, сизнинг бурчингиз одамларни ўлдириш бўлса, менини ҳаётга қайтаришдан иборат.
- Зобитнинг юзи аввалига қизариб, сўнгра бўзарди.
- Сен ҳозир бунаقا сафсаталарингни йиғишитир! — дея ўшқириб берди у. — Айт, даволай оласанми, йўқми?!
- Асабийлашманг. Асабийлашиш ҳам бир дард бўлиб, бошқа касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Мен ҳозир атрофимда фақат тўрт bemорни кўриб турибман ва уларни даволашни ўз бурчим деб ҳисоблайман. Менга ҳеч қандай казинонинг кераги йўқ. Истасангиз отиб ташланг!

Эльза эрига маҳкам ёпишиди.

— Ўзингни бос, Иоганн! У ахир...

— Хўп-хўп, — деди Шульц ўзини босиб олиб. — Тўртта бемор дедингми? Ким у тўртинчи?

— Анави аскар, — деди йигит соқчини кўрсатиб.

— Унга нима бўпти?

— Буйраги қаттиқ шамоллаган. Ана қаранг, қовоқлари айтиб турибди.

Зобит табибнинг сўзларини соқчига таржима қилиб берди. Аскар тек қотиб “Ҳа, тўғри айтибди” деди.

Зобит кутилмаганда қаттиқ кулиб юборди. Бу унинг узоқ йиллардан буён илк хурсандчилиги эди. Унга Эльза ҳам, соқчи ҳам беихтиёр қўшилишди.

— Хўп, яхши, — деди зобит ўзини босиб олиб. — Шартингни айт, Эльзани даволаш учун нима керак?

— Аввало, ундан меҳр билан бир бўса олишингиз лозим бўлади.

— Нима? Шу, холосми?

Аёл тушунмай аланглади. Эри унга табиб айтганини таржима қилиб бергач, унинг музранг юзига қизиллик юргургандек бўлди. Эри бориб уни аста ўпиб қўйди.

— Кейин яна бир-икки хил гиёҳлар керак.

— Қанақа гиёҳлар?

— Дамламалар учун ровоч уруфи, пилла, маккаи сано, қириқ бўғин, седана дони. Кейин сабзи, пиёз, саримсоқ дегандек сабзавотлар. Тоза асал ҳам.

— Бўпти, сен рўйхат қилиб бер. Мен уларни эртагаёқ топтираман.

— Биз туркийларда “Жон омон бўлса, умид ўлмайди” деган нақл бор.

— Э, бўлди. Мен казинодагиларга сени турк дўстим Сафарбей деб танишираман. Хўш, бўладими?

— Ҳа, Ўша Сафарбей Москва тиббиёт институтини тамомлаган бўлсин. Чунки биз сиз билан жаноб фақат рус тилида гаплаша оламиз.

— Э, қойил! Бу ақлинг билан бемаъни ўлиб кетишинг асло мумкин эмас.

— Ҳа, албатта. Эртагаликка ит гўшти эсингидан чиқмасин, жаноб.

— Яхши. Эльза, Бернард тузалгунича табиб шу ерда биз билан туради. Қўрқма, сокчилар қўриқлайди, — деди зобит соф немис тилида.

Сафарёр бу гапни англаган бўлса-да, ўзини тушунмаганга олди. Энг муҳими, у ўзининг моҳир шифокор эканини ишонтира олди. Бу озодлик йўлидаги ilk қадами эди.

\* \* \*

Улар машинада казино томон боришар экан, Шульц сумкаласини олиб ундан эркакларнинг ёқут кўзли узуги, тилла занжир чиқариб табибга узатди.

— Муҳтарам Сафарбей афанди, манавиларни тақиб олсинлар. Бу ёғи тушунарлидир?

— Бир маржон-тасбех бўлса эди, яхши бўларди.

Зобит сумкасини титкилаб тошлари юмалоқ каттакатта қорамтирик украин аёлларининг маржонини топди.

— Манави бўлмайдими?

Йигит уни қўлига олиб бармоғи билан бир-бир ўтказиб кўрди ва севгилиси Маржонани ёдига олди. У шундай маржонни бир вақтлар унинг чаккасидаги сочига тақиб қўйганди.

— Бўлади, — деди у. — Янаги сафар тасбех ҳақиқий арабларники бўлсин. Кейин туркларнинг бош кийими ҳам бўлса яхши бўларди.

— Бажарамиз, Сафарбей. Сиз бугун фақат бу ер билан танишувга келаяпсиз, — деди зобит атайин сизлаб. — Мен дўстларим билан таништираман. Ўзингизни жуда сипотутинг. Асло маҳбус эканингизни билдиримайсиз. Сиз гўё Истанбулдан келган меҳмонимсиз.

— Қиморбоз бир тентак.

— Миллатингиз турк.

— Ҳа, албатта. Биз асли туркийлармиз-ку. Ўзбек дегани

уларнинг бир қавми, холос. Лекин бизнинг тарихан буюк саркарда Амир Темуримиз бор. У дунёнинг бир қисмини эгаллаган. Европанинг халоскори бўлган. Лекин Гитлерга ўхшаб тинч аҳолини қириб, гуноҳи азимга ботмаган.

Шульц ялт этиб қаради. Бу гап унинг юрагига фулғула солгандек бўлди.

- Сен ҳали Темурлан авлодиданмисан?
- Ҳа. Гёте орзу қилган шарқданман. Буюк Авиценна ютиданман.
- Афсус, сен уруш қурбони бўласан, – деб қўйди зобит ачиниб.

Аммо унинг хаёлига илк бор табиб йигитни қандай қилиб қочириб юбориш foяси келди. Хаёлидан “Майли, аввал оиласни даволасин. Кейин бирор йўлини топарман” деган ўй ўтди.

Улар шаҳарнинг бир четидаги ресторан олдида тўхташди. Зобит “Сизлар кутиб туинглар” дея ўзи ичкарига кириб кетди. Кўп ўтмай чиқиб келди ва ҳайдовчига “Лагерга ҳайда!” деб буюрди.

- Ҳа, тинчликми? – сўради табиб йигит.
- Таниш зобитларимиз ўтиришибди. Улар сени таниб қолишига гап-сўз кўпаяди. Таваккал қилмай қўя қолайлик. Бошлиқقا бирор нима дерман.
- Эртага-чи, келамизми?
- Албатта. Иложи бўлса таътил сўрайман. “Оилавий даволанмоқчимиз” дейман. Сен учун жавобгарликни ўз зиммамга оламан. Лекин айтиб қўяй, қочмоқчи бўлсанг, аямай отиб ташлайман.
- Келишдик, – деди Сафарёр ва ёқут кўзли узук, тилла занжир ва маржонни қайтиб берди. – Демак, булар энди керак бўлмайди.
- Кўрамиз. Бошлиқ ҳали нима дейди. Лекин казино хавфли жой. Ҳамма жой кузатувда, ҳар одам назоратда. Бу ер жосуслару, кazzоблар макони. Айғоқчи аёллар ҳам сон мингта. Шунинг учун иложи бўлса бу ерга келмаганимиз

маъқул. Сен ҳам табиблигингни қилавер. Пул ютаман деб бошингдан айрилишинг мумкин.

“Мен ҳам ўлиб турганим йўқ” деб қўйди йигит ўзича ғудиллаб қўяркан. Немис зобитнинг ўзига нисбатан инсонийлик қила бошлаганидан ич-ичидан қувонди ва погонли елкасини ушлаб, “Раҳмат эътибор учун” деб қўйди. Машина елиб борарди. Шульц кутилмаганда яна гапга берилди.

— Гапнинг очиғи, сенинг оиласиға қилаётган ғамхўрлигингни кўриб ўзимга-ўзим савол бердим, “Умр ахир инсонга бир маротаба берилади-ку. Одамларни ўлдириш гуноҳ эканини тобора англаб боряпман. Биз ўзи қачон ўзлигимизни йўқотдик? Фалаба қилсак-ку, хўпхўп, енгилсак-чи, унда нима бўлади? Дунё халқларнинг юзига қандай қараймиз?” Хуллас, қилаётган ишларимиз энди менга ёқмаяпти. Йўқ. Мен ҳам жанг майдонига кетаман. Ўлсам мардларча ўламан. Бу ерда бўлса бегуноҳ норасидалар, аёлу болалар, сенга ўхшаган истеъодод эгалари номардларча ўлдирилмоқда. Ноқонуний тадқиқотлар қилинмоқда. Бунақа жиноятларни ҳали ҳеч қандай тарих кўрган эмас!

— Манави соқчиларингиз рус тилини тушунишадими?  
— Йўқ.

— Унда яхши. Эҳтиёт бўлинг, жаноб, эҳтиросга берилманг. Ҳали гуноҳингизни ювиш учун кўп ишлар қила оласиз.

— Ҳа, тўғри айтасан. Инсон инсонга керак бўлади.

Шульцнинг дунёқараши анчагина ўзгарганди. У ваъдасида турди. Ёки эҳтимол, оиласининг саломатлигини ўйладими, ҳарҳолда эртаси табиб йигитга рухсатнома тўғрилаб жаҳаннамдан олиб чиқиб кетди. Лекин бу сафар унинг соқчилари ҳам йўқ эди. Унинг фикри хаёли қандай қилиб табиб йигитни қочириб юборишда бўлиб қолди. У бунинг учун казинони мўлжаллар ва гўё босқинчилар уни отиб қўйиши деб қўя қоларди...

\* \* \*

Маржон табиб шу воқеаларни ёдига оларкан олов ўчиб қолганини ва изгириндан баданлари дағ-дағ титраётганини ҳис қилди. Шаршаранинг совуқ эпкини ўз кучини кўрсатарди. Палатка ичидаги ётган ёшлар ҳам тиришиб, жунжикиб ухлашарди.

Мўйсафид атрофидан тез хас-чўпларни йифиштириб ўчай деб қолган чўф устига қўйиб пуллади. Бир оздан сўнг алланга яна рақс туша бошлади. У энди йигитларни уйғотишга қарор қилди.

— Ҳой, туринглар! Музлаб, касал бўлиб қоласизлар-ку. Бу ер жуда ҳам совуқ жой экан. Қани, туриб бир югуриб келинглар-чи!..

Йигитлар шундай қилишди. Шаршара ёнидаги кенг майсазор майдонда бир оз чопиб, гулхан олдига келиб исинишли.

— Э, яшанглар! Энди ўтин териб келинглар. Олов ўчиб қолмасин. Бу бизни ҳам совуқдан, ҳам ҳар хил ёввойи ҳайвонлардан асрайди.

— Хўп бўлади. Сиз бемалол дамингизни олаверинг. Энди бу ёғига ўзимиз навбатчилик қиласиз, — деди Сардорбек.

— Лекин бир шарт билан, — деди Мөҳриддин. — Эртага лагердан қандай қочганингизни гапириб берасиз.

— Хўп бўлади, ўғлим. Сизларга ҳали кўрган-кечирганларимни гапириб беравераман. Ўтган умр — оққан сув, ҳаёт — энг яхши устод экан, — деб қўйди мўйсафид ва дам олиш учун палатка ичига кириб кетди.

Мөҳриддин чолнинг устига чакмон ва адёл ташлаб, меҳр билан “Яхши дам олинг, бобо” деб қўйди.

Аммо мўйсафид табибнинг энди уйқуси қочди ва хаёли яна ўша мудҳиш дамларга кетди.

\* \* \*

Эртаси Бернард устидан даволаш муолажалари давом эттирилди. Айтишларича, ўша тунда болакай чўчимай яхши ором олганмиш.

— Сувни шунаقا, итга ўхшаб ичиш шартми? — дея бир пайт сўраб қолди боланинг отаси.

— Ҳа, — деди табиб йигит. — Юрак осилиб қолганида сўлак безларининг капилляр каналлари ҳам чўзилган бўлади. Сув ана шу каналлар очилишига хизмат қилади. Йўқса улар жойига қайтмай бувланиб қолиши мумкин. Сўлак безлари овқат ҳазм бўлиши ва иштаҳа очилишида муҳим роль ўйнайди.

— Нима, бу ҳақда тиббиёт ходимлари билишмайдими?

— Уларда “Юрак тушиши” деган иборанинг ўзи йўқ. Уруш маҳали аксарият одамлар мана шу дард туфайли ҳалок бўлишади. Тасаввур қилинг, ёнингизда снаряд портлаб сиз билан ҳамсуҳбат бўлиб турган одам парчаланиб кетди ва унинг гўшт парчалари башарангизга сочилди. Қўрқиб кетасиз ва юрагингиз, албатта, жойидан силжийди.

— Ҳа, — деб қўйди зобит. — Афсуски, бу ҳақида ҳеч ким бош қотиришни истамайди.

— Тирикларнинг руҳан мажруҳ бўлиб қолишларининг асосий сабаби ҳам шу қаттиқ қўрқиш-да.

— Демак, Бернард жуда қўрқиб кетган экан-да.

— Ҳа, шундай, — деди табиб болани одатдагидек жойига аста ётқизиб қўяркан. — Хўш, Эльза хоним товуқ шўрва тайёрладими?

— Ҳа-ҳа, — деди зобит шоша-пиша ва устки мундирини бир четга ечиб қўйди.

Аёл шўрвани олиб келди.

— Бер, уни ўзим ичираман.

Эр-хотин шўрвани пуфлаб, фарзандини авайлаб, унга қошиқда овқат ичира бошлишди. Бола ҳўплагани сайин улар завқланиб кетишарди. Ярим коса ичиб олгач, бола бурнини жийирди.

— Яхши. Ҳозирча етарли. Оқшом яна ичирасизлар. Лекин эртадан бошлаб ҳалиги тўрт оёқли ҳайвон ёғидан ялайверади. Кейин гўштидан шўрва, яна кабоб ҳам пишириб беринглар, тушунарлимни?

— Тушунарли, Сафарбей афанди, — деди зобит кулимсираб.

Унинг кайфияти анча кўтарилиган, ранг рўйидаги совуқлик ва тундлик энди сезилмас эди.

— Хўш, Сафарбей, энди иккинчи беморингизни қачо даволайсиз?

— Ҳозироқ, — деди табиб йигит. — Айтган нарсаларимни олиб келдингизми?

— Э-ҳа, ёдимдан кўтарилиби-ку. Мен бўлмаса шаҳарг тушиб келаман. Дорихонада бўладими?

— Афсуски, ҳаммаси бўлмаса керак. Асосан бозорда суриштириш керак.

Зобит яна кийиниб чиқиб кетаркан, аёlinи ўзиг чорлади ва нималардир деди. Аёл сочиққа бир ниман ўраб олиб кириб шкаф токчасига қўйиб қўйди.

Табиб ўзи билан бу сафар маҳсус қутиласини олиб келган бўлиб, унда қон босимини ўлчовчи, фонендоскоп иситмани ўлчовчи асбоблардан ташқари йигирма донача шиша банкачалар ҳам бор эди. У банкачалардан ичидаги олов ёрдамида ҳавосиз бўшлиқ ҳосил қилиб бемоғ танасидаги шамоллашларни даволаш ва қон олиш учун фойдаланаарди. Шунингдек, тиббиёт қўлқопи, юз ниқоби ва оқ халатни ҳам унумаганди.

Уларни тез кийиб олди. Бу билан “Сизни даволашга тайёрман” демоқчи эди. Эльза рус тилини мутлақ тушунмаса-да, табибининг айтганларини бажаришга киришиди. Йигит ундан тоза спирт, гугурт олиб келишни буюрганди, аёл тушунмади. Улар биргаликда қидира бошлишди. Аёл ошхона томон чопди. Сафарёр бўлса шкафни очди ва сочиқни олган эди, ичидан тўппонча полга тарақлаб тушди...

Эльза қўлига гугуртни ушлаганича дағ-дағ титраб турарди. Табиб тўппончани сочиқ билан артди-да, уни аёлга узатди. Аёл аввалига бўзариб, кейин қизариб кетди.

— Спирт! Водка! Шнапс! — дея йигит ўзини ичаётган қилиб кўрсатган эди, аёл тушунди чоғи, тўппончани сочиққа ўраб жойига қўйди-да, шкафдан бир шиша арок олди.

— Теперь вату давайте.

- Ва-та?
- Вата. Ҳалиги пахта дегани, юмшоқ, — деди йигит ўзбекчалаб.

Аёл немисчалаб бир нималар деб минғирлаган бўлдида, шкафдан дори қутисини олди ва бир шприц чиқарди. Йигит қутини қўлига олиб ичидан паҳтани олди ва “Это хлопок. У нас много растёт” деб қўйди. Сўнгра банкачани олиб уни аёлнинг орқа томонига қўйиш кераклигини тушунтира кетди. Бунинг учун аёлнинг кўйлагини кўтариши керак эди. Тушунтиrolмади. Шимини ечиб, банкачани ўз сонига қўйиб кўрсатмоқчи бўлганди, аёл бирдан қўрқиб қичқириб юборди ва тўппончага ёпишди.

...Наилож, кечгача эрини кутишга тўғри келди ва ўриндиқقا суюнганича ухлаб қолди.

Бир вақт нариги хонада эр-хотиннинг асабий шовқини эши билди. Табиб йигит ҳам, бемор болакай ҳам чўчиб уйғонишли. Бир пайт бола ота-онасини чақира бошлади. Улар чопиб киришли.

- Овқат егим келаяпти, қорним оч! — деди у базўр.

Улар хурсанд бўлиб кетишли. Эльза дарҳол товук шўрвадан тутди. Иоганн келиб шнапсни очди-да, қадаҳларни тўлатди, “Ҳой, Сафарбей, нима қилиб ўтирибсан? Ма, ич!” — Ўғлининг кўпдан буён илк бор ўзи овқат сўрагани учун қувониб кетганди. Ўзи ҳам ширакайф кўринарди. Аммо бирдан ўзгарди.

— Нима, сен менинг хотинимнинг кўйлагини ечмоқчи бўлдингми?

- Ҳа. Даволамоқчи эдим.
- Даволаш учун шимингниям ечмоқчимидинг?
- Йўқ, кўрсатмоқчи эдим, холос.
- Нимани?
- Қандай даволашни-да.
- Оббо, айёр-ей. Сиз осиёликларни биламан. Эри йўқ, деб-а?.. “Минг бир кеча”ни ўқиганман, — дея у бош бармоғини тебратиб қўйди.
- Бўлмаса бундай қиласиз. Аввал сиз ечинасиз.

Иоганн яна ароғдан қуйиб отиб олди-да, негадир жаҳл қила бошлади. Бу ҳазилми ё чинми билиб бўлмасди.

— Кейин-чи, сен ечинасанми?

— Йўқ. Нега энди? Ахир, мен шифокорман-ку.

— Тўғри. Лекин эркаксан! — деди у жиддий.

Сафарёрнинг ҳам жаҳли чиқди.

— Мен шифокорман! Шунинг учун бу ерда фақат мен буйруқ бераман! Тушунарлимиси?!?

Иоганн бундай ҳолатни кутмаганди. Умуман олганда бошлиғидан бошқа ҳеч ким унга ҳали бунчалик бақирмаганди. Хатосини тушунди ва “Хўп, ҳазиллашдим” деб қўйди.

— Бунақа ҳазилингиз кетмайди, жаноб. Аввало, сизнинг асабингизни даволаш керак! — деди табиб шаштидан тушмай ва шарт шкаф эшигини очиб, у ердан сочиққа ўроғлиқ тўппончани олиб узатди. — Яххиси, мени отиб ташланг ёки айтганимни қилинг.

Шульц ҳайратланиб қолди. Эльза хавотир билан чопиб келди.

— Ҳой! Эҳтиёт бўл, у ўқланган.

Табиб тўппончани бир четга улоқтириди. У тарақлаб ўриндиқ тагига кириб кетди.

— Хўш, даволашни бошлаймизми?

— Ҳа, нима қилиш керак? — сўради зобит ўзини тутиб олиб.

— Эльза уст кўйлагини ечиб, пастга қараб ётсин. Сиз менга ёрдам берасиз, ичкиликни бас қилинг. Ароқ ичиш мутлақо мумкин эмас. У менга керак, — деди табиб ва чўпга ўралган паҳтани унинг қўлидаги қадаҳга ботириб олди. Билиб қўйинг, бу ерда ҳеч қандай рашқ, ҳазил кетмайди. Мен шифокорман. Беморни даволаш — бурчим. Хўш, ишлаймизми ё концлагерга қайтиб кетамизми?

— Ишлаймиз, — деди зобит.

— Бўлмаса, мен буюрган гиёҳлар қани?

Иоганн ечиниш жойи томон юрди хотинига буюрди.

— Эльза. Жойингга кириб уст кийимингни ечиб, пастга

қараб ётарткансан. У сени даволамоқчи. Қўрқма, мен ёнингда бўламан.

Ана шундай тушунмовчиликлар ҳам бўлиб ўтгач, аёл итоат билан ўриндиқقا ётиб олди. Табиб пахта ўралган ароқقا ботирилган чўпни ёқиб аёлнинг сутдек оппоқ орқа тарафига банка қўйиб чиқди. Терилар тортилиб қизариб банка ичини тўлдира бошлади. Айримлари тобора қорайиб борарди.

— Манави қораяётган шишаларга ҳаром қон йифилмоқда. Шу қонларни олиб ташлашимиз керак.

— Қандай қилиб? — қизиқиб сўради зобит.

— Тилишга тўғри келади. Соқол оладиган устарангиз борми?

— Ҳа, бор. Хотинимни сўйиб қўймайсанми, ишқилиб.

— У менга душман эмас. Кичик операция ўтказамиш, холос. Бугун шарт эмас, эртагаям бўлаверади, — деди табиб ва чойшабни аёлнинг ортига тушириб қўйди.

— Бу қанақа даво?

— Шамоллашга қарши. Аёлингизнинг қони совиб қолган. Уни иситиш керак. Шунинг учун энди тоғорага иссиқ сув тайёрлаймиз. Кейин гиёҳни қайнатиб тоғорага қуямиз. Шунга ҳар куни оёғини солиб ўтиради. Тушунарлимиси?

— Тушундим, — деди зобит ва мундирини ечиб қўйлагининг енгини шимариб, “Мен нима қилай?” деб сўради.

— Аёлингизнинг оёқ бўғинларини ёғ билан енгил уқаланг. Кейин банкаларни оламиш, ўша жойларини ҳам уқалайсиз.

Иоганн ишга тушиб кетди. Эльзавой-войлаб бир нималар дерди. Эри эса унга мулойим муомалада бўлиб тинчлантиради.

Табиб зобит олиб келган нарсаларни кўздан кечирди. Улар ичиди кўпи йўқ эди. Қирқбўғиндан олиб унга чойнакка солди ва сув қуйиб печ устига қўйди. Бу сийдирувчи дамлама бўлиб, bemor танасини тозаловчи восита ҳисобланарди. Ровоҷ уругини олиб туйди ва унга асални аралаштиради. Сўнгра бу хамирсимон аралашмадан

## Набижон ҲОШИМОВ

оз-оз кафт орасига олиб кичик-кичик соққачалар ясай кетди. Бу малҳам дори сифатида ичиб юрилса, бемор қонини иситиш учун хизмат қиласади. “Энди юрагига қувват бериш керак. Бунинг учун сабзи шарбати ичириш лозим. Бунисини энди Эльзанинг ўзига топшираман” деб қўйди табиб хаёлан ва муолажа хонасига кириб борди.

— Бас етар. Банкаларни оламиз, — деди у ва шишаchalарни бир-бир ола бошлади.

Аёл ҳар бири олинганда “Ай-ай” деб қўяр, шишаchalар ўрни қорайиб хол-хол бўлиб қоларди.

— Ўҳ-ҳў, қон олмасак бўлмайди, аҳволи оғир, — деб қўйди табиб.

— Бугуноқ олаверсак бўладими?

— Бўлади. Фақат аёлингизга тушунтиринг. Чидасин. Бир оз ачишади. Бўлинг, энди орқасини уқаланг.

— Шуларнинг устиданми?

— Ҳа. Қаттиқроқ уқалайверинг. Манави доридан ичиб олсин, — деди табиб ҳозиргина тайёрлаган нўхатдек доначаларни кўрсатиб. — Булар қонини қиздиради.

— Қаердан олдинг?

— Ахир, ўзингиз олиб келдингиз-ку, гиёҳ ва асал аралашмаси. Буни сўриб ётсин.

Иоганн Эльзанинг оғзига солиб “Сўриб ёт” деб қўйди ва уқалашда давом этиб “Мазаси қанақа экан?” деб сўради. Эльза ўз тилида “Ширин” деб қўйди. Шундан сўнг у хотинига ҳозирги банка қўйган жойларидан қон олиш лозимлигини уқтириди. Аёл кўнмади. Эри ўшқириб бергач, жим қолди.

— Бўпти, эртага оламиз. Бугунча тайёргарлик кўрсин. Болага қарасин. Яна бажариладиган ишлар кўп, — деди табиб.

— Унда нима қиласади?

— Энди оёғининг бу тарафини, бўғинлари, оёқ кафтлариниям яхшилаб уқаланг. Иложи бўлса эртадан бир уқаловчи аёл ёлланг. Чунки бу муолажа камида ўн кун бажарилади.

— Тушунарли. Шундай қиласади. Қўлим оғриб кетди.

У уқалайвериб терлаб-пишиб кетди ва сочиққа юзини артиб олди. Сүнгра “Кийинаверсинми?” деб сўради.

— Ҳа, — деди табиб. — Кейин чиқсин, гап бор.

Аёл кийиниб чиқиб эрининг ёнига ўтириди.

— Ҳуллас, сиздаги полиартритни даволаш учун ҳар куни эрталаб ва кечқурун пиёда сайр қиласиз. Иложи бўлса шағалли жойда ялангоёқ юрасиз. Сабзи шарбати тайёрлаб унга асал қўшиб ичасиз. Кейин мен ҳозир печга қўйиб қўйдим — қирқбўғинли дамламадан ҳам кунига уч маҳал ичиб турасиз. Ҳозир еган дорилардан мен яна қандай тайёрлашни кўрсатиб бераман. Яна ҳар куни оёққа арчали ванна қабул қиласиз. Буни ҳозироқ бажаринг.

Иоганн айтганларини таржима қилиб берганди, аёл ўрнидан туриб кетди. Табиб уни яна жойига ўтиришга даъват қилди ва эрига бир нима деди.

— “Эсимдан чиқиб қолади, ёзиб олайин” деяпти.

— Ҳа-ҳа, майли, — деди табиб ва айтганларини бирмабир шошилмай қайтариб чиқди.

— Яна? — сўради аёл ёзишдан тўхтаб.

— Энди энг муҳими. Демак, эртадан бошлаб ёмон қонингизни оламиз, бу бир. Бу билан қонни тозалаймиз. Чунки танангиз ўзи янги қон ишлаб чиқараверади. Иккинчиси, қон-томирларни ва жигарингизни тозалашимиз зарур. Бунинг учун бир ноёб дори керак бўлади.

— Қанақа? — сўради Иоганн шошиб.

— Мен сизга ваъда қилган, аммо ҳали бермаган ўша дори-да.

— Хўп. Қаерда у?

— Фақат жирканмайсизлар. Одамлар шифо топиш учун заҳар ҳам ичадилар. Бу бўлса ҳар кимнинг ўзида бўладиган дори.

— Тушунтириброқ гапир.

— Русчасига “Урнотерапия”, яъни ўз сийдигини ичиш билан даволаш дегани. Бернардники бундан ҳам яхшироқ.

Зобит шарт ўрнидан туриб кетди.

— Буниси энди ортиқча! — деди у у ёқ-бу ёққа бетоқат юраркан. — Нима? Бизни масхара қилаяпсанми?

— Асло йўқ. Жигарни тозалаш учун энг оддий ва самарали, табиий дори шу бўлади. Сизнинг жигарингиз учун ҳам асосан шу дори шифо. Сиз қачондир сариқ касал бўлгансиз. Лекин яхши даволанмагансиз, асорати қолган.

— Нима деяпти? — сўради аёли бетоқат бўлиб.

— Ўз сийдикларингни ичасизлар, деяпти.

Аёл ҳам “Вой!” деб ўрнидан туриб кетди. Эри уни ушлаб аста ўтиргизиб қўйди ва ўзи ҳам ёнига ўтирди. “Нимаям қила олардик, бу одамнинг айтганини қилишга мажбурмиз. Ўлиб қолмасмиз”.

— Унда тушунарлимиси? — сўради йигит.

— Ҳа, — деди зобит итоат билан ва аёлинни кўксига тортди.

— Энди Эльза доим сут-қатиқ ичиб юрсин. Кейин унга тез-тез пиёз, саримсоқ билан балиқ, жигар қовуриб берилиши керак бўлади.

— Тушунарли. Онасига балиқ, жигар, боласига ит гўшти, отасига ўз сийдиги... — деди у киноя билан.

Табиб йигитнинг даволаш муолажалари ўзнатижаларини бера бошлади. Бернард уч кундан сўнг иштаҳага кириб кетди. Болакай кабобларни очкўзлик билан паққос туширди. Эльза ҳам уч-тўрт марта қон олдирди. Унга қараб туриш, уқалаш учун Полина исмли бир поляк аёлни ёллашди. Полина рус тилини яхши биларкан, қийналишмади. Табиб Шульцга спиртли ичимлик ичишни қатъян ман қилди. Энди у қадаҳларда фақат ўзи ва ўғилчасининг дорисидан ичарди. Тез орада оиласа соғлом мұҳит, соғлом фикр ҳукмронлик қила бошлади.

Бу даврда урушда кескин бурилиш юз берди. Фашистлар Германияси Москва ва Сталинград остонасида катта талофатга учради.

\* \* \*

Маржон табиб ва ёшлар эртаси барвақт йўлга отланишиди ва Шокир овчига тегишли ўрмончилар уйига етиб келишиди. Эшик очиқ экан. Мўйсафид хурсанд

бўлиб кетди. Чунки овчи унга қизи ҳақида бирор янгилик топган бўлиши мумкин эди. Аммо уйда у эмас овчининг катта ўғли ўрмончи Шавкат бор экан. Йигит уларни илиқ кутиб олди.

- Дадангиз қани?
- Уйга кетувдилар. Сал маззалари йўқ эди.
- Сизга Шокарим овчи ҳақида ҳеч нима демадими?
- Дилмурод ака билан шу тўғрида гаплашишганидан хабарим бор. Кейин Дилмурод ака Чустга, Наманганга бориб келадиган бўлувди шекилли.
- Нега?
- Билмадим. Қанақадир йўқолган қизчани дебми-ей, яхши англомадим.
- Нима? Қизчани деб? Нега Дилмурод менга бу ҳақида гапирмади?
- Мен қаёқдан билай?
- Тавба. Одамларгаям ҳайронсан, — деди мўйсафид ва Дилмуроднинг шу ҳақида миқ этмаганидан хафа бўлди.
- Тинчликмиди, тоға?
- Ҳа, тинчлик. Майли Шокиржон билан ўзим гаплашаман. Хўш, нима гаплар? Менга бирор хабарлар борми? — сўради у жиддийлашиб.
- Ҳа, бор. Ҳов қизил тоғ тагидаги қўтонда Тешавой чўпоннинг эрга теккан қизи тиришадиган бўлиб қолганмиш. Баъзи-баъзи беҳуш бўлиб қолавераркан. Мендан сизни кўрсам айтиб қўйишимни қаттиқ илтимос қилувди.
- Нима, дўхтирга олиб боришмабдими?
- Олиб боришибди. Шифокорлар эплолмаганмиш.
- Э-э, шунақами? Бўлмаса, Меҳриддин ўғлим!
- Лаббай, бобожон!
- Ёзинг, “Тешавой чўпоннинг қизида тиришиш касали бор, денг”. Яна нима? — сўради у овчи Шокирнинг ўғли Шавкатдан.
- Кимдир бир қизни тоққа ташлаб кетганмиш. Қодир чўпон уни топиб олибди. Айтишларича, чап юзи, чап томони оқиб кетганмиш.

## **Набижон ҲОШИМОВ**

---

— Ҳим-м, мохов бўлса керак-да. Ҳозир у қиз қаерда экан?

— Гулмат ўрмончиникида. У нима қиларини билмаётганмиш. Қизнинг хужжатиям йўқ экан. Ташландик молхонасига жой қилиб берибди.

— Мелисага топширмаптими?  
— Йўқ ҳали. Аввал сизни бир кўрсин, дебди.  
— Ўҳ-ҳў. Меҳридин, ёзинг Гулматникида бир қиз бор  
— “мохов”.

Меҳридин бир чўчиб тушди. “Э, нима кераги бор” дегандек пешонасини тириштириди. Уни тушунган табиб “Билинг-ки, касалнинг яхши, ёмони бўлмайди. Кейин шифокор bemор танламайди” деди у, “Истамасангиз кетишингиз мумкин” деган маънода.

— Тушунарли, устоз, — деб қўйди талаба йигит.  
— Хўш, яна борми?  
— Бор.  
— Қишлоқдами?  
— Йўқ. Бунисиям тоғда. Қорақўрғонлик Каримжон акани танирмидингиз?  
— Ҳа, ҳалиги отбоқар фермерми? Яхши йигит. Одамларга жуда кўп ёрдами теккан, тинчликмикин?  
— Ҳуллас, шу киши сиздан жуда қаттиқ илтимос қилдилар-да. Ўзини бир кўриб қўяркансиз.  
— Ие, соппа-соғ эди-ку. Нима бўпти?  
— Йўқ. Ўзлари соғлар, лекин ҳалиги, нима дейди, баданлари оқариб кетибди-да. Шунга хижолат...  
— Үҳ-үҳ, шунақами?.. Оббо, майли ўтамиз. Меҳридин ўғлим, дафтарингизга “Каримжон – виталго” деб ёзиб қўйинг.

Меҳридин яна ҳайрон бўлди. Лекин мавзу қизиқарли бўлгани учунми “Наҳотки, моховниям, песниям даволаб бўлса?” дея ўз-ўзига савол берди.

— Кейин Қизилтош қишлоғида яна бирорни эшитдим. Бадани шишиб кетганмиш. Дўхтирлар эплаша олишмай уйига жавоб беришибди.

— Ҳўп, ёзинг, “Қизилтошда – шишиб кетган bemор бор”. Исмини билмайсизми?

- Йўқ.
- Майли, суриштирамиз.
- Асосан шулар. Кейин дадамнинг бели яна оғриётганмиш.

— Ҳа. Демак, чурраси яна қўзғаган, бавосили ҳам бор эди. Хўп, ёзинг “Шокир – бел оғриқ”. Қолган майда-чуйда bemорларни йўл-йўлакай аниқлаб даволаб кетаверамиз. Меҳриддин, мана сизга амалиёт учун мавзу! Яна қанча керак?

Шавкат уларни тушлик таом билан сийлади. Сўнгра йўлга отланиши. Шу ерда Сардорбек билан ҳам хайрлашиши. Чунки тоғ тагидаги тош қўтонда истиқомат қилувчи Тешавой чўпонникига кириб ўтиш учун ўнг томонга қараб кетиларди.

Шу маҳал Меҳриддин табиб отага бир илтимос билан мурожаат қилиб қолди.

- Бобоён, мундоқ қилсак бўлмайдими?
- Қандай?
- Сардорбек акамнинг машинаси Шўрданакда ту, ўбди. У киши билан бирга Фарғонага кетсак-да, Ҳадича энамдан ҳабар олсак. Дадам жуда тайинлаб юборгандида. Кейин улар билан анчадан буён ҳабарлашмайман, хавотир олишаётгандир. Бир йўла амалиётим масаласида ҳам маслаҳатлашиб олмоқчийдим-да.

— Ҳа-ҳа, — деди Сардорбек. Бир-икки кун бизницида ҳам меҳмон бўласизлар. Тошлоқдаги bemорларингиз ҳам кутишаётгандир.

— Маъқул, — деди Маржон табиб. — Бўлмаса йўл-йўлакай Шокиржондан ҳам ҳабар олиб кетамиз. Шундай қилиб, улар Шўрданакка йўл олиши ва оқшом маҳали Шокир овчиникига кириб боришиб, ўша ерда тунаб қолишиди. Овчининг бели қаттиқ оғриётган экан. Габиб унга тез-тез ва узоқроқ осилиб туришни ва қаттиқроқ ўринда ухлашни буюрди. Орада қизидан дарак бўлдими, йўқми, суриштириди.

Овчи билганларини, Дилмуроднинг қилган ҳаракатлари ҳақида гапириб берди.

- Қизиқ. Нега энди Дилмуроджон бу ҳақида менга индамади экан-а?
  - Тополмаганига хижолат бўлган-да. Бўлса-ку сиздан албатта суюнчи оларди. Сизни аяган, уни тўғри тушунинг.
  - Ҳа, тўғри. Демак, умид қилсак бўлади, тўғрими?
  - Албатта. Республикаизда “Болалар уйлари” кўп. Суриштиравериш керак, чиқиб қолар.
  - Илоҳим. Фақат яратгангина бизга ёрдам бера олади. Эрталаб Фарғонага кетмоқчимиз. Эҳтимол, ўша томонлардан ҳам суриштириб кўрармиз.
  - Хадича холам ҳам болалар уйида катта бўлган эканлар. Эҳтимол, танишлари бордир, — деди Сардорбек тоғаси Дилмурод берган топшириқни ёдига олиб.
  - Жуда яхши, — деб қўйди кекса табиб ва негадир дилида умид учқунлари ярқ этгандек туюлди.
- У туни билан деярли мижжа қоқмади. Ҳамроҳларини барвақт уйғотди. Хаёлида пайдо бўлган умид гўё қанот пайдо қилган, шошилар, машинанинг тезроқ юришини истар, юраги жуда безовта эди...

## II қисм тугади

# МАРЖОН ТАБИБ БИТИКЛАРИ

## III БОБ

### ШИФОЛИ ЕМАКЛАР

Халқимизда истеъмол қиладиган емак турлари ниҳоятда кўп ва хилма-хиллир. Уларни тайёрлаш усули ҳам оддий, озуқалик қуввати юқори, мазали ва сингишли. Бундай емаклар кишиларнинг мизож-хулқи ва бадан ҳолатига мувофиқ келади ҳамда бутун аъзоларнинг озуқага бўлган эҳтиёжини қондиришдан ташқари, касалликнинг олдини олиш ва соғайишига хизмат қилади.

#### 1. Гўштли овқатлар

Бу туядан тортиб то чумчукқача бўладиган ҳалол, еса бўладиган ҳайвонларнинг гўшти билан тайёрланадиган овқатлардир. Табобатда балиқ гўштидан бошқа ҳамма гўштлар мизожи иссиқ деб қаралади. Лекин улар ҳайвоннинг ёши ва яшаш муҳитига қараб, бир-биридан фарқланади. Масалан, қўй гўшти қуруқ-иссиқ, лекин бичилгани ҳўл-иссиқ.

Тўқлидан кичик ёки икки ёшдан кичик қўй гўшти енгил сингади, қари қўчқор гўшти ёки тоғ қўчқорининг гўшти оғир сингади. Бузоқ гўшти мўътадил. Қари сигир гўшти қуруқ-совуқ. Қўтос гўшти қуруқ-иссиқ бўлади ва шу каби хусусиятлар билан фарқланади. Умуман олганда, юқорида келтирилган ҳайвон ва парранда гўштлари табиати иссиқ бўлиб, фақатгина балиқ гўшти совуқ табиатли бўлади.

Ҳайвонот гўштлари гарчи иссиқ дейилса-да, ҳар бирининг иссиқлик табиати, иссиқлик даражаси фарқланади. Пишириш усули ва таркиби, қўшилган доридармон ҳамда зира-зироатларнинг таркиби ва миқдорига қараб, унинг баданга бўлган таъсири ҳам ҳар хил бўлади. Шунга кўра таркиби ва пишириш усулидан келиб чиқиб, турдош бўлмаган касалларга ҳам ҳар хил овқат турлари буюрилади.

Гўштларнинг сифати энг биринчи ўринда алоҳида аҳамият касб этади. Гўшт янги, эскирмаган ва ҳидланмаган бўлса, асл табиати ва хусусиятини сақлаб қолади. Гўшт эскирган сари қуруқлик ва еллик хусусияти ошиб бораверади. Узоқ сақланган эски гўшт бавосирни қўзғайди, тузланган гўшт эса қичишиш пайдо қилади. Қалампир солиб чала пиширилган ёки ёғда чала пиширилган гўштлар, масалан, сомса қабилар қоринни шиширади ва қийин ҳазм бўлади. Буларни ҳеч қачон ётоқ касалларга буюрилмаслиги керак.

Кора мол гўштининг тўқималари йирик ва қаттиқ бўлганлиги учун қуввати юқори бўлса-да, сингиши қийин, баданга ўзлашиши оз бўлиб, дарҳол совуқ елни қўзғайди. Шунинг учун кўп беморларга сигир гўшти буюрилмайди.

Товуқ гўшти осон сингани учун ҳеч бир касал одамга оғир келмайди.

Табобатда уриниб қолган гўшт, ориқ ва қари сигир, қари эчки, қари совлиқ ва ориқ товуқ гўштлари зиёни ҳисобланиб, беморларга тавсия этилмайди.

Қушларнинг тухумлари хусусият ва табиат жиҳатидан уй паррандаларининг тухумига ўхшаёт, аммо қуввати юқори бўлади.

Софиладиган ҳайвонларнинг сути умуман мўътадил, лекин отнинг сути мизожи иссиқ бўлади.

## 2. Ёғли таомлар

Ҳайвонот ёғлари: Қўй, эчки ёғлари ва қисман сигир ёғи, товуқ, балиқ, турна, айиқ, кудай (ғознинг бир тури), бўрсиқ ёғи ҳамда сариёғ ички ва ташқи томондан дори ўрнида қўлланилади.

Қўй ёгининг ҳарорати юқори, табиати иссиқ бўлиб, бадани иситади ва бадан иссиғини кўтаради. Одамни семиртириб, ичакларни силлиқлайди, юз ва теридаги доғларни йўқотишда фойдали бўлиб, хаста ва нимжон ҳамда ёш танани қувватлантиради, унинг заифлигини даволайди. Умуман ошқозон ичак хизмати меъёрида бўлган буйрак ожизлиги, камқонлик, бадан заифлиги, тананинг бирор сабаб билан озиб кетиш хасталикларига

шифо бўлади. Буни одатда қон босими юқори, қон мойи кўтарилиб кетган, қизил қон томири ва мия қон томири қотишган касалликлардан бошқа кишиларга мувофиқ келадиган меъёрда истеъмол қилса бўлади. Одатда пиёз, саримсоқ ва қалампир қўшиб ейилса, унинг кучи ва зарари кесилади.

Озуқалар билан даволашда қўй ёғи ва қўй гўшти зиён қилмайдиган даражада ва иситмаси йўқ беморларга маълум миқдорда берилади.

**Товуқ ёғи** терини юмшатиб, қичима ва қўтирлар ҳамда териси совуқдан ёрилганда сиртдан суртишга берилади. От, турна, айиқ, бўрсиқ, кудай кабиларнинг ёғи ўткир иссиқ. Улар (бод) ревматизм, пай-суяклар оғриб, пай-томирлар тортишиши ва бошқа совуқдан бўлган касалларга сиртдан ёглашга мувофиқ келади.

**Ўсимлик ёғлари:** Зайтун, ёнғоқ, бодом, кунжут, магиз, зигир, қичи (хантал-горчица), индов, махсар, кунгабоқар, чигит кабиларнинг ёғлари овқат билан қўшилиб, миқдорининг оз-кўплигига қараб ўз таъсирини тез ёки секин кўрсатади. Кимёвий таркиб жиҳатидан олинганда, ёғларнинг ҳаммасида ҳам оқсил бўлавермайди, унда оз миқдорда микроэлементлар ва ёғда эрийдиган витаминлар бор.

Ёғ кислотасини ўз ичига олган ёғ миқдори одам баданини зарур бўлган қувват билан таъминлайди.

Баданинг саратон (ўсма)га қарши иқтидорини оширади ва сўнгаклар осон синишининг олдини олади. Лекин ёғлар асл ўсимлик сифатининг фарқига қараб, таъсири ҳам турлича бўлади.

**Зигир ёғи** ҳароратни туширади, шишларни йўқотиб, оғриқни пасайтиради ҳамда тиқилмаларни очади.

**Зайтун ёғи** аъзоларни қувватлантиради, ел ҳайдайди, ҳар хил оғриқларни, айниқса, пай, сўнгак зирқирашларини қолдиради.

**Махсар ёғи** қон босимини меъёrlаштиради ва қон томирларини юмшатади.

**Қичи(хантал-горчица)** ёғи юзватананитиниқлаштиради,

терини силлиқлаштириб, ортиқча хилтни бадандан кетказади.

**Индөв ёғи** тиқилмаларни очиб, сийдик ҳайдайды, ұар хил катталикдаги құртларни тушириб, оддий ва аллергик қичишишни босади ҳамда томоқнинг шишини йўқотиб, кўкрак ва ўпкадаги балғамни чиқаради.

**Кунгабоқар ёғи** катта-кичик ҳожат ва ҳайзни равонлаштиради.

**Ёнғоқ ёғи** бўшаган пай ва гўштларни қотириб, совуқдан бўлган оғриқларни пасайтиради, баданни қизитади ҳамда пайлар тортишишини босади.

**Бодом ёғи** йўтални пасайтириб, баданга ҳўллик етказади, тортишишни, катта ҳожатни бўшатади, ўпка ва томоқни ҳамда нафас йўлларини енгиллаштириб, балғам ҳайдайди.

**Чигит (пахта) ёғи** эрқаклик қувватини ошириб, манийнинг тез кетишини тизгинлаб, озиқлик моддаларини тарқатиш қурдатига эга, аммо узоқ вақт истеъмол қилса, буйракни ожизлаштиради.

Яхши тозаланмаган ва дориланган чигит ёғи қичишиш, юрак тез уриши, мадорсизлик каби касалликларни пайдо қиласди.

Умуман, ўсимлик ёғларининг таъми ва сифати олинган манбасига қараб фарқланади, лекин уларнинг қуввати, асосан, ўхшаш бўлади. Ҳар 100 грамм ёғ баданга кириб, ўртача 900 килокалория қувват ҳосил қиласди.

Ўсимлик ёғлари узоқ муддат сақланса ёки қуёш нурида бир неча ой турса ҳамда такрор қизитилса, сифати ўзгаради, ранги қорайиб кетиб, сассиқ ва ёқимсиз ҳид чиқаради ҳамда юзида кўпик ўрайди, энг асосий белгиси, совиганда шилимшиқ бўлиб қуюқлашади. Бундай ёғнинг озуқалик қиммати камайиб, ич суради, жигар катталashiши ва жигар яллифи, ҳатто саратон касаллигини ҳам келтириб чиқариши мумкин.

### 3. Шарбатлар

Шарбатлар мевалар ва кўкатларнинг янчиб ёки сиқиб олинган сувидир. Озиқлик билан даволашда бу усул кўп

қўлланилади, ширанинг миқдори соз, сингиши ва таъсири тез. Анор, беҳи, сабзи, турп, памидор, шафтолилар шираси бунга мисол. Агар ширасини сиқиб олишга қийналса, сув билан бирга қайнатиб, қайнатма ширасини олса ҳам шарбат ўрнига ўтиши мумкин, аммо бу икки хил усул билан олинган шираларнинг қуюқлиги ва табиати бир оз фарқланади. Шунинг учун ҳам уларнинг фарқига бориб фойдаланмоқ лозим.

#### 4. Шўрвалар

Борлиқдаги бор емакдан шўрва тайёрласа бўлади. Касалликни даволашнинг эҳтиёжи учун борлиқ емакларнинг шу хил касалга мос келадиганларини якка ёки бир нечасини бирлаштириб олсак, шўрва қилса бўлади. Жумладан, қўй гўшти шўрваси учун, одатда, гўштни қайнатиб, туз, саримсоқ, пиёз солиб тайёрланса, одамнинг ичини юмшатади, иситмага фойда қилади, бадани қувватлайди ва осон сингади. Ҳар қандай мизождаги соғлом кишилар учун ниҳоятда мўътадил қувватлик зиён қилмайдиган овқат ҳисобланади.

Агар шўрвага кўкат ва бошқа ясалмани қўшсак, шўрванинг табиати қўшилган нарсанинг табиатига ўзгаради. Масалан: шўрвага сирка қўшилса, иситмага нафи тегади, сафрони кесади ва қон босимини тушириб, жигар тиқилмаларини очади ҳамда қуюқ балғамни юмшатиб чиқаради. Агар шўрвага қора мурч ёки қалампир қўшиб, аччиқ шўрва қилинса, иштаҳа очади ва ошқозонни қизитади. Бундан бошқа ҳар қандай кўкатдан муносиб шўрва тайёрласа ҳам бўлади ва бу шўрва асл масаллиқ хусусиятига мос ҳолда касалларни даволашда ишлатилади.

### ТАЪМ

Озуқалар билан даволашда емакликларнинг табиати ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Ваҳоланки, уларнинг табиатига ҳукм қилиш анча қийин. Одатда, якка ҳолдаги кўкатлар ва мева-чеваларга баҳо бериш унча

қийин бўлмаса-да, аралаш тайёрланган озуқалик ва емакликларни тавсия этиш бир қадар мураккаб.

Табобатда дори ашёларига баҳо беришда, аввало, таъми, ҳиди, баданга киргандан кейинги таъсирига қараб табиатига ҳукм қиласидиган йўли бор. Умуман, истеъмол қилгандан кейин баданин қизитиб, қон ҳаракатини тезлаштирадиган емакликлар иссиқ табиатли, баданин салқинлатадиган, сийдик миқдорини оширадиган емакликлар совуқ табиатли деб қаралади.

Таъм нуқтаи назаридан қараганда, умуман, аччиқ емакликларнинг табиати қуруқ-иссиқ бўлади. Масалан: қалампир, қорамуруч, занжабилга ўхашашлар. Таъми ширин емакликларнинг табиати ҳўл-иссиқ бўлади. Масалан, қанд, шакар, анжир, ширин қовун кабилар. Таъми чучмал емакликларнинг табиати қуруқ-совуқ бўлади. Жумладан, аччиқ сув, сирка, фўра, олхўри кабилар.

Таъми bemazaroқ таомларнинг табиати ҳўл совуқ бўлади. Буларга бодринг, ошқовоқ ва баъзи салатларни киритиш мумкин.

Аралаштирилган таомлар табиатига таъми ва тилни буриштириш тахирлигига қараб ҳукм қилинади. Таъми аччиқ тилни куйдирадиган, баданин қизитадиган таомлар иссиқ табиатли, тилни бўшашибадиган, таъми сустроқ ёки нимтатим, баданин совутадиган таомлар совуқ табиатли деб юритилади. Қисман таъми аччиқ, лекин қуруқ-совуқ табиатли, таъми ширин озуқалар ҳам бор. Бундай таомлар жуда кам учрагани учун ҳам таъм масаласига муқим боғланиб қолмай, ўрта муносабатда бўлмоқ лозим.

## ТАЪМ РОСТЛОВЧИ МАҲСУЛОТЛАР

Халқимиз азалдан таъм ва меъёри ростловчи сифатида овқатларга ишлатиб келган ва чой дориси ўрнида ишлатиб, ичишга одатланган дори-дармонлар бор. Буларнинг баъзиси иштача очишда рол ўйнаса, баъзиси овқатнинг танага сингишига ёрдам беради. Баъзиси ошқозон-

иچак фаолиятини яхшилаш, катта-кичик ҳожатни равонлаштириш хизматини ўтайди. Қуйида уларнинг муҳимлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

**Чой** – Табиати қуруқ-иссиқ. Юракни кучайтириш, ҳорғинликни кетказиш, сийдик ҳайдаш, ич кетишини тўхтатиш, бош мияни фаоллаштириш ва овқат сингдириш, иштаҳани очиш ва овқат заҳарини қайтариш, қон томирларни кенгайтириш ва оғиздаги ёқимсиз ҳидларни кетказиш, кўнгил айнишини қолдириш ҳамда баданни витаминалар билан таъминлаш ва бактерияларни тизгинлаш хусусиятига эга. Дамлаб ичилади.

**Қаҳва** – табиати қуруқ-совуқ. Тиқилмаларни очади, оғриқларни пасайтириш ва қоннинг тезлигини сусайтириш, сафро билан савдони меъёрлаштириш ҳамда қуюқ хилтларни суюлтириш ва тозалаш, бадан заифлигини йўқотиб, асабни қўзғаш, уйқуни қочириб, одамни тетиклаштиришдек таъсири бор. Қанд қўшиб, дамлаб ичилади.

**Заъфарон** – табиати қуруқ-иссиқ, кўнгилни очиш, асабни қувватлаш, ички аъзоларни гализликдан тозалаш, юрак ва мия фаолиятини кучайтириш, сийдикни ҳайдаб, қонни жонлаштириш, жигар ва нафас органларини дармонлаштириш, руҳни кўтариб кўнгилни шодлантириш, жигар ва буйракни тиқилмалардан тозалаб, чеҳрани тиниқлаштириш ҳамда дориларнинг қувватини юракка етказиш хусусиятлари бор. Бошқа чой дорилар билан ёки якка ўзини новвот солиб кам-кам миқдорда ичилади.

Паловга зиравор ўрнида солиб дамласа ҳам бўлади.

**Занжабил** – табиати қуруқ-иссиқ. Ошқозон ва жигардаги елни тарқатиб, меъда ва жигарнинг ҳазм қилиш қобилиятини кучайтиради. Балғам бўшатиш, пайларнинг совуқлигини олиш ҳамда фалажни даволашда фойдалидир.

Совуқдан бўлган чанқоқни ва иситмани пасайтиш, овқатлардан заҳарланиш, оёқ оғриғи (ревматизм) ва суяқ оғриқлари ҳамда асаб оғриқларини босиш хусусиятига эга.

Занжабилни бошқа доривор чойлар билан қўшиб, дамлаб ичишга ва егуликлара солиб истеъмол қиласа бўлади.

**Узун мурч** – Табиати қуруқ-иссиқ. Совуқ елни тарқатиш, жигар ва талоқдаги тиқилмаларни очиш, овқат сингдириш, ошқозонни қувватлаш ва қайтни тўхтатиш, оғизни хушбўй қилиш ва ички аъзоларни қизитиш, манийни кўпайтириш, сийдик ва манийни юргизиш, совуқдан бўлган йўтал ва майда бўғинлар ва ёнбош оғригини қолдириш хусусиятига эга.

Узун мурчни бошқа чойлар билан қўшиб, дамлаб ичса ва майдалаб овқатларга қўшиб еса ҳам бўлади.

**Қалампирмунчоқ** – табиати қуруқ-иссиқ. Мия ва буйракни қувватлайди, фикрлаш сезгисини ошириб хотирани мустаҳкамлайди ва кўнгилларни шодлантиради, ҳар хил заҳарларни қайтариб, совуқдан бўлган бош оғригини қолдиради ҳамда мия ва қон томирлардаги тиқилмаларни очади. Фалаж, лақва ва бошқа сезги аъзоларининг фаолиятини даволайди ва бўшаб қолган тиш милкларини қотириб тиш оғригини тўхтатиш, оғизни хушбўй қилиш хусусиятларига эга. Қалампирмунчоқ оз миқдорда бошқа (масалан, жавзобобо) дорилар билан қўшиб дамлаб ичилади.

**Седана** – табиати қуруқ-иссиқ. Баданга жило бериш ва сочни қорайтириш, сутни кўпайтириб, сийдик ва ҳайзни юргизиш хусусиятларига эга. Уни кўпинча нон устига сепиб истеъмол қилинади.

**Кашнич уруғи** – табиати қуруқ-совуқ. Баданни қувватлаб ел ҳайдаш, ошқозонни қувватлаб, бавосирни ва гўшт билан заҳарланишни даволайди ҳамда қон қусишни тўхтатади. Манийни қуюқлаштириб, саримсоқ ҳидини кўтаради.

Уруғини туйиб, овқатлар ва шифоли дамламаларга солинади ёки чой дориларга қўшиб ичса ҳам бўлади.

**Зира** – табиати қуруқ-иссиқ. Қизитиш, қурутиш, ел ҳайдаш ва ошқозонни қувватлаб, модда алмашувини яхшилаш ва иштаҳа очиш, сийдик ва ҳайз қонини

равонлаштириш хусусиятларига эга. Қийма, кабоб ва таъбга кўра бошқа овқатларга ишлатса ҳам бўлади.

**Оқ ва қора мурч** – табиати қуруқ-иссиқ. Бадандаги ҳўлликни ҳайдаб чиқариб қизитади, ошқозонни бақувват қилиб, балғамни тиндиради.

Ҳар хил заҳарни қайтариб ел ҳайдайди. Мия ва пайларни кучлантириб иштаҳани очади, ҳўл мизожни ростлаб, томоқ ва ўпкани тозалаш ва ошқозоннинг ҳўллиги ортгандан пайдо бўладиган шишиш, қийин ҳазм бўлиш, ҳолсизлик, қусиш ва ич суришларни даволаш хусусиятига эга.

Оқ мурч билан қора мурчни қиймали овқатларга, қийма ва кабоблар ҳамда шўрваларга солиш ва қисман чой дориларга солиб, дамлаб ичиш мумкин.

**Кунжут** – табиати ҳўл-иссиқ. Баданни савдодан тозалаб, семиртиради ва овозни тиниқлаштиради. Ичакларни юмшатиб, иссиқдан бўлган шишиларни тарқатиш ва баданни кучайтириш ҳамда қабзиятни бўшатиш, юрак, мия, қон томирларининг қуришининг олдини олиш таъсирига эга. Нонга сепиб, кунжут бўтқа ёки ёғи истеъмол қилинади.

## ПАРХЕЗ

Парҳез деганимиз касални даволаш жараёнида зиён қиласидан озуқаларни ейишдан сақланишdir.

Парҳез овқатлар билан даволашнинг муҳим жиҳати, агар бемор даволаниш жараёнида танасига зиён қиласидан таомларни еса дорининг таъсири йўққа чиқади ва касали оғирлашиб кетади ҳамда мизожни ростлаш мумкин бўлмай қолади. Масалан: шакар ейиш. Қандли диабетга чалинган бемор табиб ман қилган нарсаларни еяверса, касали оғирлашибгина қолмай, ҳаётини ҳам хавф остида қолади. Мия-қон томир отиши касалига гирифтор бўлган инсон ҳайвонот мойини давомли еса мия томирлари тўсилиб, фалажлик келиб чиқиши мумкин. Демак, парҳез касалликни даволашнинг ярмини ташкил қиласиди.

Парҳез буюриш касал одамга ишлатиладиган дори ва таомларнинг шифо унумини юқори кўтариб, касал оғирлашиб қолишининг олдини олишга, даволаш жараёнини қисқартиришга, мизожни тезроқ меъёрлаштиришга, бадан қувватини жадал аслига келтириб, саломатлиги яхшиланишига ёрдам беради.

Парҳез буюришнинг муҳим жиҳатлари қўйидагилардан иборат:

**Иситмали касалларга** – гўшт, ёғ, тухум, шакар, турли пишириқлар ва қовурилган овқат ҳамда каллапочалардан тийилиш буюрилади.

**Қон босими юқори** ва мия қон томири хасталигига дучор бўлган кишилар ҳайвонот ёғи, семиз гўшт, тухум, сариёғ, чигит ёғи, сигир гўшти каби таомлардан парҳез қилиши лозим.

**Асаб касаллар**, уйқусизликка учраганлар қуюқ чой, қаҳва, лози (аччиқлар), сирка, чучмал таъмли овқатлар ва ўткир ичимликлардан парҳез қилмоқликлари лозим.

**Юрак касали** бор кишилар семиз гўшт, тухум, ҳайвон мияси ва ўткир таомлардан парҳез қилмоқлари лозим.

**Ўпка касали** бор кишилар лози (аччиқ), сирка, тамаки, иссиқ овқатлар, ўткир ва чучмал таъмли таомлардан парҳез қилишлари лозим.

**Ошқозон ва ичак касалликлари** бор кишилар қаттиқ, йирик, аччиқ ва чучмал таъмли емаклардан, чигит ёғ, ҳўл мевалар, сомса, гўштли нон, қовурма манти, лағмон каби овқатлардан парҳез қилмоқликлари лозим.

**Жигар касали** бор кишилар, ёғ, семиз гўшт, калла почча, сирка, аччиқ ва ўткир таомлардан, баъзи мева, магиз кабилардан тийилиш буюрилади.

**Ўт халтаси яллиғланган ва ўтида тоши бор касаллар** тухум, семиз гўшт, ҳайвон ёғи ва ўткир таомлардан сақланиш буюрилади.

**Буйрак касали** борлар тузни кўп истеъмол қилишдан, юқори сифатли буғдой уни ва гўштли овқатлардан сақланмоғи лозим.

**Қандли диабет касали** борларга кепаксиз буғдой уни,

қанд-қурс ва барча ширин таъмли мева-чевалардан парҳез қилиш ҳамда кўп истеъмол қиласлик буюрилади.

**Сўнгак, бўғин касалига** йўлиққанлар, олма, ўрик каби елли мевалардан, гўшт, айниқса, сигир гўшти, пиёз, аччиқ сув, чигит ёғи кабилардан сақланиши, майда бўғин оғриғи борлар юқоридагилардан ташқари, жигар буйрак кабиларни ҳам истеъмол қиласликлари лозим.

**Тери касаллариға** чалинганлар, чигит, ёш сигир, эчки гўшtlари, аччиқ, сув ва чучмал таъмли овқатлардан парҳез қилмоқлари лозим.

**Баданидан қон чиқаётган касалларга** бурун, бачадон, ичак каби аъзолари қонаётган кишилар, иссиқ овқат ейиш, аччиқ чой ичиш, қонни жонлантирадиган ва бадани қизитадиган таомлар тановул қилишдан ўзларини тиймоқлари лозим.

**Баъзи тиқилма характерли ва сурункали касалларнинг соғайиш босқичида, баданинг юкини оғирлаштирмаслик учун физо (овқат)ни, мувофиқ озайтириш ва чеклаш усули ҳам қўлланилади.**

Умуман, юқоридагидек парҳез буюриш, айниқса, буйрак касалигатуздан парҳез қилишдекусуллар касалнингаҳволи яхшилангандан кейин тадрижий амалдан қолдирилади. Бўлмаса, узоқ вақт парҳез буюрилган беморларнинг баданида баъзи озиқ моддаларнинг етишмаслиги келиб чиқади. Бадани заифлаштириб қўйиши, ҳатто бошқа бир касални келтириб чиқариши мумкин.

Парҳез буюрилган касалларга зиёнли нарсалардан парҳез қилинаётган даврда касалнинг яхшиланиши учун фойдали бўлган озуқаларни мувофиқ миқдорда орттириб бориш тавсия қилинади.

## ОВҚАТЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

Касалликни даволашда ва унинг олдини олишда тўғри овқатланиш ва ичимлик истеъмол қилиш мухим аҳамиятга эга.

Шуни билингки, чайналган овқат оғиз бўшлиғидаёқ

ҳазм бўлишни бошлайди. Ошқозонга тушгандан кейин эса овқат ферментлар ва ошқозон суюқлиги таъсирида кучли парчаланади. Бу жараёнда фақат ошқозон эмас, бутун тана иштирок этади. Танамиздаги ҳужайралар ўзидағи етишмаётган озуқалар тўғрисида бош мияга хабар беради. Бош мия эса бутун танадаги етишмаётган озуқалар ҳақидаги хабарни таҳлил қилиб, ошқозонга буюртма беради. Ошқозон шу буюртма асосида ўзига тушган таомларни парчалай бошлайди. Ҳазм жараёнида юрак қон-томир, жигар, қора талоқ, ошқозон ости бези ва ички секреция безлари фаол иштирок этади.

Ошқозон ва ичакларда кучли жараён кечар экан, ҳар хил чиқиндилар пайдо бўлади. Ошқозон-ичак юмшоқ тўқимадан тузилган бўлиб, ўзининг суюқлиги ва ферментлари ўзини ҳазм қилиб юбориш мумкин. Бунинг учун ошқозон-ичак тизимида ички шиллиқ қаватида кучли ҳимоя мавжуд. Бу ҳимоя шиллиқдан тузилган бўлиб, вақти-вақти билан янгиланиб туради. Ошқозон-ичак шиллиқ қаватини ювиш учун бир кунда ўртача 20–25 литр суюқлик ажralиб, қайта сўрилади. Ошқозонда кислотали муҳит мавжуд. Айнан у овқат билан бирга ташқи томондан кираётган ҳар хил зарарли моддалар – микроблар, қуртлар, заҳарли моддалар ва ҳоказолардан ҳимоя қиласи.

Ошқозонга тушган овқат ҳазм бўлгунча ўртача 4–12 соат туради, кейин ўн икки бармоқли ичакка ҳайдалади. Ошқозонда, асосан, оқсил ва углеводлар парчаланади. Ўн икки бармоқли ичакда ўтдан оқадиган суюқлик ҳисобига ишқорли муҳит хукмрон бўлиб, бир кунда ўртача 2 литргача ўт суюқлиги ажralади. У кўпроқ ёғларни парчалайди. Ичакларни ғализ моддалардан тозалаб, ҳожат ҳиссини юзага келтиради ва ичакнинг тўлқинсимон ҳаракатида фаол иштирок этади. Одам ичагининг ўртача узунлиги 5–7 метр бўлиб, ошқозон-ичак тизимида ўзига хос микрофлора мавжуд. Тахминан, уларнинг миқдори 2–3 кг ёки миллиардлаб дона бўлади.

Бу микроблар инсон танасига фойда-зарарлигига жиҳатдан учга бўлинади:

**1. Инсон учун фойдали микроблар.** Улар инсон билан ҳамкорликда ишлайдиган микроблар бўлиб, ошқозон-ичак тизимидағи ҳазм жараёнида фаол иштирок этади, баъзи моддаларни ишлаб чиқаради (баъзи витаминалар ва аминокислоталар) ва ҳимоя тизимида қатнашади (зарарли микробларни йўқ қилади).

**2. Инсон учун фойдаси ҳам, зиёни ҳам йўқ микроблар.**

**3. Зарарли микроблар.** Уларнинг миқдори жуда кам бўлиб, инсоннинг ҳимоя тизими бузилганда, бош кўтаради ва ҳар хил касалликлар келтириб чиқаради.

Ошқозон-ичак тизимидағи бу жараёнларнинг меъёрида кечиши учун тўғри овқатланиш муҳим аҳамиятга эга. Инсон ўзининг мизожи ва ошқозонининг мизожига қараб тўғри овқатланишни ташкил қилиши керак.

Инсон овқатининг асосий қисми сабзавот ва мевалар бўлмаслигига аҳамият бериши лозим. Чунки бу нарсалар балғамни кўпайтириб, ҳазм жараёнига оғирлик қилади. Шунинг учун овқат гўштли таомлар, буғдой маҳсулотлари ва ширинликлардан иборат бўлиши лозим. Мевалардан овқат учун кўпроқ мос келадигани анжир, яхши пишган узум, хурмо, ўрик ва қовун.

Овқатни иштача билан емоқ лозим. Иштача бўлатуриб оч юриш ошқозонни ёмон хилтлар билан тўлдиради.

Қишида иссиқ, ёзда илиқ овқат ейиш лозим. Гавдага энг зарарли нарсалардан бири-меъдада овқат етилмасдан ва ҳазм бўлмасдан туриб яна овқатланишидир. Меъда бузилишидан, хусусан, ёмон овқатлардан бўладиган зарарлироқ нарса йўқдир. Чунки у ғализ-оғир овқатлардан пайдо бўлган вақтда қўйидаги касалликлар юзага чиқиши мумкин: бўгин оғриғи, буйрак касаллиги, талоқ ва жигарнинг қаттиқлашиши ва тиқилмаларини, шунингдек, балғам ва савдодан келиб чиқадиган касалликларни туғдиради. Агар у енгил овқатлардан пайдо бўлса, ўткир иситма ва шишларни юзага чиқаради.

Қишида сабзавот каби ғизолиги оз нарсаларни емаслик, балки кучли овқат бўладиган донлардан – буғдой, арпа, гуруч, бодом ва зич (гўштли маҳсулотлар) ейиш лозим,

ёзда бу таомларнинг аксини истеъмол қилиш керак Овқатларнинг энг ёмони меъдага оғирлик қилганидир Агар инсон тўйиб овқатланган бўлса, эртасига оч бўлмоғи ва секин-секин кўп юрмоғи (ўртacha 10 км) тавсия қилинади.

## ОВҚАТНИНГ МИҚДОРИ

Овқатланиш миқдори инсоннинг одат ва қувватига боғлиқ. Таом миқдори қувватли кишилар еганда

- қорин соҳасида оғирлик бўлмаслиги керак;
- қорин кўпчимайдиган ва қулдирамайдиган бўлиши керак;
- қовурға бошлари чўзилмаслиги керак.
- кўнгил айнимаслиги керак;
- бир муддатдан кейин кекирганда овқатнинг мазаси келмаслиги керак;
- уйқусизлик келтириб чиқармаслиги керак.

Овқатнинг мўътадил даражада ейилганига нафас олиш ўзгармаслиги ва томир уришининг катталашмаслиги далил бўлади.

Овқатланишда овқатга риоя қилмоқ керак. Агар бир кунда 2–3 марта овқат ейдиган киши бир марта овқат еса, ўзи заиф қувватлари янада кучсиз бўлиб қолади. Шунинг учун бундай кишилар кунига уч марта овқатланиб, овқат миқдорини секинлик билан озайтиromoғи лозим. Юқорида айтиб ўтганимиздек, мизож бузилишининг ўн олти хил туридан саккиз хили моддали, яъни хилт ўзгариши билан содир бўлади.

Хилт ҳўл оқувчан моддадир, еган овқатларимиз, ичган суюқликларимиз хилтларга айланади. Бу хилтлар танамизда кечадиган ҳамма жараёнларда иштирок этиб, ҳимоя тизимини ҳосил қиласи ва ҳамма аъзою ҳужайраларни озиқлантиради.

Бу хилтлар бирламчи ва иккиламчи бўлади.

### 1. Бирламчи хилт.

Ҳомилага онасидан мукаммал дастур асосида ўтади.

Масалан, сочнинг ранги, тананинг тузилиши, аъзолар, қўл ва оёқлар, мизожниң қандай бўлиши ва руҳий ҳолатлар ҳамда феъл-автор.

## 2. Иккиламчи хилт.

Бу хилт икки хил бўлади. Биринчиси ортиқча эмас. Яъни аъзолар ва ҳужайраларга жойлашиб киришиб кетган бўлади. Иккинчиси ортиқча бўлган хилтлар. Бу хилтлар ҳам ўз навбатида тўртга бўлинади:

— **қон хилти**. Мизожи иссиқ-ҳўл бўлиб, ранги қизилширин бўлади. Бу хилт бутун ҳужайраларни озиқлантириб, ҳимоя тизимида асосий рол ўйнайди;

— **балғам хилти**. Мизожи ҳўл-совуқ бўлиб, қон хилти билан доим бирга бўлади ва қон хилти етишмаганда тананинг табиий иссиқлиги билан тез қон хилтига айланади. Балғам мизожли аъзо мияни озиқлантиради, шунингдек, ўтар йўллари, бўғинлар, қон томирларини ёғлаб, ҳўллаб туради;

— **сафро хилти**. Мизожи иссиқ-қуруқ, ранги ўткир қизғиш бўлиб, икки хил сафрога айланади:

*а) қонга қўшилувчи сафро.* Бу сафро ўпкани озиқлантиради, қонни суюлтириб, уни тор ва қисқа йўллардан ўтказади. Ҳужайраларнинг кўзини очиб, танани ортиқча чиқиндилардан тозалайди;

*б) ўт қопига борувчи сафро.* Бу сафро ўт қопини озиқлантиради, ичакни фализ ва ёпишқоқ моддалардан тозалайди, ҳожат ҳиссини юзага чиқариб, ортиқча ва зарарли чиқиндилардан тозалайди;

— **савдо хилти**. Мизожи совуқ-қуруқ бўлиб, ранги қора қоннинг чўкмасидир. Бу ҳам иккига бўлинади:

*а) қонга қўшилувчи.* Бу хилт суюкларни озиқлантиради, қонни пишиқ қилиб, тарқаб кетишидан сақлайди. Қоннинг ивувчанлигига фаол иштирок этади;

*б) талоққа борувчи савдо.* Бу хилт талоқни озиқлантириб, ошқозон оғзини пишиқ қилиб, иштаҳани қўзғайди, танани ортиқча ва зарарли чиқиндилардан тозалайди.

Бу иккиламчи тўртта хилт танада мукаммал дастур

асосида фаолият юритиб, доимо биттаси ғолиб бўлади ва қолган 3 та хилт унга бўйсинади. Бу хилтлар инсон феъл-аворининг шаклланиши ва ўзгаришига ҳам кучли таъсир ўтказади.

Европа тиббиёти шу хилтларниң таъсиридан келиб чиқиб, инсон феъл-аворини 4 гуруҳга бўлган:

- 1. Сангвиник** – қон хилтининг устунлиги.
- 2. Холерик** – сафро хилтининг устунлиги.
- 3. Флегматик** – балғам хилтининг устунлиги.
- 4. Меланхолик** – савдо хилтининг устунлиги.

Бу хилтлар танада маълум гармония ва аниқ ўлчовлар билан ҳаракат қиласи. Ана шу аниқ ўлчовлар ўзгариши натижасида хилтлар мутаносиблиги бузилади ва ҳар хил касалликлар келиб чиқади. Бу хилтларниң шу мутаносиблигини сақлаш ёки бузилган хилтни тезда ўз ҳолатига қайтариш инсон саломатлигининг гаровидир.

## ҚОН ХИЛТИНИНГ КЎПАЙИБ КЕТИШ АЛОМАТЛАРИ

Қон хилти кўпайиб кетганда гавдада, кўз тагида, бошда ва икки чаккада кўпроқ оғирлик кузатилади. Доимий уйқу босиш, сезги ва ҳисларниң кучсизланиши, толиқиши ва ҷарчаш ҳамда оғизда одатдан ташқари шириналлик, юз ва тилда қизиллик, баъзан бадандан чипқон, оғизда чиқиқлар пайдо бўлади. Бурун, милк на йўғон ичакда қон оқиши кузатилиши мумкин. Тушида қизил рангли аломатлар кўради. Масалан, қон оқиши ёки қизил рангли тасвиirlарни кўриши мумкин.

Қон хилти кўпайиб кетган кишиларга озиқлиги оз, совитувчи, кам қувватли, совуқ ва қуруқ ҳамда мўътадил мизожли овқатлар тавсия қилинади.

**Мевалар:** қизил дўлана, чилон жийда, жийда, шотут, дўлана, анор, писта, аччиқ бодом, сирка ҳамда лимон ва мандарин.

**Сабзавотлар:** картошка, сабзи, карам, ловия, шолғом.

**Озиқ-овқатлар:** творог ва сузмалар, гуручли овқатлар, товуқ ва парранда гўшtlари, ўсимлик ёѓлари.

## **БАЛГАМ ХИЛТИНИНГ КҮПАЙИБ КЕТИШ АЛОМАТЛАРИ**

Балгам хилти күпайганда, юзранги ва шиллиқ қаватларда оқлик ортиб кетади. Терининг совуқ ва юмшоқлиги, сўлакнинг кўп ва ёпишқоқлиги, ташналиknинг камлиги ёки умуман бўлмаслиги, нордон кекирик, сийдикнинг рангсизлиги, кўп ухлаш ва ёлқовлик, фаҳм пасайиши кузатилади. Тушида сув, ёмғир, анҳор, қор ва дўл ёки музикларини кўради.

Бундай кишига меъёрга келиши учун қиздирувчи ва қуруқ мизожли овқатлар тавсия қилинади. Шунингдек, қувватли, ёғли, аччиқ ва шўр овқатлар ейиши керак.

**Мевалар:** анжир, хурмо, ҳар хил ёнғоқлар ҳамда писта, бодом ва майиз.

**Сабзавотлар:** турп, картошка, сабзи, пиёз ҳамда карам.

**Озиқ-овқатлар:** туя сути, қуритилган нон, нўхат, мош, гречка (маржумак) ва ҳар хил қовурмали овқатлар, шиллиқсиз ва ёпишқоқсиз (шавла, ширгуруч ва ҳар хил каша-бўтқалардан ташқари) гуручли ҳамда қўй гўштли овқатлар, қовурилмаган, яъни қайнатилган тухумлар.

## **САФРО ХИЛТИНИНГ КҮПАЙИБ КЕТИШ АЛОМАТЛАРИ**

Юз ва кўз сариқлиги, оғизнинг аччиқлиги, тилнинг ғадир-будурлиги, бурун-оғизда қуруқлик ва тез-тез ташналик, иштаҳанинг пастлиги, кўнгил айниши, ачиштирувчи ич кетиш ҳамда бетоқатлик кузатилади. Тушларида сариқ рангли туслар, байроқлар, олов ва хазон ичида юрганини кўради.

Сафро хилти күпайиб кетган киши мўътадиллашиши учун совутувчи ва ҳўлловчи, ҳазми енгил, нордон таъмли овқатлар тавсия қилинади.

**Мевалар:** цитрус мевалар, шотут, олма, зирк, узум ғўраси, анор, беҳи, жийда, ширин бодом ва сирка.

**Сабзавотлар:** картошка, сабзи, ошқовоқ, шолғом, гуларам.

**Озиқ-овқатлар:** творог ва сузмалар, нон маҳсулотлари, қайнатилган ва буғланган гуручли таомлар, товук ва парранда гүштлари, ўсимлик ёғлари ҳамда унчалик ширина бўлмаган шарбатлар.

## **САВДО ХИЛТИНИНГ КЎПАЙИБ КЕТИШ АЛОМАТЛАРИ**

Тери қуруқшаб, рангизланади, хира тортиб, қораяди. Меъда оғзининг ачишуви ва ёлғон иштаҳа, сийдикнинг қуюқ қизғиш-қоралиги, ортиқча васваса ва ўйчанлик ҳамда ғамгинлик, баданда ҳар хил қора доғлар пайдо бўлиши асосий аломатлар ҳисобланади.

Тушларидан қора тун ва қора шарпалар, тепаликдан пастга қулаш ҳамда ҳар хил қўрқинчли чорасиз воқеалар кўради.

Савдо хилти кўпайиб кетган кишиларга хилти меъёрига келиши учун қиздирувчи ва ҳўлловчи, ўткир ва аччиқ таъмли овқатлар тавсия қилинади.

**Мевалар:** олма, оқтут, ўрик, беҳи, ёнғоқ ва ерёнғоқ, писта, ширина бодом ва анжир.

**Сабзавотлар:** турп, картошка, сабзи, гуларам ва карам.

**Озиқ-овқатлар:** сузма, творог, балиқ шўрва, туя сути, нон, қайнатилган ва қовурилган қўй гўшти, ўсимлик ва ҳайвон ёғлари, қайнатилган нўхат, мош, ловия ҳамда гуручли таомлар.

### **Бирга қўшиб еб бўлмайдиган овқатлар:**

- сут билан ҳўл мевалар;
- ёғли таомлар ва шириналиқ;
- балиқ билан сут ва қатиқ;
- балиқ билан ҳўл мевалар;
- балиқ билан сумалак;
- балиқ билан тухум;

- тухум билан сут-қатиқ;
- совуқ ичимликлар билан иссиқ таомлар;
- оғир ҳазм бўладиган таомлардан кейин тез ҳазм бўладиган таомлар емаслик (гўштнинг устидан нок).

### **Совуқ сув ичиш мумкин бўлмаган ҳолатлар:**

- Наҳорда (уйқудан тургандан ичиш);
- Иссиқ ҳаммом қабул қилгандан сўнг;
- Иссиқ таом орасида;
- Иссиқ об-ҳавода (терлаб турганда);
- Жимодан кейин.

Бу ҳолатларда танада ички иссиқлик кучайиб, баъзи аъзолар қизиб туради. Масалан, жигар, ошқозон, тиш, оғиз бўшлиғи Совуқ сув таъсирида қизиб турган аъзо ўзига совуқни кўп тортиши натижасида қуийдаги қасалликлар келиб чиқиши мумкин:

- жигар циррози;
- ошқозон-ичак яллиғланиши;
- дисбактериоз;
- тиш кариеси;
- қизилўнгач ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати шикастланиши.

## **ОВҚАТЛАРНИНГ ХУСУСИЯТ ВА ФОЙДАЛАРИ**

### **1. Ширин таомлар.**

Сут, қовун, узум, хурмо, шакар ва ширинлик турларининг барчаси.

Фойдалари: танани озиқлантириб, қоннинг сифатини яхшилайди, мушакларни бақувват қилиб, суяк ва бош мия фаолиятини тиниқлаштиради. Эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтиради. Кўз ва сочга фойда қиласи, юз рангини тиниқлаштириб, сезги аъзоларини ўткирлаштиради.

**Зарари:** кўп истеъмол қилганда ошқозонда ҳазм сусайиб

күнгил айниши ва қайт қилишни юзага чиқаради. Ошқозонда тез бижғиб, овозни бўғади ва ичакларда оғриқ пайдо қиласди. Сийдик йўлларидағи касалликларни қўзғайди.

## **2. Нордон таомлар.**

Лимон, нордон анор, сирка ва сметана.

**Фойдалари:** ошқозондаги ҳазмни яхшилайди, иштаҳани очиб, ортиқча хилтларни ичакка ҳайдайди. Кўпгина мизож ўзгаришларига фойда қиласди.

**Зарари:** ошқозон ва томоқни куйиширади, тишни қамаштириб, кўзни хиралаштиради. Синган суяклар битишини секинлашириб, бўғимларни кучсизлантиради ва оздирали.

## **3. Шўр таомлар.**

Ош тузи.

**Фойдалари:** тозаловчи, иштаҳа очувчи, кайфиятни кўтарувчи. Ҳазмни яхшилаб, ортиқча ва қаттиқ нарсаларни ичакларга чиқаради. Танани юмшатиб, зарарли чиқиндилардан тозалайди. Шўр энг кучли таъмлардан бўлиб, бошқа таъмларни босиб кетади.

**Зарари:** кўпикли моддалар туғдириб, ичакларда ҳаво пайдо қиласди. Кўз оғригини келтириб чиқаради, ошқозонда кекириш ва зардани қўзғайди.

## **4. Ўткир таъмли таомлар.**

Соус, памидор икраси.

**Фойдалари:** иштаҳани қитиқлаб, ҳазмни яхшилайди ва ошқозонда бузилган хилтларни чиқаради. Шиш ва балғамда фойдаси бор. Табиати совуқ ва қуруқ.

**Зарари:** бўғимларни кучсизлантириб, бадандаги ёғни эритади. Қўл ва оёқлардаги оғриқларни қўзғайди. Оғиз ва танглайни қуритиб, юракни кучсизлантиради ва юрак ўйноғини кўпайтиради. Жуда кўп истеъмол қилиш бош оғригини пайдо қилиб, кайфиятни туширади ва диққатни камайтиради.

## **6. Аччик таъмли озуқалар.**

Қалампир, мурч.

**Фойдалари:** баданда бузилган хилтларни ҳайдайди,

балғамни камайтириб, ортиқча ёғларни эритади ва баданни қизитади. Иситма, бош айланишига фойда қилади. Сийдик ҳайдаб терлатади ва бошқа ажралмаларни ҳам күпайтади.

**Зарари:** қон томирларни қотиради, оғиз таъмини бузиб бош оғриғини юзага чиқаради ва сафрони күпайтади. Эмизикли аёлларда сутни камайтиб, танани оздиради. Конни бузади, йўғон ичак, буйрак ва простата касалликларини қўзғайди. Баданни қичитади, лабни қурутиб, оғизни куйиштиради.

### **7. Буриштирувчи таъмли таомлар.**

Жийда, мози, бужғун ва гулламайдиган мевалар.

**Фойдалари:** қуритади, қувватлайди, шунинг учун ич кетишга фойда қилиб, яраларни битказади.

**Зарари:** ўтхалта ва кўкракда оғриқ қўзғатади ва чанқатади. Коринда ҳаво пайдо қилиб, овозни бўғади.

**Тавсия:** ҳар бир таъмнинг зарарини кетказиш учун унга қарама-қарши таъм билан муолажа қилинади.

А. Асли бир-бирига қарама-қарши таъм билан муолажа қилинади: шўр ва нордон.

Б. Биринчисининг кучидан иккинчисининг даражасини ошириш билан: шириннинг устидан нордон ёки нордоннинг устидан ширин.

## **ОЗУҚАЛАР БИЛАН ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЕМАК ТУРЛАРИ**

Озуқалар билан даволашдан мақсад беморнинг аҳволига қараб, овқатланиш тартибларини мувофиқлаштириш, емак билан ичмакни тенглаштириш, зиёнли нарсаларни истеъмол қилишдан ман қилиш, касалликнинг олдини олиш ва даволашта манфаатли турли шифоли озуқаларни буюриш орқали ҳар қайси аъзонинг хизматини меъёрлаштириш, қувватини аслига келтириб, беморнинг тезроқ соғайишига шарт-шароит ҳозирлаб беришdir.

Ушбу мақсадни амалга ошириш ниятида фойдаланиладиган емаклар учга бўлинади:

**1. *Физои мутлақ*** – фақат озуқаликка ярайдиган емак-ичмаклар.

**2. *Давои физоий*** – олдин касалга даво бўлиб, кейин озиқликка айланадиган шифоли емаклар.

**3. *Физои давоий*** – ҳам озуқа, ҳам даво бўладиган емаклар.

## **1. Физои мутлақ**

Озуқали емаклар деганимизда кундалик истеъмол қиладиган ҳар хил нон ва овқатларимиз кўзда тутилади. Одатда ошқозонимизнинг ҳазм қилиш аҳволига қараб, овқатлар икки хилга бўлинади:

**1. Латиф овқатлар** (*осон сингадиган овқатлар*). Бунга суюқ, юмшоқ, осон сингадиган овқатлар киради. Масалан, суюқ ош, умоч, ҳар хил шўрвалар, мева-чеваларнинг шарбати, кўкатларнинг қайнатилган сувлари буғдой уни ва гуручдан қилинган суюқ овқатлар ва сут маҳсулотлари. Янги чиққан барра кўкатлар осон сингади.

Озуқашунослар ҳазм қилиш аҳволи ва таркибидаги озуқалик моддаларнинг мўллигига қараб, осон ҳазм бўладиган ўн хил емакни рўйхатга олган:

*Олма. Банан. Карапша (селдр). Товуқ гўшти. Балиқ. Картошка. Цитрус мевалар (мандарин, лимон, апельсин). Нашватинок (олмурут). Буханка нон. Ёғсиз сут.*

**2. Кучли таомлар:** Бунга ўзи қувватли, лекин сингиши қийин бўлган кучли овқатлар киради. Ёғда пиширилган тухум, қарироқ қўй гўшти, сигир гўшти, қиймали ва хамирли овқатлар, калла-пocha, ичак-қорин кабилар. Бундай таомлар, одатда ҳазм қилиши яхши ва бадан қуввати ўртacha кишиларга мувофиқ келади. Аммо заиф ҳазм қилиши ночор кишиларга оғирлик қиласди.

Озуқашунослар ҳазм аҳволи ва баданга киргандан кейинги ўзгаришларни назарда тутиб, энг қийин ҳазм бўладиган ўн хил емакни белгилашган:

*Тузланган гўшт. Қанд. Шоколад. Семиз гўшт. Консерва қилинган ёки тузланган сигир гўшти. Қази. Тухум сарифи. Сур гўшт. Ёғда пиширилган картошка. Сутдан олинган сариёғ.*

Юқоридаги ўн хил емакни ошқозони ожиз, танаси күчсиз кишилар узлуксиз ейишдан тийилишлари керак. Шунинг билан бирга, бу емаклар қонни қуюлтириш, қондаги мойни ва қон босимини күтариш таъсири бор. Шу сабабдан бу хасталиклар билан оғриган беморлар юқорида зикр этилган таомларни имкон қадар оз истеъмол қилишлари лозим.

Фақат табиат ато этган ноз-неъматлар қанчалик табиий ва ўртаҳол миқдорда истеъмол қилинса, у одам баданига шунча кўп сингади ва яхши қувват бўлади, аксинча бўлганида, натижা ҳам аксинча бўлади.

## 2. Давои ғизоий

Аввало касалга даво бўлиб, кейин озуқ бўладиган емаклар давои ғизоий деб аталади.

Бу хилдаги емаклар одам баданига киргандан кейин даволик вазифасини ўтайди, сўнгра баданга озуқа бўлади.

Қизилгул, ялпиз, райҳон, қатор ўсимликларининг гули ва баргларидан тайёрланган гулқандлар ва қиёмлар, анжир, анор, олма, нашвати, беҳи ва сабзилардан тайёрланган мурабболар ва шарбатлар, бодом, ёнғоқ, майиз, нўхат ва бошқалардан тайёрланган талқонлар давои ғизоийга киради.

Бу емаклар одам баданига киргач, олдин шифо вазифасини ўтаб, таркибидаги ҳар хил шифоли моддалари орқали касалликларга сезиларли таъсир кўрсатади. Яъни таркибидаги оқсил, мой ва карбон, сув биримлари парчаланиб, қувватга айланиш баробарида баданга озуқа бўлиб, куч беради. Гулқандни олайлик, у истеъмол қилингандан сўнг олдин ошқозон-ичакларининг ҳазм қилиш фаолиятини ва ишчанлигини оширади, юракни қувватлантириб, жигар фаолиятини яхшилайди, иштаҳани очади ва бутун бадани кучлантириб, ўпкани енгиллатиб, нафас йўлинни равонлаштиради ва елни ҳайдайди.

Давои ғизоийнинг озуқалик хизматидан даволик қиммати ортиқ. Шунинг учун бадан қуввати пастлаб кетмаган, ошқозон-ичак фаолияти бир қадар яхши касалларга бу хил даволаш усулини қўллаш мақсадга мувофик.

### **3. Физио давоий**

Олдин озиқ бўлиб, кейин даволик қиладиган емаклар физио давоий дейилади.

Жумладан, ҳар хил кўкатлар ва мева-чевалар олдин киши баданини керакли витамин ва минераллар билан таъминлаб, баданинг озуқага бўлган эҳтиёжини қондириб, кейин ана шу дармондорилар етишмаслигидан келиб чиқадиган касалликларга шифо бўлади. Шунинг билан бирга, ўзининг табиати ва баданга кирган таъсири орқали сийдик ва катта ҳожатни равонлаштириб, мизожни ростлаб, сафро ва савдони ҳайдайди ҳамда иштаҳани очиб, шу каби қатор таъсирларни кўрсатади ва бутун аъзоларнинг физиологик фаолияти ва модда алмашинувини меъёrlаштиради. Бундай озуқалар бевосита дори ишлатса, бадани қабул қилмайдиган ёки бадани ожиз кишиларга мувофиқ келади. Умуман озуқалар билан даволашда bemor аҳволига қараб аввал физио давоий бериб, бадан қувватини ва бутун аъзоларнинг қабул қилиш иқтидорини ошириб, сўнг давои физио билан аъзоларни қувватлаш тадбири қўлланилса, бир қадар юқори унум беради.

## **БАҚЛАЖОНЛИ ТАОМЛАР**

*Бақлажан таркибида калий тузлари кўп бўлганлиги учун инсон танасидаги ортиқча суюқликни ҳайдаш, қон таркибида мавжуд бўлган холестеринни камайтириш хусусиятига эга. Паришонхотирликка, жигар, буйрак, меъда-ичак хасталикларига, бод, подагра, бўғин қуруқлашиши, туз иғилиши каби касалликларни даволашда жуда яхши фойда қиласи.*

\* Беш-олти дона ўртача пиёзни тўғраб, беш дона картошка, ўн дона бақлажонни тўртга бўлиб тўғраб ёғда қовурилади ва устига бир пиёла қайноқ сув қуйиб яrim

соат димлаб еб турилса, *фаромушилик*, *паришонхотирлик* дардига шифо бўлади.

Кичик бақлажонларни бўлакчаларга бўлиб қиём тайёрлаб еб турилса, эслаш қобилиятини тиклайди.

\* Товуқ гўшти ва пиёзни майда тўғраб, ичи ўйиб олинган бақлажон гуруч билан тўлдирилади. Қозонга писта ёғидан бир чўмич солиб, беш дона пиёзни булғор қалампири билан қовурилади. Икки дона олманинг пўстини арчиб тўрт бўлакка бўлиб, ичи тозаланади. Икки дона турп, бир дона саримсоқни ҳам тозалаб қовурманинг устига солинади. Кейин бир литр қайнот сув қуйиб паст оловда ярим соат қайнатилгач, ичи тўлдирилган бақлажонларни қозонга солиб димлаб пиширилади. Бу таом инсон танасидаги *кераксиз суюқликни ҳайдайди, шишларни қайтаради*.

\* Етти дона ўртача пиёз юпқа қилиб тўғралади. Уч дона сабзи қирғичдан ўтказилади. Бир донадан қизил лавлаги ва картошкани қирғичдан ўтказиб аралаштирилади. Тўрт дона тухум, беш ош қошиқ нўхат уни билан аралаштирилади ва ичи тозаланганди бақлажонга тўлдирилиб, таъбга кўра мурч, зира, туз солинади. Мантиқозонда пиширилади. Бу таомни тез-тез еб турилса, *подагра касаллигига, бўғинлар орасига йиғилган тузларни тозалашга ёрдам беради*.

\* Олти дона қизил сабзи қирғичдан ўтказилади. Тўрт дона тухум билан гречка аралаштирилади. Туз, зира, ҳар хил кўкатларни майда тўғраб аралаштирилади ва масаллиқлар усти ярим соат ёпиб қўйилади. Кейин бақлажоннинг ичини тозалаб, унга тиқилади ва мантиқозонда димлаб пиширилади. Бу таом *сурункали қабзиятга шифо бўлади*.

\* Бақлажонни тўртга бўлиб, тузлироқ сувда қайнатиб пишириб олинади. Товоққа сузиб чакки, қатиқ ёки қаймоқ билан еб турилса, қорин дам бўлишига фойда қиласи.

## БЕХИЛИ ТАОМЛАР

*Беҳи ҳам ғам-андуҳни кетказади, қалбни пок, қўрқоқни ботир қиласди, юрак ва меъдага қувват баҳш этади, шаҳватни қўзғатади, қайт ва қон кетишининг олдини олади, пешобни ҳайдайди, чанқоқ, оғиз қурушига даво бўлади. Данагининг қайнатмаси йўталга, ични юмшатишга даво бўлади.*

Шоир айтгандек:

*Сиқилган юрак ёзилар ундан,  
Қусқи келса қайтарар тандан,  
Ургу-чи, қиласи ичини мулойим,  
Гуни эса қабизни келтирас доим.*

*Буйрак билан қовуқ ишин хуш қилас.  
Еғи эса дардларнинг бағрини тилар,  
Беҳи есанг овқат тез ҳазм бўлар,  
Ошқозон ҳам унга кўп таъзим қилас.*

\* Ҳомиладор аёллар ҳомиладорликнинг 3-4 ойлигига овқатдан ярим соат кейин беҳи истеъмол қилсалар, фарзанди чироили, хуисурат бўлиб туғилади.

\* Беҳи таркибида 12 % қанд, 4 % органик кислота, олма, узум, лимон кислоталари, эфир мойи, ошловчи моддалар, витамин С, темир, мис, кальций тузлари бор. Ургуда 20 %ча шиллиқ глюкозалар, 7 % мой, фойдали озуқалар мавжуд.

\* Беҳи мевасидан қайнатма шўрва тайёрлаш учун қўй гўшти, туз, сабзи, олча, беҳи солиб икки соат қайнатиб шўрва тайёрлаб ичилса, астма касалига, юрак соғлигига даводир.

\* Беҳининг ичини тозалаб, унга асал, майиз, бодом мағзи ва қиймагўшт солиб, печда пишириб ейилса, дармонсизликка фойдалидир.

\* Бир кг беҳини гүштқиймалагичдан ўтказиб, икки литр сув, ярим литр асал қўшиб ҳар куни наҳорда 50 г дан ичиб турилса, *мевдани кучайтиради, балғамни, қусишни тұхтатади.*

\* Беҳидан сиқиб олинган суви астмага фойдали бўлиб, қон *туфлашни тұхтатади.*

\* Беҳининг ичини тозалаб, унга гүшт, қўй ёғи, пиёз солиб, печда пишириб ейилса, *юракни бақувват қиласи, қонни тозалайди.*

\* Ёнғоқ, бодом ва қийма гүштга новвот кукунидан қўшиб аралаштирилади ва шулар уруғидан тозаланган беҳи ичига тўлдирилиб, қофозга ўраб ва қўрга кўмиб ейилса, *совуқдан бўлган тана шишини қайтаради.*

\* Асалли беҳи мураббоси еб турилса, *камқувватликдан бўлган терлашга фойдалидир.*

\* Майда тўғралган қўй гүштини бир кг пиёз билан зайдун ёғида яхшилаб қовуриб, олти дона беҳини тўғраб, устига солинади ва ўн дақиқадан кейин бир пиёла қайноқ сув қуйилади. Паст оловда икки соат пиширилади. *Буйрак касаллигига шифо бўлади.*

\* Овқат егандан кейин орқасидан тезда беҳи ейилса, овқатни тез ҳазм қилдиради. Бирон соатдан кейин хомлигида ейилса, *ични юмшатади.*

\* Беҳининг ёш новдаси ва баргини салқин жойда қуритиб, майдалаб қўйиб, ҳар қандай кучли овқатга икки ош қошиқдан солиб ейилса, қон босимиға, қанд *касаллигига фойдалидир.*

\* Беҳининг уч донасини қирғичдан ўтказиб, беш дона ўртача пиёзни майда тўғраб, қўй ёғини ҳам майда тўғраб, зира, туз қўшиб аралаштириб сомса пишириб ейилса, *юрак ўйнашига фойдалидир.*

\* Ўртача уч дона беҳини қирғичдан ўтказиб, бир қошиқ ун билан сариёғда қовуриб, устига майдаланган бодомдан икки ош қошиқ қўшиб қовуриб, кейин ярим литр сув, ярим литр сут ва икки ош қошиқ шакар солиб, паст оловда қайнатиб истеъмол қилинса, қувватсизликка, семиришга даво бўлади.

\* Беҳидан қилинган қовурма манти. Беҳи кубик шаклида түғралиб, пиёз, думба ёғи майдалаб беҳига аралаштирилади ва манти тугилади. Ёғда қовурилиб, кейин қасқонда димланади. Тез ҳазм бўлади. Қувватни кўпайтиради.

## БОДРИНГЛИ ЕМАКЛАР

*Бодринг таркибида калий тузлари кўплиги туфайли ортиқча тузларни, ёғ, оқсил моддаларнинг организмга сингишини осонлаштиради, изтиробли йўтални камайтиради, сийдик ҳайдашни кучайтиради, қабзиятдан халос қиласди. Бодринг уруғи бўғин оғриғи, нафас йўллари касалликларини даволашда яхши фойда қиласди.*

\* Ўн дона бодрингнинг пўчоғи олиниб, дум қисми кесиб ташланади ва тўрт бўлакка бўлинади. 3-4 дона ўртача пиёзни юпқа қилиб тўғраб, зайдун ёғида қовуриб олинади ва устига тўғралган бодринг, кўк ловия, хом олча, олхўридан 7-8 донадан солинади. Уч дона помидор майда тўғраб қозонга солинади ва оғзини ёпиб, паст оловда пишириб еб турилса, қанд касаллигига шифо бўлади.

\* Беш-олти дона бодринг пўсти билан, тўрт дона ўртача бақлажон, икки дона олма, бир дона беҳи (пўсти олиниб) – ҳаммасини тўртбурчак шаклда тўғраб аралаштириб, салат қилиб еб турилса, қандли диабетга шифо бўлади.

\* Ўртача бодрингнинг ичи ўйиб олинади ва шу олинган уруғларини гўшт, пиёзга аралаштириб, ичига тиқиб, дўлма пишириб еб турилса, калий етишмаслигига фойдалидир.

\* Бодрингнинг ичини ўйиб олиб, олинган уруғига товуқ гўшти, юпқа тўғралган пиёз, гречка солиб аралаштирилади ва ичига тиқиб, мантиқозонда пишириб еб турилса, ошқозон ости бези шишини қайтаради.

\* Етти-саккиз дона бодринг, беш дона бақлажоннинг пўстини олиб, майда тўртбурчак қилиб тўғралади ва икки дона олманинг пўстини арчиб-тўғраб аралаштириб, салат қилиб еб турилса, қанд касаллигининг олдини олади.

\* Олти дона пишган бодринг, 9-10 дона ерноки,

икки дона лимон, ўн дона ўрик қоқи, икки дона қизил лавлагини сомон шаклида тўғраб, тўрт дона ўртача пиёзни зифир ёғида пишириб, тайёрланган маҳсулотларни солиб, бир литр қайноқ сув қўйиб, устига кўк карамни сомонча шаклида тўғраб солиб, паст оловда димлаб пишириб еб турилса, қонни тозалайди, тузларни ҳайдайди, қанд касалининг олдини олади.

## КАРАМЛИ ТАОМЛАР

*Карам инсон организми учун зарур бўлган витаминаларга бой неъмат ҳисобланади. Оғриқ қолдириш хусусиятига эга. Карамнинг барги экзема, яралар ва шиллиқ ўスマларни даволашда ишлатилса, яхши фойда қиласи. Карам таркибида С, В1, В, Р витаминалари, органик кислоталар, тузлар, оқсиллар, аминакислоталар ва бошқа юмшатувчи моддалар бор. Шунинг учун ҳам карам шифобахш неъмат сифатида қадрланади.*

\* Карамни сомон шаклида тўғраб, гўштмайдалагичдан ўтказилади ва 4-5 бош пиёзни тўғраб, кунгабоқар ёғида қовурилади. Устига сомон шаклида тўғралган карам, икки дона олма, уч дона беҳини ҳам шундай тўғраб солинади ва ярим литр сув қўйиб паст оловда димлаб пиширилади. Бундай таом тузни ҳайдайди, ичакларга қувват бўлади.

\* Карамни майда тўғраб, пиёз билан қовуриб димлаб пишириб, гўмма қилиб ейилса, қонни тозалайди, тез ҳазм бўлади.

\* Ярим кг қиймалangan гўшт ва 4-5 дона ўртача пиёзни зифир ёғида қовуриб, битта гулкарамни гулларидан ажратиб устига солиб яна қовурилади. Уч дона помидор, тўрт дона бодрингни тўғраб, қовурманинг устига териб димланади. Паст оловда бир соат тайёрланади. Бу овқат холестеринни кетказади, қонни тозалайди, юракка қувват бўлади.

\* Битта гулкарам майдаланади, тўрт дона сабзи қирғичдан ўтказилади, тўрт дона картошка тўртбурчак шаклида ва икки дона помидор юпқа тўғралади. Товук

гүшти билан пиёзни қовуриб, бир литр сув қуйилади ва юқоридаги масаллиқлар қозонга солиниб, бир соат паст оловда қайнатилади. Сүнгра паст оловда ярим соат димлаб, устига бир пиёла гуруч солиб, димлаб пиширилади. Бу таомни истеъмол қилган одамлар қанд касаллигига ҹалинмайди, агар диабети бор бўлса, шифо бўлади.

\* Гўштмайдалагичдан ўтказилган бир дона карамга бир пиёла сариёф ва хамир ачитқиси қўшиб нон қилиб еб турилса, тузларни ҳайдайди, оёқ оғриқларига шифо бўлади.

\* Гўштмайдалагичдан ўтказилган яримта карам билан пиёзни зифир ёғида қовуриб, кейин тўрт ош қошиқда ун солиб, ярим соат қовуриб, ковлаб турилади. Устига бир литрча қайноқ сув қуйиб қайта пиширилади ва қуюлиб қолгунча қайнатилади. Бу малҳам карамли ҳолва дейилади. Бу таом кўкрак хилтини ўйқотади, балғамни қўчиради, қувват бахш этади.

\* Сиқиб олинган ярим литр карам сувига уч дона тухум, икки ош қошиқ гуруч уни солиб яхшилаб аралаштирилади ва кейин қозонга солиб газга қўйилади. Ярим соат аралаштириб ковлаб турилади. Аталага ўхшаб қолган қайнатмага таъбга кўра туз солиб ичилади. Бундай карамли атала подагра, бод касаллигига даво бўлади, ични юмшатади.

\* Сиқиб олинган ярим пиёла карам сувига ярим боғлам ялпиз билан ярим пиёла бодринг суви қўшилади ва устига бир ош қошиқ шакар солиб аралаштирилади. Ҳар куни уч маҳал 50 г дан ичиб турилса, жигар ва талоқ қотишига даво бўлади.

\* Карамни сувда қайнатиб, устига писта ёғида сомон шаклида майда қилиб тўғраб, қовурилган қўй гўшти, сомон шаклида тўғраб қовурилган қизил лавлаги солиниб, паст оловда бир соат қайнатилгандан кейин, тўртбурчак шаклида тўғралган картошкани кичик қилиб тўғраб солинади. Бир соат қайнатилади. Бу таом ичакларга яхши қувват бўлади, қонни тозалайди ва юмшатади.

\* Карам дўлма қилиш учун карамни бутунлигича қайноқ сувга солиб, ярим соат қайнатилади. Кейин орасини

очиб ичига қуидагиларни солишга тайёрлаб қўйилади: гўшт қийма қилинади, пиёз майда тўғралади ва гуруч қўшилади. Таъбга кўра зира ва туз қўшиб аралаштирилади ва тайёрлаб қўйилган карам барглари ичига солиб, икки учини ичига тиқиб ўрама тайёрланади. Олдин 4-5 дона пиёз ва уч дона сабзи тўғраб қовурилади, устига бир литр сув қўйиб, тайёр дўлмалар солинади. Тўрт дона помидор, кашнич, шивит, петрушка (бир боғ)дан майда тўғраб солиб, қозоннинг оғзини ёпиб пиширилади. Бу таом бадандаги тузлардан тозалайди, қувват бўлади.

## ЛАВЛАГИЛИ ТАОМЛАР

*Лавлаги инсон ҳаёти учун зарур бўлган табиий неъматлардан биридир. Лавлаги таркибида 20 %гача сахароза мавжуд. Илдизмевасида калций, олтингурут, фосфор, марганец, йод, мис, фтор ва С, В витаминалари ҳамда интерферон мoddаси бор. Лавлаги шарба тидаи қон босими ошиши, буйрак, ичкетар, камқонлик, қутилизлик каби касалликларни даволашда кенг қўлланилади. Таомблар лат еганда, шикастланганда, тери шишганда баргидан қўйиб фойдаланишган. Лавлагидан таом тайёрлаб истеъмол қилинса, тана учун жуда фойдали томонлари кўп.*

\* Тўрт дона лавлаги, тўрт дона ўртача сабзи, икки дона турпни қирғичдан ўтказиб, юпқа тўғралган олти дона пиёз, 200 г сариёғ, 250 г гречкани аралаштирилади ва ўйиб олиб тайёрлаб қўйилган лавлагиларни ичига солиб, манти қозонда димлаб пишириб сб турилса, қанд касаллигига шифо бўлади.

\* Тўрт-беш дона ўртача қизил лавлаги, уч донадан сабзи, турп ва шолғом сомонча шаклида тўғралади. Мол гўшти майда тўғралади ва пиёз билан қовурилади. Сув қўйиб паст оловда бир соат қайнатгач, ярим кг гуруч солиб паст оловда оғзи ёпиб пиширилса, шовла бўлади. Бу таом ошқозон-ичаклар яллиғланишида, қабзиятда шифо бўлади ҳамда бу касалликларнинг олдини олади.

\* Ўн донадан қизил лавлаги ва сабзи сувига беш ош

қошиқ асал, бир ош қошиқ кепаги олинмаган ун солиб аралаштирилади ва қозонни газга қўйиб, то қайнаб чиққунча аралаштириб турилади. Кейин чўмичда шопириб, таги билан ковлаб турилиб, ярим соат қайнатилади. Бу атала қизил қон таначалари фаолиятини яхшилайди, микробларни ўлдиради, шифо бахши этади.

\* Лавлаги баргидан сиқиб олинган бир пиёла суви лавлагининг ўзидан олинган икки пиёла шарбати ва икки пиёла қизил сабзи шарбатига ярим литр қайнатилган сув, 5-6 дона шолғомни тўртбурчак шаклида тўғраб солинади. Тўртбурчак шаклида тўғралган ошқовоқдан бир пиёласини олинган шарбатларга солинади ва қайнагунча ковлаб турилади. Бу таом балғам кўчирувчи, нафас йўллари касалликларини даволовчи антибиотик таом ҳисобланади.

\* Беш-олти дона қизил лавлагининг ичини ўйиб олиб, ярим кг товуқ гўшти билан гўштмайдалагичдан ўтказилади. Майдалангандан ёнғоқ мағзидан уч ош қошиқ бодом мағзидан икки ош қошиқ ва шолғом, зира уруги қукунидан озроқ олиб аралаштирилади. Шуларни ичи ўйиб олинган лавлаги ичига солинади ва устини қофоз билан ўраб, чўғнинг тагига кўмилади. Бир соатдан кейин олинади. Бу таом қувватни оширади, ошқозон ости бези фаолиятини яхшилайди, шишларни қайтаради.

\* Беш донадан қизил лавлаги ва қизил сабзи қирғичдан ўтказилиб, етти ош қошиқ майдалангандан ўрик данагидан солиб аралаштирилади. Ярим пиёла сариёғнинг дурдаси, уч дона тухум, ярим пиёла гуруч солиб аралаштирилади. Лавлагининг баргини қайноқ сувда ўн дақиқа буғлаб, ичига тайёрланган маҳсулотни солиб, ўрама ёки дўлма тайёрлаб мантиқозонда пишириб еб турилса, ҳар қандай буйрак касаллигига шифо бўлади, буйракка қувват беради, буйракдаги шишларни кетказади.

\* Ярим кг қўй гўштини майда тўғраб, 100 г зифир ёғида қовуриб олинади. Кейин пиёзни қовуриб ярим литр сув қўйиб, устига беш дона ўртача қизил лавлаги, уч дона сабзини тўғраб, гулкарар бутасини гулларидан

ажратилади ва қовурилган гўштнинг устига солиб, паст оловда димлаб қўйилади. Таом икки соатда тайёр бўлади. Бу димлама сурункали камқонликда фойда қиласди. *Ичаклардаги микроблардан тозалайди, даво бўлади.*

\* Икки ош қошиқ унни сариёғда қовуриб, қирғичдан ўтказилган тўрт дона ўртача лавлаги устига солиб қовурилади. Секин ковлаб туриб бир литр қайноқ сув қўйиб, паст оловда бир соат қайнатилади. Кейин унга ярим литр сув солиб қайнатилади. Буни лавлагили атала дейилади. *Сурункали қабзият ҳамда ичак яраларини даволайди. Меъда-ичакларда учрайдиган касалликларнинг олдини олади.*

\* Қизил лавлагини қайнатиб пишириб, тўрт бўлакка бўлинади. Тўрт дона тухумга тўрт ош қошиқ ун, шакар солиб атала қилиб аралаштирилади. Товага солиб печда пишириб еб турилса, *камқонликни бартараф этади, олдини олади.*

\* Олти донадан қизил лавлаги ва сабзи олиниб мантиқозонда пишириб, эзилади. Қотган нонни гўштмайдалагичдан ўтказиб, ярим пиёласини беш дона тухум билан яхшилаб аралаштириб котлетлар ясалади ва мантиқозонда пишириб еб турилса, *юракка қувват баҳш этувчи, жигар ва талоқдаги тўсиқларни очувчи таом бўлади.*

\* Ярим кг гўштни майда бўлакларга бўлиб, писта ёғида қовуриб, устига пиёзни солиб қовурилади ва ярим литр сув қўйилади. Беш донадан нок, лавлаги, тўрт дона олма, икки дона беҳини 4-5 бўлакга бўлиб қозонга солинади. Устига 5-6 дона олча, олхўрини ҳам солиб димлаб, қозоннинг оғзини ёпиб пиширилади. Бу димлама *жигар, талоқ тиқилмаларини очади, шишган бўлса қайтишига ёрдам беради.*

\* Ўн дона лавлаги, беш донадан қизил сабзи ва шолғомнинг ўртачасини олиб, шарбати ажратиб олинади ва бир пиёла асал аралаштириб шиша идишга солиб, қоронги жойга қўйилади. Ўн бир кундан кейин 50 г

дан уч маҳал ичиб турилса, қизил қон танаачаларини күпайтиради, камқонликка шифо бўлади.

\* Олти дона лавлаги димлаб пиширилади, 400 г шакарни 300 г ун билан аралаштирилади ва 50 г писта ёғида қовуриб, қиргичдан ўтказилади. Шуларга димлаб пиширилган лавлагини қўшиб қовурилади. Устига яrim литр қайноқ сув қуйиб, икки соат паст оловда ковлаб пиширилади. Бу ҳолвани товоққа сузигесиб ейилса, бош айланишини қолдирали, қувватсизликнинг олдини олади – шифо бўлади.

\* Лавлагини чўғда кўмиб пишириб еб турилса, глюкоза бўлади. Қувватсизликнинг олдини олади.

\* Лавлагининг ичини ўйиб, беҳини қиргичдан ўтказиб, думба ёғини майда бўлакларга бўлиб, беҳи билан аралаштириб, лавлагининг ичига тиқиб, қофозга ўраб чўғда кўмиб пишириб еб турилса, балғамни тозалайди, балғамдан пайдо бўладиган юрак касаллигига шифо бўлади. Ҳаво этишмаслигининг олдини олади.

## ОЛМАЛИ ЕГУЛИКЛАР

*Олмани халқимиз хомлай ейиш билан чекланиб қолган. Аслида олма инсон организми учун зарур бўлган витаминаларга жуда бой. Агар ундан таом тайёрлаб ейилса, фойдаси янада ортади. Олма таркибида темир, мис, калий, каротин, биотин, темир, органик кислоталар, ошловчи моддалар, C1, B1, PP дармондорилари, фосфор мавжуд бўлиб, энг яхши юмшатувчи ҳамдир. Олмани “жаннат меваси” дея таъриф этишлари бежиз эмас. Инсон соғлигини сақлашда олманинг жуда кўп фойдаси бор. Шарбати ошқозон фаолиятини мустаҳкамлайди. Кичик тошлиарни, қумларни туширади. Ҳар куни олма истеъмол қилган одамнинг қони мусаффо бўлади.*

\* Тўрт дона олмани қиргичдан ўтказиб, унга иккита ёнгоқ мағзини эзиг қўйилади. Бир дона тухум оқини кўпиртириб, бир ош қошиқ шакар ҳам қўшиб аралаштириб

*истеъмол қилинса, юрак-қон томирлардаги тиқилмаларни очади.*

\* Олмадан қилинадиган кулча. Битта нон учун беш дона олма, 100 г сарёғ, ачитқи, ун солиб хамир қилинади. 200 г сув қуйилади. Шу хамирни ачитиб, нон пишириб, истеъмол қилинса, ҳарсиллаб нафас олишни йўқотади, камқувватликка фойда қиласди.

\* Олмадан қилинадиган атала. Олти дона олма пўстини тозалаб қирғичдан ўтказилади. Унни сариёғда қовуриб, қизаргандан кейин устига бир литр сув қуйилади ва олма солинади. Паст оловда бир соат қайнатилади ва ўн дақиқадан кейин тўрт ош қошиқ асал солиб қайнатиб, атала тайёрланади. Шундан ҳар куни ичилса, меъда, ичакларни ёмон хилтлардан тозалаб, қувват баҳши этади.

\* Олмани сабзи шаклида тўғраб, пиёзни нафис тўғраб, товуқ гўшти билан бодом ёки зифир ёғида пишириб палов қилиб истеъмол қилинса, меъдага қувват беради, қорин, буйрак шишини қайтаради. Бу энг тез ҳазм бўладиган ош саналади.

\* Бир литр сувга уч дона тухум, бир пиёла гуруч, олти дона олма, 50 г сариёғ, бир пиёла чакки ёки қатиқ солиб, тухум аралаштирилади. Газ печга қўйиб, то қайнаб пишгунича таги олиб кетмаслиги учун аралаштириб турилади. Таъбга қараб туз, зира, ялпиз кукуни солинади. Буни олмали, қатиқли таом дейилади. Қандли диабет касаллиги бор одамлар истеъмол қиласа, қувват бўлади.

\* Олмали гўмма. 10-15 дона олма, кашнич, шивит, пиёзни майда тўғраб, ичига сариёғ, асал қўшиб димлаб пиширилади. Кейин хамирга таъбга кўра туз қўшилади. Таъёrlаш учун бир дона тухум, бир чой қошиқда ичимлик содаси, ярим пиёла ёғ, ярим литр сув қуйиб хамир қилинади. Ярим соат тиндириб, хамир ёйилади. Димланган маҳсулотни солиб яхшилаб тугиб пиширилади. Ҳар куни, кунора еб турилса ҳам меъдага тегмайди, қонни тозалайди, қувват бўлади.

\* Олти дона олмани қирғичдан ўтказиб, бир боғдан кашнич, шивит, шавилни майда тўғраб, ярим кг гречка,

түрт дона пиёзни қовуриб, бир литр сув қуйилади. Кейин олма устига гречка, кўкатларни солиб, паст оловда димлаб пиширлса, гречкали шовла бўлади. Қандли диабет касаллигига, қонни тозалашга шифо бўлади.

\* Саккиз дона олмани қиргичдан ўтказиб, қуритилган хушбуй олма кукуни, гуруч унидан икки ош қошиқ асал, тўрт ош қошиқ жўхори унидан, икки ош қошиқни яrim литр сувга аралаштириб, оловга қозонни қўйиб бўтқа ҳолига келгунча паст оловда аралаштириб турилади. Совигач, ичига яrim чой қошиқ ичимлик содаси, уч дона тухум, майдалагичдан ўтказилган гўшт, ялпиз, петрушкани солиб яхшилаб аралаштириб, товага кунгабоқар ёғидан озроқ солинади ва ёғ қизигандан кейин паст оловда бир ош қошиқдан солиб, қўймоқ пишириб ейилса, қувватсизликнинг олдини олади, бош айланишига шифо бўлади.

\* Беш дона олма, тўрт дона нок, шивит, райҳон ва ялпиз, майдалагичдан ўтказилган гўштни 1,5 литр қайноқ сувга солинади. Устига бир пиёла асал, бир пиёла гуруч солиб паст оловда пишириб, гўмма қилиб ейилса, қалтироқ бўлишнинг олдини олади, қувват беради.

## ПИЁЗЛИ ТАОМЛАР

*Бош пиёзда қанд-глюкоза, олтингугурт бирикмали эфир мойлари, каротин, С витамины, йод фитонцидлари бўлади. Кўк пиёз таркибида кўплаб эфир мойлари, қанд C1, В2 витаминлари, каротин, лимон, олма (органик) кислоталари мавжуд.*

\* Ўн дона пиёзни майда тўғраб, яrim пиёла зигир ёғида қовурилади. Кейин икки дона олма, бир дона ўртacha турп қўшиб димлаб пиширилади. Кашнич, шивит, ялпиз, петрушка кўкатларидан бир боғдан олиб, яхшилаб ювилади ва майда тўғраб, пишган пиёз устига солиб димлаб, ўн дақиқа қўйилади. Бу таом бош айланишини йўқотади.

\* Пиёзнинг ўртacha 7-8 донасини гўштмайдалагичдан

үтказиб, уч ош қошиқ унни кунжут ёки сариёғда қовуриб қизартирилади. Сўнг ярим пиёла шакар солиб, устига қайноқ сувдан аста-секин қўшиб ковлаб турилади. Ўн дақиқадан кейин гўштқиймалагичдан чиқарилган пиёз солинади. Атала қуюқ бўлгунча қайнатилади. Бу таом пиёзли ҳолвайтар дейилади. Ундан эрталаб истеъмол қилиб турилса, камқон беморларга фойда қиласди. *Сурункали қўрқувни бартараф этади.*

\* Ўн дона пиёзни майда тўғраб, ярим кг қўй гўштини майдалагичдан үтказиб, кунгабоқар ёғида қовуриб пишириб еб турилса, қувватни, эрликни оширади, шифо бўлади.

\* Ўн дона ўртача пиёз, тўрт дона сабзи, икки дона қизил лавлагини майдалаб тўғралади ёки қирғичдан үтказилади. Товуқ гўшти майдалаб тўғралади. Шундан сомса қилиб еб турилса, жигарга, юракка қувват бахш этади, шифо беради.

\* Ўн-ўн беш дона пиёзни майдалаб, зира, петрушка, арпабодиён кукуни билан барчасини писта ёғида қовурилади. Сўнгра хамирни ёйиб, орасига солиб қатлама тайёрлаб еб турилса, *кўнгил айланишига, ошқозон дамланишига шифо бўлади.*

## САБЗИЛИ ТАОМЛАР

*Сабзидан асосан фақат ош, шўрава, димлама қилиб ейишади. Унинг таркибида инсон организми учун зарур бўлган керакли витаминлар: A, C1, C2, 15 % қанд крахмали, пектин моддалари, фосфаминалар, ферментлар, минерал тузлар, ёF, эфир мойлари, қон тозаловчи, ошловчи моддалар бўлиб, улар қонни тозалайди, қувват бахш этади. Сабзи, айниқса, саратон ва бошқа кўплаб касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Фақат ундан қандай фойдаланишини билиш керак.*

\* Ҳажми каттароқ сабзи олинади. Уни икки ёки учга бўлинади. Ўртаси ўйиб олинади ва қуйидаги масаллиқлар

солинади: гўштни майдалагичдан ўтказилади. Пиёз юпқа тўғралади. Арпабодиён уруғи яхшилаб туйилади ва шуларга озроқ зира, сабзи уруғи, таъбга яраша туз қўшиб, аралаштирилади. Шу масаллиқлар ўйиб олинган сабзи ичига тиқилади ва печга қўйилади. Тез-тез еб турилса, сийдикни ҳайдайди, тошларни майдалайди. Айниқса, саратон касаллигига даво, тамаки ва бошқа тутунлардан заҳарланишинг олдини олади.

\* Тўрт-беш дона сабзи димлаб пиширилади. Устидан сабзи уруғи, кашнич, шивит ва мурчдан майдалаб, бир чой қошиқ солинади ва аралаштирилади. Уч дона тухум, бир ош қошиқ шакар қўшилади ва мантиқасқонда пиширилади. Бундай овқат қорин дамини кетказади, ичкетарга яхши фойда қиласди.

\* Ўртача олти дона сабзи мантиқасқонда димлаб пиширилади. Яхшилаб эзид, устига тўрт қошиқ асал солиб аралаштирилади. Уч-тўрт маҳал тўрт ош қошиқдан еб турилса, камқонлик, бош айланишига шифо бўлади.

\* Сабзини қиргичдан ўтказиб, сутда пишириб истеъмол қилинса, колит, ич қотиши, сурункали қуланж касалликларига шифо бўлади. Шунингдек, йўталга, овоз чиқмай қолганга даводир.

\* Сабзини қиргичдан чиқариб, пиёз юпқа тўғралади, жizzани гўштмайдалагичдан ўтказилади ва хоним қилиб еб турилса, қувват бўлади, инсон тез очиқмайди.

\* Сабзини тўртбурчак қилиб тўғраб, пиёз, зира, сабзи уруғи, думба ёғи, мурч қўшиб сомса қилиб истеъмол қилинса, эрлик қувватини оширади.

\* Сабзини кўпроқ тўғраб, бир кг қўй гўштини зифир ёғида ўртача беш дона пиёз билан димлама қилиб еб турилса, ичакларнинг сурункали яллиғланишига даво бўлади, зотижамга фойда қиласди.

\* Икки ош қошиқ ун зифир ёғида қовурилади. Ун қизаргандан кейин бир литр қайноқ сув қуйиб, қиргичдан ўтказилган ўртача катталиктаги саккиз дона сабзи солинади. Устига ярим пиёла асал қўшиб, қуюқлашгунга

қадар паст оловда аралаштириб пиширилса, сабзили ҳолвайтар бўлади. Бу таомни ҳар куни эрталаб еб турилса, ич, бурун, киндик атрофи шамоллашига шифо бўлади, қонни тозалайди.

\* Кўй гўштини гўштмайдалагичдан ўтказилади, пиёз билан қовурилади, сабзини тўртбурчак шаклида тўғраб, ун қўшиб димланади. Сўнг зира, сабзи уруғи, кўк пиёз, сабзи барги, мурч қўшиб аралаштирилади ва қайноқ сув қўшиб яrim соат паст оловда қайнатиб, ивитиб қўйилади. Устига ловия, гречка солиб паст оловда яна димлаб қўйилади. Бу таом инсультга, қонни суюлтиришга, қон босимиға қарши шифо бўлиб, тўйимли овқат ҳам саналади.

\* Сабзининг сиқиб олинган сувига гречкани ивитиб қўйиб хомлигича ейилса, қонни тозалайди, қувватсизликка даво бўлади.

\* Сабзини кўпроқ тўғраб, қўй гўштида қилинган шавлага зира, сабзи уруғи, узун мурч солиб пиширилади. Юмшоқ бўлиб пишгандан кейин шивит, сабзи барги, кўк пиёзни майда тўғраб, шовланинг устига солиб, 15 дақиқа аралаштириб, кейин ейилса, танани туздан тозалайдиган таом бўлади.

\* Кўпроқ сабзи солиб пиширилган палов танага қувват бўлади.

\* Бир донадан сабзи, қизил лавлаги ва шолғомни қирғичдан ўтказиб аралаштириб еб турилса, қонни тозалашга фойдалиdir.

## САРИМСОҚЛИ ТАОМЛАР

*Саримсоқ таркибида эфир мийи, Е витамини, гликозид, азотли моддалар, минерал тузлар, йод бор. У қувватлантирувчи ва тана учун яхши озуқадир.*

\* Икки донадан саримсоқ, пиёз, беҳи ва бир донадан олма, кичикроқ оқ лавлаги олинади. Димламага солинадиган шаклда майдалаб, қўй гўштини кичик бўлакларга бўлиб қозонга солинади. Устига тўғралган

маҳсулотларни солиб туз, зира, кашнич кукуни билан димлаб қўйилади. Икки соатда тайёр бўлади. Бу димлама юракка қувват бахш этиб, эрликни оширади.

\* Ярим кг товуқ гўштини бир чўмич зигир ёғида қовуриб, кейин тўрт дона пиёз солиб қовурилади. Беш-олти дона саримсоқни алоҳида-алоҳида ажратиб, қовурманинг устига териб қўйилади. Беш дона ўртача шолғомни иккига бўлиб, икки дона сабзини тўртбурчак шаклда каттароқ тўғраб солинади. Масаллиқлар устига бир литр қайнок сув қуишиб, паст оловда қайнатилади ва зира, мурч, занжабил кукуни қўшиб қайнатилади. Бундай шўрва балғам кўчирувчи, нафас йўлларини тозаловчи шифобахш таом саналади.

\* Иккита саримсоқ, битта пиёз, иккита нок ва битта беҳи қирғичдан ўтказилади. Бир литр қаймоққа тўрт ош қошиқ ун, тўрт дона тухум солиб роса аралашгунча аралаштирилади. Кейин бир пиёла сувни қозонга айлантириб қўйиб оловга қўйилади ва қайнагунча аралаштириб, қирғичдан чиқарилган маҳсулотларни солиб, бир соат паст оловда ковлаб пиширилади. Бу таом қонни тозаловчи бўтқа ҳисобланади.

\* Тўрт дона майда тўғралган саримсоқ, икки дона пиёз, ялпиз барги, кўк пиёз, шавил, отқулоқ баргини майдалаб, бир зувала хамирни ёғ, қатиқ билан қориб юпқа қилиб патир тайёрлаб еб турилса, тўқ сақлайди. Ошқозон ва ичаклардаги хилтлардан тозалайди.

\* Кичик ошқовоқни уруғларидан тозалаб, уч дона саримсоқни алоҳида бўлакларга бўлиб, 100 г ёғли қўй гўштини бир дона картошка, зира, туз, уч дона тухум билан яхшилаб аралаштириб, қовоқнинг ичига солинади ва манти қозонга қўйиб пишириб еб турилса, жигар ва талоққа фойда беради, юракдаги тўсиқларни очади.

## СЕДАНАЛИ ЕМАКЛАР

*Абу Али ибн Сино седана билан айрим кўз касалликларини даволаган. Седана ва асалга иссиқ сув қўшиб, шарбат ҳолига келтириб, қовуқ ва буйракдаги тошни даволашда ишлатган. Шунингдек, буюк табиб седанадан гижжа ҳайдовчи, газандалар заҳрини кесувчи ва асабларни тинчлантирувчи омил сифатида ҳам фойдаланган.*

\* Халқ табобатида седана уруғлари асосида тайёрланган дамлама тиш оғригини қолдиришда ишлатилади. Шунингдек, меъда оғриқларида ҳам тавсия этилади. Седана уруғидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қўйиб, устига уруғидан бир чой қошиқ солинади ва идишнинг оғзини ёпиб, бир соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докадан сузуб, дамламадан кунига уч маҳал бир ош қошиқдан ичилади. Унинг шифобахшлик хислатларига тўхталсак: кераксиз рутубатларни иситувчи ва қуритувчи, пиширувчи ва уларни ташқарига ҳайдашга тайёрловчи ҳисобланади. Шунингдек, ички аъзолардан ахлатни тортиб оловчи ва бадани покловчи ҳамdir. Пешоб ва ҳайзни равон келтиради. Шунингдек, бола йўлдошининг тезда тушишини ҳам таъминлайди.

\* Агар седана ейилса ва туйиб боғланса, совуқ мизожли йўтални ва йиринг аралаш қайт қилишга таскин беради, кўкрак қафасининг ички аъзолари, тик туриб нафас олиш, сариқ сув, сариқ касаллиги, юракнинг беҳузур бўлиши, талоқ хасталиклари ва бодли қўланжга даво бўлади. Буни ҳар куни наҳорга оч қоринга давомли еб турилса, пешоб, ҳайз ва сутни равон келтиради, агар ёғ билан ейилса, ранг-рўйни қизартиради, юзни мусаффо қиласди, сирка билан ейилса, меъдадаги барча қуртларни ташқарига ҳайдайди. Унинг 4,5-10,5 г ни илиқ сув билан ейилса, қутурган ит қопганига ва қорақорт заҳрига қарши дори бўлади. Шу миқдордагисини сканжабин (сиркали асал) билан истеъмол қилинса, узундан-узоқ давом этган иситма ва эски балғамли иситмага шифо бағишлиайди. Сув

ва асал билан ейилса, нотўғри нафас олишни даф қиласи, қоражигар ва қовуқдаги тошларни эритиб юборади.

\* Седанани күйдириб мирт билан бирга қайнатилса ва қуюқроқ ҳолда суви билан истеъмол қилинса, бавосилга шифо бағишлайди. Унинг хоми ҳидланса ёки латтага ўраб бир кеча-кундуз сиркада ивитилганини эзғилаб, эрта тонгда бурунга томизилса, совуқдан бўлган бош оғриқни даф этади. Бурун тешигидаги тиқилмаларни очади. *Тумов ва бурундан сув оқишини тўхтатади. Шунингдек, юзнинг бир томонга қийшайиб қолиши иллатини бартараф қиласи.*

\* Седанани туйиб, тоғ сафсаргулининг ёғи билан қоришириб бурунга томизилса, агар кўз гавҳарига тушган сув дастлабки босқичда бўлса, даф қиласи. Седанани туйиб, аччиқ тарвузнинг сувига қориб киндик атрофига суртилса, қориндаги ошқовоқ уруғига ўхшаган қуртларни дарҳол ҳайдай бошлайди. Ҳўл дармананинг суви билан аралаштириб суртилса, қориндаги узун қурт-гижжаларни шиддат билан ҳайдайди.

\* Агар седананинг туйилганини узум сиркаси билан хамир қилиб боғланса, сўгаллар, теридаги холлар, пес, майда тошма ва сувчечак, шунингдек, теридаги доғларни бартараф қиласи. Хамир қилиб боғланса қаттиқ шишларни, чипқонларни даф қиласи.

\* Седанани илитиб бошга боғланса, тумовни даф этади. Бошқа аъзоларга иссиқ белбоғ қилинса, бодларни таҳлил қиласи. Сувда қайнатиб, ўша сувга сирка қўшиб оғиз чайилса, совуқдан бўлган тиш оғриғига фойда қиласи.

\* Седанани майин эзғилаб, кўршапалак ёки қалдирғоч қони ёхуд афъо илони (кўлвор илон) қонига аралаштириб суртилса, теридаги оқ доғларни даф қиласи. Асал ва ёғ билан аралаштириб суртилса, агар ҳайз келиши чоғида бачадон оғриса, шифо бўлади. Қизилгул ёғига аралаштириб суртилса, хоҳ ҳўл, хоҳ қуруқ бўлсин, қўтирини тузатишда шифо бағишлайди.

\* Седанани бироз қовуриб, гулоб билан хамир қориб боғланса, оёқ кафтидаги савдоли жароҳатларни даф қиласи. Бошдаги рутубатлар, баъзи яраларни ва бошқа совуқдан бўлган ҳўл яраларни даволашда шифо бағишлайди.

## ТУРПЛИ ТАОМЛАР

*Халқимиз асосан турпнинг фақат кўкини истеъмол қиласди. Қизил, қора турпларни ҳамма ҳам билавермайди. Турпни фақат салат ёки шарбатини ичиш, асал солиб ичини ўйиб ичиш сифатида билишади. Турпдан таом тайёрлаб истеъмол қилиши кўпчилик билмайди. Турп таркибида 1,58 % қанд, оқсил, каротин, В1, С витаминалари, калий тузлари, кальций, магний, фосфор каби элементлар мавжуд бўлиб, улардан ични юмшатиш, сийдик ҳайдаш, балғам кўчириш, нафас йўлларидаги яллигланишларни даволашда кенг қўлланилади. Касалликларни фақат дори препаратлари билан эмас, балки шифобахш неъматлар ва улардан тайёрланган таомлар билан ҳам даволаса бўлади. Бу эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.*

\* Бир кг турп, ярим кг сабзи сомон шаклида тўғралади. Қўй гўшти зигир ёғида қовурилиб, кейин пиёз, сабзи, турп қовурилади ва бир кг гуруч солиб, ош пишириб ейилса, юракка қувват беради, қон айланишини яхшилаиди.

\* Турп, сабзи, шолғомдан тенг миқдорда олиб сомонча шаклида майда тўғралади. Пиёзни кунжут ёғида қовуриб, товуқ гўшти билан устига тўғралган сабзавотлар солинади ва бир литр сув қўйилади. Сўнгра ярим кг гречка ҳам солиб димлаб пиширилса, гречкали палов бўлади. Бу таом қандли диабети бор касалларга яхши шифо бўлиб, қабзиятдан ҳам халос этади.

\* Қизил турп, қизил лавлаги ва қизил шолғомдан тенг миқдорда олиб, тўртбурчак шаклида тўғралади. Пиёз писта ёғида қовурилиб, устига сабзавотлардан солиб, оловни паст қилиб қўйилади ва ярим литр сув қўйилади. Булар устига бир кун ивитиб қўйилган қизил ва оқ ловияни солиб димлаб пиширилса, балғам кўчирувчи, сурункали томоқ қичишишига шифо бўлади.

\* Ярим кг қўй гўштини икки литр қайнаб турган сувга солинади. Бир пиёла ивитилган нўхат, ярим кг турп, 4-5 та шолғом, қизил лавлаги, қизил сабзини

(түртбурчак шаклида) бўлакларга бўлиб солиб, паст оловда қайнатилади. Кўкат овқат пишиш олдидан солинади. Бундай шўрва зотилжам, ўпка касаллиги ва балғам кўчиришга шифо бўлади.

\* Кичикроқ турпларнинг ичи ўйиб олинади. Унга қиймаланган қўй гўшти, майда тўфраган пиёз, зира, мурч, тузни аралаштириб солинади ва манти қозонда пишириб еб турилса, юракка ҳаво етишмаслигига, балғам тозалашда шифо бўлади.

\* Тўрт ош қошиқ гуруч унига, тўрт дона тухумни солиб, устидан ярим пиёла совуқ сув қуйиб яхшилаб аралаштирилади. Яна бир литр сув солинади. Қозонни оловга қўйиб, қайнаб чиққунча айлантириб турилади. Кейин ўртача учта турпни қирғичдан ўтказиб қозонга солинади ва ковлаб турилади. Турп пишгандан кейин беш ош қошиқ асал солинади. Бу бўтқасимон таом ошқозон ости безига, ичаклардаги шлаклардан тозалашга, ичакларни юмшатишга ёрдам беради.

\* Уч ош қошиқ унни зайтун ёғида қовурилади ва унга бир литр сув қуйиб қайнатилади. Ўртача тўрт дона турпни гўштмайдалагичдан ўтказиб, 200 г бодом мағзини ҳам майдалаб, қайнаб турган аталага солиб пиширилади. Бу атала наҳорда ичиб турилса, юрак ўйногига шифо бўлади.

\* Ярим кг қизил турп, қизил сабзи, қизил лавлагини сомон шаклида тўғраб, писта ёғида қовурилади ва ярим литр сув қуйилади. Бир кг балиқни тозалаб майда бўлакларга бўлиб, устига солиб паст оловда икки соат димлаб қўйилади. Сўнгра эзилади – аталага ўхшаш қоришма пайдо бўлади. Бу таомни эрталаб нон билан еб турилса, кўз нурига, буйракка қувват бўлади.

\* Уч ош қошиқ унни зифир ёғида қизартириб қовурилади. Устига тўрт ош қошиқ асал солиб қовурилади ва паст оловда ярим литр сув қуйиб қайнатилади. Кейин қизил турпни сувидан бир литр солиб, паст оловда қуйилганча қайнатилса, ўзига хос ҳолвайтар тайёр бўлади. Шундан еб турилса, одам тез очиқмайди, қуввати ортади.

## ШОЛГОМЛИ ТАОМЛАР

*Шолғом серхосият неъматдир. У инсонни ғам-ғуссадан фориғ бўлишига ёрдам беради. Шолғом таркибида 1,75 % азот моддалари, минерал тузлар, В1, В2, РР витаминалари, каротин, ўткир юмшатувчи моддалар бор.*

Шолғом кўзларга қувват беради. Ҳоми ҳам, пишгани ҳам, суви ҳам тана учун жуда фойдалидир.

\* Шолғомни қирғичдан ўтказиб, бир пиёласини бир литр сутга солинади. Унга бир чой қошиқча майдалангандан зира кукуни солиб, ярим литр қолгунча қайнатилади. Уч маҳал овқатдан олдин, бир маҳал овқатдан кейин бир пиёладан ичилса, сурункали йўтални тўхтатиб, балғамни кўчиради. Кўз нурини кўпайтириб, иштаҳани очади.

\* Шолғомни сариёғда ун билан қовуриб, устига сув қуйилади ва паст оловда атала қилинади. Кунига уч маҳал ичиб турилса, изтиробли йўтал, сурункали ларингит, овоз бўғилишига даво бўлади.

\* Ўртасини ўйиб, қўй ёғи ва думбасидан солиб, қўрга кўмиб пиширилгани тери касалликларини даволашда ёрдам беради.

\* Ичини ўйиб гўшт, пиёз, майда туйилган ёнғоқдан аралаштириб солиб, манти қозонда пишириб ейилса, қувватни оширади, ҳолсизликка яхши даво бўлади.

\* Шолғомни тўрт бўлакка бўлиб, қўй ёғида қовуриб ейилса, ошқозондаги дамни ҳайдайди, қувватни кўпайтиришга ёрдам беради.

\* Кўпчилик шолғомнинг аччиғини ҳам, чучигини ҳам истеъмол қила олмайди. Шолғомни қайноқ сувда икки дақиқа қайнатиб олинади. Қўй гўшти, ёғи, майдалангандан пиёз, туз, зирани аралаштириб, ичи ўйиб олинган жойга солиб, духовкада пастроқ оловда пиширилса, эрлик қувватини оширувчи таом бўлади.

\* Олти дона шолғомни қирғичдан ўтказиб, унга тўрт ош қошиқ асал қўшиб, бир литр сутга солинади ва паст оловда 750 г қолгунча қайнатилади. Уч маҳал овқатдан

бир соат олдин, бир маҳал кейин ичилса, нафас йўлидаги балғамни тозалайди.

\* 300 г гўшт гўштқиймалагичдан ўтказилади ва кунгабоқар мойида сели кетгунча, кейин тўрт дона тўғралган пиёзни солиб қовурилади. Аралаштириб, устига олти дона қирғичдан ўтказилган шолғомни солиб, қозоннинг оғзини ёпиб, ярим соат паст оловда милтиллатиб қўйилади. Шу тариқа тайёрлаб ейилса, қон айланишига яхши даво бўлади.

\* Бир нечта шолғомнинг ичини ўйиб, унга қуйидаги масаллиқлар солишга тайёрлаб қўйилади. Гўштни қиймалагичдан ўтказиб, майда тўғралган пиёз, зира, туз қўшиб аралаштирилади ва тайёрлаб қўйилган шолғомлар ичига солиб тандирга ёпилади. Бу таом қувватии оширади, сурункали бош оғриғига фойда қиласди.

\* Гўштли шўрвага шолғом солиб тайёрлаб, гармдори аралаштириб ичилса ва ўраниб ётилса, шамоллашга шифо бўлади.

\* Шолғомнинг каттасини танлаб олиб, ичини ўйиб, унга думба ёғини зира, мурч ва пиёз билан аралаштириб солиб, қозонда ёки пахта матога ўраб чўғ тагига кўмиб пишириб ейилса, қувват оширувчи энг яхши шифобахши таом бўлади.

\* Шолғом барги билан бирга қирғичдан ўтказилиб, ҳар хил кўкатлар, пиёз аралаштирилиб, юпқа қатламани ичига солиб духовка (газ печи)да пишириб ейилса, камқонликка, бош айланишига фойдаси бор.

\* Шолғом баргидан қуймоқ тайёрлаш учун гўштмайдалагичдан баргни ўтказиб, бир пиёла шивит, бир боғ отқулоқ, тўрт дона тухум, ярим пиёла ун, таъбга кўра туз қўшиб, аралаштириб, 20 дақиқа кейин қуймоқ пишириб, эрталаб истеъмол қилинса, зеҳнни ўткирлаширади.

## ҮРИКЛИ ТАОМЛАР

*Халқымиз үрикни фақат мева сифатида истеъмол қилишади ва шарбатини ичишади. Үрикдан шифобахш таом тайёрлаш мумкинлигини билишмаса керак.*

*Үрик жуда кўп фойдали витаминларга бой неъмат саналади. Витамин В, қандлар, пектин, крахмал, микроэлементлар, калий тузлари, данагида эса 10 % гача глюкоза, қон тозаловчи моддалар мавжуд. Баъзи бир мамлакатларда үрикдан 50 га яқин таом тайёрлашади. Масалан, Ҳиндистонда Хунза қабиласи үрикдан турли таомларни тайёрлаб, шарбатларини истеъмол қилар эканлар. У ердагиларнинг ўртacha умри 100-150 ёш экан.*

\* Ўн-ўн беш дона үрик ивитиб қўйилади, данагидан ажратиб, эзгич билан эзиб атала қилинади. Кунгабоқар ёғида икки ош қошиқ унни қовуриб олиниди ва устига бир литр сув қўйилади. Кейин атала қилиб қўйилган үрик солинади ва паст оловда қайнатилади. Икки ош қошиқ асал ҳам солинади. Бу таом юрак ва ичаклар фаолиятини яхшилади.

\* Товуқ гўштини зигир ёғида қовуриб, 4-5 дона пиёз, сабзини ошга тўғрагандай тўғраб, қовуриб устига сув қўйилади. Бир дақиқа паст оловда қайнатиб, бир кг гуручга ярим кг үрик данаги қўшиб, устига гуруч солиб қайнатилади. Сувини тортгандан кейин 20 дақиқа паст оловда димланади, кейин яхшилаб аралаштириб, яна беш дақиқа димланади. Бу таом үрик шовла деб аталади. *Сурункали қабзият, қанд касалигига даво бўлади.*

\* Тўрт қошиқ ун зигир ёғида қовурилади ва тўрт қошиқ шакар солиб қиём шаклида эритилади. Ивитеиб қўйилган үрик данаклари ажратиб олиниб, эзилади. Қовуриб қўйилган ун устига илиқ сув қўйиб, паст оловда бир соат қайнатилади. Кейин эзилган үрик солинади ва қайнатилади. Масаллик қўйилгач, силлиқ бўлиб, ранги шоколадга ўхшаб қолади. Ликобчаларга солиб истеъмол қилинади, бу ҳолвайтар юракка қувват баҳш этиб, қонни тозалайди.

\* Ўрикдан димлама тайёрлаш учун ярим кг ўрик данагидан ажратилади. Ярим кг сабзи тўртбурчак қилиб тўғралади. Гўшт билан пиёз сариёғда қовурилиб, устига олдин ўрик, кейин тўртбурчак қилиб тўғралган сабзи билан картошка солиб димланади. Бир пиёла сув қуйилади. Бу димлама қорин дам бўлишини йўқотади, жисмга қувват бўлади, қонни тозалайди.

\* Бир пиёладан ловия, қора нўхат ва оқ жўхорилардан олиниб, бир кеча ивитиб қўйилади. Гўшт, пиёз, сабзи ва беҳини кичик бўлакларга бўлиб, қовурилади. Ярим кг ўрик данагидан ажратилиб – ҳаммаси устига солинади. Кейин дукаклиарни солиб, устига бир литр сув қуйилади ва кўк пиёз, кўк саримсоқ, ҳар хил кўкатлардан солиб паст оловда икки соат димлаб қўйилади. Бундай димлама, нафас йўлига қувват бўлади, балғам ва қонни тозалайди.

\* Данаги олинган ўрик ва пўсти арчилган олмадан ярим кг ини майдалаб тўғраб, пиёз билан аралаштириб сомса пишириб еб турилса, қорин дам бўлишига ва сурункали ичқотарга шифо бўлади.

\* Ярим кг ўрик, 250 г дан қовоқ ва олма, 150 г нок солиб паст оловда мил-мил қайнатилади ва бир пиёла гуруч солиб пиширилади. Устига тўрт қошиқ асал солиб, яхшилаб аралаштирилади. Шундай бўтқадан еб турилса, камқонликда шифо бўлади.

\* 400 г хом ўрикни данагидан ажратиб, майдалаб тўғралади ва ярим пиёла ун, беш дона тухум ҳамда таъбга кўра 1-2 қошиқ шакар, хамир содасидан ярим чой қошиқча солинади ва ҳаммасини қўшиб аралаштириб, қўймоқ тайёрлаб еб турилса, бош айланишини даволайди.

\* Бир кг ўрикни гўштмайдалагичдан ўтказиб, бир кг ун, бир пиёла ёғ, бир ош қошиқ ачитқи солиб хамир қилиб, нон пишириб еб турилса, қоринни тўқ тутади, эрлик қувватини оширувчи нон бўлади.

\* Қўй гўштини ёғда қовуриб, пиёзни майда, сабзини тўртбурчак шаклда тўғраб қовурилади. Ивитиб қўйилган нўхат, қуритилган ўрикдан 10-15 донасини солиб, паст

*оловда шўрва тайёрлаб ичиб турилса, сурункали қабзиятга, жигар, талоқ, юракка даво бўлади.*

\* Бир кг ўрик данагини гўштмайдалагичдан ўтказиб қозонга солинади ва устига 1,5 литр сув қўйилади. 0,5 кг гуруч солиб, паст оловда икки соат ковлаб туриб пиширилади. Тўрт ош қошиқ асал ҳам қўшилади. Бу таом гуручли ўрик бўтқаси дейилади. *Юракка қувват бахш этиб, қонни тозалайди.*

\* Бир кг ўрикни данагидан ажратиб, сомонча шаклида тўғралади. Бир пиёла сариёғ, устига яrim кг сариқ сабзини майда тўғраб қўшиб қовурилади. Яrim литр сув, икки пиёла гречка солиб, паст оловда оғзини ёпиб димлаб қўйилади. Бу таомни тез-тез еб турган одам қанд касаллигига чалинмайди. Қанд касали борларга жуда фойдаси кўп, юрак-қон томирларини тозалаб, қувват беради. Қанд касаллигининг асоратидан келиб чиқадиган турли дардларга даво бўлади.

\* Бир кг ўрик данагидан ажратилади. Яrim кг олманинг пўсти арчилади ва яrim кг нокни сомонча шаклида тўғраб, зайдун ёғида қовурилади ва бир литр қайноқ сув, икки пиёла гуруч ҳамда тўрт ош қошиқ асал солиб димланади. Кейин яхшилаб эзилса, бўтқа ҳосил бўлади. Юпқа қилиб орасига суртилади ва ўраб печда пиширилади. Бу ўрама қувват бўлади, буйракнинг тушишига, сурункали шамоллашга даво бўлади.

## ҚОВОҚЛИ ТАОМЛАР

*Қовоқ шифобахш неъматлардан биридир. Қовоқнинг асл ватани Америка бўлиб, унинг 50 дан ортиқ турлари бор. Марказий Осиёда 10-15 хили мавжуд: болкади, ош қовоқ, половкади, картошкақовоқ, бодрингсимон кади, саллакади, бўғмакади, тошкади, беқасамкади, узунқовоқ, кунгақовоқ, оқғўштқовоқ, чипоркади, томошакади, носқовоқ ва бошқа номлардаги қовоқларнинг ҳамма тури ҳам инсон учун фойдалидир. Таркибида 41 % гача қанд бор.*

*Ундаги мавжуд витамин В1, В2, С лар инсон танаси учун ниҳоятда фойдали саналади. Қовоқ таркибида кўплаб микроэлементлар борлиги аниқланган. Бу ундан қандай таом тайёрлаш ва ейилишига ҳам боғлиқ.*

\* Қовоқни тўртбурчак шаклида тўғраб, серпиёз қилиб, ичига думба ёғи қўшиб сомса тайёрлаб ейилса, қувватни оширади.

\* Қовоқни қирғичдан, ёнғоқни гўштмайдалагичдан ўтказиб, пиёзни майда, нафис тўғраб тайёрланадиган қатлама кўз нурини оширади ва қувват баҳши этади.

\* Қирғичдан ўтказилган қовоққа кўпроқ пиёз қўшиб, сариёғда димлаб пишириб ейилса, қон айланишига фойдаси бор.

\* Қари хўroz гўштига нўхат, ловия солиб, паст оловда икки соат қайнатиб, кейин ошқовоқ солиб қайнатиб пиширилган шўрва жигар касаллигининг ҳамма турларида шифобаҳши ҳисобланади.

\* Қовоқни тўртбурчак шаклда, пиёзни нафис қилиб тўғраб, зира, узунмурч, қайнатилган мош билан аралаштириб манти туғиб, товада кунгабоқар мойида қовуриб, кейин мантиқозонда димлаб пиширилса, қувват баҳши этади, қалтироқ, тутқаноқ касаллигини даволашга ёрдам беради.

\* Қовоқни ювиб-тозалаб, бўлакларга бўлиб манти қозонда пишириб ейилса, ични юмшатади, қонни тозалайди.

\* Мол гўштини чопиб, сели кетгунча сариёғда қовурилади ва узунқовоқ ва оқ шолғом солиб, димлаб қўйилади. Озроқ қайноқ сув, асал қўшиб пиширилади. Бу таом ични юмшатади, қонни тозалайди, сийдикни ҳайдайди.

\* Қовоқнинг қаттиқ пўстини арчиб, ичидаги данаклари ва ширин бодом данакларидан қўшиб блендерда аралаштирилса, сутга ўхшаш суюқлик ҳосил бўлади. Шу суюқликнинг бир литрига икки ош қошиқ ун қўшиб қозонга солиб, ковлаб туриб қайнатилса, худди аталадек

*масаллиқ ҳосил бўлади. У буйрак оғриғи ва яллиғланишига шифо беради.*

\* Бир кг қовоқни тўртбурчак шаклда тўғраб, икки литр қайноқ сув, бир литр асал солиб, паст оловда ярим соат қайнатилади. Совигандан кейин яна ярим соат қайнатиб, мураббо пиширилади, бу юрак тўсиқларини очади, юракка қувват бахш этади.

\* Саллакади ёки қовоқкадининг тепа қисми айлана қилиб кесиб олинади ва ичи тозаланиб, думба ёғи нафис қилиб тўғраб солинади. Орасига тўрт ош қошиқ гул ёғи, икки ош қошиқ асал солиб, оғзини ёпиб, ҳўл пахта матога ўраб чўғ тагига кўмиб, 1,5 соат қўйилади. Кейин олиб ейилса, қўл-оёқлар оғриғига даво бўлади, шишларини қайтаради. Тизза шишганда қовоқнинг гўштли жойидан олиб илитиб, 1-2 см қалинликда қўйиб, устига клёнка қофоз билан боғланса, тиззанинг букилиши ва шишган жойига ёрдам беради.

\* Қовоқгўмма тайёрлаш учун аввал пиёз нафис қилиб тўғралади. Қовоқ қирғичдан ўтказилиб, унга сариёғ ёки кунгабоқар ёғида қовурилган пиёз солиб димлаб пиширилади. Мантиқозонда пиширилган ошқовоққа ёғ қўшиб хамир қилинади. Унга туз, ачитқи солиб ачитилса, юмшоқ гўммага мос хамир ҳолига келади. Кейин хамирни туғиб, кунгабоқар ёғида пишириб олинади. Эрталаб ейилса, жигарга, томоққа, ошқозонга озиқали таом бўлади. Қорин дам бўлишининг олдини олади.

\* Мантиқозонда пиширилган қовоққа ёнғоқ мағзи, жizzга ва гўштни майдалагичдан ўтказиб қўшилади. Озроқ иссик сув, ош содаси солиб хамир қилинади ва қозонда пишириб, кейин бир миқдор оловга қўйиб, сутда пишириб олинади. Қувват бахш этади.

\* Қовоқни қирғичдан ўтказиб, гуруч билансувда пишириб олинади, кейин сут солиб 20 дақиқа қайнатилади. Таъбга қараб асал қўшиб ичилади. Бу ширкади деб аталади. Бу таом сурункали колит, ич кетишига, қон тозаланишига фойдалидир.

\* Қирғичдан ўтказилган қовоқ, пиёз, бодом, ёнғоқ мағзи (майдалангани)ни аралаштириб, түртта тухумга бир пиёла сут, 250 г маргарин ёғи ёки сариёғ қўшиб аталага ўхшаш қоришма тайёрланади. Унга хамир содаси қўшиб аралаштирилади ва оловдаги идишга нафис қилиб солиб, устига юқоридаги тайёр маҳсулотлар ёйиб солинади. Кўлни ёғлаб, устидан босиб чиқилади (атала қўлга ёпишмаслиги учун). Бундай таом бош айланишини даволовчи яхши даво саналади. *Хоҳлаган вақтда тайёрлаб ейиш мумкин.*

\* Мантиқозонда пиширилган қовоқни 4-5 бўлагига туз қўшиб хамир қилинади ва юпқа қилиб ёйилади. Юпқа орасига қаймоқ суртилиб, қозон қиздирилади. Юпқаларни устма-уст бостириб пиширилади. Бу таом қувват бахш этади, семиртиради.

\* Қовоқ палов тайёрлаш учун биринчи галда гўшт сарёғда қовурилади, кейин пиёз қовурилади, ундан кейин қовоқ солиб, устига сув қуйилади. Қайнатиб, ярим соатдан кейин гуруч солинади. Сувини тортгандан кейин димлаб пиширилади. Бундай қовоқпаловнинг қон кўпайишига, қонни тозалашга, камқувватликка фойдаси бор.

\* Қовоқли ҳолвайтар тайёрлаш учун 3-4 бўлак қовоқ қирғичдан ўтказилади ва бироз шакар қўшилади. Писта ёғида тўрт қошиқ унни қовуриб қизартирилади. Кейин майдаланган ёнғоқ мағзи қиздириб устига солинади. Шакар эригунча пишириб, қайноқ сув қуйиб аралаштирилади. Оловни паст қилиб қўйилса, суюқ аталадан суюқроқ масаллиқ ҳосил бўлади. Кейин қовоқ солиниб, қуюқлашгунча қайнатиб ковлаб турилади. Бундай ҳолвайтар балғамни кўчиради. *Нафас йўллари шамоллаганда ҳар куни истеъмол қилинса, шифо бўлади.*

\* Бир кг қовоқни тўртбурчак қилиб тўғралади ва бир кг асал, ярим литр сув қўшиб, мураббо пишириб, ҳар куни еб турилса, жигар, томоқ шишини олади.

\* Димлаб пиширилган қовоқقا сут, тухум, ун аралаштириб аталага ўхшаш суюқлик тайёрлаб, товага

*икки қошиқдан солиб, құймоқ қилиб истеъмол қилинса,  
бош айланишига ёрдам беради, шифобахш ва түйимли  
бўлади.*

\* Қовоқдан ширгуруч тайёрлаш учун олдин гуруч сувда қайнатиб олинади. Кейин қиргичдан ўтказилган қовоқ устига сут солиб пиширилади. Устига куйдирилган сариёғ билан асал аралаштириб, тайёр таом ўртасига ёғни ёйиб солинади. Бундай овқат танага қувват, кўзга нур бахш этади.

## ҚОВУНЛИ ТАОМЛАР

**Икки ош қошиқ унни писта ёғида яхшилаб қизаргунча қовурилади ва ярим литр қайноқ сув қуйиб, қириб олинган бир коса қовунни қозонга солиб, қовурилган ун билан ярим соат паст оловда қайнатилса, қовун атала ҳосил бўлади. Шундан еб турилса, кўз нурини оширади, шифо бўлади.**

\* Қовунли ширгуруч. Бир пиёла гуручни бир литр сутда қайнатиб, унга бир литр қириб олинган қовунни солиб, паст оловда ковлаб, қуюлгунча пиширилади. Бундай ширгуруч тез-тез еб турилса, бош айланишига, хотиранинг тикланишига шифо бўлади, олдини олади.

\* Қовунни кесиб, икки бўлакка ажратилади ва ичи пиёла билан қириб олинади. Кейин уни қозонга солиб, эзилтириб пиширилади. Пишгандан сўнг гречка, бир пиёла асал солиб паст оловда кавлаб, қуюқлашгунча пиширилади. Бу қонни тозалайди, юрак қон айланишига шифо бўлади, кўплаб касалликларнинг олдини олади.

## МЕВА ШАРБАТЛАРИ

**Анор шарбати.** Анор шарбати одатда мева доначалари ажратиб олингач, шиббаловчи мослама, матога солиб сиқиши билан ёхуд маҳсус шарбатни ажратиб берувчи асбоб воситасида ажратиб олинади. Анорни бутунлигича эзиш йўли билан ҳам шарбати ажратилиши мумкин. Анор шарбати табиатан нордон ёки чучук бўлишини инобатга

олган холда унга таъбга қараб шакар қўшилса бўлади. Анор шарбати туриш жараёнида ўз рангини ўзгартириши, сақланиш жараёнида таъми ўзгариши туфайли, уни сархил ҳолида истеъмол қилиш тавсия этилади.

Анор шарбати иштаҳа очади, овқат ҳазм бўлишини осонлаштиради, сариқ, зангила (лавша), ичбуруқ, камқонлик ва дармонсизликда фойдали ҳисобланади, шамоллаш билан боғлиқ бўлган хасталикларда (тумов, грипп, зотилжам каби) ижобий натижа беради, ҳароратнинг пасайишига мойиллик яратади.

Анор пустлоқлари билан эзилиб, шарбати олинган бўлса, у ични қотиувчи омил сифатида ҳам таъсир кўрсатади.

**Олма шарбати.** Етилиб пишган олма ювилади, шикастланган жойлари, шунингдек, ўзагидан тозаланилади. Сўнгра қирғичдан ўтказиб, сузилади ёхуд ажратиб берувчи асбоб воситасида шарбати ажратиб олинади. Олма шарбати фақат чинни, шиша идишларда оғзи пухта ёпилган ҳолида салқин жойда сақланади.

*Олма шарбатидан орамижон ичимлик тайёрлаш ҳам мумкин. Бунинг учун қайнатиб совутилган сувда қанд (шакар) эритилгач, унга олма шарбати солиниб аралаштирилади-да, сўнг лимон кислотасининг илиқ сувда эритилгани (1:20 нисбатда) қўшилиб обдон чайқалади.*

**Маҳсулотлар:** Ичимлик тайёрлаш учун 625 г олма шарбати, 40 г шакар, 400 г сув, 1 г лимон кислотаси олинади.

Олма шарбати камқонликда (таркибида темир моддаси бўлганлиги туфайли), дармонсизликда, ошқозон-ичак йўлларининг яллигланишида, сурункали бод, товуш бўғилиши, ичбуруғ, ниқризда, атеросклероз, паришонхотирликда фойдали ҳисобланади. Олма шарбати сийдик йўлларидаги тошларни нуратиш хусусиятига ҳам эга.

**Олча шарбати.** Одатда олча мевалари сархиллигича истеъмол этилади. Бироқ олча ўзига хос хуруш, нордон

таъмли бўлганлиги туфайли, унинг суви-шарбатини олиб таъбга қараб шакар билан мақбул ичимликка айлантириш ҳам мумкин. Терилган олчалар тоза сув билан ювилгач, сиқиб, суви ажратилади ва лозим кўрилган миқдорда шакар қўшиб, чучуклаштирилиб истеъмол қилинади.

Олча шарбатини сақлаш усули ҳам бор. Бунинг учун териб тозаланган олча шиша ёки чинни идишнинг 2/3 ёки 3/4 қисмигacha солинади, усти шакар билан тўлдирилади. Шишанинг оғзи тиқин ёки полиэтилен қопқоқлар билан пухталаб беркитилади-да, шарбати сизиб чиққунча сақланади. Ҳосил бўлган хуштаъм, мазали олча шарбати истеъмол қилинади. Унинг асосида компот, кисель ва бошқа хушхўр ичимликлар тайёрлаш мумкин. Мазкур усул билан олинадиган олча шарбатларини узоқ вақт сақлаб бўлмайди. Чунки олча данак мағзидаги амигдалин номи билан юритилувчи заҳарли модда ажралиши кузатилади.

Олча шарбати иштаҳа очади, овқат ҳазм бўлишини осонлаштиради, дармон бағишлияди, қонбосими меърида бўлишига мойиллик яратади, юқори нафас йўллари яллигланганида балғам кўчирувчи омил сифатида ёрдам беради. Шамоллаш билан боғлиқ бўлган касалликларда ҳароратни туширувчи, кайфиятни равшанлаштирувчи сифатида таъсир кўрсатади. Шунингдек, олча одамни тинчлантирувчи ҳамда тиришишдан ҳоли қилувчи хислатларига ҳам эга.

**Узум шарбати.** Одатда сархил узум истеъмол қилинади. Узум шарбати ҳосил қилиб (терилган узум шикастланган ҳамда қушлар чўқиган қисмиларидан холи этилиб, сиқиб, шарбати ажратилади), уни салқин жойларда сақланиш, шунингдек, ҳарорат билан ишлов бериб, стерилизация қилиб сақлаш ҳам мумкин.

Узум шарбати оғзи яхши пухталаб ёпилмаган идишларда сақланса ҳамда ҳароратли жойларда турадиган бўлса, унда бижгиш жараёни кетиб, сиркага айланиши мумкин.

*Узум шарбати қўшилган сутли ичимлик тайёрлаш учун*

*0,5 кг ҳусайни яхшилаб ювилади, эзилади ва тоза дока ёки элак воситасида сузилади. Шундан сўнг 0,5 литр сутга 0,5-1 стакан шакар солиб қайнатилади. Сутга узум шарбати қўшилади; тайёр ичимлик пиёла ёки стаканга қўйилади ва 1 чой қошиқ широбча солинади.*

Узум, шунингдек, узум шарбати халқ табобати амалиётида қовуқ, буйрак, жигар, юрак, меъда-ичак йўли касалликларини даволашда тавсия этилади. Шунингдек, никриз, бавосил касалликларини даволашда ижобий натижа бериши, қон тўхтатиш ва пешоб ҳайдаш хусусияти ҳам инобатга олинган.

Узум одам организмида модда алмашинувини яхшилайди, балғам кўчишига ёрдам беради, уни тинка қуришида, камқонликда, ўпка сили, зотилжам, зиқнафас, ошқозон-ичак йўли касалликларида истеъмол қилиш тавсия этилади.

Шунингдек, узум шарбати қон босимини тартибга солиб, меъёрлайди, юрак-қонтомир тизимида содир бўладиган айрим нуқсонларнинг келиб чиқишига барҳам беради. Узум кишини қабзиятдан холи этувчи мулойим сурги сифатида ҳам таъсир кўрсатади.

**Ўрик шарбати.** Одатда ўрик меваси сархиллигича ёки қоқи сифатида (туршак, баргак) истеъмол қилиниши билан бирга ундан шарбат тайёрлаб ичилиши мумкин. Ўрик қайси кўринишда истеъмол қилинишидан қатъи назар, ўзининг шифобахшлик хусусиятларини намоён этмасдан қўймайди.

Халқ табобати амалиётида ўрик юрак оғриганида, хафақон касаллигида фойдали ҳисобланади, у кишига дармон бағишлиди, камқонлик билан оғрийдиган кишиларга даво бўлади. Ўрик таркибида мавжуд бўлган калий тузи юрак-қонтомир тизими касалликлари билан оғриган bemorlarга нафли ҳисобланади.

Ўрик шарбати таркибида дармондори-витаминлар яхши сақланиши туфайли, изтробли хасталикларни бошидан кечирган, ҳолсизланган bemorlar учун жуда фойдалидир.

**Үрик ва унинг қоқилари ични юриштирувчи, мулойим сурги сифатида ҳам ишлатилади.**

**Қовоқ шарбати.** Одатда қовоқ турлари турфа таомлар сифатида, ҳароратли ишлов берилгач истеъмол қилинади. Қовоқ суви эса парҳез ҳамда даволовчи восита сифатида ичилиши мумкин.

Қовоқ шарбатини олиш учун, етилиб пишгани ювилади, арчилади ва уруғидан тозаланади. Сўнгра қирғичда қириб, суви докадан сузилади.

Қовоқ шарбати ичак фаолиятини яхшилайди, қабзият билан боғлиқ бўлган қулунж (колит) касалига даво бўлади. Бунинг учун кунига 2-3 стакан миқдорида сархил қовоқ шарбати ичилиши тавсия этилади.

**Юрак-қонтомир тизимининг касалликлари** билан боғлиқ бўлган, шунингдек, буйрак ва қовуқдаги нуқсонлар туфайли тана салқиши, шишишида қовоқ шарбатини ичилганида ижобий натижа беради. Бунинг учун кунига 0,5 стакандан сархил қовоқ шарбати ичиб турилиши лозим бўлади. Буйраги ва жигари касал bemорлар учун қовоқ шарбати жуда фойдалидир.

**Сабзи шарбати.** Сабзи кенг истеъмолдаги сабзавот сифатида турли таомлар тайёрлашда ишлатилиши билан бирга, унинг шарбати қатор хасталикларни даволашда қўлланилади.

Сабзи шарбатини олиш учун сабzinинг илдизмевалари бенуқсон, заҳа бўлмаган, чучук навлари танлаб олинади ва яхшилаб ювилгач, пўстидан ҳоли қилинади. Сўнгра яна бир бор яхшилаб ювилади-да, қирғичда қириб, суви дока воситасида сузилади ёки майда-майда тўғраб маҳсус асбобда суви сиқиб олинади.

Сабзи, шу жумладан, сабзи шарбати халқ табобати амалиётида пешоб ҳайдовчи, қовуқдаги тош ҳамда қумларни нуратувчи омил сифатида тавсия этилади.

Сабзи шарбати тери кўйганида ҳамда совуқ урганида, шунингдек, битиши қийин бўлган йирингли яра ва жароҳатларда ташқи муолажа сифатида нафлидир. Бунинг

учун озор топган жойлар шарбат билан ювилади. Сабзи шарбати билан яллиғланган оғиз ҳамда томоқ чайилади.

Сабзи шарбати гўдакларнинг организмини тараққий этиб, ривожланишига ёрдам беради. У ҳужайраларда мавжуд бўувчи оксидланиш – қайтарилиш жараёнларини уйғунаштиради, эт олишига ёрдам беради, углевод алмашинувини яхшилайди, овқатнинг ҳазм бўлишини осонлаштиради, эмизакли аёлларнинг сутини кўпайтиради (П.П.Голышенков, 1971).

Сабзи шарбати поливитамин сифатида организмда витаминалар етишмаслиги билан боғлиқ бўлган гиповитаминоз ҳамда авитаминозда, дармонсизликда, камқонликда беозор даволовчи омил ҳисобланади.

Сабзи шарбати, шунингдек, шакар билан чучуклаштирилгани истеъмол қилиниб туриладиган бўлса, одам организми турли касалликларга нисбатан бардошли бўлади, иштаҳаси яхшиланади, вазни ортади. Сабзи шарбати гастрит, энтерит каби касалликларга ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг учун бемор сабзи шарбатидан ошқошиқда эрталаб ноҳорга ҳамда кечқурун истеъмол қилиб туриши лозим кўрилади.

Сабзи шарбати, ўсимлик уруғлари билан дамлама кўринишида истеъмол этилса, пешоб йўлидаги тошни чиқаришга фойда беради.

Юқори нафас йулларининг шамоллаши билан боғлиқ бўлган бронхит йўталида сабзи шарбатининг асал билан омухтаси жуда яхши самара беради. Болаларнинг оғзи елланганида сабзи шарбати билан чайилиши яхши натижа бериши ҳақида маълумотлар бор.

**Тарвуз шарбати.** Кенг тарқалган полиз маҳсулотларидан бири тарвуз бўлиб, унинг «гўшт»ли қисми истеъмол қилинади. Тарвузнинг етилиб пишганларидан шарбат олиниши ҳам мумкин.

Тарвуз эти, шунингдек, унинг шарбати нафақат чанқоқ қолдирувчи, хушхўр омил бўлибгина қолмасдан бир қатор хасталикларнинг давоси сифатида фойдаланилади.

Тарвузнинг шарбати ўт қопчаси, буйрак ҳамда қовуқдаги

майда тош ва қумларни нуратиш ҳамда организмдан чиқариб юбориш хусусиятига эга. У истисқо (водянка) ва сариқ касаллиги билан оғриган беморларга тавсия қилинади. Шунингдек, ундан ўт ва пешоб ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади.

Тарвузда мавжуд бўлувчи қанд моддаси фруктоза кўринишида бўлганлиги туфайли, уни диабет билан оғриган беморлар истеъмол қилишлари ҳам мумкин. Юрак ҳамда буйрак касалликлари билан оғриган беморларнинг бадани салқигани (шишгани)да тарвуз яхши натижа беради.

Тарвуз шарбати жигар тўқималарини енгил сингийдиган қанд моддалари билан таъминлайди. Тарвуз таркибидаги холин моддаси жигар фаолиятини яхшилаб, ёғ алмашинувига ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, тарвузни склерозга қарши, камқонликка дармон бағишлоччи неъмат сифатида истеъмол қилиш буюрилади.

100 г қуритилган тарвуз пўчоини ярим литр қайноқ сув билан дамлаб, совигунича сақлаб, сўнgra дамлама шарбатидан ярим стакан миқдорида кунига 4–5 маҳал ичиладиган бўлса, у ўткир ва сурункали йўғон ичак яллиғланишида фойда беради.

Турп шарбати. Турп илдиз меваси, шунингдек, ундан ажратиб олинган шарбати оғриқ қолдирувчи сифатида бод (ревматизм), мушаклар ва нерв толаларининг шамоллашида баданга суртиш тавсия этилади. Бундай муолажада тери қизиб, қон юришиб кетади. Бунинг учун қуйидаги усулда турп шарбати тайёрланади: 3 ҳисса турп шарбати, 2 ҳисса асал ва 1 ҳисса ароқ ( $40^{\circ}$  ли спирт) дан аралашма тайёрланиб, бироз туз қўшилади (0,5 литр аралашмага 1 ош қошиқ миқдорида). Тайёрланган аралашма оғриқли жойларга суртилади.

Турп шарбати асал ёки шакар билан омухталикда (1:1 нисбатида) изтиробли йўталда балғам кўчирувчи ва тинчлантирувчи бўлиб хизмат қиласи.

омухта шарбатидан 1 ош қошиқ миқдорида кунига 3–4 марта истеъмол қилиш тавсия этилади.

*Доривор турп шарбатини қуийдагича тайёрлаш мумкин, бўтун бир турп олиниб, унинг ичидан чуқурча очилади, унга асал солиб қўйилади, вақт ўтгач турп шарбати асал билан аралашади.* Мазкур усул билан тайёрланган турп шарбати ўпка касалликларида, пешоб йўлидаги тош касалликларида, шунингдек, ўтдаги тош касаллиги, ниқриз хасталигига истеъмол этилади. Турп шарбати иштаҳа очади, кўкйўтал, ўпка сили, бронхит давоси ҳисобланади.

**Лимон шарбати.** Лимон ва унинг шарбати серхосиятлилиги билан ажралиб турди. Ҳалқ табобати амалиётида лимон левша, сариқ, истисқо, пешоб йўлидаги тош, бавосил, ўпка сили, бод касалликларини даволашда, шунингдек, ниқриз, атеросклероз, қон босими ва витаминлар етишмаслигига тавсия этилади.

Лимон шарбати безгак билан оғриган bemorning иситмасини тушириш, чанқофини қондиришда ҳам ёрдам беради. Лимон шарбати ташқи муолажа сифатида терининг замбуруғли касалликларида, бош ҳамда юзда мавжуд бўлувчи ёғли себорея азиятидан холи қилиш учун суртилади.

Тиббиёт амалиётида лимон ва унинг шарбати иштаҳа очиш учун, ошқозон-ичак касалликларида, организмда минерал тузларнинг алмашинуви бузилганида истеъмол қилиш буюрилади. Шунингдек, лимон шарбати муртак безларининг яллиғланиши (ангина), фарингит касалликларини тузатишда ёрдам беради.

Лимон, бошқа цитрус мевалари сингари организмнинг турли юқумли касалликларга нисбатан бардошлигини оширишда ёрдам беради.

Уй шароитида лимон шарбатини олиш осон. Бунинг учун парраклаб кесилган лимон устига шакар сепиб қўйилиши кифоя. Лимон шарбати салқин жойларда сақланиши лозим.

Лимон воситасида орамижон ичимлик тайёрлаш мумкин.

*Бунинг учун ўртача катталиктаги 1 дона лимон ва 120 г шакар (1 литрча ичимлик тайёрлаш учун) олинади. Лимон аввал пўчоғидан холи этилади, сўнгра сомондек қилиб тўғралади, устига иссиқ сув қўйиб, бир озгина қайнатилади-да, 3–4 соат давомида тиндириб қўйилади, кейин дока ёки элак воситасида сузилади. Ичимлик муздек совутилгандан кейин жуда ичишли бўлади. Бундай ичимлик нафақат чанқоқ қолдирибгина қолмай, балки иштаҳага барака бериб, кайфиятни зиёда этади.*

**Карам шарбати.** Карам ва карам шарбати халқ табобатида жуда қадрланадиган, шунингдек, қадимдан фойдаланиб келинадиган беозор даволардан ҳисобланади. Кўхна Рим шифокорлари карам одам танасини мустаҳкамловчи, турли хасталикларга нисбатан бардошли қилувчи, уйқу қочирувчи, бош оғригини қолдирувчи неъмат сифатида таърифлаганлар. Рус халқ табобатида майдаланган ёки нордон карам овқатни яхши ҳазм эттирувчи, лавша касаллигига хотима берувчи омил сифатида тавсия этилади. У енгил сурги сифатида колит касаллигига фойда беради, истисқо ҳамда никриз касалликларида эса сийдик ҳайдовчи сифатида фойдаланиш мумкин.

Сархил карам шарбати шакар билан аралаштирилган ҳолда юқори нафас йўллари қатарини даволашда, шунингдек, сариқ касалида ва талоқ касаллигига истеъмол қилинади.

Нордонлаштирилган карам шарбати оғиз бўшлиғи чайиладиган бўлса, милкларнинг бўшашиб ва тишларнинг бепанд бўлишидан сақлайди.

Нордон карам ва унинг шарбати бавосилда ижобий таъсир кўрсатади, айниқса, касаллик қабзият ҳамда қон кетиши билан кузатиладиган бўлса, янада нафлироқ бўлади. Шунингдек, ич кетиши, жигар касалликларида, оддий қабзиятда ҳам фойдаланиш мумкин.

Янги карам шарбатининг шакар билан аралашмаси йўтални қолдиради (балғам ажралишини осонлаштиради, томоқ хириллашини йўқотади), антисептик хосиятлар бор бўлиб, яллиғланишдан муҳофаза этади.

Терида мавжуд булавчи сўгаллар қайта-қайта карам шарбати билан артилиб туриладиган бўлса, уларнинг йўқолишига мойиллик яратади.

Карам барглари сутда қайнатилиб, кепак билан аралаштирилганини боғлама (припарка) сифатида фойдаланилса, ширинча ва сувли экземага даволик қиласди.

Қуритилган карам шарбати атеросклероз касаллигини даволашда қўлланилади. Карам таркибида мавжуд булавчи тартрон кислотаси одамнинг семириб кетишига йўл қўймайди.

Сархил, шунингдек, тузланган карам иштахани очади, меъда ширасининг ошишига ёрдам беради, ичак фаолиятини уйғунлаштиради, енгил сурги сифатида таъсир қиласди, пешоб ҳайдаш хусусиятига эга бўлади.

**Лавлаги шарбати.** Лавлаги турлари кўп бўлиб (қанд лавлаги, бурак-қизилча, жайдари ва бошқа), оддий хилидан сабзавот маҳсулоти сифатида фойдаланилади.

Лавлаги шарбати қадим замонлардан бери ўпка касалликларини даволашда қўллаб келинади. Лавлаги шарбати асал билан омухталикда қон босими касаллигини даволашда ишлатилади. Ташқи муолажа сифатида терининг яллигланишида лавлаги илдиз-меваларидан бўтқа тайёрлаб қўйилади. Лавлаги илдизмеваларининг қайнатма-шарбати қабзиятдан холи қилувчи ҳамда пешоб ҳайдовчи омил бўлиб хизмат қиласди. Қайнатма шарбати бурунга томизилса, тумовнинг давосидир.

**Маймунжон шарбати.** Маймунжон сархил ҳолида истеъмол қилиниши билан бирга ундан шарбатлар, компотлар, қиём мураббо, квас, кисель каби хушхўр маҳсулотлар тайёрланади.

Маймунжон меваси, шунингдек, унинг шарбати гўш касаллигини давоси сифатида фойдаланади. Бунинг учун бутун фасл давомида маймунжон мевалари истеъмол қилиниши лозим кўрилади.

Маймунжон меваларининг қоқиси асосида

тайёрланадиган қайнатма-шарбат яхши терлатувчи, ҳароратни пасайтирувчи омил сифатида шамоллаш билан боғлиқ бўлган касалликларда буюрилади. Мева ва мева шарбати иштаҳа уйғотувчи, ичак фаолиятини яхшиловчи восита бўлибина қолмай, балки лавша касаллигининг давоси ҳамдир.

*Маймунжон мевалари ҳамда наъматак меваларининг омухтаси асосида сервитамили чой тайёрланади. Бунинг учун 1 ошқошиқ миқдорида аралашмадан олиб, унинг устига 1 стакан қайнаб турган сув солинади-да, 10 дақиқа давомида енгил аланга устида қайнатилади. Сўнгра дока воситасида сузилиб, шарбатидан кунига ярим стакандан икки маҳал ичилади.*

*Мазкур шарбат инсон танасини мустаҳкамлаши билан бирга турли юқумли касалликларга нисбатан бардошлигини оширади.*

Маймунжон меваси, шарбати ва унинг асосидаги препаратлар склерозга қарши, ҳароратни туширувчи, терлатувчи, шунингдек, сервитамили омил сифатида юқори нафас йўлларининг шиллиқ пардаларининг яллигланишида, атеросклерозда, қон босимда ҳам тавсия этилади. Маймунжонли мураббони қайноқ чойга қўшиб ичиладиган бўлса, ғарак-ғарак терлатади, иситма тушириб, кайфиятни яхшилайди.

**Чаканда шарбати.** Чаканда мевалари, мойи, шарбати шифобахш восита сифатида бир қатор хасталикларни даволашда қўланилади. Жумладан, чаканда мевасидан ажратиб олинадиган мой (облепиховое масло) ва шарбати камқувватликда, тери, қулоқ, томоқ касалликларида ишлатилади. Ўсимлик шарбати оғриқ қолдирувчи ҳамда лавша касаллигига давосифатида тавсия этилади. Ўсимлик мевасининг шарбати ҳамда меваларидан тайёрланадиган мураббо гастрит ва меъда яраси касаллигига баъзан нохуш таъсир этмаслиги учун 1 кг чаканда мевасига 10–17 г миқдорда ичимлик содаси қўшиб юборилиши лозим бўлади.

**Шотут шарбати.** Шотут меваси, шунингдек, унинг шарбати кишининг кўнглини очади, иштача очиб, аъзоларга қувват беради, ичак фаолиятини уйғунлаштиради, қон босимини меъёрлаштиради ва атеросклерозга фойда қиласди.

Шотут мевасини чилонжийда меваси билан бирга қайнатилиб дифтерия, скарлатина касалликларини даволашда ишлатилади. Оғиз бўшлиғи касалланганида ана шундай қайнатма шарбати билан чайиш тавсия этилади. Булардан ташқари шотут шарбати яхши чанқоқ қолдирувчи ҳамда буриштирувчи беозор омил сифатида ҳам қўлланилади.

**Қулупнай шарбати.** Қулупнай резавор мева сифатида истеъмол қилинади. Қулупнай меваси ва унинг шарбати камқонликда, паришонхотирликда, хафақон, никриз касалликларида тавсия этилади. Унинг ковуқдаги тошдан холи қилувчи, буйрак ва ўт пуфагидаги тош ва қумларни нуратувчи хусусияти ҳам бор. Қулупнай шарбати сут ҳамда шакар билан аралаштириб берилса болалар танасини мустаҳкамлайди. Қулупнай меваларининг шарбати (эзилгани) терига суртилса, экземага даволик қиласди.

**Гулли шарбатлар** қадим замонлардан бери бир қатор хасталикларни даволашда фойдаланиб келинади. Шарқ халқлари табобатида гулқанд, гулоб ва гулли мурабболар сурункали ва ўткир йўталда, бедармонликда, камқонлик, ҳоргинлик, офтоб урганида ва ичбуруғ каби ҳолдан тойдирувчи, тинка куритувчи хасталикларда даво ҳисобланиб келган.

Атиргул гултожларидан тайёранадиган мураббонинг дармонбахшлиги, хуштаъм ва ниҳоятда хушбўйлиги маълум. Бироқ гулдан мураббо тайёrlаш усулини билиб қўйиш фойдали бўлади.

*Атиргул гулбаргларидан мураббо тайёrlаш учун гултожбарглар шонадан ажратиб олинади. Ажратилган гулбарг қисмлари йирикроқ кўзли элак ёки ғалвирга солиниб гулчанглари тўкилиб кетгунга қадар силтанади. Шундан*

*сунг гулбарглар ювилиб, 3–5 дақиқа давомида қайнатилади ва гулбарг сувдан ажратилади ва зудлик билан совитилади. Гулбарглардан ажратилган қайнатма сувлар шарбат тайёрлаш учун сақланади. Алоҳида шарбат тайёрлаш учун бир килограмм ҳисобида гулбаргларга 1,3 кг шакар, 2 л сув, 2 г миқдорида лимон кислотаси олинади. Совиб турган гулбаргларга шарбат-қиём, мұлжалдаги кислота құшилиб етилгүнича қайнатилади.*

*Атиргул гулларидан мураббо тайёрлашнинг яна бир усули бор: гултожбарглар сараланиб 2–3 дақиқа давомида қайнатилади-да, лимон кислотаси солинади ва оғзи беркитилган ҳолда 20 дақиқа давомида сақланади. Сўнгра қайнатма суви мураббо қайнатиладиган идишга солинади, гулбаргларидан тушган суюқликка шакар солиниб, шарбат-қиём ҳолига келгүнича қайнатилади. Ажратилган гулбарглар бир ош қошиқ миқдоридаги шакар билан обдон аралаشتрилгач, уни шарбат-қиёмга солиниб етилгүнича қайнатилади.*

**Маҳсулотлар:** 250 г саралаб олинган гултожбаргга 1 кг миқдорида шакар, 1 стакан сув ва 2–3 г атрофида лимон кислотаси кифоя.

Гул мураббоси ўта хушбўй, лаззатли ва татимли бўлиши билан бирга, кишига дармон бағишлиши билан ҳам ажралиб турди. Айни куз ва қиш паллаларида наҳорга гул мураббосидан бир қошиқ истеъмол этиб туриладиган бўлса, танани ҳар хил шамоллаш билан боғлиқ бўладиган хасталикларга нисбатан бардошлиқ қиласи. Гул мураббоси чойга қўшиб ичиладиган бўлса, тумов билан оғриган bemorga ором бағишлиайди.

Гулоб қадимдан Шарқ халқлари тибиётидаги атрофлича қўлланиб келинадиган доривор ҳамда баданга хушбўйлик ато этадиган омиллардан ҳисобланади.

Гулоб атиргул гултожбарларидан маҳсус қурилма асосида олинадиган хушбўй сув – атиргул мойидир.

Бунинг учун ҳали шудрингдан холи бўлмаган, эрталаб териб олинган атиргул тожбарлари ҳароратга бардошли, айнимайдиган чинни, сопол, шиша идишга тўлдириб

солинади-да, унинг устига най ўрнатилган (қамиш, шишали) қопқоқ ёпилади. Шундан сўнг сувли қозонга коса чўкмайдиган қилиб ўрнатилади. Косадан чиққан най улаштирилиб, қозондан ташқарида бўлган бирорта тоза идишга, гулоб йиғилиши учун тиркаштирилади. Қозондаги сув суст қайнатилганида, коса ичидаги гултожбарлардан ажралиб чиқаётган буғ най воситасида ўтиб қабул қилувчи идиш муҳитида совиб суюқликка айланади. Ажралаётган гул буғининг осонлик билан суюқликка айланишини ошириш мақсадида най, шунингдек, қабул идиши совуқ сув билан намланган латта билан ўраб қўйилиши яхши натижада беради.

Одатда гулоб қайта косага солиниб яна ҳайдалишига қараб ҳар хил оташли бўлиши мумкин. Агар гулоб икки бор ҳайдалган бўлса, «икки оташли», шунингдек, уч, тўрт оташли бўлади. Гулобнинг қанчалик оташи кўп бўлса, унинг сифат даражаси ҳам ортиб боради. Бир вақтлар атиргул мойлари тўртинчи оташли гулоб маҳсули ҳисобланган.

Гулоб зиққинафас, юрак дармонсизлигига малҳам булавчи, хуштабиат ичимлик ҳисобланади. У зотилжам ва ўпка яллиғланишига даво бўлади.

Гулқанд Шарқ халқлари табобатида бедармонлик, жинсий ожизлик, камқонлик, изтиробли йўталга таскин берувчи шифобахш омиллардан ҳисобланади. У бир қатор шарқона мураккаб дори-дармонлар таркибиға киради.

Гулқанд одатда атиргул тожбарлари ҳамда шакар воситасида тайёрланадиган ширинлик ҳисобланади. Гулқанд тайёрлаш учун қизил атиргуллар айни очилган паллада, тонг-саҳарда уларнинг гултожбарлари териб олинади-да, яхшилаб ювиб тозаланган ўғирда туйиб, шакар билан обдон аралаштирилади ва шиша идишга солиб офтобнинг тифиз нури тушиб турадиган жойга қўйиб қўйилади. Саратон кунлари офтоб нурида гул шарбати шакар билан яхши қовушади, натижада ўзгача татимликка ҳамда хушбўйликка эга бўлган гулқанд ҳосил бўлади.

Гулшароб мълум даражада ўз таркибида спирт сақлайдиган ичимлик турига кириб, у иштаҳага барака берувчи, кайфиятни зиёдаловчи, шунингдек ташқи муолажа сифатида баданни турли тошма ва хиддан фориғ этувчи восита сифатида фойдаланилади.

Гулшароб тайёрлаш учун атиргулнинг гултожбарглари тоза сувда ювиб олингач, чиркидан мусаффоланган, покиза қозон ёки сирли идишга солиб бироз сув билан қайнатилади. Аралашма тагига чўкиб, қўймаслиги учун ёғоч қошиқ билан аралаштириб турилади. Сўнгра гул барглар силқитилиб олиб ташланади, қолдиқ шарбат дока воситасида сузилиб шакар билан яхшилаб аралаштирилади-да, шиша идишларга солиниб оғзи пухталаб беркитилади (ичига ҳаво кирмаслик керак), шарбат идиши билан икки ҳафта мобайнида сақланиш жараёнида «қайнаб» тинчийди.

Тайёрланган гулшароб гул турига монанд рангли, хушбўй, татимли бўлади.

## ДАМЛАМА ВА ҚАЙНАТМАЛАР

Шифобахш ўсимлик маҳсулотларидан (ўти, барги, гули, меваси, илдизи, фунчаси каби) уй шароитида доривор дамлама ва қайнатмалар тайёрлаш усуллари ҳақида маълумотлар беришдан аввал ана шу маҳсулотларни тайёрлаш (йифиш, қуритиш, сақлаш) усулларидан хабардор қилиб ўтиш лозим бўлади.

Одатда ўсимликнинг ер устки қисми, яъни ўти, барги ва гуллари ўсимлик гуллаган паллада, поянинг тагидан ўриб олинади. Буйи баланд ўсимликлар поясининг эса тепасидан 10–20 см кесиб олинади.

Барглардан маҳсулот тайёрлаш учун ўсимлик гуллаши арафасида ёки гуллаганида авайлаб териб олинади. Айрим ўт ўсимликларнинг баргини тайёрлашда ер устки қисми ўриб олингач, барглари терилади ёхуд ер устки қисми қуритилади. Сўнгра майдаланади ва ғалвирда элаб кукуни олинади.

Гуллардан доривор маҳсулот тайёрлаш учун ўсимлик қийғос гуллаганида қирқиб олинади. Ўсимлик мевалари улар айни пишиб етилганида йифилади.

Ўсимлик уруғлари тўла етилганида ўриб олиш билан йифилади, қуритилиб янчиш билан ажратилади.

Ўсимликнинг ер устки қисми (барги, гули ва бошқа) ёғингарчилик бўлмагандан, шудринг кутарилганидан сўнг йифилади. Ўсимлик намлигида, шудринги паллада йифиладиган бўлса, у ҳолда ўсимлик сақланиш ва қуритиш жараёнида ўзининг сифатини йўқотади.

Ўсимлик маҳсулотларини қуритишда алоҳида аҳамият берилади: йифилган ўсимлик намунасидан бегона нарсалар (бошқа ўсимлик аралашмаси, лой, қум, тош), шунингдек, ҳашарот ва кемирувчилар томонидан заарланган, касалланган қисмлар холи этилгач, уларни қуритишга шайланиш мумкин. Қуритишнинг осон усули, у ҳам бўлса, табиий шароитда қўёш нуридан пана бўлган, ҳаво ҳаракати бўлган жойлар ҳисобланади.

Ўсимлик маҳсулотларини қуритишда бостирма, чордок, шийпонлардан фойдаланиш мумкин. Ўсимлик маҳсулотларини тоза бўйра, сават, шунингдек, хат босилмаган қофоз ёки бўз ёзилган фанер, картонлар устига юпқа қилиб ёйиш билан қуритилади.

Мева қоқиларини (туршак, баргак, мағиз ва бошқа) ҳар хил зааркунанда ҳамда кемирувчилардан муҳофаза қилиш мақсадида, улар жойлаштирилган сават, патнис сифат буюмларни осиб қуилиши мақсадга муофиқ келади.

Айрим ошкўк сифатида фойдаланилдиган ўсимлик намуналари (швіт, кашнич,райхон қаби)ни табиатли бўлиши мақсадида, қирқиб олинган ёхуд териб олинган ўсимлик қисмлари тоза сувда ювилгач, фалвир устида селкитилиб олинади-да, тоза тўшамалар устига юпқа қават қилиб қуритилади.

Барча тайёрланган доривор маҳсулотлар майдаланилгач, қофоз, полиэтилен халта, тўрваларда қуруқ, салқин,

кемирувчи ҳамда ҳашаротлардан холи бўлган жойларда сақланади. Вужуди хушбўй бўлган ўсимлик маҳсулотлари (кийикўт, ялпиз, райхон каби) иложи борича оғзи ёпиладиган шиша идиш ва қутиларда сақланганлиги маъқул.

**Доривор дамлама** (настой) тайёрлашнинг 2 усули мавжуд бўлиб, улар ўсимлик маҳсулотининг табиатига қараб танланади. Жумладан, қайноқ ва совуқ йўл билан дамлама олиш йўллари бор.

Қайноқ йўл билан дамлама тайёрлаш учун доривор маҳсулот сувга нисбатан 1:10 ёки 1:20 ҳисобида олинади, яъни 1 ҳажм бирлигига олинган доривор маҳсулотга 10 ҳажм бирлигига ёки 20 ҳажм бирлигига сув керак бўлади.

Доривор маҳсулот (майдаланган) сирланган, чинни ёки ҳароратга бардошли идишга солиниб, устига ўлчанганди миқдорда (масалан, 10 г доривор маҳсулот учун 100 г сув) совуқ сув қуийлади. Одатда сув бироз кўпроқ олиниши керак, чунки дамлама тайёрланиш жараёнида қисман сув буғланиб кетади. Сув билан доривор маҳсулот яхшилаб аралаштирилгач, унинг усти қопқоқ билан ёпилиб, ҳажми бироз кенгроқ кастрюлькада қайнаб турган сувга қуийлади. Қайнаш жараёни 15–20 дақиқа давом эттирилади. Сўнг уй шароитида 1 соат давомида совитиб қўйилади. Шундан сўнг бир неча қатланган дока ёки бўз мато воситасида дамлама сузилиб, сиқиб шарбати олинади. Дамлама ҳажми камайиб қолган тақдирда қайнатилган сув билан меъёрига етказилади. Масалан, 50 г доривор маҳсулотга 500 г сув олиниб, дамлама тайёрланиш жараёнида, ажратиб олинган шарбат 450 г ни ташкил этадиган бўлса, у ҳолда 50'г қайнаган сув солиниб, умумий ҳажм 500 г (миллилитр) га етказилади.

Доривор маҳсулотлардан баъзида чой кўринишсида дамлама тайёрлаш ҳам мумкин. Бунинг учун доривор маҳсулот чайилган чойнак ичига солиниб устидан қайноқ сув солинади-да, қайнаб кетишига шароит яратмай 15 дақиқа сақлаб турилади. Шундан сўнг дамлама совитилиб,

*сузиб (ёки чойнакдан силқитилиб) олинади ва йўқотилган сув миқдори қайнатилган сув билан меъёрига етказилади.*

*Совуқ усул билан дамлама тайёрлаш учун маҳсулот устига маълум миқдорда қайнатилиб совитилган сув солинади ва 4–12 соат давомида «тиндирилиб» қўйилади. Шундан сўнг сузилиб, шарбати ажратилади.*

**Доривор қайнатма** (отвар) тайёрлаш дамлама тайёрлаш усулига ўхшашиб кетади. Одатда қайнатма ўсимликнинг дағал (илдиз, илдизпоя, пўстлоқ ва бошқа) қисмларидан тайёрланади. Қайнатма тайёрлаш учун яхшилаб майдаланган доривор маҳсулот сирланган кастрюлькага ёхуд чинни идишга солинади (агар сирсиз идишга солинса доривор моддалар темир билан реакцияга кириб, сифати ва шифобахш таъсирини йўқотиши мумкин) ва унинг устига керакли миқдордаги қайноқ сув солиниб енгил аланга устида 20–30 дақиқа давомида қайнатилади. Шундан сўнг қайнатма ўт устидан олиниб, уй шароитида 10–15 дақиқа давомида совитилади. Кейин қайнатма сузилиб, етишмай қолган миқдордаги сув (қайнатилган) билан меъёрига етказилади.

Доривор дамлама ва қайнатмалар сақланиш жараённида ачиши, бузилиш хусусиятига эга бўлганлиги туфайли, уларни фақат истеъмол қилиш олдидан тайёрланганлиги маъқул. Дамлама ва қайнатмалар иложи борича салқин ва совуқ жойларда 3 суткалик муддат билан сақланиши керак.

Доривор дамлама ва қайнатмалар маълум бир хасталикни даволаш учун шифокор ёки табиб томонидан тавсия этилган бўлса, у ҳолда албатта унинг тавсияси ва белгилаб берган меъёрида истеъмол этилиши керак.

Шифокор ёки табиб одатда доривор ўсимлик маҳсулотлари асосида тайёрланадиган дамлама ва қайнатмаларнинг таъсир қилиш кўламини билган ҳолда у ёки бу турини тавсия қилган бўлади.

Саноат миқёсида чиқарилувчи доривор ўсимлик қутиларининг ёрлиқларида мазкур доривор омил қайси

хасталиклар учун даволиги, ундан фойдаланиш усуллари ҳамда сақланиш даври аниқ қилиб ёзилган бўлади. Мабодо доривор ўсимликнинг ишлатилиш муддати ўтган бўлса, бундай маҳсулотдан фойдаланиб бўлмайди.

**Анжир** меваси ва қоқисидан тайёрланадиган дамлама изтиробли йўтални тўхтатишга, балғам кўчиришга ёрдам беради, кўййуталга таскин бериб, кўкракни юмшатади. Дамлама қайнот ҳолда истеъмол этилса терлатади, ҳароратни пасайтиради. Товуш бўғилиши, муртак безларининг яллигланишида анжир дамламаси билан ғар ғара қилинса, дардни енгиллаштиради. Анжир меваси ёки қоқиси сутда қайнатилиб фойдаланилса, болалар учун янада ижобий таъсирини кўрсатади. Анжирнинг иссиқ дамламасига покиза мато намланиб яраларга қўйилса, давони жадаллаштиради.

*Анжирнинг дамламасини сарҳил мевадан 200 г, мева қоқисидан 100 г олиб, 1 литр сув билан оддий усулда тайёрланади.*

**Арпабодиён мевалари** асосида тайёрланадиган дамлама ва қайнатмалар меъда-ичак касалликларини даволашда (қориннинг чангак, санчиқли оғриғини қолдириш, ичак фаолиятини яхшилаш, меъданинг шираси етишмаслиги билан боғлиқ гастритни даволаш), иштаҳага барака беришда, чанқоқни босишда, шунингдек сийдик ҳайдовчи, терлатувчи ва енгил сурги омили сифатида фойдаланилади. Бундан ташқари арпабодиён мевалари дамламаси юқори нафас йўлларининг шамоллаши, трахеит, ларингит, йирингли бронхит, ўпка қорасони, қизамиқ касалликларини даволашда ҳам тавсия этилади.

*Арпабодиён меваларидан уй шароитида дамлама тайёрлаш учун 1 чой қошиқ ўсимлик меваси бир стакан қайнот сувга солинади ва бир соат давомида дамлаб қўйилади, совиганидан сўнг сузуб олинади. Дамламадан юқорида зикр қилиб ўтилган касалликларга даво қилиш учун кунига 3–4 маҳал, овқатланишдан 15 дақиқа олдин ошқошиқдан ичиш тавсия этилади.*

Арпабодиён мевалари қайнатмаси юқорида кўрсатилган мақсадлардан ташқари сийдик ажралиши қийинлашганда, асабийлашганда, мижоз сусайганда, қорин дам бўлганида, эмизикли она сути кам бўлганида ижобий натижа беради. Қайнатма оддий усулда тайёрланади. Қайнатиб совутилган сув қўйилиб, 8 соат давомида сақланади.

**Беҳи уруғи** дамламаси кўз оғриганида ташқи муолажа сифатида, шунингдек, юқори нафас йўллари шамоллаганида, қабзиятда истеъмол қилинади. Қайнатма ошқозон-ичак фаолиятини яхшилаб, нафис сурги сафатида таъсир этади, балғам кўчишини осонлаштириб, изтиробли йўталга малҳамлик қиласди.

Беҳи уруғи билан узум шарбатининг қайнатмаси камқонликда, ичбуруғда, бавосил касалликларида фойдали ҳисобланади.

**Гулхайри илдизи** дамламаси кўкйўтал, ўпка шамоллаши, нафас қисиши, кўкрак оғриғи касалликларида юмшатувчи, оғриқ қолдирувчи ва балғам кўчирувчи дори сифатида тавсия этилади.

*Гулхайри илдизларидан совуқ дамлама тайёрланади. Бунинг учун 4 чой қошиқ майдаланган илдизга 2 стакан сув қуийлади. Сўнгра сузилиб, кунига ярим стакандан 3 маҳал ичилади.*

**Далачой** ўти дамламаси халқ табобатида ичбуруғ (дизентерия), ошқозон-ичак оғриқлари, меъда яллиғаниши, жигар, ўпка ва юрак касалликларини даволашда тавсия этилади. Шунингдек, тумов, грипп, муртакларнинг яллиғаниши (ангина), бод (ревматизм), суюкларнинг қақшаб оғришида, шунингдек, кечаси сийдик тута билмаслик ҳолатларида ижобий натижа беради. Булардан ташқари, далачой ўти асосида тайёрланган дамлама қон тўхтатувчи (ички органлардан қон оқиши ёки, қон тупурганда) дори сифатида ишлатилади.

Илмий медицинада далачой дамламаси тинчлантирувчи сифатида, ўткир ҳамда сурункали колит касаллигини даволашда тавсия этилади.

**Жилонжийда** меваси ва унинг асосида тайёрланадиган дамламаси дармон бағишлоғчи, сийдик ҳайдовчи, қон босимини пасайтирувчи, балғам күчирувчи восита ҳисобланади. Шунингдек, ундан ичак, буйрак, жигар оғриқларини қолдирувчи омил сифатида ҳам фойдаланилади. Жилонжийда мевалари ва барглари асосида 1:10 нисбатида тайёрланадиган дамлама юқори диуретик (сийдик ҳайдаш) хусусиятига эга.

*Жилонжийда дамламасини тайёрлаш учун 20 г майдаланган мевани ярим чойнак қайноқ сув билан бир соат давомида дамлаб қўйилади. Бундай дамлама юқорида кўрсатиб ўтилган касалликлар, шунингдек, ҳорғинлик, сурункали касалликларни бошидан кечирган заиф беморлар учун жуда фойдали ҳисобланади.*

Жамбил ўти дамламаси сийдик ва тер ҳайдовчи, иштаҳа уйғотувчи омил сифатида, йўтал ва тумовга қарши, ичбуруғ, меъда яллиғланиши, бош оғриғи ва ичак фаолиятининг бузилишида тавсия этилади.

Тоғ жамбили ўтидан тайёрланадиган қайнатма меъда фаолиятини яхшилаш, кўкрак оғриғини қолдириш, изтиробли йўталдан холи қилиш, бедор уйқусизлик давоси сифатида тавсия этилади.

Тоғ жамбил асосида тайёрланган қайнатма ванна сувига қўшилиб ундан фойдаланиладиган бўлса, танада модда алмашинуви жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Тоғ жамбили қайнатмаси билан қилинадиган боғлама – компресс жароҳатларнинг тузалишини тезлаштиради, кўз касалликларини даволашда ижобий таъсир кўрсатади.

**Жағ-жағ** ўти дамламаси одам танасида модда алмашиш жараёнини яхшилайди, жароҳатларнинг битишини тезлаштиради, сийдик ҳайдайди, буйрак оғриқларига шифоли ҳисобланади. **Жағ-жағ** қон босимини тушириб, ичак фаолиятини уйғунлаштиради. Қон кетишига хотима беради.

Жўка гуллари асосида тайёрланадиган дамлама шамоллашда, бод, йўтал, қорин оғриғида фойда бериши

билин бирга, яхши терлатувчи, оғриқ қолдирувчи ва тиришишга хотима берувчи омил ҳисобланади. Жұка гулларидан тайёрланадиган қайнатма муртак безлари яллиғланганидан ғар ғара этилса, ижобий натижа беради. Қизамиқ, тепки (свинка), тиришишда ва сийикда қум бўлишида фойдали ҳисобланади.

**Зифир уруғи** қайнатмаси меъда касалликлари (гастрит, меъда яраси) ва буйрак касалликларида тавсия этилади. Зифир уруғидан тайёрланган қайнатма муртакларнинг яллиғланишида, изтиробли йўталда, ўпка сили (бунда қайнатмани сутга қўшиб истеъмол этилади), қабзиятда фойдали ҳисобланади. Бутун ёки эзилган зифир уруғлари ҳар куни эрталаб ва кечкурун 1–3 чой қошиғи миқдорида сувёки сут билан ичиладиган бўлса, сурункали қабзиятдан холи қиласи.

**Игир илдизи** асосида тайёрланадиган дамлама ва қайнатмалар иштаҳага барака беради, қоринни дам бўлишидан холи этади, ҳароратни туширади, йўтални қолдириб, балғам кўчишига ёрдам беради.

Игир илдизи асосида тайёрланадиган ичимликлар таркибидаги акорин гликозиди одамнинг таъм билиш нерв учларини кузғалтиради, ошқозон ширасини ажралишини кўпайтиради, айниқса хлорид кислота кўпайишига ёрдам беради, жигарнинг ўт ажратиш фаолиятини оширади, ўт қопчасининг тонусини яхшилайди, шунингдек сийик ҳайдаш хусусиятига эга.

*Игир илдизидан қайнатма тайёрлаш учун бирор оғзи ёпиладиган сирли идишига 3 стакан сув қуишиб, устига 15 г майдаланган маҳсулот солинади ва 15 дақиқа қайнатилади. Совиганидан сўнг сузилади-да, кунига овқатдан олдин 3 маҳал ярим стакандан ичилади.*

**Иттиканақ** (қорақиз) ўти асосида тайёрланадиган дамлама халқ табобатида тери касалликлари (тошма, сизлоғич, чипқон, хуппоз)да, шунингдек, шамоллаш билан боғлиқ бўлган касалликларда терлатувчи сифатида ҳамда қон тўхтатувчи омил сифатида тавсия қилинади.

Ўсимлик ўтидан тайёрланадиган дамлама овқат ҳазм қилиш меъерининг бузилишида, қўрқув босгандা, жигар касалликларида истеъмол қилинади. Тибет табобати амалиётида иттиканак асосида тайёрланадиган дамлама камқонликда, атеросклерозда ва сил касаллигига тавсия.

Иттиканакли ичимлик тинчлантирувчи, қон босимини пасайтирувчи, юрак уришини маҳсулдор бўлишига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, у яллигланишдан холи қилувчи, аллергияга қарши, тиришишдан муҳофаза қилувчи ҳусусиятларга ҳам эга.

Иттиканак ўти саноат миқёсида тайёрланади ва дорихоналар орқали ҳаридга чиқарилади.

**Кашнич меваси** асосида тайёрланадиган дамлама ичак-меъда касалликлари (овқат ҳазм бўлиш жараёнининг бузилишида, меъда секрецияси меъёридан ошиқ бўлганида)да, қон босими ошганда, атеросклерозни даволашда, йўтални қолдиришда, гижжа ҳайдашда тавсия қилинади. Шунингдек, кашнич меваларининг дамламаси (қайнатма) балғам кўчирувчи, бавосилга қарши, ўт ҳайдовчи, баъзида қайт қилишда тинчлантирувчи дори ҳисобланади.

**Лимонўт барги** асосида тайёрланадиган дамлама бедармонликда, асабни тинчлантиришда, чангак ва тиришишга хотима берувчи, сийдик ва ел ҳайдовчи, оғриқлардан фориғ этувчи ва ични латифлаштирувчи омил сифатида ишлатилади.

Лимонўт воситасида тайёрланган дамлама ва бошқа ичимликлар бош гангишига даво, фалаж, никриз касаллигига енгиллик беради, ҳуш кетишда фикрлашни тиклайди, шайтонлаш ва қуёнчиққа ижобий таъсир кўрсатади. У елланиш билан боғлиқ бўлган қорин санчиқларидан холос этади, кўнгил айниб, қайт қилишни тўхтатади. Уйқусизликка тиним бағишлиб, шақиқага даволик қиласида. Тери тошмаларига бардам беришда асқотади. Ташқи муолажа сифатида лимонўт воситасида тайёрланган дамлама милк яллигланишида гарфара

қилинади. Чипқон азиятига таскин берувчи компресс ёки боғламалар қилиш мумкин.

Лимонүт хафақон касаллигига қон босимини туширади.

Лимонүтдан шифобаҳаш ванна қуидагича тайёрланади: 20 граммдан лимонүт, бўймодорон, эрмон, тограйҳон, иғир илдизи, ўткир ялпиз ва қарағай куртакларидан олиб, 10 л сув билан берк идишда ярим соат давомида қайнатилади. Қабул этилаётган обзанинг ҳарорати 37-38° дан ошмай, уни 15-20 дақиқа қабул қилиниши кифоя.

**Маврак** (зирирак, мармарак, шалфеи) ер устки қисми асосида тайёрланадиган дамлама меъда-ичак ҳамда юрак ҳапириққанида, сийдик тутабилмасликда, томоқ оғрифи, муртакларнинг яллиғланиши ва шамоллаш билан боғлиқ касалликларни даволашда, иштаҳа очиш мақсадида ва ташналиктни босиш учун тавсия қилинади.

**Маккажӯҳори попуги** асосида тайёрланадиган дамлама қадимдан ҳалқ тиббиётда сийдик, ўт ҳайдовчи омил сифатида фойдаланиб келинади. Шубилан убуйрак, қовуқ, ўт йўллари ва сариқ касалликларида даво ҳисобланади, унинг қон тўхтатувчилик хусусияти инобатга олинган.

Маккажӯҳори попуги дамлама ва қайнатма кўринишда ўт қопчасини яллиғланишида, ўт йўли, жигар касалликларида тавсия қилинади. Мазкур кўринишдаги ичимликлар истисқода, қовуқ ва сийдик йўллари касалликларида сийдик ҳайдовчи восита сифатида яхши натижа бериши аниқланган.

**Момоқаймоқ** илдизи ва баргидан тайёрланган дамлама буйрак касаллигини даволашда, енгил сурги дори ҳамда ўт ва сийдик ҳайдовчи омил сифатида ишлатилади. Бундан ташқари момоқаймоқ илдизидан тайёрланадиган қайнатма жигар шамоллашида, ўт қопчаси ва меъда яллиғланишида нафли ҳисобланади. Шунингдек, у бавосилни даволашда ҳам тавсия этилади.

Бундай дамлама билан тиш ва томоқ оғриганида оғиз чайқаш ҳам мумкин.

Момоқаймоқ илдизи билан қариқиз илдизларининг

асосида тайёрланадиган дамлама экзема учун даво ҳисобланади. Бунинг учун майдаланган маҳсулотлардан бир қошиқдан олиб, бир кечада дамлаб қўйилади, эрталаб уни 10 минут давомида қайнатиб, сўнгра 20 дақиқа давомида дамланади. Мазкур қайнатмадан кунига 5 маҳал ярим стакандан ичиш тавсия этилади.

**Наъматак мевалари** асосида тайёрланадиган дамлама ўпка сили, жигар, ўт қопчасининг яллиғланиши, ичак, буйрак, қовуқ касалликларини даволашда фойдаланилади. Шунингдек, наъматак меваси асосида тайёрланган қайнатма қон тўхтатувчи, иситма туширувчи омил сифатида истеъмол қилинади.

Наъматак ичимликлари тинка қуриши, камқонликда, шунингдек, дармонсизликда ижобий натижа беришини инобатга олиш лозим.

Наъматак меваларидан тайёрланган дамламадан болаларда кузатиладиган майда тошмаларни, йирингли-септик асоратларга мойиллиги бор ўткир инфекцион касаллик скарлатинани, терлама ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланилади.

Шунингдек, наъматак меваларидан тайёрланган ичимликларни антисептик, умумдармон бағишловчи, атеросклерозга даво бўлувчи манба сифатида ишлатиш мумкин.

Улар хавфли бўлган юрак тожомирлари атеросклерозида холестерин микдорини ҳам камайтиради.

Үй шароитида наъматак меваларидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган сирли идишга 2 стакан сув қўйилади ва бир ош қошиқ майдаланган (ёнғоқчаларидан холос этилган) мевадан солиниб, 10 дақиқа давомида қайнатилади, сўнгра бир сутка давомида қўйиб қўйилади. Қайнатма дока воситасида сузилгач, унга шакар қўшиб таъми яхшиланади. Қайнатмадан кунига 1 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан истеъмол қилинади.

**Отқулоқ илдизи** асосида, шунингдек, барги ҳамда мевасидан тайёрланган дамлама ёки қайнатма ичбуруғ, ичак яраларини даволаш учун тавсия этилади.

Нордон отқулоқ (шовул) баргларидан тайёрланган дамлама билан зангила, милк ва танглай яллиғланиши, муртак безларининг шамоллашида ғар ғара қилинади.

Оддий отқулоқ илдизидан тайёрланган қайнатма билан ванна қабул қилинса, ёки ювилса бадан қичималариға хотима бериб, тери касалликларини даволашга мойиллик яратади.

*Отқулоқ илдизидан қайнатма қуийидагича тайёрланади: сирли усти ёпиладиган идишга 300 г сув солиб, унинг устига бир ош қошиқ миқдорида майдаланган отқулоқ илдизидан солинади, сүнгра 15 дақиқа давомида енгил аланга устида қайнатилгач, 4 соат давомида тиндирилади. Қайнатма докадан сузилади, ундан кунига 3 маҳал овқатланишдан олдин бир қошиқдан истеъмол этилади.*

**Райхоннинг** ер устки қисми асосида тайёрланадиган дамлама буйрак, қовуқ, пешоб йўли шамоллашида, тумов, муртак безларининг яллиғланиши, безгак хуружидан фориғ этувчи омил сифатида фойдаланилади. Райхондан тайёрланган дамлама иштача очади, сурункали меъда катарида яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади, ичакнинг қадалиб оғришини йўқотади, уни сийдик йўли яллиғланишида, жумладан, пиелит (буйрак жомчасининг яллиғланиши) касаллигига, сийдик ажралишида «куйиш» ҳисси бўлганида, қовуқнинг яллиғланишида тавсия этиш мумкин. Шунингдек, уни қизамиқ асорати бўлган йўталда фойдаланиш мумкин. Ташқи муолажа сифатида қийин битадиган яраларга ишлатилади.

*Райхондан қуийидагича дамлама тайёрланади: 2 чой қошиғи миқдоридаги раийхон маҳсулоти бир ёки икки стакан қайноқ сувда дамланади. Мазкур дамлама кунлик меъёр ҳисобланади. Дамламани гӯш, экзема, шунингдек, жароҳатларни даволашда ташқи муолажа сифатида ишлатиш ҳам мумкин.*

**Селдир барги** ва илдизидан тайёрланадиган дамлама иштача очувчи, овқатни ҳазм эттирувчи, қабзият ва қориннинг дам бўлишига даво сифатида ишлатилади.

Селдир маҳсулотларидан тайёранган ичимликлар буйрак, қовуқ касалликларида, бод ва ниқриз касалликларида ижобий натижа бериши мумкин.

Селдирнинг дамламаси тери касалликларидан темиратки ва эшакеми азиятидан озод қиласиган хусусиятга эга, у билан йирингли яралар ювилади. Селдир илдизмевасининг дамламаси эса иштаҳа очади, кўнгил айнишини, ҳиқичноқни қолдиради, ҳайзни маромга солади.

Селдир илдизи оғриқ қолдирувчи, сийдик ҳайдовчи, иштаҳа очувчи омил сифатида тавсия этилиши мумкин. Бундан ташқари, ўсимлик илдизлари буйрак касалликларида (нефрит, нефролигиаз), тоқ безларининг шамоллашида, ниқриз, эшакеми, дерматит, жинсий заифликда (импотенция) ҳам ижобий натижалар бериши мумкин.

**Сувқалампир** ўти асосида тайёранадиган дамлама бавосил, қон кетиши билан боғлиқ ичак касалликларида, бачадондан бемаврид қон кетганида ҳамда оғриқни қолдирувчи омил сифатида истеъмол қилинади.

Унинг қайнатмаси тери касалликларини даволашда ишлатилади. **Жумладан**, чипқон, қорасон (*гангрена*) касалликларида сувқалампир препаратларидан фойдаланилади. Бунинг учун 50 г сувқалампир ўти билан 400 г сувдан қайнатма тайёрланиб, зарарланган тери атрофлари ювилади.

**Тирноқгул** (қўштирноқ) гул саватчалари асосида тайёранадиган дамламалар жигар, талоқ меъда ва ичак касалликларини даволашда ишлатилади.

Ўсимлик гулларидан тайёранган дамламадан киши бадани куйганида, совуқ урганида, турли кўринишдаги яраларда (хуппоз, чипқон, кўзиқўк, сизлогич, хасмол ва бошқа) ванна, компресс сифатида фойдаланилади. Дамлама воситасида оғиз бўшлиғи касалланганда (муртак безларининг яллиғланиши, милк ва танглай хасталиклари) оғиз чайилади ва фар-фара қилинади.

Күштирноқли ичимликлари сийдик ҳайдаша (қовуқда тош ва қум мавжуд бўлганида) қизилчада, бош айланишида, йўталда, қорин оғриғида (меъда жароҳати, спазмасида) истеъмол этилса анча енгиллик бериши ҳакида маълумотлар бор. Бундан ташқари, ўсимлик гулидан тайёрланган дамлама бош гангиши, қайталаб турадиган иситма ва айрим кўз касалликларини даволашда ишлатиш ҳам мумкин, Тирнокгул гулсаватчаларидан тайёрланадиган қайнатма қонли сийиш касаллигига ва яраларга даво қилинади, шунингдек бачадондан қон кетишини тўхтатиш учун ишлатилади. Қайнатма ташқи муолажа сифатида гўш ва бошқа тери касалликларини даволашда тавсия қилинади. Тирнокгулли қайнатма солинган ванналарда болалар чўмилтирилади.

Шеролғин ўти асосида тайёрланадиган дамлама истиско, лавша касалликларини даво-лашда, шунингдек иштаҳа уйғотувчи, овқатни яхши ҳазмлаштирувчи, қорин дамлашидан фориғ этувчи восита сифатида тавсия этилади. Мазкур доривор омил гижжалардан холос этиш қобилиятига ҳам эга.

Шувоқ ўти асосида тайёрланадиган дамлама ўпка сили, менингит, тутқаноқ ва асаб касалликларини даволашда ҳамда туриш жараёнини жадаллаштирувчи, оғриқдан фориғ этувчи восита сифатида ишлатилади. Шувоқ ўтининг ер устки қисмидан тайёрланадиган қайнатма билан шамоллаган болалар чўмилтирилади.

*Шувоқ ўтининг ер устки қисмидан дамлама тайёрлаш учун оғзни беркитиладиган сирли идишга бир ярим стакан қайнаб турган сув қўйилиб, устига шувоқнинг қуритилган ва майдалангандан маҳсулотидан 3 чой қошиқ солинадида, 4 соат давомида дамлаб қўйилади, Сўнгра сузилиб, кунига 3–4 марта овқатланишдан ярим соат аввал чорак стакандан истеъмол қилинади.*

Эрмон ўти асосида тайёрланадиган дамлама ҳалқ тиббиётда жигар, ўт қопчаси, ичак яраси, безгак, бавосил касалликларини даволашда, шунингдек иштаҳа

үйғотувчи, овқатни ҳазмлаштирувчи, тинчлантирувчи (ухлатувчи), қорин дамлашидан холи қилувчи, терлатувчи, гижжа туширувчи дори сифатида тавсия қилинади.

Эрмон гулларидан тайёрланган қайнатма безгак, ичак яраси, бавосилга даво бўлиши билан бирга, ҳароратни туширувчи, сийдик, тер ва гижжа ҳайдаш хусусиятига эга. Бу гиёҳ, ичимликлари ичак метеоризмидан халос бўлишда, кўричак асоратларини даволашда, жигилдон қайнанидан қутилишда, оғиздаги нохуш ҳидни йўқотишда тадбиркорлик билан ишлатилади.

*Үй шароитида эрмон ўтидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган сирланган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қуилади, унинг устига майдаланган эрмон ўтидан бир чой қошиқ солиб дамланади. Сўнгра сузуб, шарбатидан кунига 3 марта овқатланишдан ярим соат олдин чорак стакандан ичилади. Қилгижжадан қутилиш учун (острица) икки стакан эрмон қайнатмасига бир бош саримсоқ қайнатилган бир стакан қайнатма аралашиб ҳуқна (клизма) қилинади.*

**Қариқиз илдизи** дамламаси меъда яраси, ичдан қон кетиш, сурункали гастрит, буйрак касаллиги, бод, никриз касалликларини даволашда, шунингдек, сийдик ҳайдовчи ва терлатувчи омил сифатида тавсия этилади.

Ўсимлик илдизидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қуиб, унга куритиб майдаланган илдиздан бир ош қошиқ солинади ва 2 соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнгра сузуб олингач, кунига дамламадан 2–4 маҳал ярим стакандан илитилган ҳолда истеъмол қилинади. Ўсимликнинг баргидан дамлама тайёрлашда ҳам худди шу усулдан фойдаланилади. Кунига 4–6 маҳал овқатдан бир соат кейин бир ош қошиқдан ичилади,

**Қашқарбеда** ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама йўтал, сурункали бронхит, бош оғриғи, хафақон касалликларида, бедор уйқусизликда, шақиқа азобида (қон босимининг юқори бўлиши билан

боғлиқ ҳолларда) тавсия этилади. Ўсимлик дамламаси кўка гуллари дамламаси билан омухталикда (ёки маҳсулот тенг ҳисса билан олиниб ундан дамлама тайёрланганида) тухумдонларнинг (таносил безлари) яллиғланишида даволик қиласи. Дамлама ташқи муолажа сифатида (чўмилиш, боғлама-компресс, ювиш усулларида қўлланиши мумкин) иллатли яра, жароҳат, чипқон, хуппоз, лат ейиш, пула бўлиш, кўкрак безларининг яллиғланиши, оёқ-қўл бодида ижобий натижа беради.

Кашқарбеда ўтидан қуйидагича дамлама тайёрланади: *бирор идишга бўғуритиб майдаланган маҳсулотдан солиниб, унинг устига 1 стакан қайноқ сув қуйилади ва 6 соат мобайнида дамлаб қўйилади. Сўнгра сузилиб, дамламадан кунига 2–3 маҳал чорак стакандан ичилади. Агар дамлама ташқи муолажа учун мўлжалланадиган бўлса, унда 2 ош қошиқ миқдорида майдаланган маҳсулотдан олиб унинг устига 0,5 л сув қуйилиб тайёрланади.*

**Қизилтасма** (қўштарон) ўтининг ер устки қисмидан тайёрланадиган дамлама ич кетиш, меъда-ичак, яраси, безгак, буйрак, жигар, ўпка сили касалликларида, шунингдек, сийдик ва гижжа ҳайдовчи, қон тўхтатувчи, аъзоларга қувват бағищловчи омил сифатида тавсия этилади. Қизилтасма дамламаси ташқи муолажа кўринишида, турли яраларга, чипқонга, темираткига даво ҳисобланади. Болаларда учрайдиган тери тошмаларида қизилтасма ўтининг қайнатмаси ижобий натижа беради. Бунинг учун азиятланган бола қизилтасма қайнатмаси билан чўмилтирилади.

Шунингдек, буйрак ва қовуқдаги қум ва тошларни кетказишда меъда ва ичак оғриқларини қолдиришда омил сифатида тавсия этилади.

*Қизилтасма ўтидан дамлама тайёрлаш учун ҳароратга бардошли оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қўйиб, устига қуритиб майдаланган маҳсулотдан 3 чой қошиқ солинади ва 4 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра сузуб олиниб, кунига овқатдан олдин ярим стакандан ичилади.*

**Қирқбўғин** ўтидан тайёрланадиган дамлама ўпка сили,

юрак, буйрак шунингдек қон тўхтатувчи, сийдик ҳайдовчи омил сифатида фойдаланилади.

Шунингдек, зотилжам, сийдик йўли аъзоларининг касалликларида, буйрак ва қовуқда тош бўлганида, истисқода тавсия этилади. Шу билан бирга у жигарни тозалаш учун, ниқризга қарши, бод, бавосил, атеросклероз, қон босими юқори бўлганида, ўпқадан қон кетганида ичиш лозим кўрилади. Дамлама билан оғиз чайилади, иссиқ боғлама-компресс сифатида, иллатли жароҳатларда, кесилишда, бичилишда фойдаланилади. Болалар шамоллаганида қирқбўғин дамламаси чўмилтириш учун қўлланилади.

*Ўсимликдан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қўйилади, устига қирқбўғиннинг қуритиб, майдаланган ер устки қисмидан 4 чой қошиқ солиниб дамланади. Сўнгра дока воситасида сузилиб, кунига чорак стакандан 4 маҳал ичилади.*

Қора зира мевасидан тайёрланган дамлама ёки қайнатма меъда-ичак касалликларида, ўт ҳайдовчи, қорин дамлашидан холи қилувчи ҳамда беозор сурги сифатида фойдаланилади.

Қора зира мевасидан тайёрланадиган қайнатма меъда ости безининг фаолиятини уйғунлаштириши, шунингдек, эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтириш учун ҳам тавсия этилади.

*Қора зира мевасидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган, ҳароратга бардошли идишга бир стакан қайнаб турган сув қўйиб, устига мевадан 1–2 чой қошиқ солинади-да, 2 соат мобайнида дамлаб қўйилади. Сўнгра сузиб олингач, дамламадан кунига 3 маҳал чорак стакандан овқатланишдан 20 дақиқа олдин ичилади. Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга икки стакан сув қўйиб, устига икки чой қошиқ қора зира меваси солинади ва 3 минут давомида қайнатилади. Сўнгра унга бир ош қошиқ шакар солиб аралашибилгач, дока воситасида сузиб олинади. Шарбатдан кунига 3 маҳал овқатланишдан олдин ярим стакандан ичилади.*

**Қайин куртаклари** асосида тайёрланадиган дамлама буйрак касалликлариға әмлиқ қиласы, сийдик ва ўт ҳайдовчи омил сифатида фойдаланилади. Куртаклар қайнатмаси эса истисқо, қовуқ касалликларида, меъда ярасида, гастроэнтеритларда, атеросклерозда, бод, никриз касалликларида ижобий натижа беради.

Куртак дамламаларини бод касаллигига ва бүфимлар оғриганида суртиш ҳам мумкин.

**Қайин куртаклари** ҳамда барглари асосида тайёрланадиган дамлама ва қайнатмалар турли безларнинг чиқариш фаолиятига урғу беради, шу боисдан ҳам уларни бронхит, трахеитларда фойдаланиш ижобий натижасини кўрсатмай қўймайди. Қайин куртакларидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган сирли идишга ярим стакан қайнаб турган сув қуиб, устига бир чой қошиқ куртак солинади-да, бир соат дамлаб қўйилади. Мазкур дамламадан бир кунда 3 марта ичилади.

Зифир уруғи қайнатмаси меъда касалликлари (меъда яраси, гастрит) ва буйрак касалликларида тавсия этилади. У муртак безларининг яллиғланишида, йўталда, ўпка силида (бунда қайнатмага сут қўшиб истеъмол этилади), қабзиятда фойдали ҳисобланади. Қайнатма шарбати олинганидан сўнг, зифир уруғлари эзилган ҳолда шишган ҳамда чипқон чиккан жойларга қўйилади.

*Зифир уруғидан қайнатма тайёрлашда қуийидагиларга эътибор берилади: оғзи ёпиладиган идишга бир ярим стакан сув қуишиб, устига 2 чой қошиқ майдаланган уруғ солинади ва бир оз қайнатилгач, 10 дақиқа тиндириб қўйилади. Шундан сўнг шишага солиниб, 5 дақиқа чайқатилади ва шарбати сузуб олинади. Қайнатмани юқорида кўрсатилган касалликларда кунига 3 маҳал чорак стакандан, қабзиятдан холи қилувчи дори сифатида эрталаб наҳорга ярим стакандан ичилади. Мазкур қайнатма илитилган ҳолда оғиз бўшлиғини чайиш учун (муртак безларининг яллиғланиши, ангина, товуш бўғилиши каби) фойдаланиш ҳам мумкин.*

**Арча гуддалари** (меваси)дан тайёрланадиган қайнатма

халқ табобатида милк ва оғиз бўшлиғи касалликларида оғиз чайиш учун ишлатилади. Шунингдек, арча ғуддаларидан тайёрланган қайнатма (5 г мева 1 стакан сув ҳисобида) буйрак касалликларида сийдик ҳайдовчи восита сифатида ичилади. Арча ғуддалари қайнатмаси унинг гуллари қайнатмаси билан омухталигида юваниш қўл ва оёқлар қақшаб оғришида фойдаланилади.

**Фозпанжа илдизпояси** ёки ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланадиган қайнатма ёки дамлама қон тўхтатувчи (ичак ва меъдадан, туққандан сўнг қон кетишда) омил сифатида, шунингдек оғиз бўшлиғи касалликларида (муртак безларининг яллиғланиши, танглай қараши, милк ярлари) чайиш учун ҳамда ич кетишига хотима берувчи восита сифатида истеъмол қилинади. Оддий усулда тайёрланган қайнатма ёки дамламадан кунига 3–4 маҳал бир ош қошиқдан ичилади.

**Бурган** ўтининг ер устки қисмидан тайёрланадиган қайнатма юқумли ичак касалликларини даволашда ҳамда иштаҳа очувчи дори сифатида истеъмол этилади. Маълумотларга қараганда, бурган гижжа ҳайдаш хусусиятига ҳам эга. Қайнатма оддий усулда тайёрланиб, кунига чорак стакандан уч маҳал ичилади.

Бўтакўз ўтининг тилсимон гулларидан тайёрланган қайнатма ва дамлама шамоллаш, йўтал, кўййўтал, қорин, қовуқ, ич кетиши ва асад касалликларни даволашда, бачадондан bemavrud қон кетишини тўхтатишида, терлатувчи омил сифатида, шунингдек, сийдик ва ўт ҳайдовчи омил бўлиб хизмат қиласди. Бўтакўзниң тилсимон гулбаргларидан қайнатма ва дамлама тайёрлаш оддий усулда бўлади. Қайнатма ва дамламадан кунига чорак стакандан 4 маҳал ичилади.

**Газакўт** ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма меъда, безгак касалликларини даволашда фойдаланилади. Дамламаси эса тиш оғриғига, милкдан қон кетганига ва яраларга ижобий таъсир кўрсатади.

**Ерчой** (ширчой, чоймурчак) ўтининг илдиз ва илдизпоясидан тайёрланадиган қайнатма ёки дамлама

халқ табобатида күкрак оғриғига малҳам бўлувчи, ич кетишини тўхтатувчи восита сифатида, шунингдек, ташқи муолажа сифатида оғиз, томоқ касалликларида чайишда фойдаланилади.

Ерчойнинг ер устки қисмидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган, ҳароратга бардошли идишга бир стакан сув қўйиб, майдаланган маҳсулотдан (илдиз, илдизпоя асосда ҳам) 2 чой қошиқ миқдорида солиниб, 15 дақиқа енгил алангада қайнатилади-да, бир соат қўйиб қўйилади. Сузиб олингач, шарбатдан кунига 3–4 маҳал овқатдан олдин бир ош қошиқдан ичилади.

**Етмак** илдизидан тайёрланадиган қайнатма шамоллашда, бронхит касаллигида балғам кўчирувчи дори сифатида, яра ва жароҳатларни эт олдиришда, тузатишда тавсия қилинади. Кўхна замон табиблари етмак қайнатмасини қайт қилишда, ўқчишда, ҳид билиш хусусият камайганда, жигарда пайдо бўладиган тошларни нуратиш мақсадида ичишни тавсия этишган. Қайнатма оддий усулда тайёрланади, кунига 3 маҳал ошқошиғида ичилади.

**Ёнғоқ** баргларидан қайнатма тайёрланиб чўмилса, бод, мичал (рахит) ва бошқа тери касалликларига даво бўлади. Дараҳт пўстлоғидан тайёрланган қайнатма ва баргидан тайёрланган дамлама меъда-ичак касалликларида фойда беради.

**Ёнғоқ** баргларидан дамлама тайёрланиши ҳам мумкин, бунинг учун бирор идишга бир стакан қайнаб турган сув қўйиб, устига қуритилган ва майдаланган баргдан бир ош қошиқ солинади ва 2 соат дамланади. Сўнгра дока воситасида сузилади. Дамламадан болаларда учрайдиган мичал ва ширинча касалликларида кунига 3 маҳал бир чой қошиқдан ичирилади. Оғиз ва томоқ яллиғланганида мазкур дамлама билан чайиш тавсия этилади.

**Жийда** меваларидан тайёрланадиган қайнатма меъда-ичак касалликларида, айниқса, мурғак, болаларнинг ичи кетганида, юқори нафас йўллари шамоллаганида, бўй рисоладек ўсмаслигида, тери қазғоқланишида,

бедармонликда ва тинка қуришида тавсия этилади. Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган, ҳароратга бардошли идишга бир ярим литр сув қуийиб, бурдаланган мевадан 50 г солинади ва бироз қайнатилиб, бир соат қуийиб қўйилади. Сузиб олингач, қайнатма шарбатидан кунига овқатдан кейин 2–4 маҳал ош қошиқдан ичилади.

Занжовул ўтининг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма меъда-ичак касалликларида, қон аралаш ич кетганда тавсия этилади. Шунингдек, занжовул қайнатмаси ташқи муолажа сифатида терида мавжуд булувчи тошма, темиратки азиятларида суртиш учун фойдаланилади. Занжовулнинг ер остки қисмидан оддий усулда қайнатма тайёрланади. Қайнатмадан кунига ош қошиқда 3–4 маҳал ичилади.

**Исфарак** (овчўп) ўтининг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма арпа уни билан қорилган ҳолда турли шишларга, чипқон, кўзиқўк, қумпозларга қўйилади.

Исириқ ўти қайнатмаси бод, безгак, тутқаноқ, бедор уйқусизлик, қўтириш ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади. Шунингдек, исириқнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама томоқ оғриғи, ҳолдан тойиш ва ўта чарчашибатижасида асабнинг бузилишида ва уйқусизликка қарши шифобахш омил сифатида фойдаланилади. Исириқ ва зигир уругларидан тайёрланган қайнатма зиқнафас касаллигида (бронхиал астма) наф қилувчи омил ҳисобланса, қалампир меваси билан исириқ уруғи аралашмасидан тайёрланган қайнатма заҳм, бод ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади. Исириқнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма терлатувчи ва сийдик ҳайдаш хусусиятига эга.

Исириқдан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган сирланган идишга бир стакан сув қуийилади ва ўсимликнинг қуритиб, майдаланган ер устки қисмидан бир чой қошиқ солиб, бир оз қайнатилади, кейин 2 соат чамасида қўйилади. Шундан сўнг сузилиб, кунига 3–4 маҳал бир ош қошиқдан ичилади.

**Келин тили** ўтининг ер устки қисмидан тайёрланадиган

қайнатма бавосилга даво ва сийдик ҳайдовчи омил сифатида тавсия этилади. Бундан ташқари, келин тили қайнатмаси ташқи муолажа сифатида теридаги турли тошмалар, темиратки ва яраларни ювишда фойдаланилади. Махсулотда қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир ярим стакан сув қўйилади ва келин тилининг майдалангандан ер устки қисмидан бир чой қошиқ солиб, 15 дақиқа мобайнида қайнатилади ва 2 соат қолдирилади. Сузиб олингач, қайнатмадан кунига 3 маҳал овқатланишдан аввал ярим стакандан ичилади.

Ковул илдизидан тайёрланадиган қайнатма сариқ касаллигини даволашда тавсия этилади. Меваси асосида тайёрланадиган қайнатма эса бавосил азиятига даво сифатида, милкни мустаҳкамловчи восита сифатида фойдаланилади. Қайнатма оддий усулда тайёрланади ва кунига 3 маҳал ош қошиқда ичилади.

Кунгабоқар гулидан тайёрланган қайнатма безгак, иситма, юрак, бод, ич кетиш ва сариқ касалликларини даволашда, шунингдек, сийдик ҳайдовчи омил сифатида тавсия этилади. Гулидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган ҳароратга бардошли идишга бир стакан сув қўйиб, устига бир қошиқ майдалангандан гулдан солингач, 15 дақиқа давомида қайнатилади ва бир соат мабайнида қолдирилади. Сузиб олинганидан сўнг, шарбатдан кунига 3–4 маҳал бир ош қошиқдан ичилади.

Кунгабоқар гулидан оддий усулда иштаҳа уйғотувчи дамлама тайёрланади. Дамламадан овқатланишдан ярим соат олдин ярим стакандан ичиш тавсия этилади.

Қўка ўсимлигининг баргидан ёки гулидан тайёрланган қайнатма ва дамлама меъда-ичак, буйрак, қовуқ, юқори нафас йўллари яллиғланиши касалликларида тавсия қилинади. Қўка барглари ҳамда газандаёт барглари қайнатмаларининг омухтаси сочининг кўплаб тўкилишида ҳамда серқазғоқланишда бошни ювиш учун фойдаланилади. Қўка баргларидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан сув қўйиб, баргнинг иирик кукунидан 15 г солиниб, бироз қайнатилади ва дока воситасида сузиб

*олинади. Қайнатмадан ҳар 2–3 соатда бир ош қошиқдан ичилади. Шунингдек, кўканинг баргидан ёки гул тўпламидан дамлама тайёрлаш учун бир литр қайнаб турган сувга қуритиб майдаланган маҳсулотдан 20 г солиб дамланади ва сузуб олинади. Мазкур доривор омил меъда ва ичак яллигланиши жараёнида ҳамда буйрак касалликларини даволашда кунига 4 маҳал ярим стакандан ичиш тавсия этилади.*

**Капалакгул** ўтидан тайёрланадиган қайнатма ва чой халқ табобатида гастрит, бронхит касалликларида, шунингдек, тери касалликлари, ширинча (золотуха)да ижобий натижа берувчи омил, буйрак касалликларида сийдик ҳайдовчи восита сифатида тавсия этилади. *Қайнатма* учун 20 г маҳсулот 1 стакан қайноқ сув ҳисобида олинади. *Қайнатмадан* кунига 1 ош қошиқда 3 маҳал овқатланишдан олдин ичилади.

**Петрушка** илдизининг қуюқ қайнатмасига лимон шарбати қушиб суртилиб туриладиган бўлса, юздаги доғ ва сепкиллардан ҳолос қилиб терини тиниқлаштиради.

Петрушка меваларидан тайёрланган дамлама сийдик хайдовчи ва оғриқ қолдирувчи хислатларга эга бўлиши билан бирга, меъда ости безлари фаолиятини яхшилаб, овқат ҳазм бўлишига ёрдам беради ва иштаҳани яхшилайди. Бундан ташқари, петрушкали ичимликлар қовуқ, буйрак, ток безларининг яллигланиши, ҳайз бузилишида, ҳашаротлар чакканида оғриқ қолдирувчи восита сифатида тавсия этилиши мумкин. *Бунинг* учун *петрушка* мевасидан қуийидагича дори тайёрлаш мумкин: *петрушка* мевасидан ярим чой қошиқ миқдорида олиб, обдон майдаланади. Сўнгра устига кайнатиб совитилган бир стакан (200 г) сув қуийиб, 8 соат давомида дамланади. Дамламани сузуб бир ош қошиқдан 4 маҳал овқатланишдан олдин ичилади.

**Пиёз** боши асосида қуийидаги усулда тайёрланадиган қайнатма йўтал, бронхит, ҳатто қизамиқда ижобий натижа беради. *Бунинг* учун 500 г миқдордаги майдаланган пиёз боши, 50 г асил асал, 400 г қанд бир литр сув билан

енгил аланга устида 3 соат давомида қайнатилади. Сүнгра аралашма сузилиб (совитилган ҳолда) оғзи яхши беркиладиган идишга солиб қўйилади. Шарбатдан ош қошиқда кунига 4–6 марта ичилади.

Қўлдаги қадок, майда сўгалларни йўқотиш учун пиёзни ошхона сиркаси билан қайнатиб теридаги нуқсонлар артилади.

Изтиробли йўтал давоси сифатида қуйидагича пиёзли қайнатмадан фойдаланиш мумкин. Бир стакан сутга 2 дона пиёзбошини майдалаб солинади-да, қайнатилиб 4 соат давомида қолдирилади. Сўнгра қайнатма бирорта мато воситасида сузилиб, шарбати ажратилади. Мазкур суюқликдан кунига ҳар 2–3 соатда ичиб турилади.

Пиёзли қайнатма билан юзни хушрўйлаш амалини қўллаш мумкин. Бунинг учун 30 г дан пиёз шарбати, асил асал, пиёзгул (лилия) шарбати ва оқ қатрондан олиб сопол ишида енгил аланга устида қиздирилади, сўнгра ёғоч чўп билан совигунга қадар аралаштирилади. Ундан ажин тушаётган юз териларига суртилса, одам чеҳрасини тиниқлаштириб, бурмалардан муҳофаза этади.

Ровоч илдизи ва мевасидан тайёрланадиган қайнатма иситма хуружида, меъда-ичак касалликларини даволашда ҳамда ичдан оққан қонни тўхтатиш учун тавсия этилади. Ровоч илдизининг сутда қайнатиб тайёрланган қайнатмаси меъда-ичак ва юрак касалликларини даволашда берилади.

**Сано** баргларидан тайёрланадиган қайнатма халқ табобатида никриз, бод, жигар оғрифи, сариқ касаллиги ва, айниқса, қабзиятдан ҳоли қилувчи омил сифатида фойдаланиб келинади. Сано баргларидан оддий усулда дамлама ҳам тайёрлаш мумкин. Бунинг учун бир стакан қайнаб турган сувга 10–15 г қуритилган барглардан солиб, бир соат дамланади. Сурги сифатида фойдаланиладиган бўлса, кечқурун ётишдан олдин дамламадан бир стакан ичилади.

Саримсоқ пиёзбошиси асосида тайёрланадиган қайнатма халқ табобатида иштаҳага барака берувчи, овқатни осон ҳазмланишини таъминловчи, оғриқ қолдирувчи, касаллик

чақи्रувчи микроорганизмларга қирон келтирувчи, сийдик ҳайдовчи, гижжаларни туширувчи дори сифатида тавсия этилади. Саримсоқ қайнатмаси безгакка қарши восита сифатида оёқ салқиганини кетказувчи, қора талоқнинг шишини қайтарувчи, лавша касаллигига даво сифатида фойдаланилади. Саримсоқ қайнатмаси оддий усулда тайёрланади.

**Сачратқи илдизи** асосида тайёрланадиган қайнатмадан иштаҳа уйғотувчи, овқатни осон ҳазмлаштирувчи восита сифатида фойдаланилади. Ўсимликнинг ер устки қисми асосида тайёрланадиган дамлама билан эса офтоб урган болалар чўмилтирилади. Сачратқи ҳамда мойчечак гуллари аралашмасидан тайёрланган қайнатма жигар, талоқ, буйрак касалликларини даволашда ишлатилади.

Сачратқи ўсимлигининг ўти асосида тайёрланадиган дамлама гастрит, гастроэнтерит, ўтдаги тош касаллиги, нефрит, сийдикни ушлай билмаслик, талоқ ва бавосил касалликларини даволашда тавсия қилинади.

Илмий манбаларда қайд қилинишича, сачратқи гуллари одамнинг марказий нерв системасига тинчлантирувчи сифатида таъсир кўрсатади, юрак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, уйғунлаштиради. Ўсимлик илдизи асосида тайёрланган қайнатма эса микробларга қирон келтирувчи хусусиятга эгадир.

*Сачратқи илдизидан уй шароитида қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан сув солиб, устига майдаланган илдиздан бир чой қошиқ миқдорида солинади. Уни енгил аланга устида бир оз муддат қайнатиб, 2 соат давомида қўйиб қўйилади. Шундан сўнг дока воситасида сузилиб, шарбатдан кунига 3 маҳал овқатланишдан олдин ярим стакандан истеъмол этилади. Шунингдек, 1 чой қошиқ миқдоридаги майдаланган ўсимлик ўтининг устига бир стакан миқдорида қайнаб турган сув солиниб, чучуклаштирилади-да, ярим стакандан кунига уч маҳал овқатланишдан олдин ичилади. Одатда сачратқи маҳсулотларидан тайёрланадиган доривор омиллар фақат ичиш олдидан тайёрланиши маъқул кўрилади.*

Тут пўстлоқлари асосида тайёрланадиган қайнатма яраларни даволашда фойдаланилади, балғам кўчирувчи, сийдик ҳайдовчи сифатида ишлатилади. Барг қайнатмаси киши шамоллаб, иситмалаб қолганда ҳароратни туширувчи дори сифатида қўлланилади.

**Тухумак мевалари** асосида тайёрланадиган қайнатма bemavrid соч тўкилишига хотима берувчи омил сифатида ташқи муолажага ишлатилади. *Бунинг учун 10 г миқдордаги тухумак меваси майдаланган ҳолда олиниб, унинг устига, 190 г қайноқ сув солинади-да, 10 дақиқа давомида дамланади. Шундан сўнг бирорта мато воситасида сузилиб, фойдаланилади.*

**Хантал уруғи** солингган ванналардан фойдаланиладиган бўлса, оғриқ қолдирувчи, бронхит, миозид, бод асоратига енгиллик берадиган омил ҳисобланади. Бунинг учун 200–500 г миқдордаги хантал уруғи обдон эзилиб, фойдаланилаётган ювениш идишига солинади. Бундай муолажани қабул этиш 20 дақиқадан ошмаслиги керак.

**Қизилмия** (чучукмия, ширинмия) илдизи асосида тайёрланган қайнатма томоқ қуриганда, зиқнафасда, кўййутал, кўкрак оғриғи, шунингдек, меъда-ичак (қабзият, меъда яллиғланиши) касалликларини даволашда тавсия этилиши билан бирга, изтиробли йўтал ва юқори нафас йўлларининг шамоллаши билан боғлиқ бўлган хасталикларда балғам кўчирувчи бўлиб хизмат қиласи, шунингдек, енгил сурги ва сийдик ҳайдаш хусусиятидан ҳам фойдаланилади.

Қизилмия таркибида мавжуд бўлувчи глициризин кислотаси ўзининг тузилиши бўйича инсон буйрак усти безлари этиштирадиган гормон-кортизонга ўхшайди. Глициризин кислотаси кортизон ва унинг ҳосиллари сингари организмни шамоллашдан муҳофаза қилувчи, аллергияни раддияловчи (кўз касалликларида, қѝчима, эшакеми, қўтир азиятларида) модда бўлиб чиқди. Қизилмия зиқнафасда, меъда жароҳати битишида йжобий натижаберганлиги қайд қилинган. Усимлик препаратлари

киши организми шамоллаши натижасида ҳосил бўладиган заҳарли моддалардан холи қилувчи омил ҳамдир. Баъзи кузатишларга қараганда, қизилмия препаратлари артрит хасталигини авж олишига тўсқинлик қилас экан.

Қизилмия илдизидан доривор қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан сув қуйилади, устига майдаланган маҳсулотдан 15 г миқдорида солиб, 10 дақиқа қайнатилади ва бир соат мабайнида қўйиб қўйилади. Шундан кейин дока воситасида сузилиб, шарбатидан кунига 4–5 маҳал бир ош қошиқдан истеъмол этилади.

Ялпизнинг ер устки кисмидан тайёрланган қайнатма халқ табобатида тиш оғрифи, оғиз караши, милк яллиғланганида ижобий натижа беради. Ялпиз қайнатмасига қанд қўшиб тайёрланган қиём қуянчиққа даволиги бор. Ялпиздан тайёрланган дамлама истеъмол этилса кўнгил озиши, меъда айнишига хотима бериб, юрак ҳапифи кишига таскинлик яратади. Маълумотларга қараганда, бундай муолажа ўт ҳайдаш хусусиятига эга бўлиб, жигарга ором бағишлийди. Ялпизли дамлама қизилчага ижобий натижа бериши билан бирга гижжа ҳайдовчи омил сифатида ҳам фойдалидир. Ялпизли қайнатма истисқо, қўтириб, бод, сариқ, ширинча, йўтални ва бошқа касалликларни даволашда наф этиши, шунингдек, чанқов босувчи ва балғам кўчириш хусусиятига эга.

Янтоқ илдизи асосида тайёрланадиган қайнатма халқ табобати амалиётида бавосил касаллигини даволашда, енгил сурги сифатида фойдаланиш билан бирга, ичдан қон оқишини тўхтатиш мақсадида ҳам тавсия қилинади. Үсимликнинг ер устки қисми асосида тайёрланадиган дамлама чанқоқ қолдирувчи, терлатувчи, сийдик ҳайдовчи, ични юмшатувчи ва изтиробли йўталга малҳамлик қилувчи омил сифатида фойдаланилади.

Уй, шароитида янтоқ илдизидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган сирланган идиш ичига бир ярим стакан сув қуйилиб, устига майдаланган маҳсулотдан бир ош қошиқ миқдорида солиб, 15 дақиқа давомида енгил

аланга устида қайнатилади. Сүнг ўт устидан олиб бир соат қўйиб қўйилади. Кейин докада сузиб, кунига 3 марта бир ош қошиқдан ичилади. Янтоқнинг ер устки қисмидан маълум усул билан дамлама тайёрланиб, шарбатдан кунига 4 марта бир ош қошиқдан ичилади.

## **МУНДАРИЖА**

I боб. Табиат билан ҳамнафас.....	3
II боб. Фордаги муолажа .....	33
III боб. Күй сөхри .....	56
IV боб. Мәҳмонар ташрифи .....	71
V боб. “Кулбай горона”да .....	91
VI боб. Беморлар сари сафар .....	116
VII боб. Ажал уясида .....	121
VIII боб. Жаҳаннамда бордек ҳаловат .....	163
Маржон табиб битиклари .....	193

*Адабий-бадиий нашр*

**Набижон ҲОШИМОВ**

# **МАРЖОН ТАБИБ**

**II қисм**

*Саргузашт роман*

**Масъул мұхаррир:** А.Коржовов

**Мұхаррир:** О.Қанаев

**Тех.мұхаррир:** Н.Мирзаматова

**Бадиий мұхаррир:** Р.Ташматов


**Сахифаловчи:** Г.Курбанбаева

Босишига берилди 18.05.2017. Қоғоз биғими 60x84 16  
“Virtec Times UZ” гарнитураси. Нашр босма табоғы 18,0.  
Адади 4000. Буюртма №11.

**«IJOD-PRESS» нашриётіда нашрга тайёрланди.**  
**Нашриёт лицензияси: АI №270**

**«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.**  
**100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.**  
**Email: dizayn-print@mail.ru**





ISBN 978-9943-994-52-2

9 7 8 9 9 4 3 | 9 9 4 5 2 2